

ЧИНГИЗ
АЙТМАТОВ

СОМОН ЙҮЛИ





ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

СОМОН ЙЎЛИ



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент-2019

821.512.134-31-Қирғиз адабиети

УЎК 821.512.133-3

КБК 84 (5Ў)6

А 11

А 39

Айтматов, Чингиз

Сомон йўли: қиссалар/Чингиз Айтматов. Қирғизча ва русчадан Асил Рашидов таржималари. - Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019.-312 б.


«Оқ кема», «Бўтакўз» ҳамда «Сомон йўли» каби машҳур қиссалардан иборат ушбу китоб Чингиз Айтматов ижодининг энг сермахсул давридан далолатдир.

Ҳар учала асар жонли тасвир ва ҳикоячилик жиҳатидан ўқувчи диққатини буткул ўзига тортади.

№ 32527
391

УЎК 821.512.133-3

КБК 84 (5Ў)6



© Гафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2019.

ISBN 978-9943-5423-9-6



ОҚ КЕМА



Қисса

БИРИНЧИ БОБ

Унинг икки эртаги бўларди. Бири ўзиники бўлиб, уни ҳеч ким билмасди. Иккинчисини эса бобоси сўзлаб берганди. Кейин биронтаси ҳам қолмади. Гап шу хусусда.

Ўша йили у етти ёшга тўлиб, – саккизга қадам қўйганди.

Аввал портфел сотиб олинди. Қоп-қора дермантин портфелни очиб-ёпганда шиқиллайдиган қулфи ялтираб турарди. Ёнида майда-чуйда соладиган киссаси ҳам бор. Қисқаси, гаройиб, айти пайтда оддий мактаб портфели эди. Ҳамма нарса, эҳтимол, шундан бошланди.

Бобоси уни кўчма дўкондан сотиб олди. Кўчма дўкон тоғдаги чорвадорларга мол сотиб, айланиб юрганда, уларга ҳам, Сан-Тошдаги ўрмончилик қоровулхонасига ҳам бирров бурилганди.

У бу ердан, дара ва нишаб йўллар бўйлаб тоғдаги қатагон ўрмонга кўтарилди, Қоровулхонада бор-йўғи уч оила яшайди. Лекин шундай бўлса-да, вақти-вақти билан кўчма дўкон ўрмончиларни ҳам йўқлаб турарди.

Уч ҳовлида ёлғиз битта бола бўлиб, у ҳар сафар кўчма дўконни биринчи бўлиб кўрар эди.

– Келяпти! – деб қичқирди у эшик ва деразага қараб чопиб. – Машина-магазин келяпти!

Иссиқкўл бўйларидан бу тарафга чўзилган айланма йўл кела-келгунча дара, дарё соҳили бўйлаб, тошлоқ ва ўнқир-чўнқирлардан ўтиб келарди, Бу йўллардан юриш ҳазилакам иш эмас. Қоровултоққа етгунча йўл пастдан юқорига торайиб, қиялаб борарди-да, кейин тикка тақир нишаблик бўйлаб ўрмончилар ҳовлисига тушади.

Қоровултоғ шундоғ ёнгиналарида – ёзда бола дурбиндан кўлни томоша қилгани деярли ҳар куни ўша ёққа чопарди. У ердан эса йўлда келаётган пиёда-ю, отлиқ, албатта, машина ҳам, ҳамма нарса кафтдагидек кўриниб турарди.

Ўша сафар - иссиқ ёз кунларидан бирида бола ўз кўлобида чўмилиб турган эди, шунда қия йўлни чангитиб келаётган машинани кўриб қолди. Кўлоб дарёнинг четроқ саёз жойида, қумлоқ ерда бўлиб, бобоси тош қалаб тўсиб берган эди. Агар шу тўсиқ бўлмаган-да, ким билади, балки бола ҳам аллақачонлар тирик қолмаган бўлармиди? Бувисининг айтишича, дарё аллақачон унинг суякларигача ювиб, тўғри Иссиқкўлга элтиб ташлармиди ва у ерда балиқлар ҳамда сувдаги ҳар хил балон баттарларга ем бўлармиди? Ҳеч ким уни қидириб жон койитмас, дардида куйиб, адо бўлмас эди, рост-да, сувда пишириб қўйибдими? Сирасини айтганда, у кимга ҳам керак. Ҳали ҳозирча бу фалокат бўлганича йўқ. Содир бўлса, ким билади, бувиси балки чиндан ҳам уни қутқаргани уриниб кўрмас, кампир туғишган бувиси бўлганда бошқа гап эди, ахир, унинг ўзи, ўгайсан, деб юради-ку. Ўгай эса қанча едириб, қанча ичирма, барибир ўгайлигига боради. Ўгай... Агар у ўгай бўлишни истамаса-чи? Хўш, нега энди у ўгай бўлиши керак? Балки у эмас, бувисининг ўзи ўгайдир?

Лекин бу тўғрида ҳам, бобоси ясаган тўсиқ ҳақида ҳам кейинроқ гап бўлади.

Шундай қилиб, у ўшанда кўчма дўконни узоқдан кўриб қолди, машина кетидан тўзон кўтариб, тоғдан тушиб келаётган эди. Шунда у қувониб кетди, ўзига портфел олиншини билгандек қувониб кетди. Шу заҳотиёқ сувдан сакраб чиқди, чиллакдек оёқларини иштонининг почаларига тикди-ю, сувнинг совуқлигидан кўкариб кетган баданининг хўли билан кўчма дўконнинг келаётганини биринчи бўлиб етказиш учун сўқмоқдан уйлар томон чопиб кетди.

Бола буталар устидан ҳатлаб, сакраб ўтиш қийин бўлган харсанг тошларни ёнлаб ўтиб, на ўсиқ ўтлар, на харсанг тошлар олдида, булар шунчаки нарсалар эмаслигини билса-да, бир дақиқа ҳам тўхтамай чопиб борарди. Улар ранжиб қолиши, ҳатто чалиб йиқитиши ҳам мумкин эди. «Машина-магазин келди. Мен кейин келаман», - йўл-йўлакай у «чўкиб ётган туя»га гап қотди. У бағрини ерга бериб ётган сарғиш букри тошни шундай деб атарди. Одатда бола ўз «туя»сининг ёнидан унинг ўркачини силамасдан ўтмасди. Худди бобоси думи чўлтоқ ахта отини шапатилгани каби, у ҳам ишнинг кўзини биладиган кишилар сингари ўз «туя»сининг ёнидан ўтиб бораётиб наридани бери, сен сабр қилиб турасан энди, менинг ишим чиқиб қолди, деб уни шапатилаб қўярди. Унинг харсанг тошида «эгар» ҳам тайёр эди. Ярми оқ, ярми қора бу чавқар тошдаги эгарчада худди отда ўтиргандек ўтирган бўларди. Яна «бўри» деган тош бор - бўрига жуда ўхшаш қўнғир, оқ оралаган, ёлдор ва чўнг пешанали. Бола унинг олдида писиб эмаклаб борарди-да, мўлжалга оларди. Лекин энг севимли тош, бу сув ювиб кетган қирғоқдаги каттакон харсанг «танк» эди. Қараб турсанг «танк» қирғоқдан отилиб чиқади-ю, дарёни шовқин-суронга солиб, тўлқинлантириб, кўпиклантириб, юриб кетадигандек. Танклар киноларда ахир шундай юради-ку, қирғоқдан сувга отилади: кетди! Бола киноларни кам кўрган, шунинг учун ҳам кўрганлари ёдида қаттиқ ўрнашиб қолган. Бобоси баъзан уни кино кўрсатгани тоғ ортидаги - қўшни дарадаги совхоз наслчилик фермасига олиб борарди. Шу сабабли ҳам қирғоқда дарёни ҳар қачон кесиб ўтишга шай турган «танк» пайдо бўлди. Яна бошқа - «яхши» ва «ёмон» тошлар, ҳатто «айёр» ва «овсар»лари ҳам бор.

Ўтлар орасида ҳам - «севимли», «ботир», «хуркак» ва «ёвуз» ҳамда бошқа ҳар хиллари мавжуд эди. Чақиртикан, масалан, - энг биринчи душман. Бола у билан кунига ўн марта лаб жанг қилган, чопиб ташлаган. Лекин бу жангнинг

охири кўринмасди - чақиртикан ҳадеб ўсаверар ва кўпа-
яверарди. Мана, даладаги печак гуллар, тўғри, улар ҳам ёв-
войи, шунга қарамай булар энг ақлли ва қувноқ гуллардир.
Улар эрталаб қуёшни ҳаммадан ортиқ яйраб қарши олади.
Бошқа ўтларга - тонг нима, тун нима, барибир. Печакгул-
лар эса кун илиши биланоқ кўз очади, кулиб боқади. Ол-
дин бир кўзини, кейин иккинчисини очади, шундан сўнг
бағридаги барча гуллар бирин-кетин очила бошлайди. Оқ,
оч кўк, бинафша ва яна ҳар хил рангда... Агар уларнинг ол-
дида сукут сақлаб ўтирсанг, гўё бу гуллар уйқудан уйғо-
ниб, алланималар ҳақида шивирлашаётгандек туюлади.
Чумолилар ҳам буни сезади. Улар эрталабдан печакгуллар
ҳузурига чопиб, қуёш нурларидан кўзларини қисиб, гул-
ларнинг ўзаро нималар ҳақидадир шивирлашаётганига
қулоқ солади. Балки, кўрган тушларини сўйлашаётган-
дир?

Кундузлари, одатда туш вақтига бориб бола серпоя
широлжинлар гуж бўлиб ўсган томонга жўнашни яхши
кўрарди. Широлжин баланд бўйли, гулсиз, лекин хушбўй
ҳидли бўлади. Улар ён-верига бошқа ўсимликни йўлатмай
тўда-тўда бўлиб, алоҳида ўсади. Широлжин – садоқатли
дўстдир. Айниқса, бирор кўнгилсизлик юз бериб, пинҳо-
на йиғлагинг келганда широлжин остидан яхши паноҳ
топиш мумкин. Улар ўрмон ёқасидаги қарағайзорлар син-
гари ёқимли ҳид таратиб туради. Широлжинлар қучоғи
қайноқ ва сокин. Энг муҳими - улар осмонни тўсиб қўй-
майди. Чалқанча ёт-да, осмонни томоша қилавер. Аввал
кўз ёшлари орасидан ҳеч нимани ажрата олмайсан. Ке-
йинчалик эса, булутлар сузиб кетади ва сен ўйлаётган нар-
салар осмонда, кўз олдинда аниқ намоён бўла бошлайди.
Булутлар яхши билади: кўнглинг анча нохуш, қаёқларга-
дир жўнаб қолгинг ёки учиб кетгинг келади, токи сени то-
полмай, оҳ-воҳ қилишсин: «Эҳ болагина, бедарак кетди-я,
энди уни қаердан топамиз», деб куйиб юришсин. Бундай
бўлмаслиги учун - сен йўқолиб қолмаслигинг ва жимгина

ётиб, булутлардан завқланишинг учун сен нимани истасанг булутлар ўшанга айланиб қолади. Ўша биргина булутнинг ўзидан турли-туман шакллар юзага кела бошлайди. Фақат булутлар қандай шаклга кираётганини кўриб билсанг бас.

Шиरोлжинлар таги жимжит, улар осмонни тўсмайди. Шиरोлжинлар мана шунақа, илиқ қарағайзор ҳидини уфуради.

У ўтлар тўғрисида кўп нарса биларди. Сув босадиган пичанзордаги кумушранг супурги ўтларга раҳми келарди, жуда ғалатида бу супурги ўтлар, ҳавойи жуда. Уларнинг ипақдек майин попуқлари шамолсиз яшолмайди. Шамолни кутгани-кутган, шамол қаёққа эсса, ўша ёққа эгилиб, худди буйруққа бўйсунгандек, ёппасига салом беради. Агар ёмғир қуйиб берса ёки момақалди роқ бошланиб қолса борми, гиёҳлар қаерга бош суқишини билмай қолади. Тўлғанади, тиз чўқади, ер бағирлаб қолади. Оёқлари бўлганда-ю, эҳтимол, кўз етган жойгача қочиб қолишармиди... Йўқ, улар ўзларини муғамбирликка соляпти. Момақалди роқ тинсин-а, ҳавойи супурги ўтлар яна шамолнинг ҳукмида-шамол қаёққа эсса, улар ҳам ўша ёққа эгила бошлайди.

Бола ёлғиз, жўраларсиз мана шу содда - баёв нарсалар қуршовида яшарди, автолавкагина ҳамма нарсани унутишга, кўринганда чопишга мажбур қила оларди. Шунинг учун кўчма дўконни кўрган заҳоти ҳамма нарсани унутиб, ўзини ўша томонга отарди. Нимасини айтасан, кўчма дўкон - бу сенга аллақандай тош ёки ўтлар эмас. Унда кишининг жонидан бўлак ҳамма нарса бор!

Бола уйига етиб келганида кўчма дўкон ҳам орқа томондан ҳовлига яқинлашиб қолган эди. Ўрмон хўжалиги қоровулхонасига қарашли бу уйлар дарёга қаратиб солинган. Ҳовлилар қиялаб қирғоққа туташар, дарёнинг нариги қирғогида эса ўрмон сув ювган жар четидан бошланиб, тоғга қараб кўтарилиб кетар эди. Шунинг учун ҳам ўрмон хўжалигига қарашли қоровулхонага йўл уйларнинг орқа

томонидан айланиб келарди. Бола ўз вақтида етиб келмаганида кўчма дўкон келганини ҳеч ким билмай қоларди.

Бу пайт эркаклардан ҳеч ким йўқ, ҳаммалари эрталабоқ тарқаб кетишган, аёллар уй ишлари билан машғул эди. Бола очиқ турган эшикларнинг олдидан қулоқни қоматга келтириб қичқириб ўтди:

– Келди! Машина-магазин келди!

Аёллар типирчилаб қолишди. Яшириб қўйган пуллари топиш учун югуриб қолишди, уйларидан отилиб чиққанларича бир-бирларидан ўзиб кетишди. Машина олдига чопишди, ҳатто бувиси уни мақтаб қўйди:

- Кўзи ўткир-да, бизнинг боланинг!

Бола кўчма дўконни ўзи бошлаб келгандай боши осмонга етган эди. Бу хушхабарни уларга у етказгани, бирга ҳовлидан чопиб чиққани, эшиги очиқ турган автофургон олдида улар билан тикилишиб турганидан хурсанд эди. Лекин аёллар бу ерда уни тез унутиб қўйишди. Унга қарашга вақт бормиди? Минг хил мол - кўз қамашади. Аёллар бор-йўғи уч киши: бувиси, бу ернинг энг каттакон кишиси - ўрмон қоровули Ўразқулнинг хотини Бекей (Бекей – онасининг опаси, унга хола) ва ёрдамчи ишчи Сейдахмаднинг хотини ёшгина Гулжамол қизчасини кўтариб олганди. Бор-йўғи уч аёл. Лекин улар ҳовлиқиб, молларни шундай титиб ташлашдики, охири сотувчи уларнинг навбат кутишини ва ҳаммалари бараварига жаврамасликларини талаб қилишга мажбур бўлди.

Аммо унинг сўзи аёлларга унчалик таъсир қилмади: аввал бошида улар бор нарсани бир чеккадан тортқилай бошлашди, кейин танлашга тушишди, охири танлаганларини ҳам қайтаришди.

Бир четга олиб қўйишади, ўлчашади, баҳслашишади, шубҳаланиб, бир сўраган нарсаларини ўн қайталаб сўрашади. Бири ёқмайди, иккинчиси қиммат, учинчисининг ранги унчамас... Бола бир четда турарди. У зерикди. Зеро, у кутган ғаройиб нарса йўққа чиққан, тоғ йўлида кўчма

дўконни биринчи бор кўргандаги қувончи ғойиб бўлган-ди. Кўчма дўкон кутилмаганда ҳар хил лаш-лушлар тиқилган оддий машинага айланиб қолди.

Сотувчининг қовоғи солина бошлади: бу хотин-халаж бирон нарса сотиб олиш учун тўпланишганга ўхшамайди. Тоғ ошиб, бунча узоқ манзилга нима учун ҳам келди-а?

Шундай бўлди ҳам. Аёллар шахтларидан қайтиб шалвираб қолишди. Бир оз чарчагандай ҳам бўлишди. Негадир бир-бирларининг олдидами ёки сотувчи олдидами, ўзларини оқлашга тушишди. Буви биринчи бўлиб, пули йўқлигидан шикоят қилди. Пули йўқнинг - хариди йўқ, Бекей хола эри йўқлиги сабабли каттароқ харид қилишга ботина олмади. Бекей хола оламдаги ҳамма аёллар ичра энг бахтсизи – сабаби, фарзанди йўқ. Шунинг учун эри Ўразкул маст бўлганида уни дўппослайди, бундан бобо ҳам жабр тортади: ахир Бекей унинг қизи-да, Бекей хола майда-чуйда ва икки шиша ароқ олди, Бекорга олди, ўзига жабр. Буви ўзини тугиб туролмади. Сотувчи эшитмасин деб пичирлаб сўради.

– Нега ўз бошингга ўзинг балони сотиб оляпсан?

– Ўзим биламан, - қисқа жавоб қилди Бекей хола.

– Аҳмоқ, - яна ҳам секинроқ, лекин бадхоҳлик билан шивирлади буви. Сотувчи бўлмаганидами, Бекей хола-нинг бошлаб адабини берарди. Э-ҳе, уларнинг қаргашганини бир кўрсангиз...

Уларнинг жонига ёш жувон Гулжамол оро кирди. У ўзининг Сейдахмади шаҳарга тушишга тайёрланаётганини, пулсиз шаҳарга бориб бўлмаслигини, шу сабабдан пул сарф қилолмаслигини сотувчига тушунтира кетди.

Шу тариқа улар кўчма дўкон олдида ивирсиб туришди-туришди-да, сотувчи айтгандек, «уч пул»га нарса харид қилиб, уйларига тарқалиб кетишди. Шу ҳам савдо бўлдими ахир? Сотувчи жўнаб кетган аёлларнинг орқасидан тупуриб қоларкан, тезроқ рулга ўтириб жўнаб кетиш учун кўкитиб ташланган молларни йиғиштира бошлади. Шу пайт болага кўзи тушди.

– Нимага турибсан, шалпанг қулоқ? – сўради у. Бола-нинг қулоқлари осилган, бўйни ингичка, боши катта ва юм-юмалоқ эди. – Бирон нима оласанми? Олсанг, тезроқ кел, бўлмаса ҳозир ёпаман. Пулинг борми?

Сотувчи шунчаки ўзи, бекорчиликдан сўради, лекин бола узрли жавоб қилди.

– Йўқ, амаки, пулим йўқ, – деб бош чайқаб қўйди.

– Мен бўлсам пулинг борми деб ўйлабман, - сохтаишонч-сизлик билан гап қотди. – Сиз бу ердагилар ҳаммангиз бойсизлар, лекин ўзларингни камбағалга солиб юрасиз-лар... Чўнтагингдаги нима у, пул эмасми, ахир?

– Йўқ, амаки, - деди бола олдингидек самимий ва жид-дийлик билан йиртиқ чўнтагини ағдариб кўрсатаркан (иккинчиси тикиб ташланганди).

– Демак, пулларинг тушиб қолибди-да. Чопган жойла-рингни қидир. Топасан.

Улар жим қолишди.

– Кимнинг боласисан? - яна сўроққа тута бошлади со-тувчи. - Мўмин чолними, а?

Бола бош ирғаб жавоб қилди.

– Набираси бўласанми?

– Ҳа, - бола яна бош силкиди.

– Онанг қаёқда?

Бола ҳеч нима демади. Унинг бу ҳақда гапиргиси кел-масди.

– Онанг ўзи ҳақида ҳеч хабар бермайдими? Ўзинг бил-майсанми?

– Билмайман.

– Отангни-чи? Уни ҳам билмайсанми?

Бола жим қолди.

– Э, оғайни, қанақасан ўзинг, ҳеч нимани билмайсан, - ҳазиломуз ўпка қилди сотувчи. - Ҳа, майли, агар шундай бўлса... Ушла. - У бир сиқим конфет узатди. - Соғ бўл.

Бола ийманиб турарди.

– Ол, ол. Мени йўлдан қўйма. Кетишим керак.

Бола конфетларни чўнтакка солиб, кўчма дўконни йўлга кузатиб қўйиш учун машина орқасидан чопишга шайланди. У ўта бароқ, танбал кўппаги Балтекни ёнига чақириб олди.

Ўразқул ҳамиша уни отиб ташлайман, деб дўқ қилиб юради: бундай кўппакни боқишнинг нима кераги бор. Бобоси ҳар доим аввал биронта овчарка топиш керак, Балтекни эса бирор жойга элиб ташлаш лозим, деб сабр қилишни сўрайди. Балтеكنинг қорнидан бўлак ташвиши йўқ. Тўйса - ухлар, оч бўлса, ўзиникими, бегонами, фарқ қилмай, дуч келган кишига тама билан суйкаланар эди.

Мана шунақа кўппак эди Балтек. Баъзида зерикканидан машина орқасидан чопиб қоларди. Тўғри, узоққа бормасди. Жиндай чопгач, орқасига қайтарди. Дардисар ит. Лекин барибир, ит билан чопиш ёлғиз чопишдан юз марта маъқул. Ҳар нима бўлмасин, итда.

Бола, сотувчи кўрмасин деб, секингина Балтекка битта конфет ташлади. «Билиб қўй, - кўппакни огоҳлантириб қўйди у, - узоқ чопамиз». Балтек унга осилиб, думини ликиллатарди: яна умидвор эди. Лекин боланинг бошқа конфет ташлагиси йўқ эди: ахир сотувчини хафа қилиб қўйиши мумкин, у бир сиқим конфетни итга бергани йўқ-ку.

Худди шу маҳал лоп этиб бобо келиб қолди. Чол асалари кутилари томонга кетганди. У ердан уйлар орқасида нималар бўлаётгани кўринмасди. Иш ўнгидан келди, бобо айна маҳалда кўчма дўкон кетмай туриб етиб келди. Тасодиф. Акс ҳолда набирага портфел насиб қилмаган бўларди. Шу куни болага бахт кулиб боқди.

Кўпни кўрган кишилар кекса Мўминни - Мўмин чаққон деб аташарди. Бу атрофда уни ҳамма танирди, у ҳам ҳаммани биларди. У очиқ кўнгиллиги, ҳатто салпал биладиган одамига ҳам бирон яхшилик қилишга тайёрлиги, ҳар кимнинг хизматига ҳозирю нозирлиги, ҳаммага садоқати ва хушмуомалалиги туфайли шундай лақаб олганди. Аммо тиллани текин тарқатишган-

да ҳеч ким учун қадри қолмаганидек, унинг жонбозлигининг қадрига ҳам ҳеч ким етмасди. Унинг ёшидаги кишиларга қандай ҳурмат ва иззатда бўлишмасин, Мўминга ҳеч ким бундай муносабатда бўлмасди. У билан бетакаллуф муомала қилишарди. Буғу авлодининг машҳур оқсоқолларидан бирортасининг улуғ маъракаларида Мўмин буғу авлодидан бўлиб, бу билан го-ятда фахрланар ва ўз қабиладошларидан биронтасининг маъракасидан қолмасди, унга мол сўйдиришар, мартабали меҳмонларни қарши олиб, отдан тушириш, чой узатишу ўтин ёриб, сув келтиришгача ҳамма ишни унга топшираверишарди. Турли тарафдан сон-саноксиз меҳмонларни кутиб олиш лозим бўлган бундай катта маъракаларда озмунча ташвиш бўладими? Мўминга нима хизмат буюрилмасин, у ана-мана дегунча барини саранжом-саришта қилар, энг муҳими - бошқалардек бўйин товлайвермасди. Бу тумонат меҳмонларни кутиб ва овқатлантириб жўнатиши лозим бўлган овул ёшлари Мўминнинг бу ишларни қандай қилиб жойига қўяётганини кўриб қойил қолишарди:

– Мўмин чаққон бўлмаса, биз нима қилардик-а? Баъзида эса ўз набираси билан узоқдан келган чол чойхоначи йигитга қарашиб кетарди. Мўминнинг ўрнида бошқа одам бўлганда бу ишни ҳақорат деб биларди, лекин Мўмин парво ҳам қилмайди.

Кекса Мўмин чаққоннинг меҳмонларга елиб-югуриб хизмат қилиши ҳеч кимни ажаблантирмас - шунинг учун ҳам ўз номи билан Мўмин чаққон-да. Мўмин чаққон бўлишига ўзи сабабчи. Агар чет одамлардан биронтаси ажабланиб, - ҳей қария, нега хотинларга дастёрлик қилиб юрибсан, бу овулда ёш йигитлар қуриб кетганми, – деб қолгудай бўлса, Мўмин шундай жавоб қиларди:

– Марҳум менинг оғам эди (у буғу авлодининг ҳаммасини ўз оғаси санарди. Лекин бошқа меҳмон-

лар учун ҳам улар ёт эмас, «оға» эди). Уларнинг маъракасида мен хизмат қилмасам ким хизмат қилади? Биз, буғу авлоди, бош онамиз - Шохдор она буғудан тарқалганимиздан буён ана шундаймиз. Кароматли Шохдор она буғу эса бизга тирикда ҳам, ўликда ҳам дўстликни васият қилиб қолдирган.

Мўмин чаққон мана шунақа одам эди!

Кекса ҳам, ёш ҳам уни «сан»лаб гапирар, қалтис ҳазил ҳам қилаверишарди - чол беозор эди, у билан ҳисоблашмаса ҳам бўлаверарди - чол безабон эди. Ўз ҳурматини талаб қилишнинг уддасидан чиқмаган кишини одамлар оёқости қилаверади, деб бекорга айтишмаган-да. У шунинг уддасидан чиқмасди.

Унинг қўли гул эди. Дурадгорлик, эгарчилик қиларди, ёшлигиданоқ пичан гарамлашнинг устаси эди, колхоз учун шундай гарамлар ясардики, қишда уларни бузишга кўз қиймасди: ёмғир унинг устидан худди ғознинг патида сирғангандек силлиқ тушар, қор эса томнинг икки нишабига тушгандек тушиб кетарди. Урушда меҳнат фронтида Магнитогорскдаги заводларнинг ғиштини терди, стахановчи бўлиб шуҳрат қозонди. Қайтиб келгач, қоровулхонада ёғоч уй қурди, ўрмончилик билан машғул бўлди. Ёрдамчи ишчи бўлиб ҳисобланса ҳам, аслида, ўрмонга кўз-қулоқ эди, унинг куёви Ўразқулнинг эса умри кўпинча меҳмондорчилик билан ўтарди. Бошлиқлар бостириб келдими, бас, Ўразқул уларни дарҳол ўрмонга бошлар, ов уюштирар, хуллас, ҳамма нарсага мутасаддилик қиларди... Молларга ҳам Мўмин қарар, асаларилар ҳам унинг бўйнида эди. Мўминнинг бутун умри эрта тонгдан қора кечгача ишда, ташвишда ўтди, лекин ҳурмат талаб қилишни ўрганолмади.

Мўминнинг ташқи кўриниши ҳам мўйсафид кексаларга ўхшамасди. Сипогарчилиги ҳам, жиддийлиги, баджаҳллиги ҳам йўқ. Оқкўнгил эди у. Унинг қадр

топмайдиган бу инсоний хусусиятини бир қарашда-ёқ пайқаб олса бўларди. Бундай қисмат ҳамиша унга: «Оққўнгил бўлма, ёвуз бўл! Мана, сенга оқибат! Ёвуз бўл!» деб таъкидлаб келса ҳам, у ўз хушфёълигини ташламайди. Унинг юзлари кулимсираб турар, ажинлари қат-қат эди. Кўзлари эса ҳар доим: «Нима истайсан? Бирор оғирингни енгил қилайми? Мен тайёрман, фақат айтсанг бас, нимага муҳтожсан?» - дегандек мўлтираб турарди.

Бурни ҳам юмшоқ, ўрдакникидай ялпоқ, бамисоли кемирчаги йўқдай. Бўйи ҳам кўп баланд эмас, ўсмирлардай чаққонгина чол. Соқол нима деган гап - шу ҳам насиб қилмаганди. Қип-қизил кўса. Яйдоқ иягида икки-учтагина сариқ тук бор, холос. Бор-йўқ соқол шу.

Бот-бот йўлда басавлат чолга дуч келасан-у соқоли кўксига тушган, кенг-мўл пўстинининг ёқасига сербар барра қопланган, бошида қимматбаҳо телпак, остида эгарлари кумушдан арғумоқ - бир қарасанг донишманд, бир қарасанг пайғамбар, бундай кишига таъзим қилгани ҳеч тортинмайсан, бундай киши ҳамма жойда иззатда! Мўмин эса фақат Мўмин чаққон бўлиб туғилган. Эҳтимол, унинг ёлғиз устунлиги шунда эдики, у қандай ўтирдим, билиб гапирдимми, қандай жавоб қилдим, қандай кулимсирадим деб ташвишланмас, бировларнинг олдида обрўси тўкилишидан чўчимасди.

Мўмин мана шу маънода, ўзи сезмаган ҳолда, камдан-кам учрайдиган бахтли одам эди. Кўп одамларни касаллик эмас, ўз наздида ўзлигидан каттароқ қўйишдек худбинлик, аламзадалиқ балоси кемириб адо қилади. (Доно, бообрў, хушрўй, бунинг устига қаттиққўл, адолатли ва жасур деган ном чиқаришни ким истамайди?..)

Мўмин эса бундай эмасди. У афандифеъл эди ва унга афандига муомала қилгандек муомала қилишарди.

Фақат бир нарса Мўминни қаттиқ хафа қилиши мумкин эди: биронтасининг маъракасини ўтказиш учун қариндошлар тўпланадиган кенгашга уни чақиришни унутиб қўйишса... У қаттиқ ранжир ва буни унутолмай азоб чекарди, гап - уни четлаб ўтганларида эмас, у кенгашда барибир ҳеч нимани ҳал қилмас, фақат қатнашарди, холос. Бунинг боиси қадимий урф-одатнинг поймол бўлгани эди.

Мўминнинг ўз ташвишлари бор, у буларнинг азобини тортарди, оқшомларни кўз ёши билан ўтказарди. Бегоналар бундан деярли хабарсиз. Яқин кишилари эса билишарди.

Мўмин набирасини кўчма дўкон олдида кўргандаёқ унинг нимадандир хафа эканлигини дарҳол фаҳмлади.. Сотувчи мусофир бўлгани учун чол дастлаб у билан сўрашди. Эгардан тезгина сакраб тушиб, дарҳол икки қўлини сотувчига узатди:

– Ассалому алайкум, катта савдогар! – деди у ярим ҳазил, ярим чин. – Карвонинг омон-эсон етиб келдимиз, савдо-сотигинг яхши бўляптими? – Мўмин очиқ кўнгиллик билан сотувчининг қўлларини силкитди. – Қанча сувлар оқиб ўтди кўришмаганимиздан бери. Хуш кўрдик!

Сотувчи унинг сўзлари ва кўримсиз кийим-боши устидан такаббуруна кулиб қўйди - ўша- ўша бесўнақай кирза этик, кампир тиккан бўз иштон, титилиб кетган камзул, ёмғир ва офтобда сарғайиб кетган кигиз қалпоқ. Сотувчи Мўминга жавоб қилди:

– Карвон бут. Фақат шуниси чатоқки, савдогар бу ёққа келганда, думингизни тутқазмайсиз, ўрмонга, қирга қочасиз. Хотинларингизга бир тийинни ўн жойидан тугиб сақлаб қўйишни тайинлайсиз. Бу ерда молни уюб ташласанг ҳам бирон киши бир тийин чиқаргиси келмайди.

– Айбга қўшма, қадрдон, - хижолатомуз кечирим сўради Мўмин. – Сенинг келишингни билганимизда

кетмасдик. Пулни айтадиган бўлсанг, йўқни йўндириб бўлмайди. Мана кузда картошкаларни сотамиз...

– Гапир-а, - унинг сўзини бўлди сотувчи. - Сиз қурумсоқ бойларни яхши биламан. Тоғда яшайсиз, ер, пичан истаганингча. Чор атрофинг ўрмон - уч кунда айланиб чиқолмайсан. Молинг борми? Асаларинг борми? Ҳаммаси бор. Бир тийин устида эса азон айтасан. Мана, харид қил, шойи кўрпа, тикув машинасидан битта қолди...

– Худо ҳаққи, бунақа пул йўқ менда, - ўзини оқлади Мўмин.

– Шу гапларимга ишонади деб ўйлайсанми? Қурумсоқ чол, пул йиғасан. Хўш, қаерга олиб кетасан?

– Худо ҳаққи, йўқ. Шохдор она буғу ҳаққига қасам ичаман!

– Ҳай, майли, чий бахмал ол, янги шим тиктириб оласан.

– Олган бўлардим, Шохдор она буғу ҳаққи!

– Э-е, сен билан тортишиб ўтиришдан фойда йўқ, - сотувчи қўл силтади. - Бекор келибман. Ўразқул қаёқда?

– Эрталаб барвақт Оқсойга кетганди. Чўпонларда иши бор...

– Меҳмондорчиликда юрган, чиқар, - ўзича тушунган бўлди сотувчи.

Ноқулай жимлик чўкди.

– Сен хафа бўлмагин, чироғим, - яна гап бошлади Мўмин. - Кузда, худо хоҳласа, картошкани сотамиз...

– Кузгача узоқ.

– Бундай бўлса, кечиргин. Худо хайрингни берсин, уйга кир, чой ичиб кетасан.

– Чой ичгани келганим йўқ, - рад этди сотувчи. У фургоннинг эшикчасини ёпиб туриб, чолнинг ёнида кўппагининг қулогидан ушлаб машина орқасидан чопишга шай бўлиб турган болага кўзи тушди-да, деди:

– Ҳеч бўлмаса портфель олгин. Бола ҳадемай мактабга борар, албатта? Ёши нечада?

Мўминга бу маслаҳат маъқул тушди: ҳафсаласи пир бўлган сотувчидан нимадир харид қилиши шарт эди, қолаверса, набирасига чиндан ҳам портфель керак, бу йил кузда мактабга боради.

– Тўғри айтасан, – безовталаниб қолди Мўмин, – менинг хаёлимда ҳам йўқ эди. Бўлмаса-чи, етти-саккизга чиқди. Қани, бу ёққа кел, – набирасини чақирди у.


Бобо чўнтагини ковлаштириб, яшириб юрган беш сўмликни чиқарди. Кўпдан бери ёнида юрган бўлса керак, гижимланиб кетибди.

– Ушла, шалпанг қулоқ, – сотувчи болага айёрона кўз қисиб портфелни узатди. – Энди ўқишни қотиргин. Хат-савадингни чиқармасанг, бобонг билан мана шу тоғларда абадий қолиб кетасан.

– Ўқийди! Унинг зеҳни ўткир, – қайтимни санаркан, жавоб қилди Мўмин. Кейин янги портфелни авайлаб ушлаб турган набирасига кўз югуртирди-да, уни бағрига босди. – Мана, яхши бўлди. Кузда мактабга борасан, – деб қўйди секингина.

Бобоси қадоқ қўлини боланинг бошига майингина қўйди. Шу дам боланинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди ва қотма бобоси кийимларининг ўзига таниш ҳиди димоғига урилди. Ундан қуруқ пичан ва меҳнаткаш кишининг тер ҳиди келарди. Садоқатли, ишончли, мўтабар киши у. Эҳтимол, ер юзида болани жон-дилидан яхши кўрадиган, ақллилик балосига учраган киши - Мўмин чаққон деб аталган бу чол шундай содда, афандифеъл эди... Хўп, нимаси ёмон буни? Ҳар нима бўлмасин, ўз бобонг бўлгани яхши.

Чексиз қувончга тўлишини бола хаёлига ҳам келтирмаганди. Шу пайтгача мактаб ҳақида ўйлаб кўрмаганди. Шу пайтгача фақат бобоси билан бугу авлодидан машҳур кексаларнинг маъракасига борганди - тоғлар ортидаги Иссиққўлда қишлоқларидан мактабга қатнаган болаларни кўрганди.



Бола шу ондан бошлаб портфелдан айрилмай қолди. Шодлигидан терисига сигмай мақтаниб қоровулхонанинг бутун ҳовлисини айланиб чиқди. Аввал бувисига кўрсатди.

Мана, бобом олиб берди!

Кейин Бекей холасига кўрсатди. У ҳам портфелни кўриб хурсанд бўлди ва болани мақтаб қўйди.

Бекей холанинг хушнуд дамлари камдан-кам бўларди. Кўпинча ғамгин ва тажанг юрар, жиянига эътибор ҳам қилмасди. Бунга вақти ҳам бўлмасди. Унинг ўз дарди бор. Бувиси, фарзанди бўлганда бутунлай ўзгача юрарди, дерди. Эри, Ўразқул ҳам, Мўмин бобо ҳам ҳозиргидай эмас, балки бошқача одам қиёфасида юрган бўларди. Унинг иккита қизи – Бекей хола ва боланинг онаси бўлса-да, барибир, чолга оғир эди; ўз боланг бўлмаса - бир бало, болангда бола бўлмаса - минг бало. Бувиси шундай деб зорланади. Ким билсин...

Бола Бекей холасидан сўнг олган нарсасини кўрсатиш учун ёшгина Гулжамол билан унинг қизчаси олдига югурди. Бу ердан эса пичан ўраётган Сейдахмад олдига югуриб кетди. Жигарранг «туя» олдидан чопиб ўтаркан, унинг ўркачларига уриб қўйишга ҳам вақти бўлмади, «эгар» ёнидан, «бўри» ва «танк» ёнидан ўтиб, кейин қирғоқ бўйлаб югуриб борарди. Ёпишқоқ бутазор орасидаги сўқмоқ йўлдан чопиб ўтди. Сўнгра эса ўтлоқдаги узун йўладан Сейдахмаднинг оддигача чопқиллаб келди.

Бугун бу ерда Сейдахмаднинг ёлғиз ўзи эди. Бобо аллақачон ўзининг тегишини, бир йўла Ўразқулнинг ҳам тегишини ўриб қўйганди. Пичанни ҳам аллақачон ташиб бўлишди – бувиси билан Бекей хола ташиб турди, бобоси босаверди, у эса бобосига ёрдамлашди. Молхонанинг олдига иккита ғарам уйишди. Бобоси уларни шундай ихчам босдики, бир томчи ёмғир ҳам ўтмасди. Ғарамлар худди тароқ билан тараб қўйилгандек силлиқ эди. Ҳар йили шу. Ўразқул пичанга қўлини урмайди, ҳаммаси қайнотасининг бўйнида - ҳарҳолда у амалдор. – Истасам, - дейди у, - сен

ларни бир зумда ишдан ҳайдаб юбораман. - У бобо билан Сейдахмадга шундай дўқ қиларди. Бу ҳам мастликнинг касофати. Бобони ҳайдаб бўпти. Унда ким ишлайди? Бобосиз ишлаб кўрсинчи! Ўрмонда иш ошиб-тошиб ётибди, айниқса, кузда. Бобом айтадики, ўрмон қўй суруви эмас, тарқалиб кетмайди, лекин ташвиш ундан оз эмас. Шунга кўра ўт тушса ёки тоғдан сел қуйилса борми - дарахт бирёққа сакрай олмайди, жойидан қўзгалмайди, турган жойида нобуд бўлаверади, Кимки дарахтларни асраб қололса, ўша ҳақиқий ўрмончи бўла олади. Ўразқул Сейдахмадни ҳайдаб бўпти, ундай ювош одам борми, Ҳеч нимага аралашмайди, талашиб-тортишмайди. Бироқ Сейдахмад ҳар қанча ювош, бақувват йигит бўлмасин, ялқов, уйқуни яхши кўради. Ўрмончиликка ҳам шу важдан келиб қолган. Бобо, бундай йигитлар совхозда машина қувиб, тракторда ер ағдариб юришибди, деб куйинади... Сейдахмад эса томорқасидаги картошкани шўрага бостириб юборди. Гулжамолнинг бир ўзи қўлда боласи билан томорқада ишлашига тўғри келди.

Сейдахмад пичан ўримиани ҳам кечиктириб юборди. Бобо ҳатто ўтган куни уни койиб берди. «Ўтган қишда, - деди у, - сенга эмас, молларга ичим ачиди. Шунинг учун пичан бердим. Агар яна мен кекса чолнинг пичанига кўз тикадиган бўлсанг, ҳозироқ айта қол, сен учун ҳам ўришга тайёрман».

Гап таъсир қилди. Сейдахмад бугун эрталабдан ўримга тушиб кетди.

Орқадан келаётган қадам товушини эшитиб, Сейдахмад қайрилди, кўйлагининг енги билан юзини артди.

– Нимага келяпсан? Мени чақиришяптими?

– Йўқ. Портфель олдим. Мана. Бобом олиб берди. Мен мактабга бораман.

– Шунга шунчалик чопиб келдингми? – Сейдахмад хахолаб кулди. – Мўмин бобонинг эси кирарли-чиқарли бўлиб қолган, - у бармоғини чаккасига босиб айлантирди, - сен ҳам шунақа чоғи! Қани, қанақа портфель?

У кулфчасини шиқиллатиб, портфелни у қўлидан бу қўлига олди-да, калласини лиқиллатганча кулимсираб қайтариб берди. – Тўхта, - хитоб қилди у, - сен қайси мактабга ҳам борардинг? Қаерда сенга мактаб тайёр турибди?

– Қаерда бўларди? Фермадаги-да.

– Жилисойга қатнамоқчимисан? - ҳайратланди Сейдахмад. – Ахир у ёққа тоғ оша беш километрча юриш керак, бундан кам эмас.

– Бобом, отда олиб бориб келаман, деди.

– Ҳар куни у ёққа бориб, бу ёққа келарканми? Эсини ебди чол. Унинг ўзини ҳам ўқитиш керак. Сен билан бир партага ўтиради, дарс тугадими - қайтаверади. - Сейдахмад Мўмин бобони набираси билан бир партада ўтиришини кўз оддига келтириб қотиб-қотиб қулди.

Бола ўйга толиб жим қолди.

– Ҳа, мен буни шунчаки кулги учун айтяпман-да! - тушунтирди Сейдахмад.

У боланинг бурнига оғритмайгина чертиб, бошидаги бобосининг фуражқасини тортиб, қоши устига бостириб қўйди. Мўмин ўрмон маҳкамасининг одатдаги фуражқасини кийишга ор қиларди. («Нима, мен бирон-бир бошлиқманми? Мен ўзимнинг қирғиз қалпоғимни бошқа ҳеч қанақасига алмашмайман».) Ёзда ҳам Мўминнинг бошида қора сидирға сатин билан ҳошияланган йўл-йўл оқ қалпоқ - алмисоқдан қолган эски кигиз қалпоқ, қишда ҳам шундай даққиюнусдан қолган тери тақия бўларди. Ўрмон ишчиларининг одатдаги яшил фуражқасини у набирасига берарди.

Сейдахмаднинг янгиликни масҳараомуз қарши олиши болага ёқмади. У хўмрайиб фуражқасининг соябонини манглайи устига кўтарди ва Сейдахмад яна бурнига чертоқчи бўлганда бошини буриб гижинди:..

– Тегишма!

– Оббо сен-ей, жаҳлинг тез экан-ку! - мийигида қулди Сейдахмад. - Ҳа, сен хафа бўлмай қўя қол. Портфелинг

ажойиб. - Кейин унинг елкасига қоқиб қўйди. - Энди туёгингни шиқиллат. Ҳали мен анча-мунча ўришим керак...

Сейдахмад кафтига туфлади-да, яна ўришга тушиб кетди.

Бола эса яна чопганича ўша сўқмоқдан, яна ўша тошлар ёнидан уйга қайтди. Тошлар билан овунишга ҳали-бери вақти йўқ эди. Портфель - жиддий нарса.

Бола ўз-ўзи билан сўзлашишни яхши кўрарди. Лекин бу сафар ўзига эмас, портфелига сўз қотди: «Сен унинг гапита ишонма, бобом унақа эмас. Унинг сира шумлиги йўқ, шунинг учун ҳам ундан кулишгани-кулишган. Чунки қувлик-шумликни билмайди. У биз иккаламизни мактабга олиб бориб юради. Сен ҳали мактаб қаердалигини билмайсан-а? У унчалик узоқ эмас. Мен сенга унинг қаерда эканлигини кўрсатаман. Биз унга Қоровултоғдан дурбинда қараймиз. Мен яна, сенга оқ кемани кўрсатаман. Фақат биз аввал молхонага кириб чиқамиз. У ерда дурбинимни яшириб қўйганман. Мен унда бузоқчамни кузатиб туришим керак, лекин мен, ҳар куни оқ кемани кўришга чопаман. Бузоғимиз катта бўлиб қолди, тортиб кетса тўхтатолмайсан, сигирни эмиб қўядиган одат чиқарди. Сигир унинг онаси, сутини ундан аярмиди. Тушундинг-ми? Оналар ҳеч қачон, ҳеч нимани аяшмайди. Мана, Гулжамол шундай дейди, унинг қизчаси бор... Тезда сигирни соғиб бўлишади, кейин биз бузоқни яйловга ҳайдаймиз. Ўшанда биз Қоровултоққа чиқамиз-да, тоғдан туриб оқ кемани кўрамиз. Мен ахир дурбин билан ҳам худди ана шундай гаплашаман. Энди биз учтамыз - мен, сен ва дурбин...»

У шу зайлда уйга қайтди. Портфель билан гаплашиш унга жуда ёқиб қолди. У бу суҳбатни давом эттириб, ҳали портфелига номаълум бўлган ўзи ҳақидаги воқеалардан сўзлаб бергиси келиб турганда, унга халақит беришди. Ён томонда отнинг дупур-дупури эшитилиб қолди. Қишлоқ тарафдан бўз отлиқ келарди. Бу - Ўразқул. У ҳам уйга қайтаётибди. Унинг ўзидан бошқа ҳеч кимга минишга рухсат этмайдиган Олабош бўз отига тўй-ҳашамларда урилади-

ган мис узангили эгар урган, кўкрак қайишлари тортилиб, қўнгироқли попукчалар осилганди.

Ўразқулнинг қалпоғи энсасига сурилиб тутдиб, соч қоплаган бир энли қизил паст манглайи очилиб қолган. Иссиқ элитган уни. Район раҳбарлари киядиган нусхадаги унча келиштириб тикилмаган чий бахмал кителининг тугмалари бошдан охиригача ечилиб кетганди. Оқ кўйлаги камари тагидан чиқиб ётарди. Қорни тўқ, кайфи баланд. Бундан сал олдин меҳмонда ўтириб, қимизга тўйган, бурнидан чиққунча гўшт еган эди.

Ён-атрофидаги чўпонлар ва йилқичилар ёзда яйловга келишлари биланоқ Ўразқулни тез-тез меҳмонга чақириварди. Унинг эски ошна-оғайнилари бор эди. Лекин бу таклифлар тама билан қилинарди. Ўразқул керакли одам. Айниқса, тоғда яшаб уй қурмоқчи бўлганлар учун у жудаям керак: молни ташлаб бирон ерга кетолмайсан, қурилиш материалларини қаердан қидирасан, биринчи навбатда ўрмонга келишга мажбурсан. Ўразқулнинг кўнглини топсанг, қарабсанки, дарахт кесиш тақиқланган ўрмондан иккита-учта ёғочни танлаб олиб кетасан-да.

Акс ҳолда тоғда бир умр молнинг орқасидан сарсон-саргардон бўлиб юраверасан, уй қуришинг ҳам бир умр чўзилади...

Лоҳас бўлган қарахт Ўразқул хром этигининг учини узангига эҳтиётсиз тираб, эгарда мудраб борарди.

Бола қўлидаги портфелини силкитиб рўпарасидан чопкиллаб чиқиб қолганда, бу тасодифдан унинг отдан учиб кетишига сал қолди.

– Ўразқул амаки, портфелимни кўринг! Мен мактабга бораман. Мана менинг портфелим!

– Оббо палакат-е! - Ўразқул сесканиб жиловни тортаркан, қойий бошлади.

У болага уйқу аралаш қизарган, шишган, ширакайф кўзларини тикди:

– Нима қилиб юрибсан, қаёқдан келяпсан?

– Уйга кетяпман. Портфелимга қаранг, уни Сейдахмадга кўрсатиб келяпман, - деди бола минғирлаб.

– Майли, ўйнайвер, - тўнғиллади Ўразқул ва эгарда омонатгина тебраниб йўлида давом этди. У ўз тақдиридан ранжиб юрган, худо уни фарзанд доғида куйдириб, бошқаларга сахийлик билан беш-ўнталаб бола бериб қўйган бир пайтда, бу аҳмоқона портфел-у, ота-онаси ташлаб кетган, хотинига жиян бўлмиш бу бола билан қанчалик иши бор...

Ўразқул пишиллаб, хўрсиниб қўйди. Афсус-надомат ва қаҳру газабдан у бўғилиб борарди. У ич-ичидан эзиларди, негаки умри зое ўтяпти, шуларни ўйлаганда, бефарзанд хотинига нисбатан газаби қайнаб-тошарди. Бунинг барига ўша лаънати хотини айбдор, мана бир неча йилдирки туғмаяпти...

«Шошмай тур ҳали!» - Ўразқул гўштдор муштарини сиқиб, хаёлан дўқ урди ва ҳўнграб йиглаб юборишдан ўзини аранг тутиб қодди. У уйга етиши билан хотинини тутиб уришни биларди. Ўразқул маст бўлганда ҳамиша шундай қиларди; бу ҳўкизтабиат эркак ғам ва жаҳддан ақлини йўқотиб қўярди...

Бола сўқмоқдан изма-из бора туриб, олдинда бирдан Ўразқулнинг ғойиб бўлганига ҳайрон қолди. Ўразқул эса дарё томон бурилиб, одан тушди-да, жиловни ташлаб, ўсиқ ўтларни босиб-янчанча пастга тушиб кетди. У чайқалиб ва букилиб, юзларини қўллари билан сиққанича бошини елкалари ичига тортиб борарди. Ўразқул қирғоқ бўйида чўнқайиб ўтириб олди. Дарёдан ҳовучлаб сув олиб юзига сепа бошлади.

«Балки, иссиқдан боши оғригандир», - Ўразқулнинг қилаётган ҳаракатидан шундай хулосага келди бола. Ўразқулнинг йиғлаётганини ва ҳеч ўпкасини босиб ололмаётганини у билмасди. У шунинг учун йиғлади-ки, унга пешвоз чиққан бола унинг ўғли эмас, шунинг учун йиғладики, у портфелли бу болага ҳеч бўлмаганда бир оғиз ширин сўз айтиш учун ўзида куч тополмади.

ИККИНЧИ БОБ

Қоровултоғ чўққисидан ҳаммаёқ яққол кўриниб турарди. Бола қорни билан ётиб олиб дурбинни кўзига тўғрилади. Бу ўткир дашт дурбини эди. Қачонлардир бобога қоровулхонадаги узоқ йиллик хизматлари учун мукофотга беришганди. Чол дурбинни олиб юришни ёқтирмасди. Ўзимнинг кўзларим ундан қолишмайди, дерди. Бироқ дурбин набирасига ёқиб қолди.

Бу сафар у тоғга дурбин ва портфель билан бирга келди. Бошда ҳамма нарса юмалоқ ойначада сакраб аралашиб кетаверди, кейин бирдан тиниқлик ва турғунлик касб этди. Мана шуниси ҳаммасидан завқли эди. Бола топилган фокусни бузиб қўймаслик учун нафасини ичига ютар, манзараларни гўё ўзи яратаётгандек маҳлиё боқарди. Кейин у нигоҳини бошқа нуқтага тикди, яна ҳамма нарса аралашиб кетди, тиниқлик йўқолди. Бола яна окулярни айлантиришга тушди.

Бу ердан атрофдаги ҳамма нарса, ҳатто осмонўпар юксак қорли чўққилар ҳам кўриниб турарди. Улар ҳамма тоғларнинг ортида, ҳамма тоғлардан баланд, бутун ер узра юксакликка бўй чўзганди. Қорли чўққилар пойидаги ўрмонзор тоғлар, пастроқдаги сербарг бутазорлар, юқорида қалин қарағайзорлар билан бурканган тоғлар ҳам кўриниб туради. Кунга қараган Кунгай тоғи ҳам шундай эди; Кунгайнинг пастки томонларида ўтдан бўлак ҳеч нима ўсмасди. Тоғнинг кўлга қараган томонидан янада пастроқ тушилганда нуқул майда тошлар кўчмасига дуч келинарди. Бу кўчмалар водийга қуйилиб тушган, водий эса кўл билан тутшиб кетганди. Бу тарафда далалар, боғлар, қишлоқлар ястаниб ётарди... Ям-яшил экинзорларнинг у ер-бу ери сарғиш тус олган, ўрим пайти яқинлашяпти. Йўлларда зигирдай кўринаётган машиналар худи сичқонлардек гизиллар, улар орқасидан узун дум - чанг-тўзон кўтариларди. Даланинг аранг кўз илғаб оладиган узоқ чеккасида, кум-

лоқдан, тасма тортган қирғоқ ортида улкан кўл тўқ самовий рангда товланарди. Бу - Иссиқкўл. У ерда сув билан осмон бир-бирига тутшиб турарди. Ундан нарида ҳеч нима йўқ. Кўл ҳаракатсиз, шуъладор, кимсасиз. Фақат қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг оппоқ кўпигини аранг илғаб олиш мумкин.

Бола ўша томонга узоқ қараб турди. «Оқ кема ҳали кўринмаяпти, - деди у портфелга. - Кел, яна бир марта мактабимизга қарайлик».

Бу ердан тоғнинг ортидаги қўшни пасттекислик равшан кўринарди. Ҳатто дурбинда уй олдидаги дераза остида ўтириб олиб, кўлда калава йигираётган кампиргача кузатса бўларди.

Жилисой бағри дарахтсиз, фақат онда-сонда қирқилмай қолган, яккам-дуккам қарағайлар ўсиб ётарди. Қачонлардир бу ерлар ўрмонзор бўлган. Энди усти шифер билан ёпилган қатор молхоналар турар, катта қорамтир гўнг ва сомон уюмлари кўзга ташланарди. Бу ерда сут фермасининг зотдор бузоқларини сақлашар ва боқишарди. Молхоналардан унча узоқ бўлмаган жойда бир парчагина қишлоқ - чорвадорлар посёлкаси жойлашган. Қишлоқча тепаликдан пастга томон чўзилиб тушган эди. Қишлоқнинг энг чеккасида, кўринишдан турар жойни эслатмайдиган кичкинагина уй турарди. Тўрт йиллик мактаб мана шу эди. Юқори синфларнинг ўқувчилари совхозга, мактаб-интернатга қатнашарди. Бу ерда эса кичкинтойлар ўқишарди.

Бола томоғи огриганда бобоси билан шу посёлкадаги фельдшер ҳузурига келганди. Энди у кулранг черепица билан ёпилган, ёлғиз трубаси қийшайиб турган, кўлда ясалган тахта-лавҳада: «Мектеп» деб ёзиб қўйилган кичкинагина мактабга дурбиндан узоқ тикилиб турди. У ўқий олмаса-да, худди шу сўз ёзилганини фараз қилди. Дурбиндан ҳамма майда-чуйда нарсалар аниқ-тиник кўриниб турарди. Девор сувогига тирнаб ёзилган аллақандай сўзлар ва дераза ромларига елимлаб ёпиштирилган ойналар, ай-

воннинг ғадир-будур тахталари кўзга чалинарди. У қўлда портфели билан бу ерга келишни ва ҳозир каттакон қулф осиглиқ турган анови эшик остонасидан қандай ҳатлаб ўтишини тасаввур қилиб кўрди. Ўша эшик орқасида нима бор, нима бўлади?

Бола мактабни томоша қилиб бўлгач, дурбинни яна кўлга тўғрилади. Лекин у ерда ҳамма нарса илгаригидек эди. Оқ кема ҳали кўринганча йўқ. Бола тескари ўгирилди-да, дурбинни бир четга қўйиб, пастга, тоғ тубига қарай бошлади. Пастда, шундоқ тоғнинг тагида чўзинчоқ пастқамлик бўйлаб жўшқин серостона дарё кумушдек товланиб оқарди. Қирғоқдан дарё бўйлаб йўл кетган ва у дарё билан бирга қоя бурилишида кўздан ғойиб бўлади. Рўпарадаги қирғоқ жарлик ва ўрмонзор эди. Нақ тоғлар тепасидаги қорларгача чўзилиб кетувчи ноёб Сан-Тош ўрмонзори мана шу ердан бошланарди. Энг тепада қарағайлар ўсарди. Улар тошлар ва қорлар орасида тоғ тизмаларининг қиррасидага қорамтир тароқлардек диккайиб турарди.

Бола уйларга, бостирмаларга, қоровулхона ҳовлисидаги қурилишларга масхараомуз қараб чиқди. Улар юқоридан кичкина ва омонат кўринарди, Қоровулхонадан нарироқда, қирғоқ бўйида у ўзининг таниш тошларини топди. «Туя», «бўри», эгар», «танк» - ҳаммаси жойида, уларнинг ҳаммасини биринчи марта дурбинда мана шу ердан - Қоровултоғдан туриб кузатган, ўшанда уларга от қўйганди-да.

Бола мийиғида кулиб ўрнидан турди ва уйлар томонга тош юмалатди. Тош шу ернинг ўзида, тоғнинг устидаёқ қола қолди. Бола яна жойига ўтирди-да, дурбиндан қоровулхонага қарай бошлади. Аввал линзаларнинг каттасидан кичиги томонга тутиб қарай бошлади - уйлар узоқ-узоқларга силжиб, ўйинчоқ қутичаларга айланиб қолди. Харсанглар кичкина тошчалар ҳолига келди. Дарёнинг қирғоққа яқин ердаги саёз жойида бобоси қилган кўлоб эса кулгили, чумчуқнинг инича келарди. Бола бош чай-

қаб кулимсиради-да, дурбинни тез айлантириб, окулярни тўғрилай бошлади. Унинг улкан шаклга кенгайган суюкли харсанг тошлари дурбиннинг ойналарига манглайини тираб тургандай туюлди. «Туя», «бўри», «эгар», «танк» кемтик-ёриқлари, ён-верига саргайган отқулоқлари билан жуда ҳайбатли ва энг муҳими, улар ҳақиқатан ҳам бола атаган нарсаларга жуда ўхшарди. «Эҳ, сен қандай зўр «бўри»сан! «Танк»ни қара, даҳшатли!...»

Харсанг тошлар ортидаги саёзликдан бобо кўлоб қилганди. Дурбиндан қирғоқдаги мана шу жой яққол кўришиб турарди. Шитоб билан оққан сув бу ердан, кенг тошлоқ саёзликдан қиялаб ўтар ва тошлар устидан кўпириб ўтарди-да, яна шиддатли оқимга келиб қўшилиб кетарди. Саёзликдаги сув тиззадан келар, лекин оқими шунчалик кучли эдики, болаларни дарёга оқизиб кетиши ҳеч гап эмасди. Оқим суриб кетмаслиги учун бола қирғоқ бўйидаги толнинг шохини ушлаб оларди. Тол буталари айна қирғоқнинг чеккасида ўсиб чиққан бўлиб, бир шохи ерда, бир шохи сувда, нақ сувга ботиб турарди. Бунинг нимаси чўмилиш? Боғлаб қўйилган отдан фарқи йўқ, Бунинг устига яна қанча дилсиёҳлик, сўкиш эшитишлар! Бувиси бобосига уқтирарди:

«Дарёга оқиб кетса ўзидан кўрсин - қўлимни чўзмайман. Энди шуниси етмай турган эди. Ўз ота-онаси ташлаб кетди, Менга бошқа ташвишлар ҳам етиб ортади, мажолим йўқ».

Унга нима деб бўлади? Кампир бу ҳисобда тўғри гапирартир. Лекин болага ҳам раҳминг келади-да: дарё ёнгинасида, нақ эшигининг остида. Кампир қанча кўрқитмасин, бола барибир сувга тушаверди. Мана шундан кейин Мўмин чол бола бехатар чўмилсин, деб, саёзликда тошлардан кўлоб қилишга қарор қилди.

Мўмин чол оқим юмалатиб кетмаслиги учун қанчадан-қанча катта тошларни танлаб кўтариб келди. Уларни қорнига қўйиб ташиди, тошлар орасидан сувнинг бемалол

ўтиб туришини ҳисобга олган ҳолда уларни сувнинг ичида тик туриб, шундай тахлаб тердики, сув ҳақиқатан ҳам бемалол оқадиган бўлди. Сийрак соқолли қотма чол ҳўл иштонлари баданига ёпишган, кулгили ҳолда кун бўйи шу тўсиқ билан овора бўлди. Кечқурун эса зўриқиб йўталди, белини ололмади қолди. Шунда бувиси жавраб берди:

– Кичкина аҳмоқ-ку - ўз оти билан кичкина, катта аҳмоққа ким қўйибди бу ишларни? Намунча жон куйдирмасанг? Едирасан, ичирасан, яна нима керак? Бунча эркалатмасанг. Эҳ, бу яхшиликка олиб бормайди...

Нима бўлмасин, саёзликда ажойиб кўлоб пайдо бўлди. Энди бола ҳеч кўрқмасдан чўмиларди. Шохчадан ушлаганича қирғоқдан пастга тушар ва оқимга ўзини отарди, отганда ҳам ҳамиша сувга кўзини очган бўйи тушарди. Шунинг учун кўзини очиқ тутардики, балиқлар очиқ кўз билан сузиб юради-да. Унинг ғалати орзуси бор: у балиққа айланиб қолишни ва узоқ- узоқларга сузиб кетишни хаёл қиларди.

Бола ҳозир дурбиндан кўлобга қараб туриб, кўйлак-иштонини ечиб, қип-яланғоч жунжикиб сувга тушишини тасаввур қилди. Тоғ дарёларининг суви ҳамиша совуқ, энтиктиради, лекин кейин кўникиб қоласан. Толнинг шохчасини ушлаб, оқимга юзи билан отилишини кўз олдига келтирди. Боши узрғ сув шовуллаганча қўшилиб кетади, қорни остидан, елкалари, оёқлари устидан сув қайнаб оқиб ўтади. Сув остида ташқаридаги ҳамма товушлар тиниб, қулоқларда фақат сувнинг шилдираши қолади. У кўзларини катта-катта очиб, сув остида нимаики кўринса, ба-рига жон-жаҳди билан тикилади. Кўзлари санчиб кетади, оғрийди, лекин у мағрур жилмаяди, ҳатто сувда туриб тилини кўрсатади. Буни у бувисига кўрсатмоқчи. Билиб қўйсин, у ҳеч қаерда ҳам чўкмайди ва ҳеч қаерда ҳеч нимадан кўрқмайди. Кейин у қўлидаги шохчаларни қўйиб юборади, токи у оёқлари билан тўсиқдаги тошларга тиралиб қолмагунга қадар сув уни суриб кетаверади. Шу ерда нафаси ҳам

қайтади. У сувдан сапчиб туради, қиргоққа чиқади ва яна тол шохчаси томон чопқиллаб кетади. Бу такрорланаверади. У бобоси ясаган кўлобда кунига юз марта чўмилишга ҳам тайёр. Хуллас, балиққа айланмагунча чўмилаверади. Қандай бўлмасин, унинг балиққа айланиши шарт...

Бола дарё қиргоғини томоша қила туриб, дурбинни ўзларининг ҳовлисига тўғрилади. Товуқлар, курка товуқлар жўжалари билан тўнкага суяб қўйилган болта, тутаб ётган самовар, ҳовлидаги турли-туман нарсалар ақл бовар қилмайдиган даражада катталашиб, шундай яқинга келиб қолдики, бола беихтиёр уларга қўлини чўзди: Шу пайт, фалокат босиб арқонга ёйилган кирни бамайлихотир ямлаётган қўнғир бузоқча дурбинда филдай кўриниб қолди-ю, жон-пони чиқиб кетди. Бузоқча ҳузур қилганидан кўзларини қисиб олган, лабларидан сўлак оқиб турарди - у кампирнинг кўйлагини оғиз тўлдириб чайнашда маза қилаётганди.

- Эҳ, сен жинни! - Бола дурбинни ушлаганча ўрнидан турди ва қўлини силкий бошлади. - Қани йўқол, эшит-япсанми, йўқол нарёққа! Балтек, Балтек! (Кучук объективда уйнинг тагида пинагини бузмай ётарди.) Тишла, тишла уни! - жон аччиғида итга буйруқ қиларди у, лекин Балтек парво ҳам қилмай, гўё ҳеч нима бўлмагандек сояда чўзилиб ётарди.

Худди шу маҳал уйдан бувиси чиқиб қолди. Нима бўлаётганини кўриб қолган кампир қарс урди. Супургини кўлига олди-да, бузоққа ташланди. Бузоқ қочди, кампир орқасидан қувди. Бола дурбиндан уларга тикилган бўйича тоғдан кўзга ташланиб қолмаслик учун ўтириб олди. Бузоқни қувган кампир аламдан ва югуришдан бўғилиб жавраганча уйга жўнади. Бола уни худди ёнма-ён тургандек, ҳатто ёнма-ён турганидан ҳам яқинроқ кўрди. Бола бувисини худди объективда бирор кишини катта қилиб кўрсатгандек равшан кўриб турди. Бола унинг жаҳддан қисилган сарғиш кўзларини, қат-қат буришган ажинли юзининг қи-

зариб кетганини кўрди. Худди бирдан овози йўқолиб қолган кинодагидек, дурбинда кампирнинг яккам-дуккам тишлари кўришиб, лаблари овозсиз тез-тез қимирлади. Кампирнинг нима деб қичқираётганини узоқдан эшитиб бўлмасди, лекин бола унинг сўзларини худди қулоғи остида жаранглаётгандек аниқ ва барала эшитарди. Ух, кампир уни роса койирди! Бола нима деб қарғаётганини ёддан биларди: «Қани, қараб тур. Қайтиб келарсан-ку. Додингни бераман. Бобонгга ҳам қарамайман. Неча марта айтдима, шу жиниларнинг ўйинчоғини йўқотгин деб. Яна тоққа кочиб кетган.

Худо кўтарсин ўша кемангни, ўт тушсин, чўкиб кетсин».

Бола тоғ тепасида оғир хўрсинди. Портфель олган, мактабга қандай отланишни орзу қилиб турган шундай бир кунда бузоқни кўздан қочирсая...

Кампир жаврашни қўймасди. У койиб туриб, чайнаб ташланган кўйлагига тикилиб қаради. Унинг олдида Гулжамол қизчасини олиб чиқди. Буви унга шикоят қила туриб, тутоқиб кетди.

Муштини тугиб тоғ томонга дўлайтирди. Унинг қоқ суяк бўлган жоҳил мушти окуляр олдида узоқдан дағдага солиб турарди. «Эрмак топдинг ўзингга. Худо кўтарсин кемангни. Ўт тушсин, чўкиб кетсин...»

Ҳовлидаги самовар қайнади. Қопқоқ остидан бурқсиб кўтарилаётган буг дурбинда кўришиб турарди.

Бекей хола самоварни олиб кетгани чиқди. Бувисининг яна жазаваси тутди. Ма, жиянчангнинг қилмишини кўриб қўй дегандек, чайнаб ташланган кўйлагини унинг бурнига тикди.

Бекей хола уни тинчитмоқчи, юпатмоқчи бўлди. Бола унинг нималар деб таскин бераётганини билиб турарди. Ҳар қачонгидек, бу сафар ҳам шундай деяётгандир: «Хафа бўлманг, энажон. Эси йўқ, гўдак ҳали - нимасидан хафа бўласиз. Бу ерда биронта жўраси йўқ, бир ўзи. Қичқириш, гўдакни қўрқитишдан нима фойда». Бунга бувининг ҳам

жавоби шубҳасиз, аниқ: «Сен менга ўргатма. Сен олдин ўзинг туғиб кўр, болаларни тергашни ўшанда биласан. У нима қилиб тоғда санқиб юрибди? Бузоқни арқонлаб қўйишга вақти йўқ. Тоғда у нимага бунча тикилгани-тикилган? Саёқ ота-онасининг йўлигами? Уни туққанлар турли тарафга қочиб кетишди. Сенга яхши-да, бепушт...»

Бола ҳатто шундай узоқ масофадан туриб дурбинда Бекей холанинг ич-ичига ботган юзларининг қандай оқариб-бўзариб кетганини, бутун вужуди билан титраб-қақшаб ўгай онанинг юзига - бола холасининг қандай жавоб қилишини аниқ биларди - тўрсиллатиб гапириб ташлаганларини билиб турди: «Сен ўзинг жодугар кампир, қанча ўғил-қиз ўстириб қўйдинг? Ўзинг ким бўлибсан?»

Ғала-ғовур бошланди! Буви жаҳдан уввос сола бошлади. Гулжамол аёлларни яраштиришга уриниб, бувини қучоқлаб, юпатгани уйга олиб кирмоқчи бўлар, у эса, баттар тутоқиб, ҳовлида жиннилардек у ёқдан бу ёққа зир югурарди. Бекей хола қайнаб ётган самоварни кўтарганча доғ сувни тўкиб-сочиб, чопган кўйи уйга олиб кириб кетди. Буви эса толиқиб, молларга сув қуйиладиган нов томонга тушиб кетди. У ҳўнграганча йиғлаб ўз тақдиридан қаттиқ куйинарди. Болани унутди, энди яратган парвардигорнинг ўзига, бу фоний дунёнинг бепарволигига ёпишиб кетди. «Ҳали менга осиялсанми? Сен менинг кимлигимни сўраялсанми? - буви ўгай қизнинг орқасидан ғазабланарди.- Агар мени худо жазоламаганда, агар у менинг беш гўдагимни бағримдан юлиб олмаганда, ёлғиз ўғлим ўн саккиз ёшида урушда ўққа учмаганда, чолгинам, меҳрибонгинам Тайғар сурув билан бўронда қотиб қолмаганда, мен сиз, ўрмон одамларининг орасида юрармидим? Мен сенга ўхшайманми, сенга-я, туғмас? Мен қариган чоғимда сенинг жиннисифат отанг Мўмин билан яшаб юрармидим? Қайси айбим - гуноҳларим учун сен мени бунча қийнадинг, лаънати худо?

Бола кўздан дурбинни олиб, ғамгин бош эгди. «Биз энди уйга қандай қайтамыз? – Секингина портфелга сўз қотди у. - Бунинг ҳаммасига мен сабабчи, жинни бузоқ сабабчи. Яна сен ҳам сабабчисан, дурбин. Оқ кемага қарагани ҳар сафар мени сен чақирасан. Сен ҳам айбдорсан».

Бола атрофга разм солди. Чор атроф тоғ - қоя, ўрмон. Тепаликдан, музлар қўйнидан бошланган ирмоқлар ярқираб жилваланганича оҳиста пастга оқиб тушар ва фақат шу ерга, пастга тушгандан кейингина дарё бўлиб тинимсиз ҳайқириб ётиш учун овоз пайдо қилгандек бўларди. Тоғлар эса улкан ва ниҳоясиз, кўкрак кериб турарди. Бола ўзини шу дақиқаларда бағоят кичик, бағоят ёлғиз, бутунлай унутилган ҳис қиларди. Фақат тоғлар бор унинг ёнида, тоғлар, чор атрофда баланд тоғлар.

Қуёш кўл томонга оға бошлади. Ҳаво унчалик иссиқ эмасди. Шарқ тарафдаги қияликларга биринчи, калта соялар тушди. Қуёш энди тобора пастга йўналаверади, соялар эса пастга, тоғлар пойига чўзилаверади. Одатда, куннинг айнаи шу маҳалида Иссиқкўлда оқ кема кўринарди.

Бола дурбинни кўзга ташланиб турган ўша энг узоқдаги жойга бурди ва нафасини ютиб кутиб турди. Ана у! Ҳамма нарса бирдан унутилди: у ерда, олдинда. Иссиқкўлнинг кўм-кўк сатҳида оппоқ кема пайдо бўлди. Мана, қалқиб чиқди. Ана у! Трубалари қатор тизилган, ўзи кучли ва чиройли. У худди ип тортиб қўйгандек тўғри ва бир текис сузиб борарди. Бола шоша-пиша дурбин ойналарини қўйлагининг этаклари билан артди-да, яна окулярни тўғрилай бошлади. Кеманинг кўриниши янада тиниқроқ бўла бошлади. Энди унинг тўлқинлараро қандай чайқалиб, қўйруғи ортидан қандай оппоқ кўпикли из қолдириб кетаётганлигини илғаса бўларди. Бола оқ кемадан кўз узмай унга завқ билан тикиларди. Боланинг ихтиёрида бўлганда эди, у сузаётган одамларни кўрмоқ мумкин бўлиши учун оқ кемани яқинроқ сузиб келишга ёлвориб кўндирган бўларди. Лекин кема булардан беҳабар эди. У ўз йўлидан,

ким билади, аллақаёқдан чиқиб, аллақаёққа, оҳиста ва улугвор сузиб борарди.

Кеманинг сузиб бориши узоқ вақт кўриниб турди, бола ҳам узоқ вақт балиққа айланиб, дарё бўйлаб унга, оқ кемага қараб сузиб кетиши ҳақида хаёл суриб қолди...

Бола бир куни Қоровултоғдан туриб кўм-кўк Иссиқкўлда оқ кемани биринчи марта кўриб қолганида унинг гўзаллигидан юраги гупириб, дарҳол отасини - иссиқкўллик матросни – ҳуди шу оқ кемада сузаётир, деган қарорга келганди. Бола ўзи бунга ишонар, чунки у шундай бўлишини жуда-жуда истарди.

У на отасини, на онасини эслай оларди. Бола уларни бирон марта ҳам кўрмаган. Уларнинг ҳеч қайси бири уни бирон марта йўқлаб келмаган. Лекин бола биларди: отаси Иссиқкўлда матрос, онаси эса отасидан ажрашганидан сўнг, ўғлини бобода қолдириб, ўзи шаҳарга кетган. Кетгану, шу бўйи ғойиб бўлган. Тоғ ортидаги, кўл ортидаги, яна тагин тоғ ортидаги узоқ шаҳарга кетган.

Мўмин бобо кунлардан бирида ўша шаҳарга картошка сотгани борганди. Роса бир ҳафта йўқ бўлиб кетиб, қайтгач, чой устида Бекей хола билан бувига қизини, яъни боланинг онасини кўрганини гапириб берган. У аллақандай катта фабрикада тўқувчи бўлиб ишлар экан. Унинг янги оиласи - икки қизи бўлиб, уларни болалар боғчасига топширар ва ҳафтада бир мартагина кўрар экан. Катта турар жойда, лекин каталакдек хонада яшашар экан. Ҳовлисида эса ҳуди бозордагидай биров-бировни танимасмиш. Ҳамма уйига кирди дегунча эшигини қулфлаб олармиш. Худди турмадагидай, ҳамиша қамалиб ўтиришармиш. Эри шофёр бўлса керак, автобусда одамларни кўчама-кўча ташиб юраркан. Эрталаб соат тўртда кетиб, кеч қайтаркан. Иши оғир экан, деб ҳикоя қиларди чол. Зор йиғлаб, кечирим сўради. Улар янги квартира олиш учун навбатда туришибди. Қачон олишади - номаълум. Лекин қачон олишса, эри кўнса, ўғлини олиб кетмоқчи. Мендан пича кутиб туриш-

ни илтимос қилди. Мўмин бобо унга, гам емагин, дебди. Энг муҳими - эр билан муроса қилиб яшаш, бошқаси битиб кетаверади. Ўғлининг ҳам кўп гамини тортмасин. «Токи мен тирик эканман, болани ҳеч кимга бермайман, агар ўлсам - худо уни ўзи бир йўлга солар, тирик одам ўз тақдирини топиб кетар...»

Чолнинг гапларини эшитган Бекей хола билан буви дарҳол хўрсиниб ва ҳатто баробарига жиндай кўз ёши қилиб олишди.

Худди шу ўтиришда гап айланиб келиб, боланинг отаси ҳақида ҳам сўз очиб қолишди. Бобонинг айтишича, унинг аввалги куёви, боланинг отаси, ҳали ҳам аллақайси кемада матрос бўлиб хизмат қилармиш, унинг ҳам янги оиласи, иккитами, учтами боласи бор эмиш. Пристан яқинида яшармиш. У чамаси ичишни ташлаганмиш. Янги хотини ҳар сафар болалари билан уни қарши олгани пристанга чиқармиш. «Бундан чиқди, - ўйлади бола, - улар мана шу кемани - унинг кемасини қарши олишар экан-да...»

Кема секин узоқлашиб борарди. Трубасидан тутун бурқситиб, кўлнинг кўм-кўк силлиқ сатҳида сузиб бораётган бу оппоқ ва узун кема, балиққа айланган боланинг ўзи томон сузиб келаётганини билмасди.

У шундай балиққа айланиб қолишни орзу қиларди-ки, балиқнинг ҳамма жойи - танаси, думи, сузгич қанотлари, тангачалари унга ўтса-ю, фақат ингичка бўйинли, шалпанг қулоқли, тирналган бурунли боши ўзида қолса бас. Кўзлари ҳам ўзича қолсин. Лекин худди ҳозиргидай эмас, чин балиқлардай кўрадиган бўлишсин.

Боланинг киприклари худди бузоқниқига ўхшаш узун-узун бўлиб, ҳамиша ўзидан-ўзи нимагадир пирпираб турарди. Гулжамол, қизимнинг ҳам киприклари шундай бўлгандами, қандай чиройли бўларди! - дейди. Чиройли бўлишнинг нима кераги бор? Шахсан унга чиройли кўзларнинг кераги йўқ, унга сув остида кўра оладиган кўзлар керак.

Бобо ясаган кўлобга келганда у балиққа айланади. Бир қарабсизки - у балиқ-да. Сўнгра кўлобдан дарёга, нақ пишқириб шиддат билан оқаётган дарёга сакраб ўтарди ва оқим бўйлаб сув остига шўнғиб кетарди. Кейин ҳам шу тарзда сакраб-сакраб атрофга назар ташлаб боради, қизиги йўқ жойларда фақат сув остида сузарди. У жўшқин дарё оқимида қизил тупроқли ката жарлик бўйидан, дарё остоналари ва тўлқинларидан, тоғлар ва ўрмонлар ёнидан оқиб ўтади. У ўзининг суюкли харсанг тошлари билан хайрлашади: Хайр, «чўкиб ётган туя», хайр, «бўри», хайр, «эгар», хайр, «танк». Қоровулхона ёнидан сузиб ўтаётганда эса сувдан сакраб чиқиб, сузгич қанотларини бобосига силкитади: «Хайр, бобо, мен тезда қайтаман». Бобо шунда ҳайратдан довдираб, нима қилишини билмай қотиб қолармиди? Буви, Бекей хола, Гулжамол қизчаси билан - ҳаммаси оғзини очиб қолармиди? Қаерда ким кўрибди - калласи одаму, танаси балиқни?

Бола эса уларга сузгич қанотларини силкиб қўярди: «Хайр, мен Иссиқкўлга, оқ кемага сузиб бораман. У ерда менинг матрос дадам бор». Балтек, эҳтимол, қирғоқ бўйлаб чопса керак. Ит умрида бунақа ҳодисани кўрмаган-да, ахир. Агар Балтек у томонга сувга ўзини ташлагудай бўлса, у қичқиради: «Қайт, Балтек, қайт. Чўкиб кетасан!» – ўзи эса сузиб кетаверади. Осма кўприкнинг сим арқони остидан, кейин тўқайлар ёнидан, сўнг гумбурлаб турган дарадан ўтиб, тўғри Иссиқкўлга сузиб боради.

Иссиқкўл деганлари – бу бутун бир денгиз. У Иссиқкўл тўлқинларида сузиб юради, тўлқиндан тўлқинга кўчади ва шунда оқ кеманинг қаршисидан чиқиб қолади. «Салом, оқ кема, бу менман!» – дейди у пароходга. – Дурбиндан ҳар доим сенга қараган менман». Кемадаги одамлар ҳайратдан ёқа ушлаб, мўъжизани кўргани югуришади. Шунда у ўзининг матрос отасига сўз қотади. «Салом, дада, мен сизнинг ўғлингизман. Мен сизнинг олдингизга сузиб келдим». – «Сен қанақа ўғилсан? Сен ярим балиқ, ярим

одамсан-ку!» – «Сиз мени ўз олдингизга, кемага чиқариб олинг, мен шунда сизнинг ўғлингиз бўлиб қоламан». «Вой, тавба. Қани, кўрайлик-чи». Отаси тўр ташлаб уни сувдан палубага тортиб олади. Шунда у ўз аслига қайтади. Кейин-чи, кейин...

Кейин оқ пароход ўз йўлида сузиб кетаверади. Бола отасига ҳамма нарса ҳақида, бутун ҳаёти давомида нимаки билган бўлса ҳикоя қилиб беради. Ўзи яшаб турган тоғлар ҳақида, ўша харсанг тошлар ҳақида, дарё ва ноёб ўрмон ҳақида, балиқлардай кўзи очиқ сузишни ўрганган ери - бобосининг кўлоби ҳақида сўзлайди.

Мўмин бобосиникида қандай яшаётганлигини ҳам айтиб беради, албатта. Бу одамни Мўмин чаққон деб аташса ҳам, унинг ёмон одам эмаслигини отаси билиб қўйсин. Бунақа бобо ҳеч жойда йўқ, боболарнинг энг яхшиси. Унинг ҳеч шумлиги йўқ, шунинг учун ҳамма ундан кулиб юради. Бировга ҳеч ёмонликни раво кўрмайди, Ўразқул амаки эса чолга ҳадеб тиргилаверади! Баъзан одамларнинг олдида ҳам бобога қичқираверади. Бобо эса гапига боплаб жавоб қилиш ўрнига, Ўразқул амакини кечиргани-кечирган ва ҳатто унинг ўрнига ўрмон хўжалиги ишларини ҳам ўзи бошқаради. Фақат шугина дейсизми? Ўразқул маст-аласт бўлиб келганда, унинг ҳаёсиз кўзларига тупуриш ўрнига, унга пешвоз чиқиб, отдан тушириб қўяди, уйга суяб киради, каравотга ётқизиб қўяди, совуқ емасин, боши оғримасин, деб устига пўстин ташлайди, отининг эса эгарини олади, ювиб тарайди, ем беради. Ҳаммасига сабаб - Бекей холанинг туғмаслиги. Нега шундай, дада? Истасанг туққин, истамасанг кераги йўқ, деб қўя қолса бўлмайди-ми? Ўразқул амаки Бекей холани урганда бобога раҳминг келади. Бобонинг ўзини урса енгил бўларди. Бекей хола қичқирганда у бирам қийналадики. Кўлидан нима ҳам келарди? Қизининг орасига тушгиси келади-ю, лекин буви бунга йўл қўймайди. «Аралашма, - дейди у, - ўзлари муро-сага келади. Сен чолга ким қўйибди. Хотин сеники эмас,

жойингда ўтир». «Ахир, у менинг қизим-ку!» - деса, буви: «Хўш, уйинг уйига туташ бўлмай, узоқда яшаганингда нима қилардинг? Ҳар сафар от чоптириб бориб ажратиб келармидинг? Шундан кейин ким сенинг қизингни хотин қиларди?» - дейди.

Мен айтаётган буви - бу илгаригиси эмас. Сиз уни, дада, балки билмассиз ҳам. Бу бошқа буви. Ўз туғишган бувим ёшлигимда вафот этган. Бу буви бўлса кейин келган. Бизнинг ҳаволарга сира тушуниб бўлмайди - бир қарасанг очиқ, бир қарасанг булутли, бир қарасанг ёмгир аралаш дўл. Буви ҳам худди шундай, тушуниб бўлмайди. Бир қарасанг меҳрибон, бир қарасанг бераҳм, ҳеч тушунолмайсан. Жаҳли чиққанда - нақ еб қўяди. Биз бобом билан жим бўламиз. Буви: «Бегонани қанча едирма, қанча ичирма, ундан яхшилиқ кўрмайсан», - дейди. Мен, ахир бу ерда ўгай эмасман-ку, дада. Мен ҳамиша бобом билан бирга яшаб келдим. Унинг ўзи ўгай бу ерда, у бизга кейин келиб қўшилди. Энди эса мени ўгай дейди.

Қишда биз томонда қор мени кўмай дейди. Эҳ, қор уюлиб кетади! Агар ўрмонга бориш керак бўлса, фақат бўз от Олабошдагина бориб бўлади, у кўкраги билан қор уюмини суриб кетади. Шамоллар ҳам шундай зўраядики, оёгингда туролмайсан. Кўлда тўлқинлар кўтарилиб қолса, кемани ёнгоқ пўчоғидек ўйнатса, билинги, бизнинг Сан-Тош шамоли кўлни чайқалтиряпти. Бобом ҳикоя қилгандилар, жуда қадим замонда душман лашкарлари бизнинг ўша ерларимизни босиб олгани юриш қилибди. Ана шунда бизнинг Сан-Тошдан шундай шамол турибдики, душманлар эгарда ўтиролмай қолишибди. Отлардан тушишибди, лекин пиёда ҳам юришолмабди. Шамол уларнинг юзини қонга белабди. Шунда улар шамолга орқа ўгиришибди, шамол эса уларнинг елкаларига урилиб, қайрилиб қарашига имкон бермабди, тўхтагани қўймабди ва уларни битта қўймай Иссиқкўлдан ҳайдабди. Мана қандай бўлган. Биз ана шу шамолда яшайпмиз! У биздан бошланади. Бутун қиш

бўйи ўрмон дарё ортида шамолдан гичирлаб, инграб чиқади. Ҳатто ваҳимали бўлади.

Қишда ўрмонда иш унчалик кўп эмас. Қишда биз томонлар одамсиз ҳувиллаб қолади – ёзда кўчманчилар келадиган маҳалларга сира ўхшамайди. Ёзда катта яйловда оқшомлари сурув ёки йилқи уюрлари билан одамларнинг кўнишини жуда яхши кўраман. Тўғри, улар эрталаб тоққа жўнаб кетишади, лекин барибир уларнинг келиши яхши. Уларнинг болалари ва хотинлари юк машинкаларида келишади. Юк машиналарида ўтовларни ва бошқа турли-туман нарсаларни олиб юришади. Улар сал-пал жойлашиб олишгач, биз бобом билан сўрашгани борамиз. Ҳаммалари билан қўл бериб кўришамиз. Мен ҳам. Бобом, кичиклар ўзларидан катталарга доим биринчи бўлиб қўл узатишлари керак, дейди. Кимки қўл узатмаса, у одамларни ҳурмат қилмаган бўлади. Кейин, бобом еттининг бири авлиё бўлиб чиқиши ҳам мумкин, дейди. Авлиё - бу жуда хушфезл ва ақлли одам. Кимки у билан қўл бериб кўришишга муяссар бўлса, бир умр бахтиёр бўлади. Мен, шундай экан, нега у ўзининг авлиё эканлигини айта қолмайди, биз ҳаммамиз у билан қўл бериб кўришган бўлардик, десам, бобом кулади: ҳамма гап шунда-да, дейди у, авлиё ўзининг авлиёлигини билмайди - у оддий одам. Фақат қароқчигина ўзининг қароқчилигини билади. Булар менга унча тушунарли эмас, лекин бир оз уялинқирасам ҳам, мен ҳамиша одамлар билан қўл бериб кўришавераман.

Бобом билан бирга яйловга келганимда эса уялмайман.

«Ота-боболарингизнинг ёзги кўноғига хуш келибсизлар! Могу жон соғ-саломатми, бола- чақа омон-эсонми?» - бобом ана шундай сўрашади. Мен эса фақат қўл чўзиб кўришиб қўя қоламан. Бобомни ҳамма билади, бобом ҳам ҳаммани билади. Унга яхши. Унинг ўз суҳбат мавзуси бор, у кўчманчиларнинг ҳол-аҳволини сўрайди ва ўзи биз қандай яшаётганлигимизни гапириб беради. Мен эса болалар билан нимани гаплашишни билмайман. Кейинчалик биз бе-

кинмачок, уруш-уруш ўйнаб кетамиз ва ўйинга шундай берилиб кетамизки, кетгим келмай қолади. Қани энди ҳамиша ёз бўлса, ҳамиша болалар билан ўтлоқда ўйнаб юрсанг!

Биз ўйинга киришиб кетгунча гулханлар бўй чўзади. Гулханлардан яйлов тоза ёришиб кетади, деб ўйлайсизми, дада? Ҳамма жой эмас. Оловнинг атрофи ёруғ, ундан нари эса аввалгидек қоп-қоронғи. Биз эса уруш-уруш ўйнаймиз, шу қоронғилик қўйнида яширинамиз ва ҳужум қиламиз, худди кинодагидек. Агар сен командир бўлсанг, ҳамма сенга итоат қилади. Командирлик командирнинг ўзига ҳам ёқса керак.

Кейин тоғлар устига ой сузиб чиқади. Ой чиққанда ўйин яна гаштли бўлади, лекин бобом мени олиб қайтади. Биз уйга яйловдан, бутазордан қайтамиз. Қўйлар жимгина ётишади. Йилқилар атрофда ўтлаб юради. Биз кетаётиб кимнингдир қўшиқ айтаётганини эшитамиз. Ёш чўпондир, балки кексадир. Бобом мени тўхтатади: «Қулоқ сол. Бундай қўшиқларни ҳамиша эшитавермайсан». Биз тўхтаймиз, қўшиқни тинглаймиз. Бобом куйга маҳлиё бўлганча бош чайқайди.

Бобо ҳикоя қилади: эски замонда бир хон бошқа бир хоннинг қўлига асир тушибди. Хон асир тушган хонга дебди: «Агар истасанг - менинг қулим бўлиб тирик қоласан, бўлмаса, энг сўнгги тилагингни бажо келтираманда, кейин ўлдираман». Хон ўйлаб туриб жавоб қилибди: «Қул бўлиб яшашни истамайман. Яхшиси, мени ўлдиргин, лекин аввал менинг ватанимдан биринчи дуч келган чўпонни чақиртириб бер». - «Уни сенга нима кераги бор?» - «Ўлим олдидан унинг қандай куйлашини тингламоқчиман». Бобом айтади: она юрт қўшиғи учун одамлар жонини беради. Қандай одамлар экан-а, бир кўрсанг уларни. Эҳтимол, катта шаҳарларда яшашар?

Эшитиш ёқимли. Бобом: булар эски қўшиқ дейди. «Қандай одамлар бўлган-а! – шивирлайди у. - Қандай қўшиқлар куйлашган-а, эй худойим-ей...» Негалигини бил-

майман-у, бобомга шундай раҳмим келади ва уни шунчалик яхши кўриб кетаманки, охири йиғлагим келади...

Тонг саҳардаёқ яйловда ҳеч ким қолмайди. Қўй ва йилқиларни ёз бўйи боққани нарига, тоққа ҳайдаб кетишган. Улар ортидан изма-из бошқа колхозлардан бошқа кўчманчилар келишади. Кундузлари тўхташмайди, ёнимиздан ўтиб кетишади. Тунда эса яйловга қўнишади. Биз яна бобом икковимиз одамлар билан учрашгани борамиз. Бобом одамлар билан кўришишни жуда яхши кўради. Бу одатни мен ундан ўргандим. Эҳтимол, вақти келиб бир кун яйловда ҳақиқий авлиё билан учрашиб қоларман...

Қишда Ўразқул амаки билан Бекей холам шаҳарга докторга қаратгани кетишади. Балки доктор ёрдам қилар, бир дори берса-ю, бола туғилиб қолса, деб умид қилишади. Лекин бувим ҳамиша, азиз жойларга борган маъқул, дейди. Бу қаердадир, тоғнинг ортида, далаларида пахта ўсадиган жойда эмиш. Теп-текис ерда, тоғ бўлиши мумкин бўлмаган текисликда азиз бир тоғ - Сулаймон тоғи бор эмиш. Ана шу тоғ пойига бир қора кўчқор сўйиб, худога илтижо қилса, тоққа чиқиб ҳар қадамда худога сизгиниб, ёлворса ҳамда чин кўнгидан сўраса, худонинг раҳми келиб, фарзанд ато этармиш. Бекей холам ўша ёққа, Сулаймон тоғига боришга жуда интизор. Ўразқул амаки эса унчалик истамайди. Узоқ. Кўп пул керак, дейди. У ёққа фақат самолёт билан тоғдан ошиб бориш керак, ахир. Самолётгача ҳам қанча юриш керак, бу ҳам пул...

Улар шаҳарга кетишса биз шумшайиб қоламиз. Ахир кўпчилик эмасмиз-да, бор қўшниларимиз - Сейдахмад, унинг хотини Гулжамол ва уларнинг кичкинагина қизчаси, холос.

Кечқурунлари, ишдан қўл бўшаганда, бобом менга эртақлар айтиб беради. Биламан, уйдан ташқарида зим-зиё, совуқ тун. Изғирин изиллаб турибди. Энг улкан тоғлар ҳам бундай тунларда ваҳимага тушиб бир тўп бўлиб тўпланишиб, уйимиз олдига - дераза остидаги ёруққа яқин-

роқ келиб олишади. Менга бу ҳам кўрқинчли, ҳам севинчли туюлади. Паҳлавон бўлганимдами, катта пўстин киярдим-да, ташқарига чиқардим. Мен у тоғларга бор овоз билан дердим: «Кўрқманг, тоғлар! Мен шу ердаман. Майли, изғирин, қоронғу зулмат, довул бўлсин, мен ҳеч нимадан кўрқмайман, сизлар ҳам кўрқманглар. Бир ерга гуж бўлиб тўпланишмасдан жойларингда тураверинглар».

Мен кейин қор уюмларидан юриб, дарёдан ҳатлаб ўтиб - ўрмонда пайдо бўлардим. Тунда ўрмон дарахтлар учун жуда ваҳимали, ахир. Улар ёлғиз, бир сўз айтадиган жонзоти ҳам йўқ. Совуқда яланғоч дарахтлар музлайди, уларга бош суқадиган жой қайда. Мен эса ўрмонга бориб, уларга айтарлик ваҳимали бўлмаслик учун ҳар бир дарахтнинг танасига қўлим билан уриб-уриб қўярдим, Кўклам кўкармай қоладиган дарахтлар - бу ўша, кўрқинчдан қотиб қолган дарахтлар бўлса керак. Кейин биз бу қуриб қолган дарахтларни ўтинга кесамиз.

Бобом менга эртак айтаётганда мен мана шуларнинг ҳаммаси ҳақида ўйлайман. У узоқ ҳикоя қилади. Улар ҳар хил - кулгиллари ҳам бор, айниқса, очкўз бўри шўри қуриб ютиб юборган Чипалак отли жимжилоқдай бола ҳақидагиси кулгили. Йўқ, аввал уни туя ютиб юборади. Чипалак барг-хазонларнинг остида ухлаб қолади, туя эса шу атрофда тентираб юрган бўлади, «ҳап» эткизиб барг-маргларга қўшиб ютиб юборади. Шунинг учун ҳам айтишади-да: туя нима ютганини билмайди деб. Чипалак чинқириб, одамларни ёрдамга чақиради. Кексалар ўзларининг Чипалакларига ёрдам бериш учун туяни сўйишга мажбур бўлишади. Бўри билан ҳам шунга ўхшаган воқеа содир бўлади. У ҳам ўзининг овсарлиги туфайли Чипалакни ютиб юборади. Охирида бўзлаб йиғлайди. Бўри Чипалакка дуч келиб қолади. «Оёғим остида ўралашган қанақа пашша? Сени бир ямлаб ютиб юбораман». Чипалак эса дейди:

- Тега кўрма менга, бўри, акс ҳолда, кучукка айлантириб қўяман.

– Ҳа-ҳа, - хахолайди бўри, - бўрининг кучук бўлиб қолганини ким кўрибди. Шу дағаллигинг учун мен сени ейман. Шундай дебди-да, уни ютиб юборибди. Ютибди-ю, эсидан ҳам чиқариб юборибди. Лекин шу кундан бошлаб бўрилик ризқ-рўзидан айрилибди. Бўри писиб қўйларга энди етдим деганда, Чипалак унинг қорнида туриб қичқираркан: «Эй, чўпонлар, ухламанглар! Бу мен, қўнғир бўриман, қўйларингни бўғизлагани пусиб келяпман!» Бўри нима қиларини билмайди. Ўзининг биқинини тишлайди, ерга думалайди. Чипалак эса ҳеч жим бўлмабди. «Эй, чўпонлар, чопинглар бу ёққа, уринглар мени, дўппосланглар». Чўпонлар таёқ кўтариб бўрига ташланишибди, бўри қочибди. Чўпонлар хайратга тушиб қувишармиш. Бўри ақлдан озибди, ўзи қочади-да, тагин ўзи қичқиради, деб хайрон бўлишармиш. Бўри эса қичқирармиш: «Мени қувиб етинглар, оғалар, уринглар, раҳмингиз келмасин!» Чўпонлар кулгидан йиқилиб қолишармиш, бўри эса аранг қочиб кутилармиш, Лекин бу билан унинг ҳоли енгиллашмабди. Қаёққа тумшук суқмасин, Чипалак унга панд бераверибди. Ҳамма жойда уни қувишаверибди, ҳамма жойда ундан кулишаверибди. Бўри очликдан озиб кетибди, териси билан суюйгина қолибди. Тишларини шақирлатиб улибди: «Бу қанақа жазо бўлди менга? Нега мен ўз бошимга ўзим балони сотиб олдим? Қариганда жинни бўлдим, эсимни еб қўйдим». Чипалак эса унинг қулоғига шивирлабди: «Тошматга чоп, унинг қўйлари семиз! Бойматга чоп, унинг итлари кар. Эрматга чоп, унинг чўпонлари ухлаб ётибди». Бўри эса ўтириб олиб ҳиқиллармиш: «Ҳеч қаёққа бормайман, яхшиси, битта-яримтага кучук бўлиб ёлланаман...»

Кулгили эртак-а, дада, тўғрими? Бобомнинг бошқа эртаклари ҳам бор - мунгли, даҳшатли, қайғули. Лекин менинг энг севимли эртагим Шохдор она бугу ҳақидаги эртак. Бобом, Иссиққўлда яшаган ҳар бир киши бу эртакни билиши керак, дейди. Билмаслик гуноҳ. Балки, сиз биларсиз буни, дада? Бобомнинг айтишича, бунинг ҳаммаси

рост, бўлган иш, дейди. Қачонлардир шундай бўлган экан. Биз ҳаммамиз Шохдор она бугунинг болалари эканмиз. Мен ҳам, сиз ҳам, бошқалар ҳам...

Қишда биз мана шундай яшаймиз. Қиш узоқ чўзилади. Бобомнинг эртаклари бўлмаса, қишда мен жуда зерикиб қолардим.

Баҳорда биз томонлар яхши бўлади. Кунлар исиб кетгач, яна тоққа чўпонлар келишади. Ўшанда биз тоғда яна кўпайишиб қоламиз. Фақат дарёнинг у томонида - биздан нарида ҳеч ким йўқ. У ёқда фақат ўрмон ва ўрмондаги нарсалар бор, холос. У ёққа ҳеч ким оёқ босмасин, ҳеч ким биронта новдага тегмасин, деб биз қоровулхонада яшаймизда. Биз томонга ҳатто олимлар келишганди. Шим кийган иккита аёл, чол ва бир ёшгина йигит. Бу йигит уларнинг шогирди. Роса бир ой яшашди. Ўт, япроқ ва новда йигишди. Улар айтишдики, бизнинг Сан-Тошдагига ўхшаган ўрмонлар ер юзида жуда оз қолибди. Деярли йўқ эмиш. Шунинг учун ҳам ўрмонимиздаги ҳар битта дарахтни асраш керак.

Мен эса бобом ҳар битта дарахтни шунчаки эҳтиёт қилади деб ўйлардим. Бобом, Ўразқул амаки қарағайларни ёғоч ўрнида бировга берса жуда ёмон кўрарди...

УЧИНЧИ БОБ

Оқ кема узоқлашиб кетди. Унинг трубасини дурбинда ҳам кўриш мумкин бўлмай қолди. Ҳадемай у кўздан йўқолади. Энди болага отасининг кемада сузиши ҳақидаги ўйларига нуқта қўйиш пайти келди. Ҳаммаси яхши бошланган эди, мана, охири унча хуш келмади. У балиққа айланиб, дарёдан қўлга сузишни, оқ кеманинг унга қандай дуч келишини, отаси билан қандай учрашишини осонгина тасаввур қиларди. Отасига нималар ҳақида сўзлаб беришни ҳам биларди. Бироқ ишнинг охири юришмади. Чунки қирғоқ ҳам деярли кўриниб қолди. Кема пристан томон йўл олди. Матрослар қирғоққа тушишга ҳозирлана бош-

лашди. Улар уй-уйига кетишади. Отаси ҳам уйига жўнаши керак. Пристанда уни хотини ва икки боласи кутмокда. Энди нима қилсин? - Отаси билан бораверсинми? У ўзи билан бирга олиб кетармикан? Мабодо олиб кетадиган бўлса, хотини: «Ким бу, қаердан келган, нима кераги бор?» деб қолса-чи. Йўқ, яхшиси бормагани маъқул...

Оқ кема кўзга элас-элас илашувчи бир нуқтага айланиб, тобора узоқлашиб боради. Қуёш сувга бош қўйди. Кўл юзасидаги кўзни қамаштирувчи оловли бинафша ранг ёғду дурбиндан кўриниб турарди.

Кема кўздан ғойиб бўлди. Шундай қилиб, оқ кема ҳақидаги эртак ҳам тугади. Уйга жўнаш керак.

Бола портфелини ердан олди, дурбинни қўлтиғига қисди. Қирдан тезгина, илон изи сўқмоқдан қиялаб чопиб тушиб кетди. Уйга яқинлашган сари юраги пўкиллай бошлади. Бузоқ ямлаб қўйган қўйлак учун энди жавоб бериш керак. Жазодан бўлак ҳеч нима хаёлига келмасди. Руҳан бутунлай тушиб кетмаслик учун бола портфелга мурожат қилди: «Сен кўрқма. Хўш, бизни койишади. Ахир мен атай қилганим йўқ-ку. Мен, тўгриси, бузоқча бўшалиб кетганини билмабман. Хўш, мени савашар ҳам. Чидайман. Агар сени полга қараб улоқтиришса, чўчима. Ахир сен портфелсан-ку, синиб қолмайсан. Агар кампирнинг қўлига дурбин тушса борми, омон қолмайди. Биз аввал дурбинни молхонага беркитиб қўямиз-да, кейин уйга борамиз...»

У шундай қилди ҳам. Лекин остонадан ҳатлаб ўтишга юраги дов бермасди.

Аммо уйда ваҳимали сукунат ҳукмрон эди. Ҳовли шундай жимжит, кимсасиз эдики, эгаси кўчиб кетгандек ҳувиллаб ётарди. Маълум бўлишича, Бекей холани эри яна дўппослабди. Мўмин бобо яна қизининг калтакланганлиги, сочлари тўзгиб фарёд чекаётганлиги устидан чиқибди ва яна бу шармандагарчиликнинг олдини олиш учун жиннилиги тутган куёвини тинчитишга, унинг муштига ёпишиб, ялиниб-ёлворишга киришибди. Бунинг устига отаси

турибди демай, унинг кўзи олдида, қизини энг тубан сўзлар билан ҳақорат қилибди. Уни бепушт мочағар, ярамас кисир эшак ва яна маза-бемаза сўзлар билан сўкибди. Қизининг ёввойи ва телбаларга хос овоз билан: «Худо мени бефарзанд қилиб яратган бўлса, менинг гуноҳим нима? Бу дунёда қўйдай туғиб ётган аёллар озми, фақат мени худойим фарзанддан қисган. Нега? Нима учун менинг тақдирим шундай? Бундан кўра ўлдир мени, йиртқич. Мана, ур, ур ..», – деган ҳайқиригини ҳам эшитган.

Мўмин чол бурчакда ғужанак бўлиб ўтирганча, ҳамон энтикиб-энтикиб нафас олар, тиззаси устига ташланган кўллари изтироб ва аламдан титрарди. Юзлари докадай оқариб кетган эди.

Мўмин набирасига қаради-ю, сўз қотмади, яна ҳорғин кўзларини юмди. Бувиси уйда йўқ эди. У Бекей холани эри билан яраштириб қўйгани, уларникида тинчлик ўрнатгани, синган идиш-товоқларни йиғиштиргани кетганди. Бувисининг шунақа феъли бор: Ўразқул хотинини савалаётганда орага тушмайди, чолни ҳам қайтаради. Жанжалдан кейин эса яраштиргани боради. Шунисига ҳам раҳмат.

Ҳаммадан кўра боланинг чолга раҳми келарди. Ҳар сафар шундай дамларда чолнинг жони ҳалқумига келарди. Бурчакка тикилганча карахт ўтирар, ҳеч кимнинг кўзига кўрингиси келмасди. Ҳеч кимга, ҳеч бир зотга қалбида нималар кечаётганини билдирмасди. Аслида бундай пайтларда Мўмин жуда қартайиб қолгани, якка-ю ёлғиз ўғли урушда ҳалок бўлгани ҳақида хаёл сурарди. Ўғлимни ҳозир ҳеч ким билмайди, эсламайди ҳам. Ўғли ёнида бўлганида балки бунчалик хўрланмасмиди. Мўмин умр бўйи бир ёстиққа бош қўйиб яшаган хотинини ҳам қўмсарди. Лекин энг катта бахтсизлиги - унинг қизларига бахт кулиб боқмади. Кенжатоий набирасини унга қолдириб шаҳарга кетди, энди у ерда катта оиласи билан бир хонага тикилиб ўтирибди. Иккинчиси бунда Ўразқулнинг жабрини тортяпти. У кексайиб қолган бўлса ҳам, фарзанди ҳузу-

рида бўлиб, қизи учун ҳамма хўрликларга бардош беради, алам қиладиган жойи шундаки, қизига она бўлишдек бахт насиб қилмаяпти. Ўразкул билан турмуш қурганига ҳам мана қанча йиллар бўлди. Бу турмуш қизининг жонига тегди, лекин қочиб қаёққа ҳам борарди? Ўзи ҳам қариб қолди, куни битиб бир кун ўлиб-нетиб қолса, унда нима бўлади, бахти қаро қизининг ҳоли нима кечади?

Бола бирпасда косадаги қатиқни бўшатди-да, бир бурда нонни кавшаб, дераза остига жимгина чўкди. Чироқни ёкмади, бобосини безовта қилгиси келмади. Қўй, ўзича ўтириб хаёл сурсин.

Бола ҳам ўз ўйларига берилди. У ҳеч тушунолмасди. Бекей хола нега эрига ароқ тутгани-тутган. Эри бўлса унинг эвазига дўппослагани-дўппослаган, хола бўлса яна яримта топиб келаварарди.

Эҳ, Бекей хола, Бекей хола! Неча марта эри чалажон қилиб урса ҳам, барибир кечираверади. Мўмин бобо ҳам уни ҳамиша кечираверади. Нега кечиришади? Бунақа одамларни кечирмаслик керак. У ярамас, саёқ одам. Бизга унинг кераги йўқ. Усиз ҳам кунимиз ўтади.

Шиддатли болалик тасаввурлари унинг хаёлида адолатли жазо ҳукмини жонлантирарди. Бу ҳукмининг ҳаммаси Ўразкулга қаратилган бўлиб, булар уни, йўгон, бесўнақай, ифлос одамни дарёга судрарди. Кейин эса ҳавода силкитиб-силкитиб дарёнинг нақ ўртасига итқитади. У эса Бекей хола ва Мўмин бободан кечирим сўрайди. Ахир у баликқа айланиб қололмайди-да...

Бола анча енгил тортди. У ўз тасавурида Ўразкулнинг дарёда қандай ғарқ бўлиб бораётганини ва ёнгинасида кигиз қалпоғи сузиб кетаётганини кўз олдига келтирганда ўзини кулгидан тиёлмади.

Аммо катталар, минг афсуски, бола ўйлагандек одил иш тутишмади. Улар ҳаммасини аксинча қилишди. Ўразкул уйга яна маст бўлиб қайтди. Уни ҳеч нима бўлмагандай қарши олишди. Бобо отини ушлади, хотини самоварга

югурди. Ҳаммаёқ фақат уни кутаётгандек. У эса жиннилик қила бошлайди. Олдинига маъюсланиб йиглайди. Нега йигламасин, ахир бу қанақаси, қўл бериб сўрашишга арзимайдиган энг жўн одамнинг ҳам истаганича боласи бор. Бешта, ҳатто ўнта. Ўразқулни-чи? Унинг нимаси кам бошқалардан? Нимаси етмайди унинг? Ёки мартабаси пастми? Худога минг қатла шукур, ноёб ўрмоннинг катта қоровули! Ёки у қандайдир дайди зотми? Ахир лўлининг ҳам лўливаччаси бор. Ёки у бетайинми, обрўси йўқми? Ҳаммаси бор. Ҳаммасига етишган. Эгарланган оти бор, қўлидан қамчи тушмаган, ҳар ерда уни ҳурмат билан кутиб олишади. Хўш, унинг тенгдошлари ўз фарзандига тўй қилишади, у-чи? Ўғилсиз, уруғсиз, ким у?

Бекей хола ҳам йиглайди жонини ҳовучлаб, эрининг кўнглини топишга тиришади. Яшириб қўйган «яримта»-сини олади. Алаmidан ўзи ҳам ичади. Борган сари ичиш ортади, кейин охири Ўразқул ҳайвонга айланиб, ўзининг бутун аламини ана шу аёлдан, ўзининг хотинидан олади. У эса унинг ҳамма гуноҳини кечиради. Бобо ҳам кечираверади. Ҳеч ким Ўразқулга бас келолмайди. Ҳушига келиб қарасаки, моматалоқ бўлиб кетган хотини эрта туриб самовар қўйган бўлади. Чол эса отини тўйғазиб, эгарлаб қўйибди. Ўразқул чойни ичиб, отга мингач, яна бошлиқ, Сан-Тошдаги барча ўрмоннинг хўжайини. Лекин Ўразқулдака одамни аллақачон дарёга улоқтириш кераклиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

Қош қорайди. Ҳализамон қоронғи тушади.

Болага биринчи портфель олиб берилган куни ана шундай ўтди.

У ухлаш олдидан портфелини қўйгани жой топмасди. Охири бош томонига қўйди. Худди шундай портфелдан синфларнинг ярмисида бўлишини бола ҳали билмасди. Лекин бу ҳам барибир унинг кўнглини бузолмайди, унинг портфели гўё бошқача, алоҳида портфелдай туюларди. Худди шундай, унинг жажжи ҳаётида катта воқеалар юз

бериши, бир кун келиб, ёруғ жаҳонда ёлғиз ўзи, фақат мана шу портфел билан қолишини ҳали билмасди. Бунинг ҳаммасига унинг ўзи севган Шохдор она бугу ҳақидаги эртак сабаб бўлишидан бехабар эди...

Бу оқшом ҳам ўша эртакни яна бир бор эшитгиси келди. Мўмин чолнинг ўзи бу афсонани севар, гўё ҳаммасини ўз кўзи билан кўргандай, хўрсиниб, йиғламсираб, жим қолиб ва ўйга толиб ҳикоя қиларди.

Бироқ бола бобосини безовта қилишга ботинмади. У бобосининг эртак айтишга ҳоли йўқлигини сезарди. «Биз ундан бошқа сафар илтимос қиламиз, - деди бола портфелига. – Ҳозир эса сенга Шохдор она бугу ҳақидаги эртакни худди бобомдан эшитганимдек сўзма-сўз ўзим айтиб бераман. Шундай секин сўзлайманки, бошқа ҳеч ким эшитмайди, сен эса эшитгин. Мен ҳамма нарсани кинодагидай сўзлашни ва кўришни севаман. Мана шундай. Бобом бунинг ҳаммаси бўлган иш, дейди. Шундай бўлган экан...»

ТЎРТИНЧИ БОБ

Бу жуда қадимда ўтган. Замонларнинг замонида, ер юзида майсалардан кўра дов-дарахтлар кўп бўлган, қурғоқ ерлардан кўра ўлкамизда оби ҳаёт мўл бўлган даврларда бир қирғиз қабиласи улкан ва муздай дарё бўйида яшарди. Бу дарёни Энасой деб аташарди. У бу ерлардан узоқда, Сибирдан бошланади. У ерларга отда уч йилу уч ойда етиб бориш мумкин. Бу дарёни ҳозир Енисей дейишади, илгарилари Энасой деб юритишган. У ҳақда шундай қўшиқ ҳам тўқилган:

Сендан улкан дарё борми, Энасой,

Сендан азиз тупроқ борми, Энасой.

Сендан чуқур дард ҳам борми, Энасой,

Сендан озод қучоқ борми, Энасой.

*Сендан улкан дарё йўқдир, Энасой,
Сендан азиз тупроқ йўқдир, Энасой.
Сендан чуқур дард ҳам йўқдир, Энасой,
Сендан озод қучоқ йўқдир, Энасой.*

Мана шунақа эди, бу Энасой дарёси.

Энасой бўйида турли хил элат яшарди. Улар гоят оғир ҳаёт кечирарди, чунки улар бир-бирларига доимо адоват кўзи билан қарар эдилар. Қирғиз қабиласини душманлар турли томондан қуршаб олганди. Гоҳ улар, гоҳ булар ҳужум қилишар, гоҳо қирғизларнинг ўзи ҳам бошқаларга човут солиб, молларни ҳайдаб кетишар, уйларига ўт қўйишар, одамларни ўлдиришарди. Қулай келиб қолганда бир томон иккинчи томон одамларини ўлдириб юборар эди. Замон шунақа эди. Одамнинг одамга ичи ачимасди. Одам одамни гажирди. Шу даражага борилдики, ҳеч кимнинг деҳқончилик қилгиси, мол боққиси, ов қилгиси келмай қолди.

Қароқчилик билан кун кечериш осон туюларди; кўкқисдан босасан, ўлдирасан, оласан-кетасан. Бир қотилликка қасда-ма-қасд ўн қотиллик билан жавоб беришга ҳаракат қилишарди. Шу зайлда кун ўтган сайин кўпроқ қон тўкиларди. Одамларда ақл ўтмаслашиб борарди. Душманларни яраштирадиган, инсофга келтирадиган одам йўқ эди. Душманга қирон келтириб, ўзга қабиланинг сўнги одамигача қонини оқизган, молу мулкени қўлга киритган одам энг ақлли ва уddaбурон саналарди.

Ўрмонда бир ғаройиб қуш пайдо бўлиб қолди. Инсон овозига ўхшаш аянчли овоз билан тундан тонггача сайрар ва йиғлар, шохдан шохга сакраб сўйларди; «Катта бахтсизлик бўлади! Катта бахтсизлик бўлади». Шундай бўлди ҳам, ўша қора кун келди.

Ўша куни қирғиз қабиласи Энасой бўйида ўзининг буюк оқсоқолидан жудо бўлди. Ботир Қулчи кўп йиллар йўлбошчилик қилди, кўпгина юришларда, жанг-жадалларда қатнашди. Жангларда омон қолди, лекин ажали етди. Қабиладошлар икки кун катта ғам-аламда ўртанди-

лар, учинчи куни эса ботирнинг жасадини ерга топширгани йиғилдилар. Эски одатга кўра, буюк оқсоқолни Энасойнинг ўнқир-чўнқирли қирғоғи бўйлаб сўнгги йўлга кузатиш лозим эди, токи марҳумнинг руҳи Энасой дарёси билан юксакликда жудолашсин, ахир «Эна» - бу она демак, «сой» эса - бу дарёнинг ўзанику. Унинг қалби Энасой ҳақидаги қўшиқни сўнгги бор куйласин.

*Сендан улкан дарё борми, Энасой,
Сендан азиз тупроқ борми, Энасой,
Сендан чуқур дард ҳам борми, Энасой,
Сендан озод қучоқ борми, Энасой.
Сендан улкан дарё йўқдир, Энасой,
Сендан азиз тупроқ йўқдир, Энасой.
Сендан чуқур дард ҳам йўқдир, Энасой,
Сендан озод қучоқ йўқдир, Энасой.*

Дафн этиш лозим бўлган тепаликда ёруғ жаҳоннинг тўрт томонини кўрсатмоқ учун ботирнинг қабри бош узра кўтарилди: «Мана сенинг дарёнг. Мана сенинг осмонинг. Мана сенинг еринг. Сен биз билан, ҳаммамиз бир уруғ одамларимиз. Осуда ухла. Биз ҳаммамиз сени кузатгани келдик». Келажак авлод хотираси учун ботирнинг қабри устига мрамор тош қўйилди.

Ботирнинг жасадини дафн этишга олиб ўтишганда ҳар бир оила ўз остонаси олдида у билан видолашишади, оқ мотам яловини эгиб, ув тортиб йиғлашади, кейин бошқалар билан бирга қўшилиб яна оқ мотам яловларини эгилтирган ҳолда, айтиб йиғлашаётган келгуси ўтов томон илгарилаб боришади ва шу зайлда сўнгги манзилга, то қабристонгача етиб боришлик учун мотам кунларида барча қабиладошлар ўтовларини дарё ёқасига қатор тикишди.

Ўша куни ҳамма тайёргарлик кўриб бўлинганда қуёш уйқудан бош кўтарганди, учига отнинг думи боғланган туғ ва ботирнинг уруш аслаҳалари - найза ва қалқони олиб

чиқилди. Унинг оти дафн этиш ёпиқлари билан буркалган эди. Карнайчилар жанговар куй чалишга, барабанчилар барабанга таёқни жон-жаҳддари билан уришга шай эдиларки, токи ўрмон ларзага келсин, қушлар булут янглиғ осмонга кўтарилиб, шовқин-сурон ва нола солсинлар. Йиртқич ҳайвонлар бўкириб-ҳайқириб чакалакзорларга чопиб қолсин, майсалар ерга қапишиб кетсин, садолар жаранглаб, тоғларни ларзага келтирсин. Мотамсаро аёллар сочларини ёйиб, ботир Қулчига аза очишга шай туришарди. Йигитлар забардаст елкаларида ботирнинг катта, оғир жасадини безовта қилмай кўтариш учун тиз чўккан эдилар. Ҳамма нарса ботирни охирги йўлга кузатиб қўйишга тайёр эди. Ўрмон этагида эса тўққизта бия, тўққизта ҳўкиз, тўққизта тўққизлик қўй қурбонлик учун ҳозирлаб қўйилганди. Шунда кутилмаган ҳодиса рўй берди. Эна-сойликлар бир-бирига ҳар қанча душман бўлмасин, оқсоқолларнинг дафн маросими кунларида бир-бири билан уруш қилишни расм қилмаганди. Мана ҳозир эса бир тўда душман ғам-андухга ботган қирғоқдагиларни тонг чоғи тўрт томондан сездирмай ўраб келиб, пистирмалардан баробарига отилиб чиқиб, ҳамлага ўтдиларки, оқибатда ҳеч ким отга ҳам минолмади, қўлига қурол ҳам ола олмади. Шу тариқа кўз кўрмаган қирғин уруш бошланди. Ҳаммани бир чеккадан ўлдира бошлашди. Енгилмас қирғиз қабиласини бир ҳамла билан қириб ташлаш душман режаси ана шундай эди. Ҳаммани бир бошдан қилич дамидан ўтказишди, токи бу ёвузликни эслаб ҳеч ким ёдга олмасин, қасоскор қолмасин, вақт эса ўтмиш изларини қумлар билан кўмиб юборсин. Туя кўрдингми йўқ.

Инсонни туғиш ва ўстириш қанчалар қийин, ўлдириш эса - ҳаммасидан осон. Баъзи бировлар ўзи қонига ботиб қиймаланиб ётишар, бировлар эса қилич ва найзадан қутулиб қолмоқ учун ўзини дарёга отар, Энасой тўлқинлари орасида чўкиб кетарди. Дарё ёқалаб жарликлару тикка кесиб тушган қирғоқлар бўйлаб бутун бир қақирим йўлда

оловга қопланган қирғиз ўтовлари ловуллаб ёнарди. Ҳеч ким қочиб қутула олмади, ҳеч ким омон қолмади. Ҳаммаси ўлдирилди ва куйдирилди. Ўлиб ётганларнинг жасадини кирғоқдан Энасойга улоқтирдилар. Душманлар: «Энди бу ерлар бизники! Энди бу ўрмонлар бизники! Энди бу моллар бизники!» – деб қувонишарди.

Улар бой ўлжа билан қайтишар экан, ўрмондан икки бола - бир ўғил ва бир қизнинг қандай чиқиб келганини пайқашмади. Бу ўзбошимча ва шўх болалар ота-оналаридан яширинча эрталабоқ яқин ўрмонга қўлсават учун пўстлоқ шилгани кетишганди. Улар ўйнаб юришиб, ўрмоннинг анча ичкарасига кириб кетишганини сезмай қолишди. Жанг суронини эшитиб орқага отилган гўдаклар на отасини, на онасини, на акасини, на опасини тирик топа олдилар. Гўдаклар ота-онасидан ва элатидан жудо бўлиб қолди. Улар бўзлаб култепадан култепага чопишар, лекин биронта тирик жонни топиб бўлмасди. Бир зум ичида етим бўлиб қолишди. Ёруғ жаҳонда яккаю ёлғиз қолдилар. Узоқларда эса жанг тўзони кўкка уриларди, душманлар қонли кураш натижасида қўлга киритган мол ва қўйларини ҳайдаб кетишарди.

Болалар туёқлар остидан кўтарилган чангни кўриб, ўша томонга югуришди. Улар қонхўр душман изидан йиғлаб, қичқириб чопишарди. Фақат боланинг қалбигина шундай содда дил бўлади. Жаллодлардан яшириниш ўрнига уларга етиб олишга шошилишарди. Ҳар нима бўлса ҳам ёлғиз қолишмаса, бу вайронадан, лаънати жойдан нари кетишса бас. Бир-бирининг қўлидан ушлаб олишган бола ва қизча кетаётганлар орқасидан қувиб жиндаккина кутишни, ўзлари билан бирга олиб кетишларини ёлвориб сўрашарди. Бироқ қий-чув ва туёқларнинг дупур-дупури-ю, ҳайдовчиларнинг ҳайқириғида бу ожиз овозларни ким эшитарди.

Болалар жон-жаҳди билан узоқ чопишди. Лекин ба-рибир, етиб олишолмади. Кейин эса йиқилиб қолишди.

Атрофга боқишга, қимирлашга қўрқишарди. Ҳаммаёқ ваҳимали эди, Шу зайлда бир-бирининг пинжига кириб кўзлари юмилганини билмай қолишди.

Етимча етти кўча, деб бекорга айтмаганлар. Тун беҳатар ўтди. Ҳайвон уларга тегмади, ўрмон махлуқлари кўтариб кетмади. Улар уйғонишганда, тонг отганди. Қуёш нур сочиб, қушлар сайрарди. Болалар ўринларидан туриб яна мол ҳайдовчиларнинг изидан йўлга тушишди.

Йўлма-йўл мева ва илдиз еб жон сақлашди. Йўл юра-юра учинчи куни бир тоғ тепасида тўхташди. Пастга қарашса - кенг, ям-яшил майсазорда катта тантана бўлаётибди. Бу ерда тикилган ўтовларнинг, гуриллаб ёнаётган гулханларнинг, гулхан атрофида ўтирган одамларнинг сон-саногини йўқ. Қизлар ҳалинчак учиб қўшиқ айтишмоқда. Давра тортган одамлар ўртасида полвонлар худди бургутдай гир айланиб, бир-бирини итқитиб отишяпти. Душманлар ўзларининг ғалабасини нишонлашарди.

Бола билан қиз яқин боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай тоғ тепасида туришарди. Лекин гўшт қовурдоқ, нон, саримсоқнинг ёқимли ҳиди уфуриб турган гулхан атрофида пайдо бўлиб қолишни иташарди.

Болалар чидаб туришолмади, тоғдан туша бошлашди. Тантана эгалари ҳайрон бўлишди, уларни тўда бўлиб ўраб олишди.

– Кимсанлар? Қаёқдан келдиларинг?

– Биз очмиз, – жавоб берди бола билан қизча, – бизга ейдиган бир нима берсангиз.

Улар болаларнинг тилидан ким эканлигини дарров пайқаб қолишди. Бақириб-чақириб, шовқин солишди. Тугатилмаган душман оиласининг омон қолган аъзоларини ҳозир ўлдириш керакми ёки хоннинг олдига олиб бориш керакми? – деб баҳсга тушиб кетишди. Улар баҳслашиб турганда раҳмдилгина бир аёл болаларга жиндек пишган от гўшти узатди. Болаларни хон ҳузурига судраб боришар экан, улар қўлларидаги овқатни ютоқиб еяверишди. Улар-

ни остонада ойболта ушлаб турган ясовулар хоннинг баланд қизил ўтовига олиб келишди. Бутун қароргоҳ бўйлаб эса аллақаяқдан пайдо бўлиб қолган қирғиз зотлари ҳақидаги ташвишли хабар тарқалди. Бу нимадан дарак бериши мумкин? Ҳамма ўз ўйини ва тантанани тарк этиб, ур-тўполон билан хоннинг ўтови томон чошиб кетди. Бу пайт хон машҳур лашкарлари билан қордай оппоқ наमत тўрида савлат тўкиб ўтирарди. У асал қўшилган қимизни симириб, мақтов қўшиқларини сел бўлиб тинглаб ўтирарди. Хон одамлар нима учун тўпланишганини билгач, газабдан қутуриб кетди:

– Мени безовта қилишга қандай журъат этдиларинг? Биз ахир қирғиз зотини бутунлай қириб ташламаган эдикми? Мен сенларни Энасойнинг абадий ҳукмрони қилиб қўймадимми? Намунча ўпкаларингни қўлтиқлаб югуриб келмасаларинг, қўрқоқлар? Қаранглар, олдиларингда ким турибди! Эй, чўтир юзли Баймоқ кампир, - қичқирди хон. У оломон орасидан ажралиб чиққанда эса унга деди: – Мана буларни ўрмонга обориб шундай қилгинки, шу билан қирғиз зоти тугасин, хаёлда ҳам қолмасин, номи абадий ўчсин. Бошла, Чўтир Баймоқ кампир, айтганимни дарҳол бажо келтир...

Чўтир Баймоқ кампир жимгина итоат қилиб, бола билан қизни қўлидан ушлади-да, олиб кетди. Улар ўрмон оралаб узоқ юргач, Энасой қирғоғидаги баланд жарликка етиб келишди. Чўтир Баймоқ кампир болаларни шу ерда тўхтатиб, уларни жар ёқасига олиб келди. Сўнг, уларни жарликка итариб юбориш олдидан шундай деди:

– О, муаззам Энасой дарёси! Сенинг қаърингга тоғни қулатса, у бир харсангдай жо бўлади. Агар юз йиллик қарағайни ташласа, уни чўпдай оқизиб кетасан. Кел энди, икки қум заррасини - икки инсон боласини ўз бағрингга олгин. Уларга ер юзида жой йўқ. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасой? Агар юлдузлар одамга айланиб қолса борми, осмон уларга торлик қилиб қолади. Агар ба-

лиқлар одамга айланиб қолса борми, уларга дарё ва денгизлар торлик қилиб қолади. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасой? Ол, бу болаларни, улоқтириб кет. Қўй, улар бу манфур дунёмизни гўдакликда, тоза қалб билан, болалик ҳаёси билан, ёвуз ният ва ёвуз ишлар билан ўз номига иснод келтиришга улгурмасданоқ тарк этишсин, токи инсон азоб- уқубатини кўриш ва бошқаларнинг ҳам гам-аламига сабабчи бўлиш уларга насиб қилмасин. Ол буларни, ола қол буларни, қудратли Энасой...

Болалар зор қақшаб, ҳўнграб йиғларди. Тик қирғоқдан пастга қараш қанчалик даҳшатли эканлигини кўриб турган болаларнинг қулоғига кампирнинг сўзи кирмасди. Пастда эса қутурган тўлқинлар сапчийди.

– Қучоқлашинглар, болалар, охирги марта хайрлашиб олинглар, – деди Чўтир Баймоқ кампир. Ўзи эса уларни жарга иргитиш қулай бўлсин учун енгларини шимарди. Кейин шундай деди: – Энди мени кечиринглар, болалар. Пешанангизга ёзгани шу экан. Бу ишимни ҳозир ўз ихтиёрим билан қилмаётган бўлсам ҳам, лекин сизларнинг бахтингизга...

У гапини тугатмаган ҳам эдики, ёнгинасидан бир овоз келди:

– Тўхта, доно, оқила кампир, гуноҳсиз болаларни жувонмарг қилма.

Чўтир Баймоқ кампир қайрилиб қаради-ю, хайратда қолди: қаршисида гаройиб она бугу турарди. Унинг йирик-йирик кўзлари таънали ва гамгин боқарди. У сутдек оқ, қорни бўталоқнинг юнгидек қўнғир юнг билан қопланган. Шохлари бўлса гўзаллик тимсоли: сербутоқ, гўё кузги дарахтнинг бир бўлак шохи. Елини эмизикли аёлнинг кўкрагидек топ-тоза ва силлиқ.

– Кимсан? Нега одамга ўхшаб гапиряпсан? – сўради Чўтир Баймоқ кампир.

– Мен она бугуман, - жавоб берди у. – Шунинг учун одамга ўхшаб гапирдимки, бўлмаса сен тушунмайсан, қулоқ ҳам солмайсан.

– Нима истайсан, она бугу!

– Қўйиб юбор болаларни, доноларнинг доноси. Сендан илтимос қиламан, уларни менга бер.

– Нима қиласан уларни?

– Одамлар менинг икки эгизимни, икки бугу боласини ўлдиришди. Мен ўзимга бола излаб юрибман.

– Сен буларни боқмоқчимисан?

– Ҳа, доноларнинг доно аёли.

– Сен яхшилаб ўйнаб кўрдингми, она бугу? - масхараомуз кулди Чўтир Баймоқ кампир. – Булар ахир одам боласи-ку. Булар катта бўлишади, кейин сенинг болаларингни ўлдиришади.

– Улар катта бўлишса, менинг болаларимни ўлдиришмайди, - жавоб қилди унга бугулар онаси. – Мен уларга она бўламан, улар эса менинг болаларим. Ахир улар ўз ака-укаларини ўлдиришадими?

– Эҳ, нимасини айтасан, она бугу, сен одамларни билмайсан, – бош тебратди Чўтир Баймоқ кампир, – улар ўрмон ҳайвонларигагина эмас, ҳатто ўз-ўзларига ҳам раҳм-шафқат қилишмайди. Бу етимчаларни сенга берардим, шунда менинг сўзларим қанчалик ростлигига ўзинг гувоҳ бўлардинг, лекин одамлар барибир қўлингдан тортиб олиб бу болаларни ўлдиришади. Бунча ғамнинг сенга нима кераги бор?

– Мен болаларни узоқ ўлкаларга олиб кетаман, у ердан болаларни ҳеч ким қидириб тополмайди. Болаларга раҳм қил, доноларнинг доноси, озод қил уларни. Мен уларга садоқатли она бўлайин. Елинларим тўлиб турибди. Сутим болаларни орзиқиб кутяпти. У болаларга интизор.

– Ҳа, майли, шундай бўладиган бўлса, – деди охири Чўтир Баймоқ кампир ўйлаб туриб, – буларни тезроқ олиб жўна. Етимларни ўзингнинг узоқ юртингга олиб кет. Агар улар узоқ йўл юриб толиқиб ҳалок бўлса ёки дуч келган қароқчилар ўлдириб кетса, ёки бўлмаса бу одам болалари сенинг яхшилигингга ёмонлик билан жавоб қайтаришса – ўзингдан кўр.

Она буғу Чўтир Баймоқ кампирга миннатдорчилик билдирди. Бола билан қизга эса:

– Энди, мен сизларнинг оналарингман, сизлар эса менинг болаларимсизлар, - деди. – Сенларни узоқ юртга, қорли тоғ ва дарахтзорлар қўйнида жойлашган илиқ денгиз – Иссиққўлга олиб кетаман.

Бола ва қизча шодланиб, Шохдор она буғу ортидан чопкиллаб кетишди. Лекин аста-секин чарчаб, ҳолдан тойишди, йўл эса олис - дунёнинг бу четидан у четига чўзилган. Она буғу болаларни ўз сути билан боқиб, кечалари бағрига босиб иситмаганда улар ҳеч қаерга ҳам етишолмас эди. Улар узоқ юришди. Она юрт бўлмиш Энасой тобора ортга чекиниб борар, лекин янги ватан бўлмиш Иссиққўлга ҳали жуда узоқ эди. Йўл юришди, йўл юришса ҳам мўл юришди. Ёзу қиш, кўкламу ёз ва куз, яна ёзу қиш, яна баҳору, яна ёз ва куз қалин ўрмонлардан, жазирама чўллардан, кўчма қум саҳролардан, баланд тоғлардан ва ҳайқириб оққан дарёлардан не машаққат билан ўтишди. Уларнинг изидан бўриллар галаси қувди, Шохдор она буғу эса болаларни устига миндириб ёвуз йиртқичлардан қутқариб кетди. Уларнинг изидан тушган отлиқ овчилар ўқ узиб, қичқиришарди: «Буғу одам боласини ўғирлаб кетяпти! Ушла! Тут!» ва кетма-кет ўқ узишарди. Шохдор она буғу болаларни опичиб, гизиллаб учаётган ўқларга, чақирилмаган қутқарувчиларга етказмай борарди. У ўқдан кўра тезроқ чопар ва шивирларди:

«Маҳкамроқ ушланглар, болаларим, босқинчилар!»

Охири Шохдор она буғу ўз болаларини Иссиққўлга етказиб келди. Улар тоғ тепасида туриб, ҳайратланишарди. Чор атроф қорли тоғлар билан қопланган, тоғлар ўртасида кўм-кўк ўрмон, кўз илғаган ҳамма жойда денгиз чайқалиб шовуллаб турарди. Кўм-кўк сув юзида оппоқ тўлқинлар югурар, шамол уларни узоқлардан ҳайдаб келиб, яна йироқларга ҳайдаб кетарди. Иссиққўл қайдан бошланиб, қайда тугайди - билиб бўлмасди. Бир чеккасида қуёш бош

кўтарса, иккинчисида ҳали тун пардасини йиғиштиролмасди. Иссиқкўлнинг чор атрофини қанча тоғ қуршаб олган - санаб бўлмасди, у тоғлар ортида яна шунга ўхшаш қанчадан-қанча қорли тоғлар бўй чўзиб турибди.

– Мана шу янги ватанингиз бўлади, - деди Шохдор она бугу. - Мана шу ерда яшайсизлар, ер ҳайдайсизлар, балиқ тутасизлар, молу ҳол қиласизлар. Минг йиллар тинч-тотув яшанглар. Ҳа, сизларнинг авлодингиз яшайди, кўпаяди. Сизлар келтирган тилни авлодлар унутишмайди. Уларга ўз она тилларида сўзлаш ва куйлаш ёқимли бўлади. Инсонларга қандай яшаш лозим бўлса шундай яшанглар. Мен эса сизлар ва сизларнинг болаларингизнинг болалари билан ҳаммиша бирга бўлай...

Мана шундай қилиб, бола ва қизча қирғиз авлодининг аждодлари сифатида мангу жаннатмакон Иссиқкўлда ўзларига янги макон топдилар.

Вақт тез ўтиб бораверди. Бола бақувват йигит бўлди, қиз бўйга етди. Шунда улар қовушиб, эр-хотин бўлдилар. Шохдор она бугу эса Иссиқкўлни тарк этмасдан, яқин ўртадаги ўрмонда яшай бошлади.

Бир кун тонг маҳали Иссиқкўл қўққисдан нотинчланиб, шовуллай бошлади. Қизни тўлғоқ тутиб, азобланмоқда эди. Эр эса чўчиб кетди. Қоя устига чопиб чиқди-да, овозининг борича чақира бошлади:

– Қаердасан, Шохдор она бугу? Иссиқкўл қандай шовқин соляпти, эшитяпсанми? Қизинг туғяпти. Тезроқ кел, Шохдор она бугу, бизга ёрдам қил...

Шунда узоқдан худди карвонларнинг қўнғирогидай жарангдор товуш эшитилди. Бу товуш тобора яқинлашиб келаверди. Шохдор она бугу етиб келди.

У шохларида бешик келтирди. Бешик оппоқ қайиндан ясалган бўлиб, бандида кумуш қўнғироқча жаранглаб турарди. Бу қўнғироқ Иссиқкўл бешикларида ҳозиргача ҳам янграб турибди. Оналар бешикларни тебратар, кумуш қўнғироқ жаранглар, гўё Шохдор она бугу узоқлардан чо-

пиб, шошиб, шохларида қайин бешик кўтариб келаётгандай туюлади...

Шохдор она бугу етиб келди-ю, шу пайт қизнинг ҳам кўзи ёриди.

– Бу бешик сизларнинг тўнғичларингиз учун, – деди Шохдор она бугу. – Ҳали кўп фарзанд кўрасизлар. Етти ўғил, етти қиз!

Ота-она хурсанд бўлишди. Тўнғич фарзандларини Шохдор она бугу шарафига - Бугубой деб аташди. Бугубой ўсиб-улғайди, қипчоқлар авлодидан бўлган гўзал қизга уйланди, шу билан Бугубой авлоди – Шохдор она бугу авлоди кўпая бошлади. Бугубой авлодлари Иссиққўлда кўп ва қудратли бўлиб қолди. Бу авлод Шохдор она бугуни муқаддас деб билишарди. Бугубой авлодларининг ўтовидида эшик тепасига бугу шохи осиб қўйилар, бу эса узоқ-узоқлардан ҳам ўтовнинг Бугубойлар авлодига мансуб эканлигидан дарак бериб турарди. Босқинчи душманларни даф этганда ёки пойга мусобақаларида Бугубой авлодларини «Бугу»! деган бита лақабнинг ўзиданоқ англаб олишар, улар эса ҳар доим ғолиб чиқишарди. Ўша кезлар Иссиққўл ўрмонларида оппоқ шохдор бугулар бўларди, гўзалликда ҳатто кўкдаги юлдузлар ҳам уларга рашк қиларди. Улар шохдор она бугунинг болалари эди. Уларга ҳеч ким тегмасди, ҳеч ким ҳуркитмас эди. Бугубой авлодлари бугуга дуч келган жойда отдан тушиб, унга йўл берарди. Ошиқлар суйган қизларини сулувлиқда гўзал оқ бугуга қиёс қилишарди...

Бугубой авлодининг ошиб-тошиб кетган машҳур бир бойи то ўлгунига қадар шу одат сақланиб қолди. Унинг минг-минглаб қўйлари, минг-минглаб йилқилари бўлиб, молларига қарайдиган қанча-қанча чўпонлар ҳам унинг измида эди. Ўғиллари унга катта маърака қилишди. Улар бу маъракага ер юзининг ҳамма маълум ва машҳур кишиларини чақиришди. Меҳмонлар учун Иссиққўл қирғоғига бир минг бир юзта ўтов тикдилар. Қанча мол сўйилди, қанча қимиз ичилди, қанчалаб қашқарча ноз-неъматлар

берилди, саноғига етиб бўлмасди. Бойнинг ўғиллари гердайиб юришарди: Ахир отадан битмас-туганмас мерос қолганлигини, фарзандлар отани ҳурматлаб, унинг хотирасини қандай эъозлашларини одамлар кўриб қўйсинда... («Э бўтам, одамлар ақл ўрнига бойлигини кўз-кўз қилишса, бу қандай ярамаслик».)

Марсия айтувчилар эса марҳумнинг ўғиллари тақдим этган арғумоқларда елиб, совғага берилган сувсар телпак ва шойи тўнларга ўралиб, марҳумни ва унинг меросхўрларини кўкларга кўтариб мақташарди.

– Бу оламда бундай бахтли ҳаёт ва шукуҳли маъракаи кўрган борми? – деб куйларди бири.

– Дунё бино бўлгандан бери бунақаси ҳали бўлмаган! – дерди иккинчиси.

– Ҳеч қаерда бўлмаган! Фақат биздагина ота-оналарни шундай ҳурматлашади, ота-она шон-шарафини юксак тутишади, уларнинг муқаддас номини улуғлашади, – куйларди учинчиси.

– Эй, қақилдоқ марсиячилар, нима деб валдираяпсиз! Оламда бу хотамтойликнинг таърифига лойиқ сўз, марҳумнинг шон-шуҳратига тенг келадиган шуҳрат бор эканми? – куйларди тўртинчиси...

Улар шу зайлда кеча-кундуз ким ўзарга баҳслашарди. («Э-э, бўтам, ҳофизлар ҳамду сано ўқишда баҳслашса, қандай ярамаслик, улар қўшиқчидан қўшиқ кушандасига айланишади».)

Довруқ солган маърака кўп кунлик байрамдай ўтди. Бойнинг мақтанчоқ ўғиллари бошқаларни лол қолдиришни, шуҳратлари оламга ёйилишини орзу қилишди. Яна бунинг устига мангу уйқуга кетган шавкатли оталари Шохдор она буғу авлодидан эканлигини ҳамма билиш учун унинг қабрига буғу шохини ўрнатишни ўйлаб топишди. («Э бўтам, қадимги одамлардан қолган гап бор: бойлик - такаббурликни, такаббурлик эса - телбаликни туғдиради».)

Бойнинг ўғиллари ота хотирасига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёдгорлик ўрнатишни ишташгани учун ҳам ҳеч нима уларга тўсқинлик қила олмади. Айтилган сўз - отилган ўқ. Овчиларни ёллашди. Овчилар буғу отиб, шохини танасидан айиришди. Буғу шохларининг тепага таралиб туриши кўкда парвоз қилаётган бургутнинг қанотларига ўхшарди. Буғу шохлари ўғилларга ёқиб тушди: уларнинг ҳар бири ўн саккиз бутоққа бўлинган - демак, ўн саккиз ёшда экан. Яхши! Улар шохни қабр устига ўрнатиш учун усталарга фармон беришди.

Қариялар ҳайратда қолишди:

– Буғуни ўлдиришга қандай ҳаддингиз сиғди? Шохдор она буғу авлодига қўл кўтаришга ким журъат этди?

Бойнинг меросхўрлари уларга жавобан:

– Биз ўз еримиздаги буғуни ўлдирдик. Бизнинг салтанатимиз остидаги ерларда нимаики қимирлаган, учган тирик жонзот бўлса, пашшадан тортиб туягача - ҳаммаси бизники. Ўзимизга қарашли жамики нарсаларни нима қилиш-қилмасликни ўзимиз яхши биламиз.

– Йўқолинглар! - дейишди.

Хизматкорлар қарияларни қамчи билан савалаб, отга тескари миндиришди-да, сазойи қилиб ҳайдашди.

Ҳамма бало шундан бошланди. Шохдор она буғу авлодларининг бошига катта бахтсизлик тушди. Деярли ҳар бир киши ўрмонларда оқ буғуларни овлашга тушиб кетди. Буғубой авлодидан бўлган ҳар бир киши ўз аждодлари қабрига буғу шох ўрнатишни бурч деб билар эди. Бу иш энди марҳумлар хотирасига бўлган муқаддас вазифа, алоҳида ҳурматга айланди. Кимки буғу шохларини тополмас экан, энди уни одам ўрнида санамай қўйишди. Буғу шохлари билан савдо қилиш, уларни олдиндан гамлаб қўйиш одат тусига кириб қолди. Шохдор она буғу авлодлари орасида шундай кишилар пайдо бўлдики, улар буғу шохларидан ўлжа йиғишни ва пуллашни ҳунар қилиб олдилар. («Э бўтам, пул ҳукмрон бўлган жойда эзгу сўзга ўрин йўқ, гўзалликка ўрин йўқ».)

Иссиққұл ўрмонларида буғуларга қиргин келди. Уларга шафқатсиз бўлишди. Буғулар қадам етмаган жойларга қочди, лекин у ерда ҳам қўйишмади. Овчилар тозиларни қўйиб пистирма томон ҳайдашар, ўзлари эса пистирмаларда беркиниб ётиб, яқинлашган буғуларни беҳато отиб олишарди. Буғуларни тўда-тўдаси билан қиришди, Шох бутоқлари энг кўп бўлган буғуни ким отарга гаровга боғлашарди.

Буғулар ғойиб бўлди. Тоғларни тарк этди. На тунда, на тонгда буғу овози эшитиларди. На ўрмонда, на яйловда унинг қандай иргишлаб, қандай сапчишларини, шохларини елкаси устига ташлаб, парвоздаги қушдай жарликлардан қандай сакраб ўтишларини энди ҳеч ким кўрмасди. Бутун умри бўйи буғу нима эканлигини кўрмаган янги инсонлар туғилди. Фақат у ҳақидаги эртакларни эшитиб, қабрлар устидаги шохларни кўришди, холос.

– Шохдор она буғуга нима бўлди?

– У одамлардан ранжиди, жуда қаттиқ ранжиди. Айтишларича, сон-саноқсиз ўқлар ва тозилар дастидан буғуларга кун қолмаган, уларнинг энг сўнгги авлоди бармоқ билан санарли даражада оз қолган чоғда Шохдор она буғу энг баланд чўққига кўтарилиб, Иссиққұл билан видолашибди ва сўнгги болаларини улкан довон ортига, бошқа юртларга, бошқа тоғларга бошлаб кетибди.

Мана, оламда қандай ишлар бўлади. Мана, эртак ҳам тугади. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма.

Шохдор она буғу эса кетиши олдидан бундан буён бунларга асло қадам босмайман, дебди...

БЕШИНЧИ БОБ

Яна тоғлар қўйнига куз кириб келди. Яна шовқин-суронли ёздан сўнг ҳамма нарса кузги сокинликка мослаша бошлади. Мол қамайдиган қўралар атрофидаги чанглар босилди, гулханлар ўчди. Моллар қишлоғга кўчди. Одамлар жўнаб кетишди. Тоғлар ҳувиллаб қолди.

Бургутлар базур қур-қурлаб, ёлғиз уча бошлади. Ёз бўйи ўз ўрнидан шовуллаб оққан дарё саёзланиб, овози пастлашиб қолди. Ўтлар ўшишдан тўхтади, илдизлардан жон кетди. Баргларнинг шохларда осилиб туришга ортиқ мадори қолмай, узилиб туша бошлади.

Энг баланд чўққиларга эса кечалари кумуш ранг юпқа қор ёғиб чиқарди. Эрталаб ғира-шира тоғ тизмалари қорабурул тулкининг ёлидай оппоқ тусга кирарди.

Совуқ тушиб, дараларда изгирин шамол эса бошлади. Лекин ҳамон кунлар чароғон ва қуруқ эди.

Дарё ортида, қоровулхона рўпарасидаги ўрмон тезда куз оғушига кирди. Дарёдан то юқорига, Қора қарағайзор чегарасигача чўзилиб кетган чакалакзорларни дудсиз олов янглиғ кузги хазонрезги босганди. Энг чидамли дарахтлар - тўқ сариқ рангли тоғ тераги ва қайин ўрмонлари, айниқса, кўзга яққол ташланиб турарди. Улар улкан ўрмоннинг қор босган баланд чўққиларигача - қайрағоч ва арчалар қорайиб турган ергача чўзилиб кетган эди.

Қарағайзор қўйни ҳамма вақт топ-тоза ва қасрлардагидек салобатли. Қаёққа қараманг, фақат қаттиқ дарахтларнинг жигарранг танаси, смолали қуруқ ҳид, бутун ўрмон пойига тўкилган қорамтир игна япроқлар. Кекса қарағайларнинг учиде ғир-ғир шамол эсади.

Лекин бугун эрта тонгданоқ тоғлар бошида чағиллаб, безовталанган зағчалар айланиб қолди. Жон-жаҳди билан чагиллаган зағчаларнинг каттакон галаси қарағайзор ўрмон тепасида бетиним айланаверди. Улар болта овозини эшитган заҳотиёқ безовталанган бўлса, сўнг худди бироз озор бергандек бир-бирларига гал бермай чағиллаб, қирқилган қарағайларни тоғдан олиб тушаётган икки кишининг изидан таъқиб этарди.

Ёғочларни отларга боғлаб судратиб келишарди. Ўразқул отнинг жиловини тутиб олдинда борарди. У туртиниб, плашининг бари буталарга илиниб, қўшга қўшилган ҳўкиздай ҳансирарди. Унинг ортидан, ёғоч орқасидан

Мўмин бобо елиб келарди. Бундай баландликда унга ҳам осонмасди, чолнинг нафаси қисилиб қолганди. Унинг қўлида қарагай пишанг бўлиб, бу билан у йўл-йўлакай ёғочларни ўнглаб борарди. Ёғочлар гоҳ тўнкаларга, гоҳ тошларга ҳадеб қадалиб қолаверар, қияликка келганда эса нишабга кўндаланг бурилар ва пастга юмалаб кетгудай бўларди. Унда фалокатдан қочиб қутулиб бўпсан - нақ мажақлаб ўлдиради.

Пишанг билан ёғочларни тўғрилаб бораётган кишига айниқса, хавфли, ҳар бало юз бериши мумкин. Қўрқувдан бир неча бор юганни ташлаб қочган Ўразқул ҳар сафар чол ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, ёғочни қияликда тутиб, унинг от ёнига қайтишини ва югандан тутишини кутаётганини кўриб уялиб кетарди. Лекин ўз айбингни яширмақ учун уни бировга тўнкамоқ керак деб бекорга айтишмаган-да.

– Сен нима, мени нариги дунёга жўнатмоқчимисан?

– Ўразқул қайнотасига қичқирди.

Атрофда Ўразқулнинг овозини эшитадиган ва унга дакки берадиган ҳеч ким йўқ эди.

Кексаларга шундай муомала қилишни ким кўрган? Қайнотаси, буни мен атайлаб қилибманми, ахир ўзим ҳам ёғоч тагида қолиб кетишим мумкин-ку, худди у буни қасдан қилаётгандек, унга бунча қичқиришнинг нима кераги бор, деб қўрқа-писа пичирлади.

Бу ҳол Ўразқулнинг яна баттар жаҳлини чиқарди.

– Эҳ, сени қара-я! – газабланди у. – Сени босиб қолса, ахир сен ёшингни яшагансан. Сенга нима? Мен майиб бўлсам, қизинг кимга қолади, уни ким олади? Шайтоннинг қамчисидай бу бепушт кимга керак...

– Тушуниб бўлмайдиган одамсан, ўғлим. Сенда одамларга ҳурмат деган нарсаси йўқ, – деди бунга жавобан Мўмин.

Ўразқул ҳатто тўхтаб, чолга разм солди:

– Бундай чоллар аллақачон ўчоқ олдида ёнбошлаб, ўзини оловга тоблаб ётибди. Сенга эса маош оқиб келиб ту-

рибди. Қаёқдан келяпти бу маош? Менинг шарофатим билан келяпти. Сенга яна қанақа хурмат керак?

– Кел, қўй энди, айтдим-қўйдим-да, – мулойимлашди Мўмин.

Шундай қилиб, улар юришда давом этди. Яна бир довон ошиб, қияликда тин олгани тўхташди. От бутунлай терга тушиб, кўпикка қопланди.

Сон-саноқсиз зағчалар эса ҳамон тинчимас, чарх уриб айлангани-айланган. Гўё бутун кун бўйи чагиллашга қасд қилгандай зўр бериб чагилларди.

– Қишнинг эрта тушишини сезяпти, – деди Мўмин оҳиста гапни бошқа ёққа буриб ва бу билан Ўразқулни жаҳлдан туширмоқчи бўлиб. – Учиб кетишнинг пайида бўляпти. Халақит бергани ёқтирмайди, – деб қўшиб қўйди, худди ақлсиз қушлар учун узр сўрагандек.

– Ким уларга халақит беряпти? – кескин бурилиб қаради Ўразқул. Бирдан қизариб кетди. – Алланималар деб алжийсан, чол, – деди секин дўқ урган оҳангда.

«Эҳ, - хаёлга келтирди у, - нимага ишора қиляп-ти! Бу нимаси, унинг зағчалари дастидан қарагайга тегмаслик, бир шохини ҳам синдирмаслик керак экан-да? Йўқ, бекор айтибсан? Ҳозирча бу ерга мен хўжайинман». У газаб билан уймалашаётган зағчалар галасига қаради:

– Эҳ, пулемёт бўлгандами!– деди ва бурилиб уятсиз сўз билан сўкинди.

Мўмин жим қолди. У куёвини сўкишини кўп эшитганди.

«Яна айнияпти, - ич-ичидан гам тортди чол. – Ичди - ҳайвонга айланади. Наҳорда бош оғриғига тортса ҳам - бир сўз қотма. Одамлар нега бундай бўлиб қолишар экан-а?– ўйга толди Мўмин. – Сен унга яхшилик қиласан, у сенга ёмонлик қайтаради. Уялмайди ҳам, уялишни хаёлига келтирмайди ҳам. Худди шундай бўлиши лозимдек. Ҳамиша ўзиникини тўғри деб билади. Фақат унга яхши бўлса бўлгани. Ҳамма унинг атрофида гирдикапалак бўлиши керак.

Агар истамасанг мажбур қилади. Яхшиямки, мана бундай тоғда, ўрмонлар орасида ўтиради, унинг қўли остида битта, иккита одами бор. Каттароқ амалга минса борми? Худо кўрсатмасин... Бундайларни жойидан силжитиб ҳам бўлмайди. Ҳамиша ўз улушини чангаллаб қолади. Сен бунақалардан ҳеч жойга қочиб қутулолмайсан ҳам. Ҳамма жойда у сени кутиб туради, излаб топади. Ўзининг дорилмон яшаши учун сенинг жонингни суғуриб олади. Ҳамиша ҳақ бўлиб чиқади. Ҳа, бундайларни силжитиб бўлсан...»

– Хўш, етар қаққайиб туриш, – Ўразкул чолнинг хаёлларини тарқатиб юборди. – Кетдик! – буйруқ қилди у. Улар йўлда давом этишди.

Бугун эрталабданоқ Ўразкулнинг кайфияти жойида эмасди. Эрталаб, асбоб-ускуналари билан нариги қиргоққа, ўрмон тарафга ўтиш керак бўлган чоғда, Мўмин набирасини мактабга олиб боришга шошарди. Бугун ақлидан озиб бўлди! Ҳар кун эрталаб отни эгарлайди, болани мактабга элтиб қўяди, кейин уни яна олиб келгани боради. Буташландиқ дайди билан овора. Қаранг-а, мактабга кечикиш мумкин эмасмиш. Бу ердаги иш шундайки, худо билади охири нима бўларкин, бундан чиқди - бу ишни кейинга қолдириб турса бўларкан-да? Шундай эмасми? «Мен, дейди, бир зумда қайтиб келаман, бола мактабга кечикса муаллиманинг олдида уяламан». Уяладиган одамингни топибсан! Аҳмоқсан-да! Бу муаллиманг ўзи ким бўлибди? Беш йилдан бери устидан битта пальто тушмайди. Фақат дафтар билан, сумка билан кўрасан... Доимо йўлда қўл кўтариб машина кутгани-кутган - ҳадеб районга тушади, ҳамиша унга нимадир етишмайди, гоҳ мактабга кўмир дейди, гоҳ ойна, гоҳ бўр, ҳатто латтагача сўрайди. Ҳе, номусли муаллима бундай мактабга келармиди? Қанақа от топишибди-я - «митти мактаб». У чиндан ҳам митти-да. Ундан нима наф келарди. Ҳақиқий ўқитувчилар шаҳарда. Мактаблари ойнадан. Ўқитувчилари галстук тақиб олган. Лекин

шаҳарда шундай-да... Бошлиқлар у ерда ҳашаматли машиналарда кўчалардан қандай ўтишади. Машиналарни айтмайсанми?! Қоп-қора, ялтироқ, бу машиналарни «лип» этиб ўтиб кетгунча тўхтаб томоша қилгинг келади. Шаҳар одамлари эса худди бу машиналарни кўрмаётгандек парво ҳам қилишмайди. Вақтлари йўқ - шошилишади, қаёққадир чопишади. Ана у ерда, шаҳарда, ҳаётни - ҳаёт деса бўлади. Қани энди ўша ёққа етишсанг, бирон жойга ўрнашиб олсанг экан. У ерда одамларни амалига қараб ҳурмат қилишни билишади. Лозимми - демак, ҳурмат қилишинг шарт. Катта амалга - катта ҳурмат. Маданиятли одамлар. Шунинг учун ҳам у ерда меҳмонма-меҳмон юриш ёки у-бу совға қилиш, ёғоч ташиш ёки шунга ўхшаш аллақандай ишларни қилишга тўғри келмайди. Бу ердагига ўхшаб - эллик сўм, кўпи билан юз сўм бериб, ёғоч олиб, устингдан шикоят ёзиб юрмайди: Ўразқул порахўр, фалон- пистон... Нодонлик!

Ҳа, шаҳарда бўлгандами... Эҳ, тоғига ҳам, ўрмонига ҳам, мана бу дардисар ёғочларга ҳам, пуштсиз хотинига ҳам, манави валакисаланг, беақл чолга ҳам қўл силтаб юборган бўлардим. Эҳ, сулига тўйган отдек жўш уриб кетардим-да! Ўзимни ҳурмат қилишга мажбур этардим. «Ўразқул Балажанович, кабинетингизга киришга рухсат этинг». У ерда шаҳарликка уйланиб олардим. Нега мумкин эмас экан? Айтайлик, биронта қўлида микрофони билан ўйнаб ашула айтадиган гўзал артисткага: айтишадикки, улар учун энг муҳими одамнинг амалдор бўлишимиш. Мана шунақасини қўлтигидан олиб галстук тақиб юрсанг. Кинога борсанг. У бўлса туфлисини тиқиллатиб, атир таратиб юрса. Ўтган-кетган бурнини чўзиб қолаверади. Қарабсан-ки, болалар тугилади... Ўғлимни юристликка ўқитардим, қизим эса рояль чалсин. Шаҳарлик болалар даров кўзга ташланади - ақлли бўлишади. Уйда фақат русча гаплашишади: улар каллаларидан эски қишлоқ сўзларини чиқариб ташлашади. У ўз фарзандларини шундай тарбиялаган бўларди:

«Папочка, мамочка, уни олиб бер, буни олиб бер...» ўз жигарбандингдан бирон нарсани аяб ўтирармидинг? У кўпларни бопларди-да, ким эканини кўрсатиб қўярди. Бошқалардан нимаси кам унинг? Нима, юқоридагиларнинг ундан бирон жойи ортиқми? Улар ҳам ўзига ўхшаган одамлар-да. Уларнинг омади келган фақат. Унинг эса омади келмаган. Бахт кулиб боқмаган. Ўзида ҳам айб бор. Ўрмончилар курсини битиргач, шаҳарга кетиши керак эди, техникумга кириши керак эди ёки бўлмаса институтга. Шошди - амалга учди-да. Кичкина бўлса ҳам, ҳарҳолда амал-да. Мана энди тоғма-тоғ юр, эшакка ўхшаб ёғоч таши... Бунинг устига мана бу қарғалар ортиқча, Нимага бунча қагиллашади, нимага айланиб қолишди? Эҳ, пулемёт бўлгандами...

Ўразқулнинг авзойи бузилишига арзигулик сабаблар бор эди. Ёзни ялло қилиб ўтказди. Куз етиб келди, ёз билан бирга чўпонлар ва йилқибоқарлар даврасидаги меҳмондорчилик даврлари ҳам ўтиб кетди. Худди қўшиқда айтилгандай: «Яйловдаги чечаклар очилиб бўлди, этагингни йиғиштириб қол...»

Куз келди. Ўразқулга кўрсатилган ҳурматлар учун, зиёфатлар учун, қарзлар учун, ваъдалар учун ҳисоблашадиган пайт келди. Бунинг устига мақтаниб катта кетганлари-чи: «Сенга нима керак? Хари бўладиган иккита қарагай ёғочми, фақат шуми? Шунинг нимасини гапириб ўтирибсан. Машина олиб келасан-да, олиб кетаверасан».

Оғзидан гуллаб, ҳадялар олиб, ароқни ичаверди, мана энди бўғилиб, терга ботиб, ер юзидаги ҳамма нарсага лаънат ўқиб, тоғма-тоғ ёғоч судраб юрибди. Бу ёғочларнинг дахмаза бўлганини айтмайсизми? Умуман, бутун ҳаётида рўшнолик кўрмади. Бехосдан калласига лоп этиб бир фикр келди: «Ҳаммасига тупураман-да, бошим оққан томонга кетаман». Лекин у шу заҳотиёқ ҳеч қаёққа кетолмаслигини тушунди. Ҳеч кимга ҳеч қаерда кераклик жойи йўқ ва кўнгли тилаётгандек ҳаётни ҳеч қаердан излаб тополмайди.

Бу ердан кетиб ёки ваъдангдан тониб кўр-чи! Уни ўз ошна-оғайнилари тутиб беришади. Одамлар ярамас бўлиб кетган. Ўтган йили ўзининг бугу авлоди қариндошига ҳады қилинган қўзичоқ учун қарағай ёғоч ваъда қилганди, кузда эса қарағай учун юқорига чиққиси келмади. Бу айтмоққа осон, қани у ёққа бир чиқиб боқ, ёғочларни арра-лаб, юмалатиб кўр, кейин биласан қанақа эканлигини. Яна бунинг устига қарағайлар беш йил-ўн йиллик бўлса қани, уларни эплаб кўр-чи! Олтин берса ҳам бу ишга қўл ургинг келмайди! Аксинча, ўша кунлари Мўмин чолнинг тоби қочиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Бир киши уддасидан чиқолмайди бундай ишни. Ҳа, бирон кимса умрида ёлғиз ўзи тоғдан ёғоч олиб тушишнинг уддасидан чиққан эмас. Йиқитишқу мумкин, лекин йиқитган билан қарағайни пастга олиб тушиб бўлмайди... Нима бўлишини олдиндан билганда, Сейдахмадни ёнига олиб чиққан бўларди. Лекин Ўразқул тоққа тирмашиб чиқиб юришга эринди-да, биринчи дуч келган қарағай билан қариндошидан қутулиб қўя қолмоқчи бўлди. Лекин у унча-мунчасига кўнмади: унга ҳақиқий қарағай керак эмиш, вассалом. «Қўзичоқни олишни биласан, гапингнинг уддасидан чиқишни билмайсанми?» Ўразқул жаҳли чиқиб, ҳовлидан уни ҳайдаб чиқарди: олмайсанми - жўнаб қол. У йигит ҳам бўш келмади. Сан- Тош ўрмончилик заповеднигининг қоровули Ўразқул Балажанов устидан дарҳол шикоят хати ёзиб, унга шундай тўғри ва нотўғри гапларни қўшдики, оқибат-натижада Ўразқулни «социалистик ўрмон кушандаси» сифатида отиш лозим эди. Кейин районнинг ва ўрмончилик министрлигининг турли хил текширув комиссиялари Ўразқулни узоқ вақт сарсон қилишди. Зўрға қутулди. Мана сенга қариндош! Яна: «Биз ҳаммамиз Шохдор она бугу болаларимишмиз. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» эмиш. Ҳаммаси бекор гап, қачонки бир гийин учун бир-биримизнинг ёқамиздан олиб, турмага тикишга тайёр бўлсак. Қанақасига бугу авлодидан бўлай-

лик. Буғу илгари вақтда бўлган, одамлар бугуга ишонишган. Нақадар бефаҳм ва содда бўлишган-а ўша замоннинг одамлари, кулгили! Энди эса ҳамма маданиятли, ҳамма саводли. Кимга кераги бор буни, бу эртакни ёш болаларга айтса бошқа гап.

Шу воқеадан кейин Ўразқул бошқа ҳеч кимга, ҳеч қанақа танишга, ҳеч қандай қабиладошга, ҳатто Шохдор она бугунинг минг тукқани бўлса ҳамки, биронта новдани, биронта чўпни бермасликка онт ичди.

Яна ёз келди. Кўм-кўк тоғли яйловларда ўтовлар оқариб, ер-кўкни подаларнинг шовқин-сурони тутиб, ариқларда ва дарёда сув тортилиб қолди. Қуёш порлаган, сархуш қимиз ҳиди келар, гул бўйи уфурарди. Очиқ ҳавода ўтовларнинг олдида, кўм-кўк майсалар устида, ошна-оғайнилар даврасида ўтириб қимиз ичиб, қўзи гўштига тўйиб кайф қилишга нима етсин. Кейин эса бошни айлантириш учун бир стакан ароқни симириб, шундай кайфга келасанки, ўзингни гўё дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлагудек ёки бўлмаса анови тоғнинг бошини узиб олгудек ҳис қиласан...

Бундай кунларда Ўразқул ичган онтини унутарди.

Катта ўрмоннинг катта хўжайини деб аташлари унга нақадар хуш келарди. Яна ваъдалар берди, яна ҳадялар қабул қилди. Яна қадимий қарағайлар қайси бирларининг куни битиб, куз келганда умри тугашини сезмасди.

Куз эса ҳосили ўриб олинган далалардан сездирмай келиб, тоғ сари пинҳона силжиди-да, бутун атрофни қоплаб олди. У босиб ўтган йўлда майсалар сарғайди, ўрмонни хазонрезги босди.

Мевалар пишди. Қўзилар тўқли бўлди. Уларни алоҳида отарларга - тўқлиларни алоҳида, қўйларни алоҳида тўдага айиришди. Аёллар йиғилган сариғ ёғни мешга жойлаб олишди. Эркаклар водийга ким биринчи бўлиб қайтиши ҳақида гурунг қилишарди. Кетиш олдидан эса ёзда Ўразқул билан гаплашганлар фалон куни, фалон соатда

ваъда қилинган ёғочга машина олиб ўрмонга келишлари ҳақида уни огоҳлантириб қўйдилар.

Мана шу бугун кечқурун иккита қарағай ёғоч олиб кетгани прицепли машина келади. Қарағайнинг биттаси пастда тайёр турибди, машина келадиган жойга дарёдан ўтказиб қўйилган. Иккинчисини мана, пастга олиб тушишяпти. Агар Ўразқул ҳозир ушбу ёғоч устидан еб-ичганларини қусиш имконини топгандами, ҳозир чидашга мажбур бўлаётган бу азоб-уқубатлардан қутулиш учун шу заҳотиёқ қусиб ташлаган бўларди.

Афсуски, ўзининг тоғдаги лаънати бу тақдирини ўзгартиришга қодир эмас: машина тунда ёғоч олиб кетиш учун шу бугун кечқурун прицепа билан келади.

Ҳамма иш ўнгидан келса яхшику-я: йўл совхоз ўртасидан, тўғри идоранинг оддидан ўтади, бошқа йўл йўқ, совхозга эса милиция, госинспекция келиб туради. У ерда яна райондан келганлар ҳам бордир? Уларнинг кўзига ёғоч ортган машина дуч келиб қолсами: «Хўш, ёғочни қаёқдан олиб келяпсиз ва қаёққа?» - деб суриштира бошлашади.

Бу хаёлдан Ўразқулни совуқ тер босиб кетди. Ҳамма-ҳамма нарсага - боши устида айланаётган зағчаларга, бахтсиз Мўмин чолга, бундан уч кун бурун шаҳарга картошка сотгани кетган дангаса Сейдахмадга газаби жўш уриб кетди. У тоғдан ёғоч олиб тушилишини биларди-ку ахир! Демак, сездирмай жўнаб қолган... Энди фақат бозордаги ишларини битиргандан кейингина қайтади. Бўлмаса Ўразқул, чол билан иккаласини ёғоч судраб келишга жўнаиб, ўзи бу азобдан қутулган бўларди.

Лекин Сейдахмад узоқда, зағчаларга ҳам қўл етмайди. Ҳаммасининг аламини хотинидан олиши мумкин - лекин уйга етиш амри маҳол. Биргина Мўмин чол бор. Тоғдан нафаси бўғилиб, қаҳр-газаби ортиб, ҳар қадамда оғзидан оқит кириб, қора ит чиқиб келаётган Ўразқул отга ҳам, унинг орқасидан келаётган чолга ҳам раҳм қилмай, чангаллар орасидан йўл солди. Бу от ҳаром ўлса майли, бу чол ўлса

ҳам майли, юраги ёрилиб ўзи ўлса ҳам майли. Ўразқулнинг шаъни ва амалига ярашмаган, унинг кўнглидагидек бўлмаган бу дунёга ўт тушсин.

Ўразқул ўзини тутолмай, отни қияликдан тикка чангаллар орасига ҳайдаб кетди. Майли, Мўмин чаққон ёғочлар атрофида гирдикапалак бўлиб қолсин. Қани, у ёғочни эпламай кўрсин-чи! «Мажаклаб ташлайман, аҳмоқ чолни, вассалом», кўнглидан ўтказди Ўразқул. Бошқа вақтда у ҳеч қачон ёғоч билан бундай хавфли нишабликка ўзини уришга юраги бетламаган бўларди. Бу сафар шайтон йўлдан оздирди. Мўмин ҳам уни тўхтатиб қолишга улгурмади, фақат қичқириб қололди, холос: «Қаёққа кетяпсан? Қаёққа? Тўхта!» - ёғоч чирпирак бўлиб айланиб, буталарни янчиб пастга юмалаб кетди. Ёғоч ҳўл ва оғир эди. Мўмин ёғочни ушлаб қолиш учун пишанг солмоқчи бўлди. Лекин зарб шундай кучли эдики, пишанг чолнинг қўлидан отилиб чиқиб кетди.

Ҳамма иш кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. От йиқилди ва ёни билан пастга сурилиб кетди. От сурилаётиб Ўразқулни ҳам уриб йиқитди, У титраб-қақшаб буталарга тирмашиб, илиниб, юмалаб кетди. Шу пайт қалин ҳазон устидаги аллақандай шохли жониворлар ҳуркиб қочиб қолди. Улар талвасага тушиб, жон-жаҳди билан сакрай-сакрай қайинзорлар ичида ғойиб бўлди.

– Буғулар! Буғулар! – қўрқув ва шодлигидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб қичқирди Мўмин. Кейин гўё ўз кўзларига ишонмагандек жим бўлиб қолди.

Ногоҳ тоғ қўйнига сукунат чўкди. Зағчалар бирдан ғойиб бўлди. Юмалаб кетаётган ёғоч ёшгина бақувват қайинни босиб, эзиб қияликда илиниб қолди. От эгар-абзали оғиб, оёққа турди.

Ҳаммаёғи йиртилиб кетган Ўразқул эмаклаб бир томонга чиқиб олди. Мўмин куёвига ёрдамлашгани ташланди:

– О, муқаддас она Шохдор бугу! Бизни ҳозир у қутқазди! Қўрдинг-ку. Бу Шохдор она бугунинг болалари. Бизнинг онамиз қайтиб келибди! Қара-я!

Ўразқул юз берган воқеага ҳали ҳам ишонқирамай жойидан ғамгин ҳолда хижолат чекиб турди-да, қоқина бошлади:

– Кўп вайсама, чол. Етар энди, отнинг абзалини чиқар.

Мўмин итоаткорона шошилинич равишда отнинг абзалини ола бошлади.

– О, қудратингдан ўргилай, Шохдор она буғу! - у хурсандлигидан ғўлдирашини қўймасди. - Буғулар бизнинг ўрмонимизга қайтибди. Шохдор онамиз бизни унутмабди! Бизнинг гуноҳимиздан ўтибди...

– Ҳали ҳам ғўлдираяпсанми? - дўқ қилди Ўразқул. У энди кўрқувни унутган ва яна эски газаби бўғзига келганди. - Эртагингни айтяпсанми? Ўзинг жинни бўла туриб, бошқалар ҳам аҳмоқона эртагимга ишонаверади, деб ўйлайсанми!

– Мен ўз кўзим билан кўрдим. Булар буғулар эди, - бўш келмасди Мўмин бобо. - Наҳот сен кўрмаган бўлсанг, ўғлим? Сен ўзинг кўрдинг-ку.

– Хўш, кўрдим. Учаси чопқиллаб кетди, шекилли.

– Рост, учта. Менга ҳам шундай туюлди.

– Нима қипти шунга? Буғу бўлса буғу-да. Мана бу ерда одам ўз жонидан жудо бўлишига сал қолди. Нимасига қувониш керак экан. Булар агар буғулар бўлса, демак, довон ортидан келган. У ёқда - Қозоғистонда, тоғнинг нариги томонида, ўрмонларда ҳали буғулар бор, дейишади. У ер ҳам заповедник. Заповедникнинг буғулари бўлса эҳтимол. Келса келибди-да. Бизнинг нима ишимиз бор. Қозоғистоннинг бизга дахли йўқ. – Балки, бизда яшаб қолар улар? - орзу қилиб гапирди Мўмин бобо. - Қани энди қолса...

– Бас энди, - унинг сўзини бўлди Ўразқул. – Кетдик!..

Ёғочни ҳали анча пастга судраб тушиш, кейин эса яна отда дарёдан судраб олиб ўтиш керак эди. Бу ҳам оғир иш. Агар ёғоч дарёдан омон-эсон олиб ўтилса, сўнгра яна машинага ортиладиган тоғ ён-бағригача етказиш даркор.

Эҳ, қанча меҳнат.

Ўразкул ўзини бутунлай бахтсиз ҳис қилди. Бутун борлиқ унга ноҳақ яратилгандай туюлди. Тоғлар бўлса, ҳеч нима сезмайди, ҳеч нима истамайди, ҳеч нимадан зорланмайди, бир жойда тургани-турган, ўрмонлар эса аввал кузга, ундан кейин қишга ўтади, бунинг ҳеч қандай машаққатли жойи йўқ. Зағчалар ҳам ўз эркича учиб юради. Истаганича чағиллайди. Буғулар, агар улар ҳақиқатан ҳам буғулар бўлса, довоннинг нариги ёғидан келади-да, ўрмонда дайдиб юраверади, қандай юради, қанақа юради, ўзининг иши. Шаҳарда одамлар асфальт кўчаларда бепарво қадам ташлашади, таксиларда юришади, ресторанларда ўтиришади, вақтичоғлик қилишади. Унинг пешанасига мана шу тоғларда юриш битилган, у бебахт... Ҳатто унинг мана шу ҳеч нимага ярамайдиган қайнотаси Мўмин чаққон ҳам ундан бахтлироқ, чунки у эртакка ишонади. Овсар одам. Овсарлар ҳаминиша ўз ҳаётидан мамнун.

Ўразкул ўз ҳаётини кўрарга кўзи йўқ. Ҳаёти ўзи истаганча эмас. Бу ҳаёт Мўмин чаққонга ўхшаганларга хос. Унга эса нима ҳам керак? Умри меҳнатда ўтяпти, бир кун дам олиш йўқ. Умрида эса бирон инсон унга қарам бўлган эмас, у эса ҳаммага қарам бўлиб келган, ҳатто ўзининг кампирига ҳам - чол ҳатто унга бир сўз қайтармайди. Шундай шўрпешана эркак билан ҳам бахтиёр бўлаверади. Ўрмонда буғуларни кўриб, худди юз йил дунёда излаган ака-укаларини учратгандек, кўз ёши қилиб юрибди-я.

Эҳ, нимасини гапирасан...

Улар ахири сўнгги манзилга чиқишди, у ердан узун тик йўл дарёга тушиб боради. Тин олгани тўхташди.

Дарёнинг нариги бетида, қоровулхона ёнидаги Ўразкулнинг уйи олдида қандайдир буг кўтариларди. Бугга қараб самовар қайнаб турганини билса бўларди. Демак, уни хотини кутаётибди. Лекин бундан Ўразкул енгил тортмади. У оғзи билан энтикиб нафас олар, ҳаво етишмасди. Кўкраги, боши оғрир, юраги гупиллаб урарди. Пешанасидан тер қуйиларди. Олдинда эса ҳали узоқ ва тик

нишаб турибди. Уйда эса пуштсиз хотин кутиб ўтирибди, самовар қўйиб ўтирганларига куяйми, кўнглимни топмоқчи... Бирдан чопиб бориб, бу қориндор самоварни бир тепиб, учириб юборгиси келиб кетди. Кейин эса хотинига ташланиб, ўлгудай урса. У хаёлан хотинининг дод-фарёдини эшитиб, унинг бахтсиз қисматини тасаввур қилиб, ҳузур қилди.

«Яхши бўпти, - ўйларди у. - Ажаб бўпти. Мен қийналганимда нега у роҳат қилиб ўтириши керак?»

Унинг хаёлларини Мўмин бўлди.

– Мен эсимдан чиқараёзибман, ўғлим, - шоша-пиша хатосини тузатмоққа уриниб Ўразқулнинг олдига келди, – Мен болани олгани мактабга боришим керак ахир. Дарслари тугади-ку.

– Хўш, нима бўпти? - атайин вазмин оҳангда сўз қотди Ўразқул. - Нима қил дейсан?

– Жаҳлинг чиқмасин, болам. Ёғочни шу ерда қолдирамиз. Ўзимиз пастга тушамиз. Сен уйингга бориб овқатланасан. Мен шу пайтда отда чопиб мактабга бориб келаман. Болани олиб қайтаман. Кейин келиб ёғочни олиб кетамиз.

– Шуни ўйлаб топгунча анча бош қотирдингми-чол? – заҳархандалик билан гап қотди Ўразқул.

– Бола ахир йиғлайди-да.

– Нима бўпти шунга? - қизишди Ўразқул. Ниҳоят чолни хумордан чиққунча сўкишга баҳона топилди. Кун бўйи Ўразқул жанжалга баҳона ахтарди, мана энди Мўминнинг ўзи унга баҳона топиб берди. – У йиғлар экан деб биз ишимизни ташлаб кетайликми? Эрталаб, мактабга олиб бораман, деб бошни қотирдинг. Олиб бординг, яхши. Энди мактабдан олиб келаман дейсан. Мен нима сенга? Ё биз майнабозчилик ўйнапмизми бу ерда?

– Кераги йўқ, ўғлим, – зорланди Мўмин. – Шундай кунда. Менга-ку майлия, бола кутади-да, шундай кунда йиғлайди-да...

– Нима шундай кунда? Бу қанақа хосиятли кун ўзи?

– Буғулар қайтди. Нима кераги бор эди шундай кунда...

Ўразқул довриаб, ҳатто ҳайратидан жим бўлиб қолди. У тиканли буталар орасида юмалаб, қўрқувдан юраги ёрилаёзганда сакраган соялари лип этиб ўтгандай кўзга ташланган бу буғуларни аллақачон унутган эди. Ёғоч билан пастга юмалаганда биргина дақиқада тақдири ҳал бўлиб кетарди. Унинг буғуларга қарашга ҳам, чолнинг вайсашига қулоқ солишга ҳам ҳоли келмай қолганди.

– Сен мени нима деб ўйлаяпсан? – деди у секин ва жаҳл билан чолнинг юзига пишқириб. - Афсус, соқолинг йўқ, бўлмаса бошқаларни ўзингдан кўра аҳмоқроқ деб ўйламаслигинг учун юлиб ташлардим. Сенинг буғуларингни бошимга ураманми. Нимасига яна мен уларни ўйлашим керак экан. Сен мени гап билан чалғитма. Қани тур, ёғочни ушла. То дарёдан олиб ўтмагунимизча, бирон нима ҳақида гинг дема. У ёқда ким мактабга боряпти, ким йиғлаяпти - менинг ишим йўқ. Бас, энди кетдик...

Мўмин ҳар сафаргидек бўйсунди. У токи ёғоч жойига бормагунча Ўразқулнинг қўлидан қутулиб кетолмаслигини билиб, сукут сақлаганча жон-жаҳди билан ишларди. Қалби туғён уриб ётса ҳам, у бошқа бирон сўз қотмади. Набираси уни мактаб олдида кутиб турибди; ҳамма болалар уй-уйига тарқаб кетишган, фақат ёлғиз унинг етим набирасигина йўл пойлаб, бобосини кутмоқда.

Чол барча синфнинг болалари мактабдан қандай ер тепиниб отилиб чиқишини, қандай уй-уйига чопқиллаб кетишини кўз олдига келтирди. Оч қолишган. Улар йўлдаёқ ўзларига тайёрланган овқатнинг ҳидини сезишади ва қувончга тўлиб, ҳаяжонланиб уйларнинг деразаси остидан чопиб ўтишади, Оналари аллақачон

кутиб ўтиришибди. Ҳар бирининг чеҳрасида одамни қувонтирадиган табассум. Она ўзига оғирми, енгилми, боласи учун табассум қилишга ҳар қачон ўзида куч топа олади. Ҳатто она: «Қўлларинг-чи? Қўлларинг-ни ким ювади?» - деб ўшқириб турганда ҳам барибир унинг кўзларида ўша табассум яширинган бўлади.

Мўминнинг набираси ўқишга тутинган кундан бери қўли сиёҳдан аримай қолди. Бу бобосига ҳатто ёқиб тушарди: демак, йигитча иш билан машғул. Ана, ҳозир унинг набираси сиёҳли қўлларида шу йил ёзда сотиб олинган портфелини ушлаб йўлда турибди. У, эҳтимол, кутавериб чарчаган ва энди кўзини узмай, отда йўртиб келаётган бобом дўнгликда кўриниб қолмасмикан, деб безовталаниб тургандир. Ахир у ҳамиша ўз вақтида келарди-ку. Бола ҳар сафар мактабдан чиққанида бобоси сал нарида уни тоқатсизлик билан кутиб турарди. Ҳамма уй- уйига тарқаб кетар, у эса бобоси томонга чопарди. «Ана бобом турибди, чопдик!» дерди бола портфелига. Чопиб бораётиб ҳаяжонга тўлганча тўхтаб қоларди. Агар ён-верида ҳеч ким бўлмаса, у бобосига ташланиб, эски уст-бошларининг ва ёзги қуруқ пичаннинг ўзи кўникиб кетган ҳидидан нафас олиб, юзларини унинг қорнига ишқаб кучоқлаб оларди. Ўша кунлари бобоси нариги қирғоқдан пичан таширди, қишда қалин қорда у ерга етиб бўладими. Яхшиси кузда ташиб келтирган маъқул-да. Кейин анча пайтгача Мўминдан тўзгиган пичаннинг ачқимтил ҳиди келиб юрди.

Бобо болани ўзининг орқасига, отнинг сағрисига мингаштириб олар, шу билан у ёқдан бу ёқдан гаплашиб етиб келиб қолганларини сезишмасди. Тоғ тепалигининг икки чўққиси орасидаги пастқамликдан ошиб, тўғри Сан-Тошга келишарди.

Боланинг мактабга қаттиқ берилгани бувисининг аччиғини келтирарди. Бола кўзини очган заҳоти,

апил-тапил кийиниб, портфелига китоб-дафтарларни соларди. Кечаси ҳам портфелини ёнига қўйиб ётишидан бувисининг жаҳли чиқарди:

– Бу ярамас портфелга бунча ёпишиб қолдинг? Шу сенга хотин бўлиб қолгандами, қалинига бизни сотиб ер экансан-да...

Бувисининг гапи боланинг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетар, қолаверса, гап нима ҳақда бо-раётганини ҳам унча тушуниб етмасди. Унинг учун энг муҳими мактабга кечикмаслик эди. У ҳовлига отилиб чиқиб бобосини шоширарди. Фақат мактаб кўзга ташлангандагина тинчланарди.

Бир сафар улар барибир кечикиб қолишди. Ўтган ҳафтада тонг хиёл ёришганда Мўмин отда нариги қирғоққа йўл олди. Эрталаб барвақт пичанга бир қатнов қилишга қарор қилганди. Ҳаммаси жойида бўлаётганди, лекин йўлда пичан сочилиб кетди. Яна ҳамма пичанни қайта боғлаб, яна отга ортиш керак эди. Шошиб боғланган пичан қирғоқнинг ўзида яна сочилиб кетди.

Набираси эса нариги томонда кутиб турарди. У ғадир-будур тошнинг устига чиқиб, портфелини силкир ва қичқириб аллакимни чақирарди. Чол шошар - арқон чалкашиб кетган, ечиб бўлмас, кўр тугун тушиб қолганди. Бола эса ҳамон қичқирарди, шунда чол унинг йиғлаётганини англади. Пичанни ҳам, арқонни ҳам ташлади-да, тезроқ набирасининг олдига етиб бориш учун отга миниб, уни кечувдан ҳайдаб кетди. Дарёдан ўтгунча ҳам анча вақт ўтди: кечувдан ўтиш осонмас, сув кўп, оқим тез. Кузда ҳали унча кўрқинчли эмас, ёзда отни чаппа ағдаради. Мўмин ниҳоят дарёдан ўтиб набирасининг олдига борганида у хўнграб йиғларди. Бобосига қарамас, фақат йиғлар ва сўйланарди: «Кечикдим, мактабга кечикдим». Чол отдан энгашиб, болани эгарга кўтариб олди-да, йўртиб кетди. Бу мактаб қурғур яқин орада бўлгандами, боланинг ўзи

ғиз этиб бориб келаверарди. Шунинг учун бутун йўл бўйи тўхтамай йиғлади, чол уни ҳеч нима билан овутолмади. Мактабга ҳам ҳўнграб йиғлаган ҳолида олиб келди. Дарс бошланиб кетган эди. Тўғри синфга олиб кирди.

Мўмин муаллима олдида қайта-қайта узр сўраб, бунинг бошқа такрорланмаслигини айтиб сўз берди. Лекин ҳаммасидан ҳам чол кечиккани учун набирасининг куйиб-пишганини ва зорланиб йиғлаганини кўриб изтироб чекди. «Илоҳим мактабни ҳамиша шундай севсин-да», - хаёлига келтирди у. Ҳарҳолда болапақир нимага бунчалик йиғлади. Демак, юрагида бир армон бор-да...

Ҳозир ҳам ёғочнинг атрофида чарх уриб, гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига чошиб ўтар, тоғдан тезроқ пастликка сирғалиб тушсин, ҳеч қаерга илиниб қолмасин деб, ёғочнинг остига пишанг солиб, итариб бораркан, Мўминнинг хаёлидан набираси кетмасди - нима бўлди экан-а?

Ўразқул эса шошмасди. У отни етаклаб борарди. Бу ерда кўп шошиб бўлмайди - узун, тик нишабликдан қиялаб юришга тўғри келади. Лекин унинг гапини инобатга олиб, ёғочни шу ерда қолдириб, кейин келиб олиб кетиш мумкин эмасми? Эҳ, куч-қуввати бўлгандами, ёғочни шартта елкасига қўйиб, дарёдан ўтган ва машинага ортिलाдиган жойга элиб ташлаган бўларди. Мана-е, олинглар ёғочларингни ва йўқолинглар. Мўминнинг ўзи бўлса набирасининг олдида отилган бўларди.

Қаёқда дейсиз, булар хомхаёл. Ҳали тошлар ва шағалликлардан юриб қирғоққа етиш, сўнг кечувдан ёғочни от билан судраб нариги томонга олиб ўтиш керак. Отнинг силласи қуриди – у тоғда қанча паст-баландликларга чиқиб тушмади... Ишқилиб, охири бахайр бўлсин, агар ёғоч дарё ўртасида тошларга илиниб, ёки от қоқилиб йиқилиб тушса иш чатоқ!

Улар сувдан кечиб ўтишаётганда Мўмин бобо дуо қилиб турди: «Ўзинг қўлла, Шохдор она бугу, илоҳим ёғоч илинмасин, илоҳим от йиқилмасин». Этиклари-ни елкасига ташлаб, иштонининг почасини тиззасидан юқори шимариб олган ялангоёқ Мўмин бобо қўлда пишанг билан сувда сузиб бораётган ёғоч ортидан аранг етиб улгурарди. Ёғочни оқимга қия қилиб судрашарди. Дарё суви қанча тоза ва тиниқ бўлса, шунча совуқ ҳам эди. Кузнинг суви-да.

Чол бунга бардош берарди: Майли, оёқ узилиб тушмайди. Ишқилиб, ёғоч тезроқ олиб ўтилса бўлгани. Барибир ёғоч илиниб қолди, аксига олгандай, сертошли ерга келганда таққа тўхтади. Бундай ҳолларда отга жиндай дам бериб, кейин яхшилаб бир «чу!» дейилса – кучли силтов билан ёғочни тошлар панжасидан тортиб олса бўлади. Лекин отга миниб олган Ўразқул толиқиб кучдан кетган жониворни қамчи билан аямай савалади. От орқа оёқлари билан чўққайиб, сирғалиб, қоқиниб кетар, лекин ёғоч жойидан қўзғалмасди. Чолнинг оёқлари музлаб қолди, кўзи тина бошлади. Боши айланди. Жарлик, жарлик устидаги ўрмон, осмондаги булутлар пастга туша бошлади, дарёга шўнғиб, шўх оқимда сузиб, яна жойига қайтди. Мўминнинг мазаси қоча бошлади. Лаънати ёғоч! У қуриб ётганда эди, бошқа гап эди, сувда ўзи сузиб кетарди. Буни эса ҳозиргина қирқишди-ю, дарров дарёга судраб тушишди. Ким ахир шундай қилади! Оқибати шу бўлади-да. Ўйланмай қилинган ишнинг охири вой. Қайроғочни қурисин деб ташлаб келишга Ўразқулнинг раъйи йўқ. Инспекциянинг кўзи тушиб қолса, тақиқланган ўрмондан қимматли дарахтларни ўғирликча қирққан, деб акт тузади. Шунинг учун ҳам қирқилган ёғочни шу заҳотиёқ гумдон қилиши керак.

Ўразқул ўкчаси билан отни ниқтар, қамчи билан бошига урар, сўкинар, худди ҳаммаси учун гўё у, Мў-

мин айбдордек, чолга бақирарди, ёғоч эса жойидан жилмасди, у баттар тошга ўрнашиб борарди. Чолнинг сабр-тоқати тугади. У бутун умрида биринчи марта газаб билан овозини баландлатди.

– Туш отдан! – У Ўразқулнинг ёнига жиддий бориб, уни эгардан тортди. – Отнинг тортолмаётганлигини кўрмаяпсанми? Ҳозироқ-туш!

Ҳайрон қолган Ўразқул жимгина бўйсунди. Эгардан этиги билан тўғри сувга сакради. Худди шу дақиқадан бошлаб, у гаранг ва қулоғи битиб қолгандай, ўзини йўқотган эди.

– Қани кел. Кўтардик! Қани ол! - Мўминнинг командаси билан улар ёғочни жойидан бир оз кўтариб, уни тошларнинг сиқуvidан бўшатиб, пишангнинг устига миндирдилар.

От нақадар ақлли жонивор! У айна шу пайтда тошларга қоқиниб, тойиниб пастромкани тордай таранг тортиб олдинга силкинди. Лекин ёғоч ўрнидан бир кўзгалди-ю, тойиб яна ботиб қолди. От яна бир силкинди ва ўзини тутиб қололмай сувга йиқилиб тушиб, типирчилаганча эгар-жабдуғига ўралашиб қолди.

– Отни! Отни кўтар! – Мўмин Ўразқулни туртди. Улар биргаликда отни базўр оёққа тургазиб қўйишди. От совуқдан титрар, аранг сувда турарди.

– Еч отни!

– Нимага?

– Еч деяпман сенга. Бошқатдан боғлаймиз. Пастромкани ол.

Яна Ўразқул жимгина бўйсунди қолди. Отни ечиб бўлгач, Мўмин унинг юганини қўлга олди.

– Энди кетдик, – деди у. – Кейин келаемиз. От дамани олсин.

– Қани, тўхта-чи! – Ўразқул чолнинг қўлидан юганини тортиб олди. У худди уйқудан кўз очгандек бўлди. Бирдан яна асл ҳолига қайтди. – Сен кимнинг бошини қотирияпсан. Ҳеч қаёққа бормайсан. Ёғочни ҳозир чиқарамиз.

Кечкурун ёгочга одамлар келишади. Гап-сўзсиз отни эгарла, эшитяпсанми?

Мўмин жимгина бурилди-да, совуқ қотган оёғи билан оқсаганча саёздан қирғоқ томон юрди.

– Қаёққа кетяпсан, чол? Қаёққа деяпман?

– Қаёққа! Қаёққа! Мактабга. Набирам у ерда роса тушдан бери кутяпти.

– Қани қайт-чи! Қайт!

Чол қулоқ солмади. Ўразқул отни далада қолдириб, салкам қирғоқда, тошлоқ устида Мўминга етиб олди, елкасидан ушлаб ўзига тортди.

Улар юзма-юз туриб қолишди.

Ўразқул эпчиллик билан чолнинг бўйнига осилган эски кирза этикни юлиб олди-да, қайнотасининг бошига, юз-кўзига икки марта қулочкашлаб урди.

– Қани юр! – хириллади Ўразқул этикларни бир чеккага улоқтираркан.

Чол этик олдига бориб, уни ҳўл қумдан кўтариб, қаддини ростлаганда лабларидан қон тирқираб оқарди.

– Ярамас! - деди Мўмин қонни тупураркан, этикни яна елкасига илиб.

Бу ҳеч кимнинг сўзини қайтармаган Мўмин чаққоннинг сўзи эди. Бу совуқдан кўкарган, эски этикларини елкасига илган, лаблари қонаб кетган бечора чолнинг сўзи эди.

– Юр! Ўразқул уни судради. Лекин Мўмин куч билан унинг қўлидан силтаниб чиқди-да, орқасига қарамай жимгина нарига кетди.

– Хап саними, қари аҳмоқ! Энди кунингни кўрсатаман! – Ўразқул унинг орқасидан муштини дўлайтириб дағдага қилди.

Чол қайрилиб қарамади. У «ётоқ туя»нинг олдидаги супачага бориб ўтирди, этигини кийди ва уйига тез юриб кетди. Ҳеч ерда тўхтамай, тўғри отхонага кирди. У ердан Ўразқулнинг дахлсиз, меҳмонга миниладиган, пойгада чопадиган, биров эгарлашга ботинолмайдиган бўз оти - Ола-

бошни етаклаб чиқди. Худди ёнгин чиққандек Мўмин уни ҳовлидан эгарсиз, узангисиз миниб чиқиб кетди. У деразалар ёнидан, ҳали ҳам шақиллаб қайнаб ётган самовар ёнидан от чоптириб ўтганида ташқарига отилиб чиққанлар - Мўминнинг хотини, қизи Бекей ва ёш Гулжамол чолга бир гап бўлганини дарров фаҳмлашди. У ҳеч қачон Олабошга минмас ва ҳеч қачон ҳовлидан бунчалик шошилиб чиқмаганди. Бу Мўмин чаққоннинг исёни эканлигини улар ҳали билишмасди. Кексайган чогидаги бу исён уни нималарга гирифтор қилишини ҳам билишмасди.

Қиргоқ томондан эса отни етаклаб Ўразқул уйга қайтарди. От олдинги оёғини оқсаб босарди. Аёллар жим туриб, унинг ҳовлига яқинлашиб келишига кўз тикиб туришарди. Ўразқулнинг кўнглидан нималар кечаётганини, у ўша куни уларга қандай ғам-аламлар келтираётганини ҳали аёллар хаёлига ҳам келтиришмасди...

У ҳўл, шалоपлаган этикда, ҳўл иштонда вазмин ва огир қадамлар билан улар олдига яқинлашиб, аёлларга ғамгин назарда хўмрайиб қаради. Хотини Бекей безовталаниб қолди:

– Нима қилди, Ўразқул? Нима бўлди? Ҳамма ёнгиниз ҳўл бўлиб кетибди-ку. Ёғоч оқиб кетдимиз?

– Йўқ, – қўл силтади Ўразқул. – Ма. – У юганни Гулжамолга узатди. – Отни отхонага олиб бор. – Шундай деб ўзи эшик томонга юрди. – Юр уйга, – деди у хотинига. Кампир ҳам улар билан бирга бормоқчи эди, Ўразқул уни остонага йўлатмади.

– Сен нари тур, кампир. Сенга ҳеч қандай иш йўқ бу ерда. Уйингга бор-у, хап ўтир.

– Нима бўлди сенга? – хафа бўлди кампир. – Бу нимаси? Чолимга нима бўлди? Нима гап?

– Унинг ўзидан сўра, – жавоб қилди Ўразқул. Уйда Бекей эрининг ҳўл уст-бошларини ечиб, унга пўстин берди, самоварни олиб кириб, чой қўйишга тутинди.

– Чойни қўй, – қатъий рад қилди Ўразқул. – Ароқ бер. Хотини очилмаган яримталикини олиб, стаканга қуйди.

– Тўлдириб қуй, – буйруқ қилди Ўразқул. Бир стакан ароқни сувдек ичиб юборгач, пўстинга ўралди-да, кигизга чўзилиб, хотинига деди:

– Қўйдим, сен менинг хотиним эмассан, мен сенинг эринг эмасман. Жўна, бу уйда сенинг изинг қолмасин. Қорангни ҳам кўрсатма. Вақт ганиматида жўнаб қол!

Бекей ух тортди, каравотга ўтирди ва ҳар галгидек кўз ёшларини ичига ютиб, секин гапирди:

– Янами?

– Нима, янами? – бўкириб юборди Ўразқул. – Йўқол!

Бекей уйдан отилиб чиқди ва ҳар доимгидек қўлларини букиб, ҳовлини бошига кўтариб хўнграб йиглай бошлади:

– Мен, бахти қаро, бу дунёга нега келган эканман-а...

Бу чоқ Мўмин чол Олабошда набираси олдига йўртиб борарди. Олабош - чопқир от. Лекин барибир Мўмин икки соатдан зиёдроқ кечикди. У набирасини йўлда учратди. Болани муаллиманинг ўзи уйига олиб келаётганди. Ўша муаллима бешинчи йил кияётган, шамол ялаб кетган, энглари кўпол, ҳеч ўзгармас пальтосида. Ҳориган аёлнинг қовоғи солиқ кўринарди. Анчадан бери йиглайвериб кўзлари шишган бола қўлида портфели билан бечора ва хўрланган қиёфада унинг ёнида келарди. Муаллима Мўмин чолни қаттиқ сўроққа олди. Чол эса аёлнинг олдида отдан тушиб, бошини қуйи солиб турарди.

– Агар вақтида келиб олиб кетмайдиган бўлсангиз, – деди муаллима, – болангизни мактабга олиб келманг. Менга ишонманг, ўзимда ҳам тўрттаси бор.

Мўмин яна узр сўради, бундай ҳол бошқа гакрорланмайди деб, яна сўз берди.

Муаллима Жилисойга қайтиб кетди, бобо билан набира эса уйга йўл олишди.

Бола отда бобосининг олдига ўтириб жимгина борарди. Чол ҳам унга нима дейишини билмасди.

– Жуда оч қолдингми? – сўради у.

– Йўқ, муаллимамиз нон берди, – жавоб берди набира.

– Нега бўлмаса миқ этмай келяпсан?

Бола шунда ҳам гапирмади.

Мўмин гуноҳкорона жилмайди:

– Оҳ, аразгўй болагинам. – У боланинг фуражқасини олиб, бошидан ўпди ва яна фуражқасини бошига кийгизиб қўйди.

Бола қиё ҳам боқмади.

Иккаласи ҳам шундай маъюс ва жим кетишди. Мўмин жиловни маҳкам тутиб, салт отда бола уриниб қолмасин деб, Олабошнинг бошини бўшатмай борарди. Энди шошишнинг ҳам кераги йўқдай эди.

От тезда ундан нима талаб қилинаётганини пайқайди-да, ярим йўргалаб юриб кетди. У ерга нагалини тақиллатиб уриб, пишқириб борарди. Шунақа отда қани энди ёлғиз ўзинг хиргойи қилиб кетсанг. Одамнинг ёлғизликда куйлайдиган кўшиги озми? Рўёбга чиқмай қолган орзулар ҳақида, ўтган умр ҳақида, севган чоғларинг, бошдан кечирган воқеаларинг ҳақида...

Инсон кўнглида армон бўлиб қолган нарсаларни эслашни хуш кўради. Аслини олганда инсоннинг ўзи ҳам нимадан армон қилаётганини унчалик тушуниб етмайди. Лекин ҳар замон- ҳар замон шу ҳақда ўйлаб қўйгиси, унинг тагига етгиси келади.

Яхши от – меҳрибон ҳамроҳ...

Мўмин чол набирасининг сочи тақир олинган энсасига, ингичка бўйни-ю, шалпанг қулоқларигача қараб ўнгмаган ҳаётида буткул иши-ю, меҳнатидан, чеккан барча ташвиш ва ғамларидан энди фақатгина ёлғиз мана шу ҳозирча ночор бола қолганини ўйларди. Бобоси уни оёққа турғизишга улгурса яхшику-я. Лекин у ёлғиз қолсами - оғир бўлади. Ўзи муштдек-ку, аммо феъли-ҳўйли. Унинг оддийгина, мўмингина бўлгани яхши эди...

Ахир Ўразқулга ўхшаганлар уни ўлгудай ёмон кўриб, бўрининг таъқибига тушган бугучадай бурда-бурда қилиб ташлайди-ку...

Шунда Мўмин боягина лип этиб шитобли соя солиб ўтган ва кўксидан ҳайрат ва шодлик хитоблари отилиб чиқишига сабабчи бўлган ўша бугуларни эслади.

– Биласанми, ўғлим, нима? Бугулар юртимизга қайтиб келди, – деди Мўмин бобо. Бола елкаси устидан ялт этиб қаради:

– Ростми?

– Рост. Ўзим кўрдим. Уч бош.

– Қаёқдан келганикин улар?

– Менимча, довон орқасидан. У ерда ҳам ўрмон бор. Ҳозирги куз худди ёздагидай-да, довон очиқ. Шунинг учун бизга меҳмон бўлиб келган.

– Улар биз томонда қоладими?

– Ёқса қолади. Ҳеч ким тегмаса, яшаб юраверади. Озуқа сероб бизда. Бу ерда хоҳла мингта бугу боқ. Илгариги вақтларда, Шохдор она бугу даврида, бу ерда уларнинг сон-саноғи бўлмаган...

Бу хабарни эшитиб боланинг музлаган кўнгли эриб, хафалиги тарқалганини сезган чол яна ўтган замонлар ҳақида, Шохдор она бугу ҳақида ҳикоя қилишга тушиб кетди. Ўзининг эртагига ўзи ҳам берилиб кетиб, қани энди бирдан шундай бахтли бўлиб қолсанг-да, бошқага ҳам бахтингни улашсанг! – деб қолди. Бутун умр шундай яшасанг. Мана шундай, худди ҳозиргидай, худди ҳозирги соатдагидай. Лекин ҳаёт бундай қурилмаган, бахт билан ёнма-ён, изингдан изма-из юрадиган, ҳеч маҳал аримайдиган бахтсизлик қалбингга, ҳаётингга бемаврид дахл қилиб туради. Ҳатто ҳозирги дамда, у набираси билан бахтиёр бораётган чоғида ҳам, чолнинг қалбида шодлик билан ташвиш ёнма-ён турарди: у ёқда Ўразқул нима қилди экан? У яна нима шумликни тайёрлаб турган экан, қанақа зулм? Унга, итоатсизлик қилишга журъат этган чолга қанақа жазо ўйлаб кўйди экан? Ахир Ўразқул буни шундай қолдирмайди-ку. Бўлмаса уни Ўразқул дейишмасди-да.

Қизини ва унинг ўзини кутаётган бахтсизлик тўғрисида ўйламаслик учун Мўмин набирасига бугулар, бу жони-

ворларнинг каромати, марҳамати, гўзаллиги ва учқурлиги, худди шуларнинг шарофати билан ҳар қандай балони даф қилишлари ҳақида ҳикоя қиларди.

Болага яхши эди. У уйда нима кутаётганлигини билмасди. Унинг кўзи ва қулоқлари ёнарди. Наҳотки буғулар қайтиб келган бўлса? Демак, ҳаммаси тўғри экан-да! Бобосининг айтишича, Шохдор она буғу одамларнинг ёвузлигини кечирган эмиш ва ўз болаларига Иссиққўл тоғларига қайтишга рухсат этганмиш. Бобоси айтадики, бу ер қандайлигини билиш учун ҳозирча учта буғу келган, агар уларга ёқса, унда ҳамма буғулар яна ватанига қайтади.

– Бобо, – деб бобосининг сўзини бўлди бола, – балки, Шохдор она буғунинг ўзи ҳам келгандир? Балки, бу ер қандайлигини унинг ўзи кўриб, кейин болаларини чақирмоқчидир?

– Эҳтимол, – деди Мўмин ишончсизгина. У тутилиб қолди, ўзини нохуш сеза бошлади: ортиқча берилиб кетгани йўқми, бола унинг сўзларига ортиқча ишониб юборгани йўқми? Лекин Мўмин чол набирасини ишончдан қайтаришга уринмади. Бу энди жуда кеч эди. – Ким билади, – елкаларини қисди Мўмин, – Балки, балки, Шохдор она буғунинг ўзи ҳам келгандир. Ким билади...

– Ҳозир биламиз-да. Юринг, бува, сиз буғуларни кўрган жойга борамиз, – деди бола. – Мен ҳам бир кўрай.

– Улар ахир бир жойда турмайди-да.

– Биз изидан борамиз. Уларнинг изидан узоқ-узоқларга излаб бораверамиз. Уларга кўзимизнинг қири тушди дегунча, қайтамиз. Шунда улар одамлар тегмаслигини билиб олади.

– Гўдаксан-да, – кулимсиради бобо. – Уйга борайлик, ўша ерда маълум бўлади.

Улар қоровулхонага яқинлашиб, уйлар ортидаги сўқмоқдан боришарди. Уйлар орқа томондан - худди елкасини ўгириб турган одамга ўхшарди. Учала уй ҳам ичида нима бўлаётганидан ҳеч бир нишон бермай турарди. Ҳов-

ли ҳам бўм-бўш ва жимжит. Мўминнинг юрагини нохуш ваҳм босди. «Нима юз берган бўлиши мумкин? Ўразқул унинг бахтсиз қизи Бекейни урдимикин? Ёки маст бўлгунча ичганмикин? Яна қандай фалокат юз бериши мумкин? Нега бунча жимжитлик, нега шу маҳалда ҳовлида ҳеч ким йўқ? Агар ҳамма нарса жойида бўлса, бу машъум ёғочни дарёдан судраб чиқиш керак, - ўйлади Мўмин. - Қўй, шу Ўразқулни, яхшиси у билан алоқани узиш керак. Билганини қилиб, қолган ҳаммасига тупуриш даркор. Эшакка унинг эшак эканлигини исботлаб беролмайсан-ку».

Мўмин отхонанинг олдига келди.

– Туша қол. Мана, етиб ҳам келдик, – у набирасига ҳажонланганини билдирмаслик учун хотиржам гапирди. Бола қўлида портфели билан уйга чопмоқчи бўлганида, Мўмин бобо уни тўхтатди: – Тўхта, бирга борамиз.

У Олабошни отхонага боғлаб чиқди-да, болани қўлидан ушлаб, уйга қараб юрди.

– Менга қара, – деди бобо набирасига, - агар мени сўкишса, сен кўрқмагин ва у ердаги ҳар хил гапларга аҳамият қилмагин. Бунинг сенга дахли йўқ. Сенинг ишинг мактабга қатнаш.

Бироқ айтадиган ҳеч нима содир бўлмади. Улар уйга келишганда, фақат кампир Мўминга хушламайгина тикилди-да, лабини тишлаб, яна ўзининг тикаётган ишига берилди. Мўмин чол ҳам унга ҳеч нима демади. У хона ўртасида қовоғини солган ҳолда сергак туриб, кейин қозондан катта косадаги ун ошини олиб, нон ва қошиқ келтирди-ю, набираси иккаласи кечиккан тушликка ўтиришди.

Жимгина овқатланишди, бувиси эса ҳатто улар томонга қайрилиб ҳам қарамади. Унинг жигарранг сўлгин юзида ғазаб тўнгиб қолганди. Бола қандайдир мудҳиш ҳодиса содир бўлганини пайқади. Чол-кампир эса жим эди.

Болага шундай ваҳимали, шундай ташвишли туюлдики, томоғидан овқат ҳам ўтмай қолди. Овқат устида одамларнинг жим қолиб, ўзларининг аллақандай ёмон ва шубҳали хаёлларига берилишидан ёмони йўқ. «Балки,

бунга биз сабабчидирмиз?» - деди бола хаёлида портфелига. Портфел дераза тоқчасида турарди. Бола хаёлан портфели билан шивирлаша бошлади:

«Сен ҳеч нима билмайсанми? Бобом нега бунча гамгин? Унинг гуноҳи нима? Бугун нега у кечикди, нега Олабошни эгарсиз миниб борди? Ахир ҳеч қачон бундай бўлмаганди-ю. Балки у ўрмонда бугуларни кўриб қолиб, ушланиб қолгандир?.. Эҳтимол, ҳеч қандай бугу йўқдир. Бу ёлғондир? Унда нима? Нега бўлмаса гапиради? Агар у бизни алдаган бўлса, Шохдор она бугу қаттиқ ранжийди-ку...»

Мўмин овқатланиб бўлгач, болага секингина деди:

– Сен ҳовлига чиқавергин, бир иш бор. Менга ёрдамлашасан. Мен ҳозир чиқаман.

Бола итоаткорона чиқиб кетди. У эшикни ёпган замон, бувисининг овози келди:

– Қаёққа?

– Ёғочни келтиргани бораман. Боя дарёда тиқилиб қолганди, – жавоб қилди Мўмин.

– Ҳа, пайқаб қолдингми! – қичқирди кампир. – Эсингга тушди! Сен бориб қизингнинг ҳолини кўр. Уни Гулжамол уйига олиб кетди. Сенинг тугмас телба қизинг кимга керак энди. Бор, кимга ўхшаб қолганини энди ўзи айтсин. Эри уни уйдан қутирган итдай ҳайдади.

– Хўш, нима бўпти, ҳайдаса ҳайдапти-да, – деди қизиқ устида Мўмин.

– Эҳ, сени қара! Кимсан ўзинг! Қизларингни бари саёқ, набирангни ўқитиб амалдор қилмоқчи бўласанми? Кутавер. Ўзингни балога гирифтор қилганингга арзиса эди. Тагин Олабошни миниб чопибди. Сени қара-ю! Кўрпангга қараб оёқ узатганингга эди, ким билан ўйнашаётганингни билардинг... У сенинг бўйнингни сапчадай узиб ташлайди. Сен қачондан бери одамларга гап қайтарадиган бўб қолдинг? Қачондан бери ботир бўлиб қолдинг? Қизингни бизникига

етаклаб келишни хаёлингга ҳам келтирма. Остонага йўлатмайман...

Бола маъюс бош эгиб ҳовлида секин-секин юрарди. Уйдан кампирнинг қичқириги келарди, кейин эшик тарақлади ва Мўмин уйдан отилиб чиқди. Чол Сейдахмаднинг уйига йўл олди, йўлда эса унга Гулжамол дуч келди.

– Яхшиси ҳозир эмас, кейин, – деди у чолга. Мўмин бўшашиб тўхтаб қолди. – Йигляпти. Урди уни, – пичирлади Гулжамол. – Айтадики, улар энди бирга яшамасмиш. У сизни қарғаяпти. Ҳаммасига отам айбдор, деди.

Мўмин чурқ этмади. Нима десин? Энди уни ҳатто ўз қизи ҳам кўришни истамайди.

– Ўразқул ўзиникида ичиб ётибди. Ҳайвон ҳайвонлигини қилади-да, – пичирлаб гапирди Гулжамол.

Улар ўй суриб қолишди. Гулжамол ачиниб хўрсинди.

– Ҳеч бўлмаса, бизнинг Сейдахмад тезроқ кела қолса эди. Бугун қайтиши керак. Биргаллашиб шу ёғочни олиб чиқсаларинг бир балодан қутулардиларинг.

– Гап ёғочдами? – бошини чайқади Мўмин. У ўйлаб қолди ва ёнига келиб турган набирасини кўриб, унга:

– Бор, сен ўйна, – деди.

Бола нарига кетди. У молхонага кириб, яширган дурбинини олди. Уни артди. «Ишларимиз ёмон, - у дурбинга ғамгин сўзлай бошлади. – Бунга биз портфел иккаламиз айбдорга ўхшаймиз. Бирон-бир жойда бошқа мактаб бўлганда эди. Биз портфелим билан ўша ёққа ўқишга кетардик. Ҳеч кимга билдирмасдик. Фақат, бобомга қийин бўлади, қидиради. Сен-чи, дурбин, ким билан оқ кемага қарайсан? Ўйлайсанки, мен балиқ бўлолмайманми? Мана кўрасан. Оқ кемага сузиб бораман...»

Бола пичан ғарамининг орқасига беркиниб, дурбинда атрофга қарай бошлади. Узоқ қарашқўнглигасигмади. Бошқа вақтда бўлса, қараб кўзинг тўймайди: куз ўрмонларига қопланган тоғлар кўринади, юқори оппоқ қор, паст ял-ял ёнади, қип-қизил чўғ.

Бола дурбинни жойига қўйиб, саройдан чиқаркан, бобосининг эгар-жабдуқли отни ҳовлидан олиб ўтиб кетаётганини кўриб қолди.

Бола бобосининг олдига чопаман деб турганди, уни Ўразқулнинг қичқириви тўхтатди. Ўразқул ички кўйлақда, елкасига пўстин ташлаган, башараси сигирнинг шишган елинидай қип-қизил эди.

– Эй! – дағдаға билан қичқирди у Мўминга. – Отни қаёққа олиб кетяпсан? Қани, жойига киритиб қўй. Сенсиз олиб чиқамиз. Қўлингни тегиза кўрма. Энди сен бу ерда ҳеч ким эмассан. Мен сени ишдан бўшатаман. Хоҳлаган томонингга жўна.

Бобо аламли кулимсираб отни қайтариб отхонага олиб кирди. Мўмин қўққисдан беҳад кексайиб ва чўкиб қолгандек бўлди. У чоригини шапиллатиб, атрофга боқмай борарди.

Бола бобоси тортган жабрдан бўғилиб, йиғлаганини ҳеч кимга кўрсатмаслик учун дарё қирғоғи бўйлаб чопиб кетди. Олдидаги сўқмоқни туман босганидан гоҳ кўз илғамас, гоҳ яна оёғи остида кўриниб қоларди. Бола кўз ёшларини оқизиб чопиб борарди. Мана унинг суюкли харсанглари: «танк», «бўри», «эгар», «ётоқ туя». Бола уларга ҳеч нима демади: улар ҳеч нима тушунмайди, жойида қотиб тургани-турган. Бола фақат «ётоқ туя»нинг ўркачини кучоқлади ва сарғиш тошга энгашиб, иложсиз дард-у ҳасрат ўтида ўртаниб ҳўнграб йиғлади. У йиғлай-йиғлай юрагини бўшатди ва тинчланди.

Охири бошини кўтариб, кўзини артди-да, олдинга қараб донг қотиб қодди.

Нақ унинг рўпарасида, нариги қирғоқда, сувда учта бугу турарди. Ҳақиқий бугулар. Тирик. Улар сув ичгани келган, энди ташналикни қондирганга ўхшарди. Биттаси - энг катта шохлиси яна сувга бошини эгиб сув симирар экан, сувга гўё шохларини ойнада кўрмоқчи бўлиб тикилаётгандек туюларди. У қўнғир тусли, кўкракдор ва кучли

эди. Бошини силкитганда юнгли, оқиш лабидан томчилар сачраб тушди. Эркак буғу қулоқларини қимирлатиб болага диққат билан разм солди.

Лекин ҳаммасидан ҳам кўра майда шохли, икки биқини дўппайган оқ буғу болага кўпроқ тикилди. Унинг шохлари калтароқ, лекин жуда чиройли, худди Шохдор она буғунинг ўзгинаси эди. Кўзлари шахло, тип-тиниқ. Ўзи эса ҳар йили биттадан қулунлайдиган қоматдор бияга ўхшайди. Шохдор она буғу бу хум калла, шалпанг қулоқ болани қаерда кўрганини эслаётгандай, унга кўз узмай қараб турди. Унинг кўзлари намли ялтираб, узоқдан ёниб турарди. Бурнидан енгил ҳовур кўтариларди. Унинг ёнгинасида шохсиз буғуча орқасини ўгириб толнинг новдасини кемирарди. Унинг ҳеч нима билан иши йўқ. Семиз, ғайратли, қувноқ. У бирдан новда кемиришни кўйди-да, дикирлаб елкаси билан она буғуга туртиниб кетди ва унинг атрофида ўйноқлаб, эркалана бошлади. Ўзининг шохсиз бошини Шохдор она буғунинг биқинига ишқалади. Шохдор она буғу бўлса ҳамон болага тикилиб турарди.

Бола нафасини ичига ютиб, тошлар панасидан чиқди ва худди тушдагидай, қўлларини олдинга чўзиб қиргоққа, сувнинг ўзига яқин келди. Буғулар ҳеч бир ҳуркмади, нариги қиргоқдан унга бамайлихотир қараб тураверди.

Ўртада, сув остидаги тошлар устидан ирғишлаб, тезоқар, кўм-кўк тиниқ дарё қайнаб оқиб ётарди. Агар уларни айириб турган шу дарё бўлмаганда гўё буғуларнинг олдига бориб уларга қўл теккизиш мумкиндай эди. Буғулар текис, тоза шағал устида туришарди. Уларнинг орқасида, шағал тугаган жойда зич ўрмоннинг кузги хазонрезгиси алвон тусда товланарди. Ундан юқорида - жар тепасида қарағай ва тоғ тераги ял-ял ёнади. Ундан ҳам юқорироқда чексиз ўрмон-у тоғ тизмасидаги оппоқ қор кўзга ташланади.

Бола кўзларини юмди ва яна очди. Кўз олдида ҳамон ўша манзара, олтин япроқли дарахтзордан сал берирокда, топ-тоза шағал устида ҳамон ўша эртақлардаги буғулар турарди.

Мана улар бурилди-да, тизилганча шагалдан ўрмон томонга юриб кетди. Олдинда – ката бугу, ўртада шохсиз бугуча, улар ортида Шохдор она бугу. У қайрилиб, болага яна бир бор қараб қўйди. Бугулар дарахтзорга кириб, буталар ора-лаб кетди. Улар тепасида қизил новдалар чайқалар ва олтин япроқлар уларнинг таранг ва силлиқ елкасига тўкиларди.

Кейин улар сўқмоқдан жар томон юқорига кўтарилди ва шу ерда тўхтади. Болага гўё бугулар яна қараб тургандек туюлди. Катта бугу бўйинини чўзиб ва шохларини орқасига ташлаб худди карнайдай садо солди: «Ба-ба!» Унинг овози жар ва дарё устида узоқ акс садо бериб таралди: «А-а!»

Шундагина боланинг ҳуши жойига келди. У оёғини қўлга олиб таниш сўқмоқдан уйга чопиб кетди. У жонининг борича чопарди. Ҳовлидан гизиллаб ўтиб, эшикни ланг очиб, энтикканча, остонадан туриб қичқирди:

– Бобо! Бугулар келди! Бугулар! Улар шу ерда!

Бир бурчакда гамгин ва жимгина ўтирган Мўмин бобо унга бир қараб қўйди-ю, ҳеч нима демади, гап нима ҳақда эканлигини аниқ тушунмади.

– Ўчир, овозингни! – дўқ қидди кампир. – Келса келиб-ди-да, ҳозир улардан ҳам бошқа ташвиш кўп.

Бола жимгина чиқиб кетди. Ҳовли кимсасиз эди. Куз қуёши гира-шира ялангоч тоғ тизмалари - Қоровултоғ ортига ботди. Қуёш ҳароратсиз қуюқ шафағи билан тоғларни лола рангига буркарди. Муз қотган шафақ бу ердан кузги тоғ чўққиларига беқарор шуъла сочиб турарди. Ўрмонга гира-шира қоронгилик чўкди.

Изгирин турди. Бола эти увушиб қалтирай бошлади.

ОЛТИНЧИ БОБ

Тўшакка кирганида ҳам эти увушиши қолмади. Анчага-ча ухлай олмади. Ҳовлига аллақачон қоронгилик чўккан. Боши зирқирарди. Лекин у миқ этмасдан ётарди. Унинг оғриб қолганини ҳеч ким билмасди. Унутгандилар.

Бу ерда уни унутмай ҳам нима қилишсин!

Бобо бутунлай тинчини йўқотиб қўйди. Ўзини қўярга жой тополмасди. Гоҳ ташқари чиқар, гоҳ ичкари кирар, гоҳ ачиниш билан чуқур нафас олиб ўтириб олар, гоҳ турарди-да, қаергадир кетарди. Кампир бўлса чолга дакки берар ва айна пайтда у ҳам тинмай гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа юрар, ҳовлига чиқар ва яна зум ўтмай қайтиб кирарди. Ҳовлида қандайдир ноаниқ, узук-юлуқ овоз эшитилди, кимнингдир шошилинич оёқ шарпаси, кимнингдир сўкиниши қулоққа чалинарди, афтидан, Ўразқул яна сўкина бошлаганди, аллаким энтикиб-энтикиб йигларди...

Бола ўринда жимгина ётар, барча овоз ва оёқ шарпала-ридан, уйда ва ҳовлида юз бераётган бутун воқеалардан чарчоғи ортар эди.

У кўзини юмиб олди. Ўзининг ёлғизлигини, нутилга-нини сездирмай, бугун кўпдан бери орзу қилиб юрган на-расини кўргангани эслаб бошлади. У катта дарё қирғоғида турарди. Сув шунчалик тез оқардики, унга узоқ тикилиб туриш мумкин эмасди, кўз тиниб, бош айланиб кетарди. Дарёнинг нариги қирғоғида эса унга бугулар қараб турар-ди. У кечга яқин кўрган ўша учала бугу ҳозир ҳам ўша жо-йида эди. Ҳамма-ҳаммаси унинг кўз олдида қайта такрор-лана бошлади. Шохлари катта эркак бугу бошини сувдан кўтарганда унинг намли лабларидан яна ўша сув томчи-лари оқиб тушди. Шохдор она бугу эса худди аввал кўрга-ни сингари меҳрибонлик билан тикилиб турарди. Унинг кўзлари катта-катта, қоп-қора ва намли эди. Бола ҳайрат-да қолди, Шохдор она бугу худди одамларга ўхшаб, худди бобоси сингари ғамгин ва аянчли хўрсинар эди. Кейин улар буталар орқали дарахтзорларга кириб кетди. Бугулар устида қизил новда чайқалар ва олтин япроқлар уларнинг таранг, силлиқ елкасига учиб тушарди. Улар жар бўйига кўтарилиб, шу ерда тўхтади. Катта бугу бўйинини чўзиб, шохларини елкаси оша орқасига ташлаб «Ба-ба!» дея карнайдай садо солди. Бола унинг овози дарё устида узоқ

янграб турганини эслаб, ўзича жилмайиб қўйди. Шундан кейин бугулар ўрмонга кириб, ғойиб бўлди. Лекин бола улардан ажралишни истамасди. У ўзи истаган нарсаларни яна кўриш учун хаёл сура бошлади.

Яна тезоқар улкан дарё кўзи олдидан шиддат билан оқиб ўта бошлади. Оқим тезлигидан унинг боши айланди. У бир сакради ва дарё устидан учиб ўтди. Ҳамон қумлоқда ётган бугулар яқинига енгил ва оҳиста қўнди. Шохдор она бугу уни ёнига чақирди:

– Сен кимнинг боласисан?

Бола индамади. У кимнинг боласи эканлигини айтишга уяларди.

– Биз бобом билан сени жуда яхши кўрамиз, Шохдор она бугу. Биз сени анчадан бери кутаётган эдик, – деди.

– Мен ҳам сени биламан. Сенинг бобонгни ҳам. У яхши одам, – деди Шохдор она бугу.

Бола севиниб кетди. Лекин ўз миннатдорчилигини қандай баён этишни билмасди.

– Истасанг, балиққа айланаман-у, дарё бўйлаб сузиб Иссиқкўлга, оқ кемага етиб бораман, – деди бола тўсатдан.

У бунинг уддасидан чиқа оларди. Бироқ Шохдор она бугу унга ҳеч нима демади. Шунда бола ечина бошлади ва худди ёздагидек, дарё ёқасида толнинг шохидан ушлаб, сувга тушди. Сув иссиқ ва димиққан эди. У кўзи очиқ ҳолда сув тагидан сузиб кетди. Сон-саноксиз олтин қум доначалари майда сув ости ўтлари билан қўшилиб гирдоб ҳосил қиларди. Унинг нафаси бўғила бошлади. Иссиқ оқим эса уни ҳамон олиб кетарди.

– Ёрдам бер, Шохдор она бугу, ёрдам бер менга, мен ҳам сенинг фарзандингман, Шохдор она бугу! – дея бақирди у.

Шохдор она бугу унинг ортидан қирғоқ бўйлаб югурди. У шундай тез югурдики, ҳаво визиллаб кетди.

Бола устидаги кўрпани отиб ташлади ва дарҳол енгил тортди. У терлаб-пишган эди. Лекин бундай пайтларда бобоси уни яна яхшироқ ўраб қўйишини эслаб, кўрпага

ўралиб олди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Чироқ пилиги ёниб тугаган, шунинг учун ҳам у хонани хирагина ёритиб турарди. Бола ўрнидан турмоқчи, сув ичмоқчи бўлди, лекин ташқаридан қандайдир кескин овоз эшитилди. Кимдир бировга бақирди, аллаким йиғлади, кимдир уни яна юпантирди. Ғала-ғовур, оёқ шарпаси эшитилди. Кейин нақ дераза тагидан уҳ тортиб икки киши ўтди. Улар бир-бирини етаклаб бораётгандек эди. Эшик тарақлаб очилди, кампир жаҳл билан ҳарсиллаганича Мўмин бобони уй ичига итариб юборди. Бола бобосининг бунчалик қаттиқ кўрққанлигини ҳеч қачон кўрмаган эди. Афтидан, у ҳеч нарсани англамасди. Чолнинг кўзлари бесаранжом жавдирарди. Кампир уни кўкрагидан итариб, ўтиришга мажбур қилди:

– Ўтир, ўтир, аҳмоқ чол, сўрамаса аралашиб нима қиласан. Биринчи марта шундай бўляптими уларда. Ҳаммаси яхши бўлсин десанг, тумшугунгни суқмай тек ўтир. Нима десам, шуни қил. Эшитяпсанми? У биз билан дўстлашмоқчи эмас, балки дунёдан бездирмоқчи, тушуняпсанми? Кексайганда қаерга ҳам борамиз? Қаерга? – Кампир шундай деди-ю, эшикни тарақлатиб ёпиб, шошганича чиқиб кетди.

Уй яна жимиб қолди. Фақат чолнинг хириллаган, узук-юлуқ нафас олиши эшитилиб турарди. У ўчоқ ёнида чўнқайганча бошини қалтираётган қўллари орасига олиб ўтирарди. Бирдан чол тиз чўкди ва қўлларини чўзиб, кимгадир зорланганча илтижо қила бошлади:

– Ол мени, олиб кет, бу толеи пастни! Унга фарзанд ато қил! Унга қарасам юрак-бағрим қон бўлади. Ҳеч бўлмаса биттагина тирноқ ато эт, раҳминг келсин бизга...

Чол йиғлаганча гандираклаб ўрнидан турди-да, деворни ушлаб бориб, эшикни очди. У ташқари чиқди, эшикни ёпди ва эшик ортида кафти билан оғзини беркитиб ичидан ўксиниб йиғлади.

Бола ночор аҳволда қолди. У яна қалтирай бошлади. Ўзини гоҳ иссиққа, гоҳ совуққа отарди. У турмоқчи, бобоси ёнига бормоқчи бўлди. Лекин қўл-оёқлари унга итоат қил-

мас, боши зирқираб оғрирди. Чол эшик орқасида юм-юм йиғлар, ҳовлида эса яна бадмаст Ўразқул тўполон кўтарарди, Бекей хола дод-фарёд солиб йиғларди. Икки томонни ҳам Гулжамол билан буви ялиниб-ёлвориб тинчитишди.

Бола ўз хаёл дарёсига чўмган эди.

У яна ўша тезоқар дарё ёқасида. Иккинчи соҳилда, шағал устида эса худди ўша бугулар турибди. Шунда бола илтижо қилди: «Шохдор она бугу, Бекей холага шохингда бешик олиб кел. Сендан ўтиниб сўрайман, уларга бешик олиб кел. Уларда ҳам фарзанд бўлсин». Ўзи бўлса сув юзасидан Шохдор она бугу томон югургилаб кетди. У сув юзасидан чопиб борар экан, қулаб тушмасди, шу билан бирга, соҳилга ҳам яқинлашолмасди, худди бир жойда депсиниб туриб қолгандек эди. У ҳамма вақт Шохдор она бугуга ялиниб-ёлворарди. «Сен шохингда бешик олиб кел. Шундай қилгинки, бобомиз йиғламасин, шундай қилгинки, Ўразқул амаки Бекей холани урмасин, шундай қилгинки, уларда фарзанд туғилсин. Мен ҳаммаларини севаман, Ўразқул амакини ҳам севаман, сен унга фақат фарзанд бер. Уларга шохингда бешик олиб кел...»

Болага узоқдан қўнғироқча жаранлагандай эшитилди. У тобора кучлироқ жаранларди. Она бугу тоғ бўйлаб югурарди, у бешикни - қайиндан ясалган қўнғироқчали бола бешигини бандидан шохларида кўтарганча келтираётган эди. Бешик қўнғироқчасининг жаранги ҳаммаёққа тарала бошлади. Шохдор она бугу жуда шошилаётган эди. Қўнғироқча овози тобора яқинлаша бошлади.

Бу ниманинг овози? Қўнғироқча жарангига моторнинг узоқдан гуриллаган овози жўр бўлди. Қаердадир юк машинаси келарди. Машинанинг гуриллаши тобора кучайиб, аниқроқ эшитиларди, қўнғироқчанинг жаранги эса худди ундан чўчигандай узуқ-юлуқ эшитила бошлади, кўп ўтмай эса уни моторнинг гуриллаши бутунлай босиб кетди.

Бола темирларни шарақлатиб, ҳаммаёқни ларзага солиб ҳовлига оғир машина келиб тўхтаганини эшитди. Ит

хуриганча ташқарига отилди. Дераза ойнасига бир зум чироқ ёругининг акси тушиб турди-ю, шу заҳотиёқ ўчди. Айни чоғда моторнинг овози ҳам жимиб қолди. Кабина эшиги тарақлаб ёпилди. Келган кишилар, афтидан, учовлон бўлса керак, ўзаро гаплашиб, бола ётган дераза ёнидан ўтиб кетишди.

– Сейдахмад келди, – бирдан Гулжамолнинг қувончли овози янгради, унинг эри томон шошилаётгани эшитилиб турарди. – Биз бўлсак кутавериб, тоқатимиз тоқ бўлди!

– Ассалому алайкум, – жавоб қилишди унга нотаниш кишилар.

– Хўш, тинч ўтирибсизларми? – сўради Сейдахмад.

– Шукур. Нега мунча кеч?

– Шунисига ҳам шукур. Совхозгача етиб келдим, йўловчи машиналарни кутаман-кутаман, қани кела қолса. Ҳеч бўлмаса Жилисойгача етиб олсам дейман. Бир маҳал мана булар ёғоч олиб кетгани бизнинг томонимизга келишаётибди, - дея ҳикоя қиларди Сейдахмад. – Тоғ оралиғи қоронғи. Йўлни ўзинг биласан...

– Ўразкул қани? Уйдами? – қизиқиб сўради келганлардан бири.

– Уйда, - иккиланиб деди Гулжамол. – Сал тоби қочибди. Ташвишланманглар. Бизда тунаб қоласиз, жой бўлса бор. Юринглар.

Улар рози бўлишди. Лекин бир неча қадам босгач, тўхтаб қолишди.

– Ассалом, оқсоқол. Ассалому алайкум, бойбича. Келганлар Мўмин бобо ва кампир билан саломлашишди. Чол билан кампир ҳам уятга қолмаслик учун уларни ҳовлида кутиб олишди. Балки Ўразкул ҳам уялар? Ишқилиб, ўзини ва бошқаларни уятга қўймасин-да.

Бола бир оз тинчланди. Умуман, у ўзини енгил ҳис эта бошлади. Боши ҳам унчалик оғримаётган эди. Ҳатто ўрnidан туриб, машинани кўздан кечирмоқчи бўлди: у қанақа, тўрт гилдираклими ёки олти гилдираклими? Янги-

ми, эскими? Прицепи қанақа? Ўтган ёзда уларнинг уйига ҳатто ҳарбий юк машинаси ҳам келганди - гилдираклари баланд, худди тумшуғи кесиб олингандек эди. Ёш солдат шофёр болани кабинага ўтиргизган эди. Қандай яхши! Олтин ранг погонли ҳарбий киши эса Ўразқул билан бирга ўрмонга тушиб кетишди. Қанақаси бу? Ҳеч бунақаси бўлмаганди-ку.

– Сизлар жосусни излаяпсизми? - сўради бола солдатдан. У жилмайиб қўйди.

– Ҳа, жосусни излаяпмиз.

– Бизникига ҳали биронта ҳам жосус келгани йўқ, - деди бола ғамгин.

Солдат кулиб юборди.

– Нимага керак у сенга?

– Мен уни изидан қувлаб, тутиб олардим.

– Оббо изқувар-е, ҳали ёшлиқ қиласан.

Олтин рангли погонли ҳарбий киши Ўразқул билан ўрмонни айланиб юришганда, бола шофёр билан гаплашиб олди.

– Мен ҳамма машиналарни, ҳамма шофёрларни яхши кўраман, – деди бола.

– Нима учун? – қизиқиб сўради шофёр,

– Машиналар – яхши, кучли ва тез юради. Улардан ёқимли бензин ҳиди келади. Шофёрлар бўлса ёш, уларнинг ҳаммаси ҳам Шохдор она бугунинг болалари.

– Нима? Нима? – тушунмади солдат. – Қандай Шохдор она?

– Сен ҳали билмайсанми?

– Йўқ. Бунақа ғаройиботни ҳеч қачон эшитмаганман.

– Сен ўзинг кимсан?

– Мен қарағандалик қозоқман. Шахтёрлар мактабида ўқиганман.

– Буни сўраётганим йўқ, сен кимнинг фарзандисан?

– Ота-онамни.

– Улар кимники?

– Улар ҳам ота-онасининг фарзандлари.

– Улар-чи?

– Эй, огайни, шу зайлда тўхтовсиз савол бериб, суриштиравериш мумкинми, ахир.

– Мен бўлсам Шохдор она бугу фарзандларининг фарзандиман.

– Буни ким айтди сенга?

– Бобом.

– Ҳарқалай, тўғри эмас, - солдат иккиланиб, бош чайқади.

Бу катта бошли, шалпангқулоқ боланинг Шохдор она бугу авлоди эканлиги уни қизиқтириб қўйди. Солдат ўз авлоди қаердан тарқалганини билмаслиги маълум бўлиб қолганлигидангина эмас, ҳатто етти пуштини билмаслигидан бир оз хижолат ҳам тортди. Солдат фақат ўз отасини, бобосини ва бобокалонини биларди, холос. Бошқалари-чи?

– Сенга етти ота-боболарнинг номларини эсда тутишни ўргатишмаганми? - деб сўради бола.

– Ўргатишмаган. Нимага керак бу? Мен улар ҳақида ҳеч нимани билмасам ҳам, ҳамма қатори бинойидек яшаяпман.

– Бобом, агар одамлар ўз ота-боболарини билмасалар, улар айниб кетади, дейди.

– Ким айнийди? Одамларми?

– Ҳа.

– Нима учун?

– Бобом айтадики, унда ҳеч ким ёмон ишлардан ҳазар қилмайди, чунки болалар ва болаларнинг болалари ҳам уни эсламайди. Шунингдек, ҳеч ким яхши иш ҳам қилмайди. Чунки, барибир, болалар унинг яхши ишлари ҳақида эсламайди-да.

– Бобонг қизиқ экан-ку! – Солдат чинакам ҳайратда қолди. – Ғаройиб. Аммо у сенинг бошингни бўлмагур нарсалар билан гангитиб қўяётганини билмаса керак. Ахир, сенинг бошинг катта-ку... Қулоқларинг ҳам шунчалик каттаки, худди бизнинг полигонимиздаги локаторларга ўхшайди. Сен унинг гапларини тинглама. Коммунизмга боряпмиз, космосга учяпмиз, у бўлса сени нимага ўргатяпти? Уни

бизга, сиёсий машғулотга олиб боришса борми, бир зумда маълумотли қилиб қўярдик. Сен ўсиб, ўқиб-ўрганиб олганингдан сўнг бобонгдан воз кечиб қўя қол. У нодон, маданиятсиз киши.

– Йўқ, мен ҳеч қачон бобомни ташлаб кетмайман, - эътироз билдирди бола. – У яхши.

– Ҳозирча шундай. Кейинроқ тушуниб оласан.

Ҳозир овозларга қулоқ солиб турар экан, бола ўша ҳарбий машиналарни эслади. У ўшанда солдатга нима учун бу ердаги шофёрлар, айниқса, у билган шофёрлар Шохдор она буғунинг фарзандлари эканлигини яхшилаб тушунтириб беролмаган эди.

Бола унга тўғриси айтди. Унинг сўзларида ҳеч қандай уйдирма йўқ эди. Ўтган йили худди шундай куз паласида, эҳтимол, сал кечроқмиди, пичан олиб кетиш учун тоққа совхоз машиналари келган эди. Улар қоровулхонанинг ёнидан эмас, балки унга бир оз етмасдан Арча дарага олиб борадиган йўлга бурилишди сўнг юқорилаб бориб, ёзда ўриб қўйилган пичанлар томон кетишди. Қоровултоғдаги моторларнинг мислсиз гуриллашини эшитган бола йўлнинг айрилишига қараб чопиб кетди. Бирданига шунча машина! Бирининг кетидан бири тизилишиб кетган. Бутун бир колонна. У машиналардан ўн бештачасини санади.

Ҳаво айниб турибди. Бугун-эрта қор ёғиб қолиш сиёқи бор. Унда «хайр, хашаклар, келгуси йилгача» деявериш мумкин. Бу жойларда пичанни ўз вақтида ташиб олмасанг, кейин доғда қоласан. Ўтиб келолмайсан бу ерга. Афтидан, совхозда турли хил ишлар кўпайиб, вақт зиқ келиб қолганлиги учун ўриб тайёрлаб қўйилган пичанни бир йўла ташиб келтиришга қарор қилинган эди.

Бироқ бола буни билмасди. Тўғриси айтганда, унинг нима иши ҳам бор? У ҳовлиқиб, қувонганидан ҳар бир машинанинг қаршисига чиқди, бир оз ким ўзарга чопди, сўнг бошқасини қарши ола бошлади. Енгил юриб бораётган юк

машиналарининг ҳаммаси яп-янги, кабиналари чиройли, ойналари эса кенг эди. Кабинада ёш йигитлар ўтиришибди. Уларнинг ҳаммаси бир хилда муртсиз, айрим кабиналарда эса иккитадан ўтиришибди. Бу шерик бўлиб ўтирганлар пичанни йиғиш ва боғлаш учун боришаётган эди. Уларнинг ҳаммаси болага чиройли, қувноқ, жасур бўлиб туюлди.

Умуман-ку, бола янглишмаганди. Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Машиналар соз эди, улар Қоровултоғдаги шагалли, заранг йўлдан ўтгач, елдай учиб борарди. Болаларнинг вақти чоғ эди - ҳаво ҳам ёмон эмасди, бу ерда яна қаёқдандир пайдо бўлиб қолган шалпангқулоқ, катта бошли тирмизак бола ёшлик шўхликларини ичига сиғдиролмай қувонганидан ҳар бир машина қаршисида гирдикапалак бўларди! Бола яна кўпроқ севинсин ва шўхлик қилсин учун унинг хатти-ҳаракатларига кулмасдан, ҳазил аралаш қўл силкиб, пўписа қилмасдан бўлармиди...

Энг охирида келаётган юк машинаси ҳатто тўхтади ҳам, кабинадан погонсиз, ҳарбий фуражасиз, аммо кепка кийиб олган солдат кийимидаги ёш шофёр йигит бошини чиқариб қаради.

– Яхшимисан, нима қилиб юрибсан бу ерда, а? – Очик юз билан болага кўз қисиб қўйди у.

– Ўзим, шундай, - бамайлихотир жавоб берди бола.

– Сен Мўмин бобонинг набираси эмасмисан?

– Ҳа –

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Мен ҳам Бугубой авлодиданман. Бу бораётган болаларнинг ҳаммаси Бугубой авлодидан. Пичанга боряпмиз. Эндиги Бугубой авлодлари бир- бирини билишмайди ҳам, тарқалишиб кетган... Бобонга салом айт. Қулибекни, Чўтбойнинг ўгли Қулибекни кўрдим деб айтгин. Қулибек армиядан қайтиб келиб, совхозда шофёр бўлиб ишляпти экан, дегин. Хайр, омон бўл, - хайрлашиш олдидан у болага қандайдир ҳарбий значок совга қилди. Жуда галати. Орденга ўхшаб кетади.

Машина қоплон каби бўкириб шериклари ортидан шамолдай учиб кетди. Ногаҳон болада Бугубой авлодидан бўлган акаси - бу оқ кўнгил, мард йигит билан бирга кетиш иштиёки тугилиб қолди. Аммо йўл ҳувиллаб қолган бўлиб, у уйга қайтишга мажбур бўлди. Қайтаркан бобосига учрашув ҳақидаги таассуротларини гапириб берди. Значокни бўлса кўкрагига тақиб олди.

Ўша кунни кечқурун осмон гумбази остидаги тизма тоғлардан қаттиқ шамол - Сан-Тош шамоли тура бошлади. У бўронга айланди. Ўрмон япроқлари қуюндек осмонга учиб чиқиб тобора кўкка ўрлар, гувиллаганча тоғ чўққисида ўйнарди. Зум ўтмай ҳаво шундай бузилдики, кўз очиб бўлмай қолди. Бирдан қор учқунлай бошлади. Ана-мана дегунча ер юзи оқ чойшабга бурканди, ўрмонлар чайқалди, дарё жўш урди. Қор тушди, у буралиб-буралиб ёғарди.

Бир амаллаб молларни ҳайдашга, ҳовлидаги у-бу нарсаларни йиғиштиришга, иложи борича уйга мўл ўтин олиб келишга зўрға улгуришди. Кейин эса уйдан чиқмай қамалиб олишди. Бундай эрта тушган изғирин совуқда ким ҳам эшикка чиқади дейсиз.

– Бунинг кимга кераги бор? – ҳайратланиб ташвишларди Мўмин бобо ўчоққа ўтин қаларкан. У шамолнинг ҳуштак чалишига ҳамон қулоқ тутар, дераза олдига бориб ташқарини кузатарди. Дарча ортида гир айланиб ёғаётган қор ҳаш-паш дегунча уюлиб қолган эди.

– Ўтир ўрнингга! - минғиллади буви. - Биринчи марта шундай бўляптими? «Бунинг кимга кераги бор?» эмиш, - тақлид қилиб масхаралади кампир. - Қиш қишлигини қилиши керак-да.

– Бир кунда-я...

– Бўлмаса-чи? Сендан сўраб ўтирармиди? Вақт-соати келибди, ёғадида.

Ўчоқ мўриси увиллай бошлади. Бола олдин бобосига хўжалик ишларида ёрдам бериб, совуққа қотди, бироқ ўтин тезда қизишиб ёниб кетгандан сўнг уй ичи исиб қол-

ди. Ҳаммаёқни дуд аралаш қарағай смоласининг ҳиди қоплади. Исиниб олгач, боланинг ҳам кўнгли жойига тушди.

Кейин овқатланишди. Сўнг ухлаш учун ўринга киришди. Ҳовлида эса қор бўралар, шамол увилларди.

«Ўрмонда балки жуда қўрқинчлидир», – ўйлади бола ойна ортидаги гувиллашга қулоқ солиб, у баногоҳ қандайдир англаб олиш қийин бўлган овозларни, шовқин-суронларни эшитиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кимдир бировни чақирди, кимдир унга жавоб қайтарди. Дастлаб болага шундай туюлаётгандай бўдди. Шундай пайтда қоровулхонага ким ҳам келарди? Бироқ Мўмин бобо ва кампир ҳушёр тортишди.

– Одамлар, – деди кампир.

– Ҳа, - ишонқирамай деди чол. Кейин безовталана бошлади: - Бемаҳалда ким бўлди? – у тезгина кийина бошлади.

Кампир ҳам шошиб қолди. Туриб, лампа чироқни ёқди. Бола ҳам нимадандир чўчиб, туриб кийинди. Бу орада одамлар уйга яқинлашиб келишди. Говур-гувур, оёқ товушлари. Номаялум одамлар қорни ғарчиллатиб босиб, айвонга келганларида оёқларини қоқиб, тақиллата бошладилар.

– Оқсоқол, эшикни очинг! Совқотдик!

– Кимсизлар?

– Ўзингизники. Мўмин эшикни очди. Қорда, изгирин шамолда совқотган кишилар уйга бостириб кириб келишди. Булар кундузи Арчадара томонга пичан ортишга кетган ўша ёш шофёрлар эди. Бола уларни дарҳол таниди. Унга ҳарбий значок тақдим қилган Қулибек ҳам бор эди. Улар бировни қўлтигидан ушлаб олиб киришди. У инграрди, оёғини судраб босарди. Уйда бирдан қий-чув кўтарилди.

– Астағфирулло! Нима бўлди сизларга? – Мўмин бобо билан кампир барабар ташвишланиб сўрашди.

– Кейин гапириб берамиз! У ёқда яна биздан етти киши келяпти. Йўлдан адашишмаса бўлгани. Қани, бу ерга ўтирчи. Оёғи қайрилиб кетди, - оқсоқ йигитни печка ёнига ўтқизаркан, тез гапирди Қулибек.

– Қолган одамларингиз қаерда? – Шошиб қолди Мўмин бобо. – Мен ҳозир бориб, уларни бошлаб келаман. Сен эса югур, – деди у болага. – Сейдахмадга айт, тезлик билан электр фонарини олиб келсин.

Бола уйдан отилиб чиқди ва ҳовлиққанидан нафаси бўғзига текилиб қолди. Умрининг охиригача у бу даҳшатли дақиқани эсдан чиқармади. Қандайдир ҳурпайган, башараси совуқ, чинқириб даҳшат солувчи баҳайбат махлуқ унинг томоғидан бўғиб олиб силтай бошлади. Лекин бола ўзини йўқотмади. У даҳшатли чангалдан ситилиб чиқди ва қўли билан бошини тўсиб ҳимоя қилганча Сейдахмаднинг уйига югурди. Ҳаммаси бўлиб йигирма-ўттиз қадамлик йўл унга худди узоқдек бўлиб туюлди. Гўё жангчиларга кўмаклашмоқ учун олис ерга шамолдек елиб бораётгандек эди. Унинг қалби мардлик ва жасурлик кўрсатиш иштиёқи билан тўлиб-тошган эди. У назарида ўзини қудратли ва енгилмас кучга эга экандек ҳис этди, ҳатто Сейдахмаднинг уйига етиб боргунча ҳам шундай қахрамонона ишлар қилишга улгурдики, қойил қолмай илож йўқ. У тубсиз жарликлар орқали тоғдан тоққа сакраб ўтди, қилич билан душман тўдасини яксон қилди, дарёда чўкаётганни, ўтда куюётганни халос этди, қизил байроғи ҳилпираб турган реактив қирувчи самолётда дара ва қоялар сари ундан қочиб бораётган даҳшатли қора махлуқни қувди. Унинг реактив қирувчи самолёти махлуқ ортидан ўқдек учиб ўтарди. Бола пулемётдан ўқ узиб, «фашистларни қир!» деб қичқирарди. Ҳамма жойда Шохдор она бугу уни қўллаб-қувватлади. Бугу ўз фарзанди билан фахрланарди. Бола Сейдахмаднинг уй эшигига келиб етганда, она бугу унга: «Энди менинг болаларимни, ёш шофёрларни қутқариб қол!» – деди. «Мен уларни қутқараман, Шохдор она бугу, азбаройи худо, қасам ичаман!», – деди бола овоз чиқариб ва эшикни қоқа бошлади.

– Тезроқ, Сейдахмад амаки, бизникиларни қутқариб қолайлик, юринг! – У бу сўзларни шундай таъсирли қилиб айтдики, Сейдахмад ва Гулжамол қўрқувдан жойида турганча туриб қолишди.

– Кимни қутқариш керак? Нима бўлди?

– Бобом электр фонари билан тезда чопиб келсин, совхоздан келган шофёрлар йўлда адашиб қолишибди деб айтгин, дедилар.

– Аҳмоқ, – сўкиб берди уни Сейдахмад. – Шундай десанг бўлмайдами? – У отланиш учун югуриб кетди.

Лекин бу ҳолат болани ҳеч қанча ранжитмади. Сейдахмад унинг бу ерга келгунча қанчалик жасорат кўрсатганини, қасам ичганини қаердан билсин. Бола шофёрларнинг етталови ҳам Мўмин бобо билан Сейдахмад томонидан қорувулхонанинг ёнидан тезда топилиб уйга олиб келинганда ҳам унчалик ажабланмади. Шундай учрашув содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Хатарнинг олди олинса у энгил кўчиши мумкин... Умуман олганда, бу адашган кишилар ҳам топилди. Сейдахмад уларни уйига олиб кетди. Ҳатто Ўразқулникида тунаш учун ҳам беш киши юборилди.

– Уни ҳам уйғотишга тўғри келди. Бошқалари эса Мўмин бобонинг уйига тиқилиб қолишди.

Қор бўрони тоғда ҳали ҳам тўхтамаганди. Бола айвонга югуриб чиқди ва дақиқа ўтмай ўнг ва сўли қайси, баланд ва пасти қайси, тушуна олмай қолди. Ҳавонинг қовоғи солиқ, гўё доира шаклида айланаётгандек эди. Қор эса тизза бўйи бўлиб қолганди.

Мўмин бобо совхоз шофёрларининг ҳаммаси топилиб, исиниб олгач ва совуқдан, хавф-хатардан қутулиб кўнгиллари тинчигач, воқеа тушунарли бўлса ҳам йўлда, қор бўронида қандай ҳодиса юз берганини секин-аста суриштира бошлади. Йигитлар ҳикоя қилиб беришди, чол- кампир эса хўрсиниб-хўрсиниб қўйишарди.

– Бай, бай-ей, – дея содир бўлган ҳодисадан ҳайратда қолишар ва қўлларини кўксига қўйиб худога шукроналар айтишарди.

– Бунчалик энгил кийинмасаларинг-а, болалар, – ўпкалади кампир иссиқ чойдан қуяркан. – Тоққа шундай кийим билан келиш мумкинми, ахир. Боласизларда, бола. Ўзин-

гизга зеб берасиз, шаҳарликлардек бўлай дейсиз. Агар йўл топа олмай эрталабгача қолиб кетганларингизда борми, худо кўрсатмасин? Нақ музлаб қолардиларингиз.

– Ким билсин бундай бўлишини, – деб жавоб берди Қулибек. – Иссиқ кийиниш нега керак? Бирон нарса бўлса ичкарида машина иситиб қўяди. Худди уйингдагидек ўтириб, баранкани айлантиравер. Самолётдачи, мана бу тоғлар у ердан тепачалардек кўринади - борт ташқарисидда қирқ даража совуқ бўлса, ичкарида одамлар кўйлакчан юришаверади.

Бола пўстинга ўралиб шофёрлар ўртасида ётарди. У Қулибекнинг ёнига тиқилиб олиб катталарнинг суҳбатини бутун вужуди билан тингларди. Бирдан бўрон кўтарилиб, бу йигитлар уларнинг уйдан бошпана излашга мажбур қилганидан ҳатто у хурсанд бўлганини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади. У бўрон узоқ кунлар, ҳеч бўлмаганда уч кун давом этишини ич-ичидан жуда истарди. Майли, улар шу ерда яшайверсинлар. Улар билан вақт ўтказиш қандай яхши. Қизиқарли. Бобоси, афтидан, ҳаммасини таниркан. Ўзларинигина эмас, оталари ва оналарини ҳам биларкан.

– Мана, кўрдингми, – бобо набирасига ҳатто бир оз ғурурлангандек деди, - ўз акаларингни, Бугубой авлодларини кўрдинг. Уларнинг кимлигини билиб оласан. Қара, қандай улар! Эй, ҳозирги йигитлар бўйчан бўлиб ўсишяптида. Худойим сизларни ўз паноҳида асрасин. Қирқ иккинчи йили қишда бизни Магнитогорскка қурилишга олиб келишгани эсимда...

Бобо набирасига яхши таниш бўлган тарихни ҳикоя қилишга тутиниб, уларни мамлакатнинг турли бурчакларидан чақирилган меҳнат армиясини бўйга қараб узайиб кетган сафга тортишганида қирғизларнинг деярли ҳаммаси паст бўйли бўлганлиги ва сафнинг охирига тушиб қолганлиги ҳақида сўзлаб берди. Йўқлама ўқиб бўлинганидан сўнг папирос чекишга рухсат берилди. Сарғишдан келган давангирдек бир йигит келиб, баланд овозда:

– Булар қаердан? Манжурларми ё? – деди. Уларнинг орасида кекса ўқитувчи ҳам бор эди. У шундай жавоб берди:

– Биз қирғизлармиз. Биз бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда манжурлар билан жанг қилганимизда Магнитогорскдан ном-нишон ҳам йўқ эди. Бўйимиз эса худди сеникидек эди. Урушни тамомлаганимиздан сўнг яна ўсамиз...

Бобо ўша ўтмиш воқеани эсга олди. Жилмайиб, қониқиш билан яна бир бор ўзининг тунги меҳмонларига кўз ташлади.

– Ўша ўқитувчи тўғри айтган экан. Шаҳарда бўлганимда ёки кўчада келаётиб назар ташлайман: ҳозирги авлод илгаригисига ўхшамай, бўйчан ва кўркам бўлиб етишмоқда.

Тушунган йигитлар секин кулиб қўйишди - чол чақчақлашишни яхши кўради.

– Ҳа, бўйчанмиз, бўйчан, – деди улардан бири. - Машинани бўлса пастликка ағдариб юбордик. Шунча киши бўла туриб кучимиз етмади...

– Хашак юкланган бўлса, бунинг устига яна шундай қор бўронида уддасидан чиқиб бўлармиди, - уларни оқлай бошлади Мўмин бобо. – Шунақаси ҳам бўлади. Худо хоҳласа, эртага ҳаммаси жойида бўлади. Энг муҳими, шамол тинсин.

Йигитлар бобога юқоридаги, Арчаясси тоғидаги пичанларга машинада қандай етиб борганларини гапириб беришди. У ерда учта катта пичан ғарами турарди. Учала гарамни ҳам бир йўла юклашга киришдилар. Юклаганда ҳам баланд қилиб, ҳатто томдан ҳам баланд қилиб юклашди. Кейин юқоридан арқонга осилиб тушишга тўғри келди. Шундай қилиб, бирин-кетин ҳамма машиналарга пичан юкланди. Кабина кўринмас, фақат олд ойналар, капот ва гилдираклар кўриниб турарди. Келарга келиндими, яна овора бўлиб юрмасдан, ҳаммасини биратўла олиб кетишмоқчи бўлишганди. Улар ҳозир олиб кетишмаса бу пичанлар келгуси йилгача қолиб кетишини билардилар. Ғайрат билан ишладилар. Кимнинг машинаси тайёр бўлса, четга чиқариб қўйиб бошқасига юклашга ёрдамлашар эдилар.

Улар қарийб ҳамма хашакни юклашди, бироқ икки арава-
часи қолди, холос. Чекиб олишди, ким кимнинг ортидан
ҳайдашини келишиб олишди ва ҳаммалари тизилиб йўлга
тушишди. Машинани секин-аста ҳайдашди. Қоронгида
тоғдан сирғалиб кетишларига оз қолди. Пичан енгил юк
бўлса ҳам олиб бориш қийин, айниқса, тор жойларда, бу-
рум йўлларда хавфли.

Улар боришаркан, олдинда нима кутаётганини хаёлла-
рига ҳам келтиришмасди.

Улар Арча тепалигидан тушиб, дара бўйлаб кетишарди.
Дарадан чиқишда эса кечга яқин бўронга дуч келишди.
Қор ура бошлаган эди.

– Шундан бошлаб бирпасда елкалар увиб қолди, – дея
ҳикоя қила бошлади Қулибек. – Бирдан қоронгилик босиб,
шунақанги шамол уриб бердики, нақ бўлмаса қўлингдан
баранкани тортиб олгудек эди. Ана-мана дегунча маши-
нани ағдариб юбораётгандек одамни ваҳима босади. Яна
бунинг устига йўл шунақа ёмон-ки, ҳатто кундуз куни ҳам
юриш хавфли.

Бола нафасини ичига ютиб, чақноқ кўзларини Қулибек-
дан узмай жимгина тингларди. Ҳикоя қилинаётган ўша
шамол, ўша қор ойна ортида авжига чиқмоқда эди. Кўп-
чилик шофёрлар ва юк ташувчилар этикларини ҳам ечмай
полда ётиб ухлашмоқда. Улар нимани бошидан кечирган
бўлсалар, буни қилтириқ бўйинли, катта бошли, шалпанг-
қулоқ бу бола ҳам қайта бошидан кечирди.

Бир неча минутдан сўнг йўл кўринмай қолди. Маши-
налар четга чиқиб кетмаслик учун бир- бирининг изидан
қолмай нуқул сигнал берарди. Машина деразаларини ва
фараларини қор босди. «Тозалагичлар» эса ойнадаги
қорни тозалаб улгура олмасди. Кабинадан бош чиқариб
ҳайдашга тўғри келди. Бироқ бу аҳволда қанча ҳам йўл
босиш мумкин? Қор бўлса заптига олиб ёгарди! Гилди-
раклар оғирлашиб, деярли жойидан жилмасди. Колонна
тикка тепаликка етганда тўхтади. Моторлар ўкирарди,

лекин фойдасиз эди... Машиналар тоққа чиқа олмай таққа тўхтаб қолди. Кабинадан сакраб тушишиб, бир-бирларига овоз қилганларича бир машинадан иккинчисига чопиб ўтишиб, колонна бошида тўпланишди. Нима қилиш керак? Гулхан ёқиш мумкин эмас. Кабинада ўтирилаверса, қолган ёнилғи ҳам ёқиб битирилади. Усиз ҳам совхозгача аранг етиб бориш мумкин. Кабина иситилмаса музлаб қолиш ҳеч гап эмас. Йигитлар нима қилишларини билмай додираб қолишди. Ҳамма нарсага қодир бўлган техника ҳозир ожиз. Нима қилиш керак? Кимдир машиналардан бирининг хашагини ағдариб, ичига кириб ётишни таклиф қилди. Бироқ арқонни бўшатиш биланоқ хашакдан бир тутам ҳам қолмаслиги аниқ эди: кўз очиб-юмгунча бўрон учуриб кетарди. Бу орада машиналар қор уюмига тобора чуқурроқ кириб борар, гилдираклар остидаги қор анча кўтарилиб қолган эди. Йигитлар ўзларини бутунлай йўқотиб қўйишди, изғирин суяк-суякларидан ўтиб кетди.

– Бир маҳал эсимга тушиб қолди, оқсоқол, – деб ҳикоя қиларди Қулибек Мўмин бобога. – Биз йўлда Арчадарага кетаётиб мана бу Буғубой авлодидан бўлган укамизни учратдик. – У болани кўрсатди ва эркалаб унинг бошини силади. – Йўлда чопиб юрган экан. Мен уни тўхтатиб саломлашдим. Гаплашдик. Тўғрими? Нима, ҳали ухлаганинг йўқми? Оббо, азамат-е!

Бола жилмайиб бош ирғади. Унинг қалби қувонч ва ифтихордан гурсиллаб ураётганини биров билганда эди. Буни йигитлар ичида энг кучлиси, энг ботири ва энг чиройлиси - Қулибекнинг ўзи гапириб берди. Мана шунақа бўлса киши.

Бобо ҳам ўчоққа ўтин ташларкан, уни мақтаб қўйди:

– У шунақа. Гап тинглашни яхши кўради. Анграйиб қулоқ солишини кўряпсанми?

– Ўша дақиқада у қандай эсимга тушиб қолди, ўзим ҳам билмайман, – давом этди Қулибек. – Болаларга деярли бақариб гапираман, овозимни бўлса шамол олиб қочади.

Келинлар, қоровулхонага етиб олайлик. Бўлмаса, нобуд бўламиз дейман. Болалар бўлса қандай етиб борамиз, деб шундоққина юзимга келиб қичқиришади. Пиёда бориб бўлмайди. Машинани ҳам ташлаб кетиш мумкин эмас. Мен бўлсам келинлар, машинани итариб довондан олиб ўтамиз, у ёғи қиялик дейман. Сан-Тошгача етиб борсак бўлгани, у ёғига пиёда бориш ҳам мумкин, ўрмончиларимизнинг уйи яқин қолади дейман. Болалар буни маъқул кўришди. Қани, бошла дейишди. Иш шундай бўлгач... Биринчи машинадан бошладик: «Усмонали, кабинага чиқ!» Бошқа ҳаммамиз машина ортидан елка тираб итара бошладик. Дастлаб иш юришгандек бўлди. Кейин дармонсизланиб қолдик. Орқага чекиниш ҳам мумкин эмас. Биз машинани эмас, бутун тоғни юқорига кўтараётгандек сезардик ўзимизни. Ортилган юк ҳам қанақа денг – пичан гарами! Фақат кучимнинг бориша: «Қани! Қани!» деб бақирганимни биламан, лекин овозимни ўзим ҳам эшитмайман. Шамол, қор - ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Машина худди жони бордек инграб нола қилади. Машина ҳам, ўзимиз ҳам сўнгги кучни сарфладик. Гўё юрак ёрилиб парча- парча бўлиб учиб кетадиганга ўхшайди. Бош айланади.

– Бай, бай, бай, - ачинди Мўмин бобо. - Роса қийналибсиз-да. Шохдор она буғу ўз фарзандларини паноҳида асрабди. Фалокатдан қутқарибди. Бўлмаса, ким билсин... Эшитяпсанми? – Ташқарида ҳамон бўрон қутуради, бўралаб қор ёғяпти.

Болани уйқу боса бошлади. У ухламасликка ҳаракат қилса ҳам, барибир кўзлари юмилиб кетаверди. Уйқу аралаш ора-сира чол билан Қулибекнинг суҳбатини тинглар экан, бола содир бўлган воқеа билан тасавуридаги манзарани аралаштириб юборди. Гўё ўзини ҳам тоғдаги бўронга келган бу ёш йигитларнинг орасида ҳис қилди.

Унинг кўз олдида оппоқ қор билан қопланган тоғ томон юқорилаб кетган йўл гавдаланарди. Қор бўрони юзни ачиштиради, кўзга қадалади. Улар том бўйи пичан ортил-

ган улкан автомашинани юқорига қараб итаришарди. Улар довон томон аранг кўтарилишади. Машина энди бутунлай жилмай қолди, тисарила бошлади, шундай кўрқинчли, шундай қоронғи. Шамол этни жунжитади. Бола кўрққанидан гужанак бўлиб олди, у машинанинг орқага сурилиб, янчиб кетишидан чўчирди. Бироқ шу пайт қаёқдандир Шохдор она буғу пайдо бўлди. У шохини машинага тираб, уни юқорига олиб чиқишга ёрдам қилди. «Қани, қани, қани!» – деб қичқира бошлади бола. Машина секин-аста силжий бошлади. Улар довонга чиқиб олишди сўнг пастга қараб машинанинг ўзи юриб кета бошлади. Улар шу зайлда иккинчи машинани, кейин учинчисини, хуллас, кўпгина машиналарни юқорига итариб чиқишди. Ҳар гал ҳам уларга Шохдор она буғу ёрдам қилди. Уни ҳеч ким кўрмасди. Ҳеч ким у билан ёнма-ён турганини билмасди. Бола эса кўриб, билиб турарди. У ҳар гал иложсиз қолган пайтда, куч етмасдан кўрқинчли бўлиб қолган чоғда Шохдор она буғу чопиб келиб шохи билан машинани юқорига суриб чиқаришга ёрдам берганини кўрди. «Қани, қани, қани!» – мадад берарди бола. Ҳар гал ҳам у Қулибекнинг ёнида турди. Кейин Қулибек унга: «Рулга ўтир» – деди. Бола кабинага чиқди. Машина силкиниб гувилларди. Рул бўлса унинг қўлида енгилгина, ўз-ўзидан худди у ёшлигида машина қилиб ўйнаган бочка ҳалқачаси сингари айланарди. Бола хижолатдан азият чекарди, рул унга ўйинчоқдек бўлиб туюлганди. Бир маҳал машина ёнбошга қараб оға бошлади. У гумбирлаб йиқилди ва парчаланиб кетди. Бола қаттиқ йиғлаб юборди, Жуда мулзам бўлди. Қулибекнинг кўзига қарашга уяларди.

– Нима бўлди, а, сенга нима бўлди? – Қулибек уни уйғотди.

Бола кўзини очди. Кўрганларининг ҳаммаси тушида эканлигини англаб қувониб кетди. Қулибек бўлса уни қўлида кўтариб, бағрига босди.

– Туш кўрдингми? Кўрқдингми! Сени қара-ю, яна қаҳрамон эмиш! – у боланинг шамолда қотиб ёрилиб кет-

ган лабларидан ўпди. – Кел, мен сени ўрнингга ётқизиб қўяй, ухлаш керак.

У болани кигиз солинган полга, ухлаб ётишган шофёрлар ўртасига ётқизди ва ўзи ҳам унинг ёнига ётди. Қулибек болани ўзига яқинроқ тортиб, пўстинининг бари билан ўраб қўйди.

Эрталаб болани бобо уйготди.

– Тура қол, – секингина гапирди чол. – Иссиқроқ кийингин. Менга ёрдамлашасан. Тура қол.

Дераза ортида ҳали тонг пардаси кўтарилганича йўқ. Уйдагилар ҳали ағанашиб, ухлаб ётишарди.

– Ма, кигиз этикни кийиб ол, – деди Мўмин бобо. Бободан янги хашак ҳиди келиб турарди. Демак, у отларга хашак солиб келган. Бола кигиз этикни кийди ва улар ташқари чиқишди. Қор бинойигина ёққан эди. Шамол ҳам тинчиганди. Фақат аҳён-аҳёнда аччиқ ел эсиб турарди.

– Совуқ! – сесканиб тушарди бола.

– Ҳечқиси йўқ. Ҳаво очилаётганга ўхшайди, – мингирлади чол. – Буни қара-я! Биринчисидаёқ шунчалик қаҳрига олмаса. Ҳа, майли, фалокат юз бермади...

Улар қўйхонага киришди. У ерда Мўмин бобонинг бешта қўйи бор эди. Чол қоронғида устунни пайпаслаб топиб чироқни илди ва ёқди. Қўйлар бурилиб қаради-да, бир бурчакка бориб қисилди.

– Буни ушла, мени ёритиб турасан, – деди чол болага чироқни тутқазаркан. – Қора тўқлини сўямиз. Уй тўла меҳмон. Улар тургунча гўшт тайёр бўлиши керак.

Бола бобосига чироқни тутиб турди. Шамол ҳали ҳам тирқишлардан хуштак чалар, ҳаво совуқ, тунд эди. Чол аввало эшик олдида бир қучоқ тоза пичан олиб келиб ташлади. Бу жойга қора тўқлини етаклаб келди ва уни йиқитиб, оёқларини боғлашдан олдин чўққайиб ўтирганча хаёл суриб қолди.

– Чироқни қўй. Сен ҳам ўтир, – деди болага у. Ўзи бўлса кафтларини очиб шивирлай бошлади: – О, авлоднинг катта

онаси, Шохдор она бугу, қора қўйни сен учун қурбонликка, сенга сўяётирман. Хатарли дамларда болаларимизнинг омон бўлиши, авлодимизни оқ сут бериб боққанинг, сахий қалбинг, оналик меҳринг учун бу. Бизни довларда, тошқин дарёларда, тойғоқ сўқмоқларда ёлғиз қўйма. Бизни ўз еримизда ҳеч вақт ташлаб кетма, биз сенинг фарзандларингмиз. Омин!

У фотиҳа ўқиб, қўлини юзига тортди. Бола ҳам худди шундай қилди. Сўнг бобо тўқлини ерга ағдариб, унинг оёқларини боғлади ва ўзининг қадимги осийча пичоғини қинидан чиқарди. Бола эса уни чироқ билан ёритиб турарди.

Ниҳоят ҳаво тинчиди. Қуёш чок-чокидан ситилиб сузиб бораётган булутлар орасидан бир-икки марта чўчигандек нигоҳ ташлади. Теварак-атрофда бўронли тундан қолган қинғир-қийшиқ қор уюмлари, янчилган буталар, қор босиб ёй шаклига келган ёш дарахтчалар, қулаб ётган эски дарахтлар. Дарё ортидаги ўрмон сукут сақлаб, жимгина, маъюсланиб турарди.

Дарёнинг ўзи ҳам пасайиб кетгандай соҳиллари қор билан кўпчиб, унчалик шовқин солмай ғамгин оқарди.

Қуёш ҳам беқарор бўлиб қолган эди - гоҳ кўринади, гоҳ яширинади. Бироқ ҳеч нима болани қайғуга солиб ташвишлантирмасди. Ўтган тундаги ташвишлар унутилган эди. Бўрон ҳам эсдан чиқарилган эди, қор бўлса унга халал бермас, ҳатто завқли эди. У ёқдан бу ёққа югуриб юрди, оёқ остидан қор парчалари отилиб чиқарди. Бола шунинг учун ҳам хурсанд эдики, уйи тўла одам эди. Шунинг учун ҳам қувноқ эдики, йигитлар уйқудан туриб, баланд овоз билан гапиришар, ҳазиллашиб кулишарди. У яна шундан хурсанд эдики, ўзлари учун пиширилган қўй гўштини иштаҳа билан ейишарди.

Бу орада қуёш ҳам олисларга мусаффо нур тарқата бошлаганиди. Булутлар аста-секин тарқалиб, ҳаво ҳам илий бошлади. Бемаҳал ёққан қор, айниқса, йўл ва сўқмоқлардагиси тезда эриб кета бошлади.

Тўғри, шофёрлар ва юк ташувчилар кетиш учун ҳозирлик кўраётганларида бола бир оз ҳаяжонланди. Ҳаммалари ҳовлига чиқишди, мезбонлар билан хайрлашарканлар, уй-жой ва нон- туз учун миннатдорчилик билдиришди. Уларни Мўмин бобо билан Сейдахмад отда кузатиб қўйишди. Музлаб қолган моторларни иситиш учун чол отга бир боғлам ўтин, Сейдахмад эса катта бақда сув ортиб олганди.

Ҳаммалари ҳовлидан чиқа бошлашди.

– Ота, мен ҳам бораман, мени ҳам олиб кетинг, – дея бола бобоси ёнига чопқиллаб борди.

– Кўряпсан-ку, мен ўтин ортиб олганман, Сейдахмад бўлса бак ортиб олган. Қайси биримиз оламиз сени. Нима бор сенга у ерда? Қорда юриб чарчайсан.

Бола хафа бўлди. Қовоғи осилди. Шунда Қулибек унга:

– Юр, биз билан, – деди ва болани қўлидан ушлаб, олди, – қайтишда бобонг билан бирга келасан.

Улар Арчадарадан қиялаб ўтишадиган йўл томон кетдилар. Ҳали хийлагина қор бор эди. Бу бақувват йигитлар билан биргама-бирга қадам ташлаб бориш осон эмасди. Бола толиқа бошлади.

– Қани, елкамга ўтир-чи, – таклиф қилди Қулибек.

У болани қўлида азот кўтариб, эпчиллик билан елкасига миндириб олди ва уни худди ҳар куни кўтариб одатлангандек юриб кетди.

– Жуда эвини келтирибсан-ку, Қулибек, – деди у билан ёнма-ён бораётган шофёр.

– Умрим ука ва сингилларимни кўтариб ўтган, – мақтаниб қўйди Қулибек. – Тўнгичи эдим- да. Биз оилада олти киши бўлиб, онам ҳам, отам ҳам далада бўлишарди. Энди бўлса синглим болалик бўлди. Армиядан қайтдим, уйланмаган эдим, ишга ҳам ҳали жойлашганимча йўқ эди.

Синглим бизникига кел, сен болага яхши қарайсан, дейди. Қўйсанг-чи, дейман, бўлди, энди ўзимникини кўтариб юраман...

Улар шу зайлда турли-туман нарсалар тўғрисида гапиришиб боришди. Бола Қулибекнинг бақувват елкасида роҳат қилиб хотиржамгина борарди.

«Менинг ҳам шундай акам бўлсайди, – орзу қиларди бола, – ҳеч кимдан кўрқмасдим. Ўразқул Қулибекнинг олдида бобомга бақириб ёки қўл теккизиб кўрсин-чи. У Ўразқулни дарҳол тинчитиб қўйган бўларди».

Пичан ортилган машиналар йўл айрилишидан икки километр юқорида турарди. Қор билан қопланган бу машиналар даладаги қишки гарамларга ўхшаб кўринарди. Афтидан, уларни ҳеч ким, ҳеч қаерга қўзғата олмайдигандек.

Мана, гулханни ҳам ёқишди. Сувни иситишди. Моторни ўт олдирувчи ручка билан айлантира бошладилар, моторга жон кирди, аксириб ишлаб кетди. Шундан кейин иш тезлашиб кетди. Навбатдаги ҳар бир машина шатакка олиб юргизилди. Ўт олиб қиздирилган машина колонна ортидан бориб тизила бошлади.

Хамма юк машиналари юргизилгач, қўшалок шатакка олинганча кечаси хандаққа тушиб кетган машинани тортиб чиқаришди. Бор одамларнинг ҳаммаси уни йўлга чиқариб олиш учун кўмаклашди. Бола ҳам ёрдамлашди. У кимнидир: «Сен нега оёқ остида ивирсиб юрибсан, қани қочиб қолчи, бу ердан», дейишини кутиб, хавфсираб турди. Лекин ҳеч ким бундай демади, уни ҳеч ким қувламади. Балки Қулибек унга ёрдам беришга рухсат этгани учун шундай бўлгандир. У бу ерда ҳаммадан кучлиси, уни ҳамма ҳурмат қилади.

Шофёрлар яна бир бор хайрлашишди. Машиналар қўзғалди. Дастлаб аста-секинлик билан, кейин тезлашиб кетди. Қорга бурканган тоғлар орасидаги йўлдан улар карвон бўлиб, тизилишиб борарди. Шохдор она бугу фарзандларининг фарзандлари кетишди. Улар олдиларида, йўлда кўринмасдан Шохдор она бугу чопиб бораётганини билишмасди. Боланинг тасавурида худди шундай эди. У шиддат билан узун-узун сакраб, колоннани олға бошлаб

борарди. Уларни огир йўлдан фалокат ва бахтсизликлардан қўриқларди. Ҳар қандай қулашлардан, ҳар қандай кўчмалардан, бўрон-у туманлардан ва қирғиз халқи ўзининг кўчманчилик ҳаётида узоқ асрлар мобайнида бошидан кечириб келган ҳар қандай бошқа фалокатлардан қўриқларди. Мўмин бобо эрта тонгда қора тўқлини олиб келиб унга қурбон қилганида Шохдор она бугудан шуларни сўрамаганмиди, ахир?

Кетишди. Бола ҳам хаёлан улар билан бирга кетди. У кабинада Қулибек билан ёнма-ён ўтириб борарди. «Қулибек ака, – деди бола, – олдинда Шохдор она буғу югуриб боряпти». – «Йўғ-е?» «Ростим. Ана у!»

– Нимани ўйлаб қолдинг, нега серрайиб турибсан? – Мўмин бобо уни ўзига келишга мажбур этди. – Мингаш, уйга кетиш керак. – У отдан энгашиб, болага чўзилди ва уни эгарга кўтариб олди. – Совқотдингми? – деди чол ва пўстини билан набирасини яхшироқ ўраб қўйди.

Бола ўша кезларда мактабга қатнамасди.

Энди эса огир уйқудан аста-секин уйғониб, ташвиш тортиб ўйларди: «Эртага мактабга қандай бораман? Ахир менинг тобим қочди-ку, мазам йўқ...» Кейин у унутди. Гўё унга муаллима доскага ёзган: «От. Ота. Тақа» сўзларини ўз дафтарига кўчириб ёзгандай туюлди. «От. Ота. Тақа. От. Ота. Тақа». Биринчи синф ўқувчиси шу сўзларни ёзиб бутун бир дафтарни тўлдирди. У ниҳоят чарчади, кўзлари жимирашиб, жуда ҳам исиб кетди. Устини очиб ташлади ва усти очиқ ҳолда ётиб совқотди, яна кўз ўнгида турли нарсалар намоён бўлди. Гоҳ у балиқ бўлиб муздек сувда сузарди. Оқ кема сари борарди. Лекин унга ҳеч етолмасди. Гоҳо қор бўронига дуч келарди. Тог йўлининг тикка тепалигига келиб пичан ортган автомашиналар изғиринли қор қуюнида таққа тўхтаб қоларди. Машиналар худди одам инграгани сингари инграшарди. Лекин улар жойидан қўзғалишмасди. Паррақлар ҳаддан ташқари тезлик билан айланаверганидан лахча чўгдек бўлиб кетган эди. Шохдор

она буғу шохларини кузовга тираб, пичан ортилган машиналарни юқорига гилдиратиб чиқарарди. Бола бутун куч-қуввати билан унга ёрдамлашарди. Иссиқ терга ботиб кетди. Бир пайт беда гарами болалар бешигига айланиб қолди. Шохдор она буғу болага: «Тезроқ югурайлик, бешикни Бекей хола билан Ўразқул амакига элтиб берайлик», - дерди. Улар югура бошладилар. Бола орқада қолиб кетди. Бироқ олдинда - қоронғиликда бешик қўнғироқчаси тинимсиз жарангларди. Бола унинг оҳанрабо жаранги сари чопиб борарди.

У айвонда оёқ шарпаси эшитилиб, эшик очилганда уйғонди. Мўмин бобо ва кампир бир оз тинчлангандек бўлиб қайтиб киришди. Чет кишиларнинг қоровулхонага келиши, афтидан, Ўразқул билан Бекей холанинг тинчланишига мажбур этди. Балки Ўразқул маст-аластликдан чарчаб охири ухлаб қолгандир. Ҳовлида шовқин-сурон, сўкиш овозлари эшитилмасди.

Ярим тунга бориб тоғ тепасида ой кўринди. У энг баланд музли чўққилар тепасида хирагина гардиш ясаб муаллақ турарди. Абадий музликлар билан қопланган тоғ тун қоронғисида нотекис қирралари билан гамгин юксалиб турарди. Атрофида эса пастки тоғ тизмалари, қоялар, қоп-қора ва жимжит ўрмонзор осойишталик сақлаб турарди. Энг қуйида эса тошдан-тошга урилиб, шовуллаганча дарё оқарди.

Деразадан ойнинг нурсиз шуъласи қия тушиб турарди. У болага халал бераётганди. Бола ағдарилиб, кўзини қисиб одди. Бувисидан пардани тушириб қўйишни сўрамоқчи бўлди. Лекин айтгиси келмади: бувисининг бобосидан жаҳли чиқиб турган эди.

– Аҳмоқ, – пичирлади у тўшакка кираркан. – Одамлар билан яшашни билмаганингдан сўнг жим турсанг бўлмай-дими. Бошқаларни тингласанг бўларди. Сен унинг қўлидасан-ку. Майда пул бўлса ҳамки, маош ўшандан оқиб келиб турибди-ку! Яна ҳар бир ой-да. Моянасиз – сен кимсан? Қариб қуйилмаган чол...

Чол жавоб бермади. Буви жим бўлиб қолди. Кейин кутилмаганда баланд овозда деди:

– Агар кишини ойликдан маҳрум қилишса, у одам эмас, ҳеч ким эмас.

Чол яна ҳеч нима демади.

Бола эса ухлай олмасди. Боши огрир, ўйлари чалкашиб кетганди. Мактаб ҳақида ўйлаб ташвишланарди. У ҳали бирон кун ҳам ўқишни қолдирмаган эди, энди эртага мактабига – Жилисойга боролмаса қандай бўлишини тасаввур қила олмасди. Бола, борди-ю, Ўразқул ишдан бобосини ҳайдаб юборса, у ҳолда бувиси тинчлик бермаслиги ҳақида ўйларди. Унда уларнинг аҳволи нима кечади?

Одамлар нега шундай яшашади? Нега бировлар қаҳр-ғазабли, бировлар мўмин-мулойим! Нега бахтли ва бахтсизлар бор? Нега шундайлар борки, улардан ҳамма чўчийди, яна шундайлар борки, улардан ҳеч ким ҳайиқмайди. Нега бировларнинг бола-чақаси бор, бировларда йўқ? Нега айрим кишилар бошқаларга маош бермасликка ҳадди сиғади? Эҳтимол, энг катта мояна олувчилар энг яхши кишилардир. Мана, бобоси оз олади, шунинг учун уни ҳамма ранжитади. Э, бобога ҳам кўпроқ мояна беришлари учун нима қилиш керак экан-а? Балки ўшанда Ўразқул чолни ҳурмат қила бошлармиди.

Бу ўй-хаёллардан боланинг боши баттар сирқираб огриди. У яна кечга яқин дарё соҳилида кўрган бугуларни эслади. Тунда уларнинг ҳоли не кечдийкин? Улар нуқул совуқда, тоғ-тошларда, қоп-қоронғи ўрмонларда яшайди. Бу ниҳоятда кўрқинчли-ку. Бўрилар ҳужум қилиб қолса нима бўлади? Бекей холага сеҳрли бешикни шоҳида ким олиб келади кейин?

У ташвиш аралаш уйқуга кетди ва ухлаётиб Шохдор она бугудан Ўразқул ва Бекей холага қайиндан ясалган бешик олиб келишни ёлвориб сўради: «Улар ҳам фарзанд кўришсин, улар ҳам фарзанд кўришсин», деб илтижо қилди. У узоқдан бешик қўнғирокчасининг овозини эшитди. Шох-

дор она бугу шохида сеҳрли бешикни кўтариб олганча шо-
шиб келарди...

ЕТТИНЧИ БОБ

Саҳарда бола қўл шарпасидан уйғонди. Бобосининг қўл-
лари совуқ, даладан келганди. Бола беихтиёр жунжикди.

– Ёт, ётавер. – Бобо куфлаб қўлларини иситди, унинг
пешанасини силади, кейин кафтини унинг кўкрагига, қор-
нига қўйди. – Тобинг қочган шекилли, - ачинди бобо. - Ис-
сиғинг бор. Мен шунчаки ётибсан деб ўйлабман. Мактаб
вақти ҳам бўлди.

– Мен ҳозир, ҳозир тураман, -- бола бошини кўтарди,
шу пайт ҳамма нарса кўз ўнгида гир айланиб кетди ва қу-
лоқлари гувуллади.

– Туришни хаёлингга ҳам келтирма. – Бобо болани
ётқизди. – Сен касални мактабга ким олиб боради? Қани,
тилингни кўрсат-чи.

Бола ўзиникини маъқуллашга уриниб кўрди:

– Муаллима уришади. Дарсни қолдирганни жуда ёмон
кўради у...

– Уришмайди. Мен ўзим айтаман. Қани бўл, тилингни
кўрсат.

Бобо диққат билан боланинг тили ва томоғини кўрди.
Томир уришини узоқ кузатди: бобосининг қора меҳнатда
қотиб кетган қаттиқ қўллари боланинг иссиқ, терга ботган
қўлларидан томир уришини аранг тутиб олди. Чол нимага-
дир ишонч ҳосил қилди-да, тинчлантирган оҳангда деди:

– Худо меҳрибон. Озгина шамоллабсан, холос. Совуқ ўт-
ган. Бугун тўшакда ётиб тур, уйқунгдан олдин мен сенинг
товонинг билан кўкрагингга иссиқ думба ёғи суртиб қўяман.
Терлайсан, худо хоҳласа эрталабгача отдек бўлиб кетасан.

Кечаги воқеаларни ва яна ўзини нималар кутаётганини
эслаб, чолни ғам босди, набирасининг тўшагида ўтириб
хўрсинди ва ўйлаб қолди.

– Худо подшо,– шивирлади хўрсиниб туриб. –Қачон тегди сенга бу касал? Нега айтмай юрдинг? Кечқурун чоғи?

– Кечга яқин. Дарёнинг соҳилида буғу кўрганим-да. Мен сиз томонга чопдим. Шундан кейин совқотиб кетдим.

Чол нима учундир айбдор оҳангда деди;

– Ҳа, майли... Сен ёт, мен эса борай. У ўрнидан турди, лекин бола уни тўхтатиб:

– Бобо, ўша Шохдор она бугунинг ўзи-а? Худди сутдай оппоқ, кўзлари мана бундай, худди одамга ўхшаб қарайди...

– Тентаккина, – жилмайди Мўмин чол. – Ҳа, сен айтгандек бўла қолсин. Балки у ўша кароматли она бугудир, - деди у паст овоз билан, – ким билсин? Мен ўйлайманки...

Чол гапини тугата олмади. Эшик олдида кампир пайдо бўлди. У ҳовлидан шошилиб кирди, ниманидир пайқаган эди.

– Ҳув анув ёққа бор, чол, – остонадан туриб гапирди кампир. Мўмин бобо шу заҳоти бирдан қалби чўкиб, бирон ери лат егандек, ачинарли бир ҳолга тушиб қолди.

– У ёқда одамлар ёғочни дарёдан машина билан чиқармоқчи бўлишяпти, – деди кампир. –Сен албатта бор, нима буюришса қил... Воҳ, эсим қурсин, сут ҳали пиширилгани йўқ-ку, – кампир хатосини пайқади-да, плитага ўт ёқиб, идиш-товоқни тарақлатишга тутинди.

Чолнинг қовоғи осилди. Унга қандайдир эътироз билдиргиси, ниманидир айтгиси келарди. Лекин кампир оғиз очиргани кўймади.

– Нимага энди туриб қолдинг? – газабга минди кампир. – Нимага ўжарлик қиляпсан? Сен билан менга ким кўйибди ўжарликни, бошимга битган бало бўлдинг-ку. Уларга қарши туришга қандай ҳолинг бор? Ана Ўразқулнинг олдига қанақа одамлар келишди. Машиналариям антиқа. Ортсанглар бўлди, ўнта ёғочни тоғма-тоғ олиб кета олади. Ўразқул эса бизга қиё боқмай қўйди. Мен уни кўндириш учун қанчалик ҳаракат қилмадим, қанчалик ўзимни ерга урмадим. Қизингни остонага йўлатмади. Пуштсиз

қизинг Сейдахмадникида ўтирибди. Кўзлари шишиб кетган. У ҳам сени мияси ачиган чол деб қаргаяпти...

– Етар энди, – чол чидай олмади ва эшикка йўл оларкан, деди: – қайноқ сут бёр, болагина касал бўлиб қолибди.

– Бераман, қайноқ сут бераман, бор, бора қол, худо хайрингни берсин. – У чолни кузатгандан кейин ҳам ҳамон жаврарди: – Нимага бундай қилиқ чиқариб қолди? Ҳеч қачон, ҳеч кимга гап қайтармас-ди, мўмин-қобил, хокисор эди, мана энди бўлса... Тагин Ўразқулнинг отига минибди-я, яна чопганига куяйми. Бунинг ҳаммаси сенинг касрингга, – у бола томонга ўқрайиб қаради. – Ким учун балога гирифтор бўляпти ўзи...

Кейин болага у жизгирилган ёғ билан қайноқ сут олиб келди. Сут боланинг лабини куйдирди. Кампир эса уни зўрлар, мажбур қиларди:

– Ич, иссиқроқ ич, қўрқма. Шамоллашни фақат иссиқ билан ҳайдайсан.

Бола куйиб борар, кўзларига ёш қалқиб чиққанди. Кампир ҳам бирдан шафқатлироқ бўлиб қолди:

– Хўп, совут, озроқ совутгин... Менга энди шу етмай турган эди, касалингни шундай пайтга тўғри келганини қара! – хўрсинди у.

Боланинг қачондан бери сийгиси қистарди. У ўрнидан туриб бутун баданида аллақандай гайритабий, ширин ҳорғинлик сезди. Бироқ кампир буни пайқаган эди:

– Нима, ёзилмоқчимисан?

– Ҳа, – тан олди бола.

– Тўхтаб тур, ҳозир.

Кампир уйга тоғора олиб келди.

Бола ўнғайсизланиб тескари ўгирилиб жомга чоптир-ди, сийдигининг бундай сариқ ва қайноқлигига ажабланарди.

Энди у ўзини анча яхши ҳис қилди. Бошининг оғриги ҳам камайди. Бола тўшакда тинчгина ётар, бувисининг хизматидан миннатдор бўлиб туриб, хаёлдан ўтказди: эр-

тага эрталаб соғайиб, албатта мактабга бориши керак. У яна мактабида яқинда ўзларининг ўрмонида пайдо бўлган уч бугу ҳақида қандай қилиб ҳикоя қилиб беришигача ўйлаб қўйди, яъни бугуларнинг оқ урғочиси – бу ўша Шохдор она бугу, унинг каттагина ва бақувват боласи ҳам бор, улар билан улкан шохли баҳайбат кўнғир бугу ҳам бирга, у жуда кучли бўлиб, Шохдор она бугу ва унинг болаларини бўрилардан қўриқлайди. У яна шулар билан бирга, агар бугулар шу ерда қолиб, ҳеч қаёққа кетиб қолмаса, унда Шохдор она бугу тезда Ўразқул амаки билан Бекей холага сеҳрли бешик келтириб беришини ҳам ҳикоя қилишни кўнглига тугиб қўйган эди.

* * *

Бугулар эса эрталаб сув ичгани тушди. Қисқа куз қуёши тоғ тизмаларининг ярмига кўтарилганда улар юқоридаги ўрмондан чиқиб келди. Қуёш кўтарилган сари, пастда тоғлар ораси шунча ёруғ ва илиқ бўлиб борарди. Тунги ғавғодан сўнг ўрмон жонланган, нур ва бўёқлар жилва қилар эди.

Бугулар дарахтлар орасидан ўтиб, офтобрўй ялангликларда исиниб, шабнамли баргларни бутоғи билан чимдиб шошмай келарди. Улар ўша тартибда: – олдинда эркак бугу, ўртада бугуча ва охирида – икки биқини дўппайган Шохдор она бугу. Бугулар кеча Ўразқул, Мўмин бобо билан лаънати қарагай ёғочни дарёга олиб тушган ўша сўқмоқдан келишарди. Судраш натижасида чимзор юзасида қолдирган бир текисдаги тарам–тарам излар тоғли қора тупроқда ҳали ҳам бояги-боягидек турарди. Бу сўқмоқ кечувга, ёғоч ташлаб кетилган жойга олиб борарди.

Бугулар бу ер сув ичишга ўнғай бўлгани учун шу жойга йўл солди. Ўразқул, Сейдахмад ва ёғочга келган икки киши трос билан дарёдан ёғочни судраб чиқиш учун машинани қулайроқ жойга ҳайдаб келишни кўздан кечириш учун шу томонга келишарди. Мўмин бобо бошини қуйи

солиб, имирсилаб орқароқда келарди. У кечаги жанжалдан сўнг нима бўлишини, ўзини қандай тутишини, нима қилишини билмасди. Ўразқул уни ишга қўядими? Кечагидек ҳайдаб солмасмикин? Агар: «Сенга нима бор бу ерда? Айтдим-ку, сен ишдан бўшатирилгансан!» деса-чи. Одамлар олдида сўкиб, уйга жўнатиб юборса-чи? Шубҳалар чолни изтиробга солар, у азобда, аранг жон ҳовучлаб борарди. Орқадан кампир кузатиб келарди. У гўё шунчаки қизиқсинаётгандек эди. Бироқ аслида у чолга соқчилик қилиб борарди. Мўмин чаққонни Ўразқул билан яраштиришга, Ўразқулнинг кечирришига муяссар бўлиши керак эди.

Ўразқул хўжайинчасига гердайиб одимларди. Ҳансираб, пишиллаб атрофга ўқрайиб назар ташларди. Кўп ичганидан боши зирқираб оғриб турса ҳам, у ўзи-да қасоскорона қониқиш сезарди. У қайрилиб қараганида Мўмин бобонинг гизиллаб келаётганини кўрди, худди эгасидан калтак еган садоқатли итнинг ўзгина-си. «Ҳечқиси йўқ, ҳали менинг совунимга кир ювмабсан. Энди сенга қиё ҳам боқмайман. Сен мен учун йўқсан. Сен ҳали ўзинг оёғимга бош уриб келасан», – ичи қоралик билан қувонди Ўразқул, ўтган кеча хотинини тепиб остонадан ҳайдаб чиқарганида хотини оёғи остида қандай даҳшатли овоз билан чинқирганини эсларкан. – Майли. Мана буларни ёғоч билан жўнатай, мен ҳали уларнинг кунини кўрсатаман, майли, менга деса бир-бири билан гажишиб ўлишсин. Энди қизи отасининг кўзини ўяди. Ваҳшийлашиб кетган нақ бўри-я», – Ўразқул келган киши билан оралиқ масофада гаплаша бора туриб, йўл-йўлакай шуларни хаёлдан ўтказди.

Бу одамни Кўкатоё деб аташарди. У қоп-қора, бақувват киши бўлиб, кўл бўйидан эди, колхозда ҳисобчилик қиларди. Ўразқулнинг эски қадрони эди. Бундан ўн икки йил аввал Кўкатоё ўзига уй қурганди. Ўразқул ёғочдан ёрдам қилди. Тахта тилдириши учун йўғон ёғочларни арзонга сотди. Кейин бу одам катта ўғлини уйлантирди, ёшларга ҳам уй қурди. Яна Ўразқул уни ёғоч билан

таъминлади. Энди Кўкатой кичик ўглини айирганди ва яна қурилиш учун ёғочга муҳтож бўлиб қолди. Яна эски ошна – Ўразқул кунига яради. Ҳаёт қанчалик оғир-а. Бирини қиласан – шу билан, ҳа, энди тинч яшайман деб ўйлайсан. Ҳаёт эса яна ниманидир ўйлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам Ўразқулга ўхшаган одамларсиз қўлинг ҳеч қаёққа етмайди.

– Худо хоҳласа, тезда уй тўйига таклиф қиламиз. Боринг, хурсандчилик қиламиз, – деди Кўкатой Ўразқулга.

У ўз-ўзидан мағрурланиб, пишиллаганча, папиросни бурқситарди.

– Раҳмат. Айтилган жойдан қолмаймиз, айтмаган жойга бормаймиз. Чақирсанг, бораман-да. Сеникида биринчи меҳмон бўлишим эмас. Мен ҳозир сен кеч бўлишини кутсанг қалай бўларкин, деб ўйлаяпман, қоронғида жўнасанг дейман-да! Энг муҳими, совхоз ичидан билинтирмай ўтиб кетиш. Агар сезиб қолишса, иш чатоқ...

– Бу-ку тўғри-я, – иккиланди Кўкатой. – Бироқ кечга-ча анча кутиш керак-да. Секин кетаверамиз. Йўл ёқасида постлар йўқ-ку, бизни текшириб кўрса? Фавқулодда, милицияга дуч келиб қолинса ёки яна бошқа бирортасига.

– Ҳа-ҳа, буниси ҳам бор, – тўнғиллади Ўразқул, жигилдон қайнашидан ва бош оғриғидан афтини бужмайтириб. Юз йил иш билан қатнайсан, йўлда битта ҳам итга дуч келмайсан, агар юз йилда бир марта ёғоч ортиб ўтсанг бас, қўлга тушасан. Ҳамиша шундай бўлади.

Ҳар ким ўзича ўйлаб, жим қолди. Кеча ёғочни дарёга ташлаб кетишга тўғри келгани Ўразқулга қаттиқ алам қилди. Агар ёғоч тайёр бўлганидами, тундаёқ ортиб бўлишарди-да, тонг саҳарда машинани жўнатиб юборарди. Эҳ, кеча фалокатни сотиб олди-я. Бунинг ҳаммаси қари жинни Мўминнинг касрига бўлди, галаён кўтармоққа қарор қилди. Қарамликдан, бўйсуннишдан қутулмоқчи бўлди. Хўп, кўрамиз! Ҳаммаси ҳам майли-я, аммо бу ниятингга осонликча эриша олмайсан.

Одамлар дарёнинг қарама-қарши қиргогига келишган-да бугулар сув ичарди. Ғалати зот бу одамлар – ҳовлиқма, ғала-ғовурли. Ўз ишлари ва суҳбатлари билан банд бўлиб, қаршиларида – дарёнинг нариги ёғида турган жониворларни сезишмади.

Бугулар дарё бўйидаги эрталабки шафақ рангли буталар орасида, топ-тоза майда шағалли қирғоқда тўпиққача сувга ботиб турарди. Улар шошмасдан, тўхтаб-тўхтаб, қултум-қултум сув ичарди. Сув муздек эди. Қуёш эса тепадан тобора ёқимли қизитарди. Ташналикни қондириб, бугулар офтобдан ҳузур қиларди. Йўлда шох-бутоқлардан тўкилган қуюқ шабнам елкаларида қурирди. Бугулар елкасида енгил ҳовур кўтарилади. Осойишта ва сахий эди шу кун эртаси.

Одамлар эса шунда ҳам бугуларни сезишмади. Улардан бири машинага қайтди, бошқалари эса қирғоқда қолишди. Бугулар қулоқларини қимирлатиб, аҳён-аҳён уларгача етиб келган овозларни ҳушёр тинглаб турди ва қирғоқнинг у юзида прицепли автомашина пайдо бўлганида этлари жунжикиб, қотиб қолишди. Машина гувиллаб ҳайқирарди. Бугулар безовталаниб кетишга чоғланди. Лекин машина бирдан тўхтаб қолди, гувуллаш ҳам босилди. Жониворлар секинлади. Ҳарҳолда улар секин-секин жойларидан кўзгалаверди - одамлар нариги қирғоқда бақиритиб гаплашишар ва шошилиш равишда ҳаракат қилишарди.

Бугулар майда тошлоқдаги сўқмоқчадан секингина жўнашди, уларнинг елкалари, шохлари ва ҳаракатлари ҳам буталар орасидан кўриниб турарди. Одамлар шунда ҳам уларни пайқашмади. Фақатгина бугулар очиқ ялангликдаги сел ювиб кетган қуруқ қумни кесиб ўтаётганида, бинафша ранг қум устида, офтобнинг равшан нурида, одамлар уларни кўриб турли ҳолатда оғиз очганча анграйиб қолишди.

- Қара, қара, нима у! - биринчи бўлиб қичқирди Сейдахмад. Бугулар! Қаёқдан келиб қолди бу ерга?

– Нега қичқирасан, нега тўполон кўтарасан? Қанақасига сенга бугу бўлади, кийикку улар. Биз уларни кеча ҳам кўрган эдик, бепарво гапирди Ўразқул. Қаёқдан келди эмиш. Келдида, келадиган бўлиб қолди.

– Бай, бай, бай! – завқланиб кетди Кўкатоё ва завқидан томоғини бўғиб турган кўйлак ёқасининг тугмаларини бўшатди. Силлиқлигини қаранг-а, - деди у мафтун бўлиб, семирибди.

– Урғочисини қаранг, қанақа! Қадам ташлашини кўринг, деди шофёр кўзларини чақчайтириб. - Воҳ худо, икки ёшли урғочи боласи. Биринчи марта кўришим.

– Эркаги-чи! Шохларини кўр! Қандай кўтариб юрганикин? Улар ҳеч нимадан кўрқишмайди. Қаёқдан келиб қолди булар, Ўразқул? Тўнғиз кўзларини чақнатиб, нафс балосида суриштиришга тушди Кўкатоё.

– Ўрмондан чоғи, жавоб қилди Ўразқул виқор билан, эгалик обрўсини ҳис қилган ҳолда. -Довоннинг орқасидан келган, нариги томондан. Чўчимайди. Чунки ҳуркитилмаган.

– Эҳ, милтиқ бўлгандами ҳозир! - оғзига келганини гапирди Сейдахмад. Ўн пуд гўшт қиларми-ди, а?

Шу дамгача кўрқиб-писиб бир чеккада турган Мўминнинг сабри чидамади:

– Нима деяпсан, Сейдахмад. Уларни овлаш тақиқланган, - деди секингина.

Ўразқул қош-қовоғини уйиб, чолга кўз қирини ташлаб кўйди. «Менинг олдимда овозингни чиқаряпсан-ми!» - нафрат билан хаёлдан ўтказди у. Уни сўккиси ва бир уриб ўлдириб қўя қолгиси келди, лекин ўзини тийди. Ҳарҳолда бегона одамлар бор.

– Бефойда ўргатишнинг кераги йўқ, - жаҳд билан сўз қотди у Мўминга қарамай. Улар яшайдиган жойда овлаш тақиқланган. Бизда эса улар яшамайди. Биз бўлсак улар учун жавоб бермаймиз. Тушунарлими? У ўзини йўқотиб қўйган чолга вазоҳат билан қаради.

– Тушунарли, - итоаткорона жавоб қилди Мўмин ва бош эгганча четга чиқди. Кампир яна яширинча унинг кўлига туртди.

– Жим бўлсанг-чи, - таъна билан шивирлади у. Ҳамма қандайдир хижолатда қолгандай ерга қараб турарди.

Яна сўқмоқ орқали жўнаб кетаётган жониворлар орқасидан кузатишга тушишди. Буғулар қояга кетма-кет кўтарилиб борарди. Олдинда қўнғир эркак буғу ўзининг қудратли шохларини мағрур тутиб борар, унинг орқасидан шохсиз буғуча ва бу намоишга эргашиб Шохдор она буғу борарди. Қирдан силжиб тутшган тупроқнинг тиниқ қўйнида буғулар равшан ва латиф кўзга ташланарди. Уларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қадами яққол кўриниб турарди.

– Эҳ, қандай гўзаллик! - шодлигини ичига сиғдира олмади шофёр. Бу соққакўз ёш йигит кўринишдан жуда ёш эди. Афсус, фотоаппаратни олволганимда зўр иш бўларди-я.

– Хўп, майли, гўзаллигини қўя тур, – унинг сўзини бўлди норозилик билан Ўразқул. Ҳеч нарсага арзимади. Гўзалликка қорнинг тўярмиди. Қани, бўл, машинани орқаси билан қиргоққа ҳайда, тўғри сувга, ёни билан албатта. Сен эса Сейдахмад, оёгингни еч, ўз ҳукмидан ичида лаззатланарди у. – Сен ҳам, – шофёрга буйруқ қилди у. Бўлинглар, ёгочни тросга боғланглар. Қани илдамроқ. Ҳали иш кўп.

Сейдахмад этикни ечишга тутинди. Этиги унга кичикроқ эди.

– Нимага қараб турибсан, ёрдамлаш унга, - чолни секингина туртиб қўйди кампир. – ўзинг ҳам еч этигингни, сувга туш, – газабли пичирлади у.

Мўмин бобо Сейдахмаднинг этигини тортди, ўзиникини ҳам бир зумда ечиб бўлди. Шу пайтда Ўразқул билан Кўкатоё машинага команда беришарди:

– Бу ёққа ҳайда, у ёққа ҳайда.

– Чапга, озроқ чапга. Мана шундай.

– Яна озгина.

Машинанинг кўникилмаган ҳайқиригини эшитиб, бугулар сўқмоқда қадамини тезлатди. Олазарак назар ташлаб, жарликдан сакраб ўтди ва қарағайлар орасига яширинди.

– О, гойиб бўлди! - хатосини бирдан англаб қолди Кўкатой. У шундай афсус билан антикардики, худди қўлидаги ўлжасидан айрилгандай эди.

– Ҳечқиси йўқ, ҳеч қаёққа кетмайди улар! – унинг хаёлидагини топиб ва бундан хурсанд бўлиб Ўразқул керилиб қўйди. Бугун кечгача жўнамайсан, менинг меҳмоним бўласан. Худонинг ўзи кам қилмасин. Иззат-хурмат билан мен сени меҳмон қиламан. У хахолаб туриб ошнасининг елкасига уриб қўйди. Ўразқул хушчақчақ ҳам бўла оларди.

– Хўп, сен айтганча бўла қолсин, сен мезбон, мен меҳмон, – кўна қолди азамат Кўкатой, илжайркан йўғон сариқ тишларини кўрсатиб.

Машина аллақачон орқа гилдиракларининг ярмигача сувга ботиб киргоқда турарди. Чуқурроқ кириб боришга шофёрнинг юраги дов бермади. Энди тросни ёғочга олиб бориш қолган эди. Агар трос калталик қилмаса, ёғочни сув остидаги тошларнинг асирлигидан тортиб олиш унчалик қийинчилик туғдирмасди.

Трос пўлатдан – узун ва оғир. Уни сув ичидан ёғочга тортиб бориш керак. Шофёр истамайгина этигини еча бошлади, чўчинқираб сувга қараб қўйди. У ҳали қатъий қарорга келолганича йўқ: сувга этик билан тушишга арзирмикин ёки яхшиси ечсамикин. «Ялангоёқ бўлганим маъқул шекилли, ўйлади у. Барибир сув қўнжимдан ошиб кетади. Чуқурлиги сал кам сонга келади. Кейин кун бўйи ҳўл этикда юриш осонми». Лекин у шу билан бирга ҳозир дарёда сув қанчалик совуқ бўлишини ҳам ўзича тасаввур қилди. Бу ҳолдан Мўмин бобо фойдаланиб қолди.

– Сен ечинма, ўғлим, - отилиб келди унинг олдига.

– Биз Сейдахмад билан ўзимиз тушамиз.

– Э, қўяверинг, арзимаиди, оқсоқол, – қаршилиқ қилди уялиб кетган шофир.

– Сен меҳмонсан, биз шу ернинг одамимиз, сен рулга ўтир, – кўндирди Мўмин бобо уни.

Сейдахмад билан икки киши пўлат тросни ўрамдан бўшатиб сувнинг ичига кўтариб киришганда Сейдахмад додлаб, болохонали қилиб сўкинди:

– Ух, ух, сув эмас, муз!

Ўразқул билан Кўкатоё мурувватли кулишиб, уни гайратлантиришди:

– Чида, чида! Сени иситадиган нарса топамиз!

Мўмин бобо эса чурқ этмасди. У ҳатто муздай совуқни сезмади. Кўзга кўп ташланмаслик учун бошини елкалари ичига тортиб, сирғанчиқ сув ости тошлари устидан яланг-оёқ бораркан, худодан ёлғиз бир нимани сўрарди, ишқилиб, Ўразқул уни қайтармасин, ишқилиб, қувиб юбормасин, ишқилиб, одамлар олдида ҳақорат қилмасин, бу аҳмоқ бахти қаро чолни кечирсин.

Ўразқул ҳеч нима демади. У Мўминни одам ўрнида кўрмаганидан гўё унинг гайратига ҳам эътибор қилмагандай эди. Қалбида эса тантанавор ҳис сезар, ахир ҳар қандай бўлмасин исёнкор чолни бўйсундирди-ку. Қандайдир ичи қоралиқ билан кулди Ўразқул ўзича, эмаклаб, оёғимга йиқилдинг-ку. Эҳ, каттароқ амалдор бўлганимдами, бундан ҳам каттароқларнинг шохини қайириб қўярдим. Шунақаларни тиз чўктириб, тупроқда эмаклаттириб қўймасмидим. Менга ҳеч бўлмаса колхозними ёки совхозними беришса экан. Тартибга солиб қўйган бўлардим. Одамларни издан чиқариб юборишди. Энди эса ўзлари воҳ, раисни ҳурмат қилишмаётир, директорни ҳурмат қилишмаётир деб шикоят қилишади. Қандайдир чўпон ҳам бошлиқ билан худди тенгдек гаплашади. Сатқан амал кет, аҳмоқлар! Улар билан шунақа муомала қилиб ўтириш керакми? Замонлар бўлган-ку, ахир, бошлар учиб кетган, ҳеч ким чурқ этмаган. Аксинча, кўпроқ яхши кўришган,

кўпроқ куйлашган. Мана бу хўп замон бўлган-да! Энди-чи? Ярамасларнинг энг ярамаси ҳисобланган мана шу чол ҳам дабдурустан гап қайтаришни ўйлаб топди. «Хўш, хўш, эмакла оёғим остида, эмакла», - бадхоҳлик билан кулди Ўразқул, ҳар замон- ҳар замонда Мўмин чол томонга қараб кўяркан.

У эса муздай сувда хаёлга чўмиб, томирлари тортишиб, Сейдахмад билан бирга тросни кўтариб бораркан, Ўразқул мени кечирган кўринади, деб мамнун бўларди. «Сен энди мен қари чолни кечир, шундай бўлиб чиққани учун, – хаёлан Ўразқулга мурожаат қиларди у. Кеча чидай олмадим. Мактабга набирам олдига от чоптириб кетдим. Ахир у ёлғиз, мана шунинг учун ҳам ичинг ачийди-да. Мана бугун эса у мактабга ҳам бормади. Тоби қочибди нимагадир. Эсингдан чиқар, кечиргин. Ахир сен ҳам менга бегона эмассан-ку. Ўйлайсанки, мен сенга ва қизимга бахтни раво кўрмайманми? Худо берса қани, набирамнинг ингалаганини эшитсам, худо урсин, бахтимдан кўзимга ёш келарди. Фақат сен хафа қилма қизимни, кечир мени. Агар ишлаш бўлса, токи танимда жоним бор экан, ишлаганим бўлсин. Ҳамма ишни қиламан. Сен фақат буюрсанг, бас...»

Кампир қирғоқнинг бир бурчида тикка туриб, ўзининг имо-ишоралари ва бутун ҳаракатлари билан чолга: «Ҳаракат қилгин, чол! Кўрдингми, у сени кечирди. Менинг айтганимни қилавер, ҳаммаси жойига тушади», – дерди.

* * *

Бола ухларди. У бир мартагина аллақердандир отилган милтиқ овозидан уйғониб кетди ва яна уйқуга чўмди. Кечаги машаққатли уйқусизлик ва беморликдан сўнг бугун у бирмунча тинч ва мириқиб ухлади. У уйқуда экан, иситма аралаш бадан қақшоғи азобини тортмай, оёқларини эркин узатиб тўшакда ётиб дам олишнинг нақадар роҳат эканлигини ҳис этди. Агар бувиси билан Бекей хола бўлмаганда у шу ухлаганча ухлаб ётаверарди. Улар овоз

чиқармай гаплашишга ҳаракат қилишса-да, идиш-товоқларнинг шақир-шуқуридан бола уйғониб кетди.

– Мана бу катта косани ушлагин-да, овқат олгин, - деб жонланиб гапирди кампир нариги хонада. Мен эса челақ билан элакни олиб келай. Вой белим, мадорим қуриб кетяпти. Озмунча иш қилдикми? Худога шукур, жуда хурсандман.

– Эҳ, бувижон, нимасини айтасиз, мен ҳам шунчалик хурсандманки, кеча шундаям жонимдан тўйиб кетгандим. Агар Гулжамол бўлмаганда ўзимни ўзим ўлдирардим, – деди Бекей.

– У ҳақда уни-бунидеб юрасан яна, тинчитиб қўйди кампир. Қалампирни олдингми? Кетдик. Сенинг тинчишинг учун худонинг ўзи ёрдам қўлини чўзди. Кетдик, кетдик.

Уйдан чиқаётиб бўсагада Бекей хола кампирдан бола тўғрисида сўради:

– У ҳамон ухлаяптими?

– Майли, ухлаб тура қолсин, – жавоб берди кампир.

– Шўрва тайёр бўлганда иссиққина келтириб берамиз.

Бола ортиқ ухлай олмади. Ҳовлидан оёқ товушлари ва одамларнинг гаплашгани эшитилиб турарди. Бекей хола кулиб юборди, Гулжамол ва кампир ҳам унга қўшилиб кулди. Қандайдир нотаниш овозлар қулоққа чалинди. «Ҳа, булар, ҳойнаҳой кеча оқшом келган одамлар, – деб ўйлади бола. Демак, улар ҳали кетишмабди-да». Фақат бобоси Мўмингина кўринмасди, овози ҳам эшитилмасди. У қаёқда экан? Нима қиляпти экан?

Бола ташқаридаги овозларга қулоқ солиб, бобосини кутиб ётди. У бобоси билан кечаги кўрган буғу ҳақида жуда гаплашгиси келарди. Ҳадемай қиш киради. Улар учун ҳам ўрмонда кўпроқ ем-хашак ҳозирлаш керак. Еб яйрасин. Уларни шундай ўргатиш керакки, одамлардан ҳеч қўрмайдиган, тўппа-тўғри дарёдан ўтиб ҳовлига келаверадиган бўлсин. Бу ерда ҳам уларга шундай хўрак бериш керакки, улар учун бу жуда тансиқ бўлсин. Қизик, улар ҳаммадан

кўра нимани яхши кўришар экан-а? Ургочи буғу боласини ўргатиб олсанг-да, у доим орқангдан қолмай эргашиб юрса. Қандай ажойиб бўларди. Сен билан мактабга ҳам бирга бориб келган бўлармиди?

Бола бобосини кутарди, лекин ундан дарак йўқ. Бир вақт Сейдахмад келиб қолди. У нимадандир жуда мамнун. Оғзи қулогида эди. Сейдахмад калласини чайқаб ўз-ўзи-ча илжаярди. У яқинроқ келганда ди-моғидан спирт ҳиди анқиб кетди. Бола Ўразқулнинг ўзбошимчаликларини, бобоси ва Бекей холанинг азоб чекишларини эслатувчи бу бадбўй ҳидни жуда ёмон кўрарди. Лекин Сейдахмад ичганда ақлий жиҳатдан унча ҳушёр бўлмаса ҳам, жуда сахий, мулойим ва киши қалбига озор бермайдиган ҳазил-мутойибалари билан Ўразқулдан фарқ қиларди. Бундай вақтларда у билан бобоси Мўмин ўртасида тахминан шундай суҳбат кетарди.

– Нега бунча тентакларга ўхшаб куласан, Сейдахмад? Кайфинг тарақми дейман?

– Оқсоқол, мен сизни шундай севаманки. Ростини айтсам, худди ўз отамдек.

– Э-е, сени қара-ю, сенинг ёшингда... Бошқалар машина ҳайдаб юрибди. Сен бўлсанг гапингни удалаб гапира олмайсан. Агар мен сенинг ёшингда бўлганимдами ҳеч бўлмаганда трактор ҳайдаган бўлардим.

– Оқсоқол, менга армияда командиримиз бу ишга лаёқатсизлигимни айтган эди. Бироқ пиёдалар сафида хизмат қилдим. Пиёда аскарсиз иш битмайди-ку ахир.

– Пиёда аскар эмиш! Пиёда аскар эмас, ишёқмассан. Хотининг бўлса. Худо ҳам тенгига қўшмас экан. Сенга ўхшаганнинг юзтаси битта Гулжамолга арзимайди.

– Шунинг учун ҳам биз эр ва хотин бу ерда юрибмиз-да, оқсоқол.

– Ҳа, сени гапга қўйса... Хўкиздай кучинг бор, ақл эса...

– Умидсиз қўл силтаб қўйди Мўмин бобо.

– Му-у-у, - деб маърагандай кулиб қўйди Сейдахмад.

Шундан кейин у ҳовлининг ўртасида туриб олиб ўзининг аллақандай эшитиб олган ғалати ашуласини куйлай бошлади:

*Сариқ-сариқ тоғлардан,
Сариқ отда мен келдим.
Оч эшигинг, эй, сариқ савдогар,
Биз ичамиз сариқ винодан.
Қўнгир-қўнгир тоғлардан,
Қўнгир отда мен келдим.
Оч эшигинг, эй, қўнгир савдогар,
Биз ичамиз қўнгир винодан...*

Шу тарзда давом этиб кетаверарди, чунки у баъзан тоғдан туяда келган бўлса, баъзан хўрозда, сичқонда, тошбақада, хуллас, нимаики жонивор бўлса, ўшаларда келаверарди. Маст Сейдахмад болага ҳушёрлигига қараганда ёқимлироқ кўринаётгандек эди. Шунинг учун ҳам Сейдахмад ширакайф бўлиб келганда бола очик кўнгиллик билан илжайиб қўярди.

– Э-ҳа! - хитоб қилди Сейдахмад ажабланиб. Сени касал дейишган эди-ку. Ҳа, сен умуман касал бўлмайсан. Сен ҳовлида нега ўйнамай қолдинг? Бунақаси кетмайди. Сейдахмад боланинг тўшагига ағанаб ётди. Унинг қўлларидан ва уст-бошидан спирт ва янги сўйилган хом гўштнинг ҳиди анқиб турарди. У болани кучоқлаб ўпа бошлади. Унинг ўсиб кетган дағал соқоли боланинг юзларини тимдалаб ачитарди.

– „Бўлди энди, Сейдахмад амаки“. – Илтимос қилди бола. „Бобом қани, кўрмадингизми“?

– Бобонг анави ёкда, – Сейдахмад қўлини ҳавода ноаниқ айлантирди. - Биз мана шу... Ёғочни сувдан олиб чиқдик. Ва бир оз исиб олиш учун ичдик. Ҳозир эса у гўшт пишираётир. Тур ўрнингдан. Кийимларингни кий, бирга кетамиз. Бу нимаси! Яхши эмас. Биз ҳаммамиз у ерда бўлсагу, сен бу ерда ёлғиз ётсанг.

– Бобом турмагин деган, – деди бола.

– Қўйсангчи бўлмаган гапни. Юр, томоша қиламиз. Бу ҳар доим бўлавермайди-ку. Бутун катта зиёфат. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой! Тура қол, – Сейдахмад мастларга хос қўполлик билан болани кийинишга мажбур этди.

– Мен ўзим, – деб эътироз билдирди боши айланаётганини ҳис этаётган бола. Бироқ ширакайф Сейдахмад унинг сўзига қулоқ солмади. Модомики, бола ёлғиз уйга ташлаб қўйилган экан. Сей даҳмад ўзининг унга қилаётган яхшилигидан жуда мамнун эди, айниқса, бугун шундай кунки, товоқ ҳам мой, қошиқ ҳам.

Гандираклаб бола ҳам Сейдахмад билан бирга уйдан чиқди. Ташқари шамол, ҳаво булут. Булутлар осмонда тез-тез бир-бирига қўшилишиб кетди. Бола айвондан чиққунча ҳаво икки бор кескин ўзгарди. Чарақлаб турган қуёшли ҳавони кўнгилни гаш қилувчи қоронгилик босди.

Бола бундан боши оғриётганини сезди. Шамол юзига гулханнинг тутунини олиб келиб урарди. Кўзлари ачишди. «Бугун кир ювишаётган бўлса керак», - ўйлади бола, чунки кир ювиш кунларида одатда шундай гулхан ёқилиб, учала уйдаги катта қора қозонларда сув иситиларди. Бундай қозонларни бир киши кўтара олмайди. Бекей хола билан Гулжамол икковлашиб кўтаришарди бу қозонларни. Бола бундай кир ювиладиган кунни яхши кўрарди. Биринчидан, бундай кунларда гулхан уйдаги сингари ўчоқларда эмас, балки очиқ ўчоқларда ёқилиб, унинг атрофида ўйнаш мумкин эди. Иккинчидан, ювилган кийимларни илиш жуда гаштли бўларди. Оқ, кўк, қизил матоларнинг арқонда осилиб туриши ҳовлига зеб бериб турарди. Бола арқонда осилиб ётган кийимларга билдирмасдан секингина келиб юзларини теккизиб ўтишни яхши кўрарди.

Бу гал ҳовлида ҳеч қандай ювилган буюмлар кўринмади. Аммо катта гўшт бўлаклари билан лиқ тўлдирилган қозон остига кучли ўт ёқилган бўлиб, қайнаётган қозондан қуюқ буг кўтариларди. Гўшт пишиб қолган эди: гўшт-

нинг дами ва гулханнинг иси бирга қўшилишиб, иштаҳани қитиқларди. Бекей хола бўлса, янги қизил кўйлак, янги хром этикда гулли шол рўмолни елкасига ташлаб олганча қозонга энгашиб, чўмич билан кўпикларни олиб ташлаётган эди, Мўмин бобо эса унинг ёнида чўкка тушган ҳолда ўчоқдаги ёнаётган тарашаларни ағдариб қўярди.

– Ана, бобонг, – деди Сейдахмад болага. – Кетдик.

Ўзи бўлса:

– *Сариқ-сариқ тоғлардан,*

– *Сариқ отда мен келдим,*

– деб эндигина хиргойи қила бошлаган эди, сочи устарада тақир олинган, энглари шимарилган ва қўлида болта ушлаганча саройдан чиқиб кетаётган Ўразқулга кўзи тушди.

– Сен қаёқда тентираб юрибсан? - даҳшатли қичқирди у Сейдахмадга қараб. Меҳмон бу ерда ўтин ёрсин, - у бош ирғаб ўтин ёраётган шофёрни кўрсатди, сен бўлсанг қўшиқайтиб юр.

– Э, ҳозир ана-мана дегунча, боплаймиз, – тинчлантирди уни Сейдахмад, шофёрга қараб йўналар экан. Қани, ука, мен ўзим.

Бола эса ўчоқ бошида чўкка тушиб ўтирган бобоси томон яқинлашди. У орқа томондан келган эди. .

– Бобо, – деди у. Бобоси уни эшитмади.

– Бобо, – деб такрорлади бола ва бобосининг елкасига қўлини тегизди. Чол ўгирилиб қаради, бола бобоси маст эканлигини сезмади. У бобосининг лоақал бирон марта ширакайф бўлганини кўрмаган эди. Тўғри, иссиққўллик бирор чолнинг маъракасида ҳаммаси – ҳатто аёлларга ҳам ичиришарди. Бироқ бобосида бундай одат ҳали содир бўлмаган эди.

Чол болага қандайдир бегонадай, гайритабиий ва ёввойи қараш қилди. Унинг юзлари қизариб кетганди, у набирасини кўриб яна ҳам қизариб кетди. Қизиллик ним пушти рангга кирди ва шу заҳотиёқ бобонинг юзлари оқара бошлади. Чол шошилиб ўрнидан турди.

– Ие, сенми? – деди у бўғиқ овоз билан набирасини бағрига босиб. – Ие, сенми, бундан бошқа бирон сўз айта олмади. Ундаги тўлқинланиш болага ўтган эди.

– Тобингиз қочдими, бобо? – ташвишланиб сўради бола.

– Йўқ-йўқ. Ўзим шундай, мингиллади Мўмин. Сен бор, ўйнаб кел. Мен бу ерда ўт ёқаяпман, бу ҳаммадан.

У набирасини деярли итариб юбориб, гўё бутун оламдан юз ўгиргандай, яна ўчоққа қараб ўгирилиб олди. У тиз чўкканча, гўё фақат ўт билан банддай бирон ёққа бурилиб қарамасди. Чол набирасининг тарвузи қўлтиғидан тушганча, ҳовлида ўтин ёраётган Сейдахмад томон йўл олганини ҳам кўрмади.

Бола бобосига нима бўлганини, умуман, ҳовлида нима бўлаётганини тушунмасди. У саройга яқинлашгандагина юнги ерга қаратиб ёйилган тери устида янги сўйилган молнинг уйиб қўйилган гўштига кўзи тушди. Терининг чеккаларидан ҳамон хира қон томчилари сизиб тушаётган эди. Сал нарироқда ит ичакчавоқларни ириллаганча силкилаб тортарди. Уюлган гўшт ёнида аллақандай қорадан келган, барваста нотаниш киши тўнкага ўхшаб дўппайиб ўтирарди. У Кўкатоё эди. У билан Ўразқул иккаласи пичоқни олволиб, гўшт майдалашарди. Улар қисмларга ажратилган ёғ ва гўшларни ёзиб қўйилган терининг турли жойларига хотиржамлик билан, шошмасдан иргитиб ташламоқда эдилар.

– Маза! Ҳидини айтмайсанми! – деди йўғон овоз билан ҳалиги барваста киши, гўшт ҳидлаб кўраркан.

– Ол, ол, ўз улушингга ташла, – сахийларча таклиф этди Ўразқул. Бунинг келишинг шарафига худо етказди. Бу ҳар доим бўлавермайди. Ўразқул бу орада пишиллаб, ишдан бошини кўтариб, таранглашган қорнини силаб қўйди, унинг кўп еб, кўп ичганлиги билиниб турарди. Унинг нафаси қисилиб хириллаб қолди, эркин нафас олиш учун бошини бирдан юқори кўтарди. Унинг сергўшт, сигирнинг елинидек ялтироқ юзидан ўзига бино қўйганлиги

ва тўқлик аломати сезилиб турарди. Бола девор тагидаги шохли бугу калласини кўриб эсанкираб қолди, бадани музлаб кетди. Кесилган калла қоп-қора қон томчиларини оқизиб, чангда юмалаб ётарди. Бу - йўлда ётган эгри-бугри дарахтни эслатарди. Калла ёнида тиззадан қирқилган тўртта туёқ ётарди. Бола бу даҳшатли манзарани кўриб чўчиб кетди. У ўз кўзларига ишонмасди. Унинг олдида Шохдор она бугунинг калласи ётарди. У бу ердан қочиб кетишни истарди, лекин оёқлари унга итоат этмасди. У калла-поча қилинган оқ бугунинг қаршисида турарди. Кечагина Шохдор она бугу бўлиб юрган, унга оқкўнгиллик билан суқланиб қараган, хаёлан гапиришган ва шохида қўнғироқча тақилган сеҳрли бешик келтиришни илтижо қилиб сўрагани ўша бугу эди. Наҳотки буларнинг ҳаммаси ногоҳ шаклсиз бир уюм гўштга, шилинган терига, кесилган оёққа ва улоқтириб ташланган каллага айланиб қолса. Бола кетиши керак эди, лекин у тошдек қотиб, бу воқеанинг қандай ва нега содир бўлганини тушуна олмай турарди. Ҳалиги гўшт бўлаётган қора барваста киши уюлиб турган гўштнинг ичидан буйрак олди-да, уни пичокнинг учига санчиб болага узатди.

– Ма, бола, кабоб қил, лаззатли бўлади, – деди у. Бола қимирламай турарди.

– Ол! – буйруқ қилди Ўразқул.

Бола беихтиёр қўлини чўзди, сўнг муздек қўлида Шохдор она бугунинг ҳали ҳам иссиғи кетмаган юмшоқ буйрагини гижимлаганча ушлаб турди. Шу пайт Ўразқул оқ бугунинг калласини шохидан ушлаб кўтариб кўрди.

– Эҳ, оғирлигини қаранг-а, у каллани тебратиб, оғирлигини салмоқлаб кўрди, бита шохининг ўзи қанча келади-я. У каллани гўлага кўндаланг қилиб қўйди ва болтани олиб шохини ажратишга киришди.

– Мана, шох! – ишлаб туриб гапирарди у ўткир болтани шохларининг тубига қадаб. Бу сенинг бобонгга, у болага қараб кўз қисиб қўйди. Ўлиши билан бу шохни

унинг қабрига қўямиз. Қани энди ким бизга у кишини ҳурмат қилмайсизлар, деб айта олар экан. Яна нима керак! Бундай шох учун ҳатто бугуноқ ўлсанг арзийди! – дея болтани мўлжалга оларкан, Ўразқул хахолаб куларди.

Шохни осонликча олиб бўлмайди. Уни олиш жуда қийин эди. Маст Ўразқулнинг болтаси нишонга бориб тегмасди, бу эса баттар жаҳлини чиқарарди. Калла гўла устидан думалаб тушди. Шунда Ўразқул уни ердаёқ чопа бошлади. Калла сирғалиб чиқиб кетаверди. Ўразқул болта кўтарганча унинг орқасидан чопиб юрди.

Бола сесканиб кетди, ҳар гал кетмоқчи бўлиб беихтиёр тисарилса-да, бу ердан кетишга ўзини мажбур этолмасди. Жуда ёмон туш кўриб, уни аллақандай даҳшатли бир куч тутиб тургандай эди, у ўз жойида турганича шу нарсага ажабланар эдики, киприк қоқмай бақрайиб турган Шохдор она буғунинг кўзлари болтадан ўзини олиб қочмасди. Қўрқувдан қисилиб юмилмасди. Калла аллақачон лой ва тупроққа беланган бўлса ҳам, кўз қорачиги мусаффолигича боқиб турарди, афтидан, у ўзини ўлимга маҳкум этган шу ёруғ жаҳонга тилсиз, унсиз ҳайратда қолиб, ҳамон боқиб тургандек эди. Бола маст-аласт Ўразқул билан кўзи-кўзига тушиб қолишдан чўчирди.

Шох ҳамон бўш келмасди. Ўразқул эса борган сари тутақиб, болтанинг гоҳ тиғи билан, гоҳ орқаси билан калланинг дуч келган жойига урарди.

– Бунақада шохни синдириб қўясан. Бу ёққа бер, яқинлашди Сейдахмад.

– Нарн тур! Ўзим! Қўлингдан келмайди, синдириб қўясан! хириллаб нафас оларди Ўразқул болтани қулочкашлаб ураркан.

– Хўп, хўп, ўзинг биласан, Сейдахмад тупурганча уйи томон одимлаб кетди. Унинг орқасидан ҳалиги қорадан келган барваста киши борарди. У қопда ўз улушини олиб кетаётган эди.

Ўразкул молхона орқасида маст-аласт ҳолда, қайсарлик билан Шохдор она бугунинг калласини тилкалашда давом этарди. Унинг бу ҳолати узоқ кутилган қасосини энди бажо келтиргандек туюларди.

– Эҳ, ярамас! Лаънати! – деб худди жонсиз калла эшитаётгандай этигининг товони билан уни тепиб жаҳл устида оғиз кўпиртирганча сўкинарди. Кимни аҳмоқ қилмоқчисан! – У болтани ушлаганча калланинг тепасига қайта-қайта хезланиб келарди. Дабдала қилмасам отимни бошқа кўяман. Мана сенга! Мана сенга! Шундай деб болта билан каллани урди. Калла чирсиллаб ёрилиб, майда суюклар ҳар томонга учиб кетарди.

Болтанинг тиғи кўзга кўндаланг келиб текканда бола кичқириб юборди. Очилиб қолган кўз чаноғидан қоп-қора куюк суюқлик оқиб тушди. Кўз сўнди, барбод этилди.

– Мен бундан зўрроқ каллаларни ҳам майдалай оламан! Бундан бошқа шохларни ҳам суғуриб ола биламан! – деб жазаваси тутиб бўкирарди Ўразкул гуноҳсиз калладан нафратланганча.

Ниҳоят бу калланинг пешона суюқларини ҳам майдалашга муваффақ бўлди. У энди болтани ташлаб каллани оёғи остига олиб, шохдан икки қўлаб ушлаган-ча ваҳшиёна куч билан буррай бошлади ва шохларни юлиб олди. Улар суғуриб олинган илдиз сингари қарсилларди. Бу шохлар- боланинг илтимосига кўра, Ўразкул билан Бекей холага сеҳрли бешик келтириши лозим бўлган ўша Шохдор она бугунинг шохлари эди.

Боланинг кўнгли беҳузур бўлди. У бурилди ва қўлидаги буйракни тушириб юбориб, секингина нари кетди. У қулаб тушаётгандек ёки бўлмаса одамлар кўзи олдида қайт қилиб юбораётгандек жуда қўрқди. У оқариб-гезариб манглайлари ёпишқоқ терга ботганча ўчоқ ёнидан ўтиб борарди. Ўчоқда ловуллаб ўт ёниб, қозондан бурқираб қайноқ буг кўтариларди.

Бахтсиз Мўмин бобо бўлса ҳамон аввалгидек юзини ўтга тутиб, ҳаммасига чап бериб ўтирарди. Бола бобосини

безовга қилгиси келмади. У тезроқ ўринга етиб боришни ва тўшакка боши билан бурканиб ётишни истарди. Қани энди ҳеч нарсани кўрмаса, эшитмаса, унутса.

Қаршисидан Бекей хола чиқиб қолди. У ўзига оро бериб ясанган, бироқ юзида Ўразқулнинг калтаклаши натижасида ҳосил бўлган кўм-кўк қонталаш излар кўзга ташланиб турарди. Бемаврид қувониб, жонсараклик билан «катта гўштга» югуриб келаётган эди.

– Сенга нима бўлди? – У болани тўхтатди.

– Бошим оғрияпти.

– Бошгинангдан айланай, – деди меҳри тошиб ва уста-уста уға бошлади.

У ҳам маст эди. Ундан ҳам лаънати ароқ ҳиди анқиб келарди.

– Бошгинаси оғрибди-да, – мингирлади у раҳмдиллик қилиб. – Жигаргўшам менинг. Балки овқатлангинг келаётгандир.

– Йўқ, ҳеч нарса емайман. Ётгим келяпти.

– Кетдик бўлмаса, ўзим ётқизиб қўяман. Нима, сен якка-ю ёлғиз ётаверар экансанми. Ахир ҳамма одам бизни-кида. Меҳмонлар ҳам. Гўшт ҳам тайёр бўлай деб қолди, – деди у ва болани ўзи билан бирга олиб кетди. Булар яна ўчоқ бошидан ўтиб кетаётганларида елин сингари қизариб тўлишиб кетган ҳолда молхонадан чиқиб келаётган Ўразқулга кўзлари тушди. У Мўмин бобо ёнига ўзи кесган бугу шохларини кеккайганча уйиб қўйди. Чол сапчиб тушди.

Ўразқул унга қарамасдан сув тўла пақирни боши узра кўтарди ва орқага эгилганча эгнига тўкиб-сочиб ича бошлади.

– Энди ўлсанг ҳам бўлаверади, – деди у бошини пақирдан кўтариб, яна пақирга тикаркан. Бола чолнинг гўлдираб гапираётганини эшитди:

– Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Энди ўлсам ҳам армоним йўқ. Мен учун шунчалик иззат-ҳурмат.

– Мен уйга кетаман, – деди ўзини унча яхши сезмаётган бола.

Бекей хола кўнмади.

– Бир ўзинг нима қиласан у ерда. – Болани ҳоли-жонига қўймасдан уйига олиб кетди ва бурчакдаги каравотга ётқизди.

Ўразқулнинг уйида дастурхон мунтазир эди. Ҳар хил таомлар муҳайё эди. Буларнинг ҳаммаси билан кампир ва Гулжамол банд эди. Уй билан ҳовлидаги ўчоқ орасида Бекей холла қатнагани-қатнаган. Ўразқул билан барзанги Кўкатоё гўштни кутиб, гулли кўрпачада ёстиққа ёнбошлаганча чойдан майда-майда ичишиб ўтиришарди. Улар тўсатдан ўзларига бино қўйиб, ўзларини тўра ҳис этишарди. Сейдахмад уларга пиёланинг тагида чой қўйиб ўтирарди.

Бола бўлса бир бурчакда ипсиз боғлангандай, бетоблик зарбига бардош бериб жимгина ётарди. Уни яна қалтироқ босди. У туриб кетишни истарди. Бироқ каравотдан тушиши биланоқ қайт қилиб юборишдан кўрқарди, шунинг учун ҳам у титраб-қақшаганча тишини-тишига қўйиб, қимир этмай ётарди. Ортиқча қимирлашдан кўрқарди.

Шу орада хотинлар Сейдахмадни ҳовлидан чақиришди. Катта сирланган товоқда тоғ сингари уюлиб, бугланиб турган гўштни кўтарганча Сейдахмад пайдо бўлди. У узоқ кутилган бу таомни зўрға кўтариб келиб, Ўразқул билан Кўкатоёнинг олдига қўйди. Хотинлар унинг орқасидан яна турли хил овқатларни келтиришди.

Ҳамма жой-жойига ўтирди, пичоқ ва тарелкалар тайёрланди. Шу орада Сейдахмад стаканларга ароқ қуйди.

– Ароқнинг раиси мен бўламан, дея шақиллай бошлади у бурчакдаги шишаларга ишора қилиб.

Ҳаммадан кейин Мўмин бобо келди. Чол бугун ҳар қачонгидан кўра ғалати ва аянчли қиёфада кўринарди. У бирор четроқ жойга бориб омонатгина ўтирмоқчи эди, лекин қора, барваста Кўкатоё ҳиммат қилиб уни ўз ёнига таклиф қилди.

– Бу ёққа келинг, оқсоқол.

– Раҳмат. Биз мана бу ерга, ўзимизники-ку ахир, эътироз билдирмоқчи бўлди Мўмин бобо.

– Ҳарқалай сиз оқсоқолимизсиз, – қаттиқ туриб олди Кўкатой ва ўзи билан Сейдаҳмаднинг ўртасига ўтқазди. – Қани, ичамиз, оқсоқол, сизнинг шундай муваффақиятларингиз учун. Биринчи сўз сизга.

Мўмин бобо йўталиб қўйди.

– Мана шу уйларда тинчлик бўлсин, – деди у қийналиб. Қаерда тинчлик бўлса, бахт ҳам ўша ерда, болаларим.

– Тўғри, тўғри! – деб ҳамма ўз қадаҳини кўтарди.

– А, сиз-чи! Йўқ, бунақаси кетмайди! Куёвингиз ва қизингизга бахт тиласангизу, яна ўзингиз ичмасангиз, – деб Кўкатой хижолат тортиб ўтирган Мўмин бободан ўпкалади.

– Шуларнинг бахти учун бўладиган бўлса, – чол шошиб қолди ва ҳаммани ҳайратда қолдирганча салкам тўла стаканни охиригача кўтариб юборди ва гаранг бўлиб қолгандай бошини чайқай бошлади.

– Оббо, шоввоз-ей!

– Бизнинг бобо унақалардан эмас.

– Қойил, қойилмиз чолингизга!

Ҳамма шодланиб куларди, чолни мақтарди.

Уй исиб димиқиб кетган эди. Бола изтироб чекиб ётарди, боши айланарди. У кўзини юмиб ётганча маст-аласт кишиларнинг Шохдор она буғунинг гўштини чапиллаб, пишиллашиб овоз чиқариб еяётганликларини, бир-бировларига мазали гўшт қисмларини узатишиб сийлашаётганларини, кир стаканларнинг уриштирилаётганини, кемириб тозаланган суюқларнинг товоққа қандай териб қўйилаётганини эшитиб турарди.

– Бай-бай-бай, мунчаям мазалия! – мақтарди Кўкатой лабини чапиллатиб.

– Нима, биз аҳмоқмизми тоғда яшаб шундай гўшт ея олмасак, – деди Ўразкул.

– Тўғри-да, нега бўлмаса бу ерда яшаяпмиз, – маъқуллади Сейдаҳмад.

Ҳамма Шохдор она бугунинг гўштини мақтай кетди. Кампир-у Бекей холадан тортиб, Гулжамол-у Мўмин бо-богача – ҳамма-ҳаммаси мақташарди. Болага ҳам тарелка-да гўшт ва бошқа таомлардан киритиб беришди. Лекин у рад этди. Маст одамлар унинг тоби қочганлигини ҳисобга олиб безовта қилмадилар.

Бола тишини-тишига қўйиб ётарди. У шундай ётганда кўнгил беҳудлигидан бир оз қутулгандай бўлади. Бироқ Шохдор она буғуни ўлдирган бу одамлар билан бирон иш қилишга қодир эмаслиги уни ҳаммадан кўра қийнаётган эди. У болаларга хос ҳақгўйлик ғазоби ва дилхасталиги билан улардан ўч олишнинг турли йўлларини – қандай бўлмасин уларни жазолаш, гуноҳини тушунишга мажбур этиш, қандай ёвуз ишга қўл урганликларини кўрсатиб қўйиш йўлларини ўйларди. Бироқ хаёлан Қулибекни ёрдамга чақиришдан бўлак бирор дурустроқ йўл тополмади. Ҳа, ўша бўронли тунда солдатча камзул кийиб, ёш шофёрлар билан бирга пичан ортишга келган ўша йигитни чақирмоқ керак. У боланинг кўриб юрган одамлари ичида Ўразқулга бас кела олиши ва бутун ҳақиқатни айтиб солиши мумкин бўлган бирдан бир киши эди.

Боланинг чорлаши бўйича Қулибек машинада ғизиллаб етиб келди ва автоматни олдинга қарата қия ушлаганча кабинадан сакраб тушди: «Қани улар?» – Улар мана бу ёкда! Улар иккаласи Ўразқулларнинг уйи томон югуриб кетишди. Эшикни зарб билан очишди. «Кўзгала кўрма! Қўлинг-ни кўтар!» – бўсагадан туриб даҳшат билан буйруқ берди Қулибек, автоматни тўғрилаганча. Ҳамманинг капалаги учиб кетди. Ҳамма ўтирган жойида донг қотиб, оғиздаги гўшлар бўғизларида қолди. Кўп еб қўллари, юзлари, оғизлари мойга ботиб, бўкиб қолган маст-аласт кишиларнинг эса умуман қимир этишга мажоллари қолмаган эди.

«Қани, ўрнингдан турчи, мурдор!» Қулибек автомати Ўразқулнинг чаккасига тиради. Қалтироқ босган Ўразқул дудуқланганича Қулибекнинг оёғига йиқилди.

«Раҳм қил, ўлдирмагин». Лекин Қулибек раҳм қилмади. «Чиқ бу ёққа, мурдор! Энди тамом бўлдинг!»- У Ўразқулнинг чотига зарб билан тепиб юборди ва ўрнидан турғизиб уйдан чиқишга мажбур этди. Кайфи учиб саросимага тушиб қолган жамики кишилар жимгина ҳовлига чиқишди...

«Деворга бориб тур! – буйруқ берди Қулибек Ўразқулга. – Шохдор она бугуни ўлдирганинг учун ва унинг бешик кўтариб келган шохларини кесиб олганинг учун сенга ўлим!» Ўразқул тупроқ қайиқ илиб тушди. Эмаклаб инграганча зорлана бошлади: «Ўлдирма мени, менинг ҳеч кимим йўқ-ку ахир. Оламда танҳоман. На ўғлим бор, на қизим...»

Ундаги манманлик, кибр-ҳаво қаёққа кетди.

Ожиз, ярамас қўрқоқ. Бундайларни ўлдиргинг ҳам келмайди.

«Майли, ўлдирмайлик, - деди бола Қулибекка. Лекин бу ердан абадий кетсин, қораси ўчсин. Бу ерда унинг кераги йўқ. Йўқолсин».

Ўразқул ўрнидан туриб шимини кўтариб олди ва ўгирилиб қарашга юраги дов бермай лўкиллаганча қочиб қолди. Унинг хомсемиз юзлари лорсиллаб, этигидан галифе шими осилиб қолган эди. Бироқ Қулибек уни тўхтатди: «Тўхта! Сенга айтадиган охирги сўзимиз бор. Сенда ҳеч қачон бола бўлмайди. Сен ёвуз ва ярамас одамсан. Сени бу ерда ҳеч ким ёқтирмайди. Ўрмон ҳам, бирорта дарахт ҳам, ҳатто бир дона гиёҳ ҳам сени севмайди. Сен фашистсан. Сен бу ердан умрбод кет. Қани, тезроқ бўл!» Ўразқул олди-кетига қарамай югурарди. Қулибек унинг орқасидан: «Шнел! Шнел», дея хахолаб кулар ва яна ваҳима солиш учун автоматидан ҳавога қараб ўқ узарди.

Бола ўзида йўқ шод эди. Ўразқул кўздан ғойиб бўлгач, Қулибек эшик олдида гуноҳкорларча турган бошқа кишиларга қараб: «Шундай одам билан қандай яшаб келдиларинг? Уят эмасми сизларга!» деди.

Бола ўзини енгил ҳис қилди. Адолатли суд бажо келтирилди. У ўз хаёлларига шунчалик берилиб кетган эдики, ҳатто қаерда ётганини ҳам, Ўразқулнинг уйида нима муносабат билан ичкиликбозлик қилаётганликларини ҳам унутган эди. Қаҳқаҳлаб кулишлар уни бу оромбахш ҳолатдан яна ўзига келтирди. Бола кўзини очиб яна қулоқ сола бошлади. Хонада Мўмин бобоси йўқ эди.

Қаёққадир чиқиб кетган бўлса керак. Хотинлар идиш-товоқларни йиғиштиришиб, чой келтиришга ҳозирлик кўраётган эдилар. Сейдахмад ниманидир баланд овоз билан ҳикоя қилиб берарди, ўтирганлар унинг сўзларини эшитиб кулишарди.

– У ёғи нима бўлди?

– Давом эт!

– Сен шошилма, бу ёққа қара, қани яна бир қайтариб айт, – кулгидан ичаги узилган Ўразқул яна сўрай бошлади, – сен унга жавобан нима дединг? Уни қандай кўрқитдинг. Вой ичагим! Ха-ха-ха! У ҳамон қорнини ушлаганча қотиб-қотиб куларди.

– Шундай қилиб, – дея Сейдахмад ҳикоясини яна бошидан бошлашга жон деб рози бўлди, – биз буғуларга яқинлашиб борсак, ўрмон ёқасида учтаси турган экан. Отларни эндигина дарахтга боғлаган ҳам эдик, чол ҳамроҳим қўлимдан ушлаб: «Биз буғуларни отишимиз мумкин эмас. Биз Бугубой авлодиданмиз. Шохдор она бугунинг фарзандларимиз!», деди. Ўзи бўлса болалардек термилиб турарди менга. Кўзлари ялиниб-ёлвориб илтижо қилаётгандек боқарди. Менинг эса ўлгидай кулгим қистарди. Лекин кулиб юбормадим. Ҳа, кулмадим. Аксинча, бу ҳақиқатан ҳам шундай-ку: «Сен нима, турмага тушгинг келяптими?», – дейман. «Йўқ», – дейди у. «Биласанми, бойлар замонидаги ҳикоялар камбағал халқни кўрқитиш учун тўқилган», – дедим. Шунда у тилга кириб: «Сен нима деяпсан ўзи», – деди. Мен бўлсам: «Шуни айт-япманки, сен бунақа гапларингни қўй, акс ҳолда қарилигинга ҳам қарамай, тегишли жойга ёзиб юбораман», – дедим.

– Ха-ха-ха, – деб ўтирганларнинг ҳаммаси кулиб юборишди. Айниқса, Ўразқул уларнинг ичида роҳатланиб куларди.

– Кейин биз сездирмасдан уларга яқин бордик. Агар уларнинг ўрнида бошқа ҳайвонлар бўлгандами, аллақачон хабар топиб кўздан ғойиб бўлган бўларди. Бу анқов бугулар эса биздан чўчимаётгандай қочмасди. Чўчимагани яна ҳам яхши деб ўйлайман, – ҳикоя қиларди Сейдахмад. – Мен милтиқ билан олдинда, чол кейинда боряпмиз. Шу ондаёқ, менда шубҳа туғилди. Умримда чумчук ҳам отган эмасдим. Ҳозир шундай бир ҳолат юзага келдики, агар теккиза олмасам, ўрмонга қочади-кетади, кейин унинг орқасидан етиб бўпсан, довоннинг нариги ёғига ўтиб кетади. Бундай тайёр ўлжани ким қўлдан бой беришни истарди?

Бизнинг чол овчи бўлган, вақтида айиқни ҳам қулатган. Мен унга милтиқни бериб, манна чол, отинг, дедим. У бўлса йўқ, отмайман, ўзинг от, дейди. Мен бўлсам унга: Мен ахир мастман-ку, дедим. Ўзим эса оёқда туролмаётгандек тебранардим. У ўрмондан ёғоч олиб чиққанимизда сиз билан ичганимизни кўрган эди. Шунинг учун ҳам мен ўзимни айёрликка солдим.

– Ха-ха-ха.

– Мен теккизолмайман дедим, бугулар кетиб қолади, кейин қайтиб келмайди. Бизнинг эса қуруқ қайтиб боришимиз яхши эмас. Ўзинг биласан. Ўйлаб кўргин. Нега бизни бу ёққа юборишди? Индамайди. Милтиқни ҳам олмайди. Майли, ўзингиз биласиз, дедим-да, милтиқни ташлаб кетмоқчи бўлдим. У орқамдан эргашди. Барибир, Ўразқул мени ҳайдайди – совхозга бориб ишлайвераман, дейди. Қариганда қаёққа борасан, дедим? Яна лом-лим демади. Мен секин хиргойи қилдим:

Сариқ-сариқ тоғлардан,

Сариқ отда мен келдим.

Оч эшигинг, эй, сариқ савдогар...

– Ха-ха-ха...

– Мени ҳақиқатан ҳам маст деб ўйлади. Милтиқни қўлга олиб жўнаб қолди. Мен қайтдим. Биз бир-биримиз билан тортишиб ётар эканмиз, буғулар бу орада бир оз нарироққа юрди. Кўряпсанми, дейман унга, кетиб қолди, кейин уларга етиб бўлмайди. Улар ҳали ҳуркиб қочмагунча отиб олиш керак. Чол қўлига милтиқни олди ва уларнинг орқасидан пусиб бора бошлади. У ҳамон: «Кечир мени, Шохдор она буғу, кечир...», - деб ўз-ўзича шивирларди. Мен эса ўз-ўзимча: «Эҳтиёт бўл, теккиза олмасанг, сен ҳам ўша буғулар билан бирга бошинг оққан ёққа қараб кет, бошқа қорангни кўрсатма», - дедим.

– Ха-ха-ха...

Ичимлик ҳиди билан дуд ҳидининг бирга қўшилиб анқиши, унинг устига қаҳқаҳа уриб кулишлар боланинг иситмасини ошириб, янада димиқтириб юборди. Оғриқнинг зўридан унинг боши тарс ёрилиб кетаёзди. Назарида кимдир уни тепаётганга, кимдир болта билан миясини ёраётганга ўхшарди. Гўё биров унинг кўзини мўлжалга олаётгандай чап бериб бошини олиб қочишга интиларди. Иситма натижасида ҳолдан кетган бола муздек дарёда пайдо бўлиб, балиққа айланиб қолди. Қуйруғу, танаси, сузгич қанотлари – ҳамма-ҳаммаси балиқники-ю, фақат оғриётган бошигина ўзича қолган эди. У қоп-қоронги муздек сув остида сузиб борарди.

Хаёлида умрбод шундай балиқ бўлиб қолишни ва тоққа ҳеч қачон қайтмасликни ўйларди. «Қайтмайман энди,- дерди у ўзича. Яхшиси, балиқ бўламан, балиқ бўлиб яшайман...»

Бола каравотдан тушиб, секин уйдан чиқиб кетганини ҳеч ким пайқамай қолди. У зўрга бурчакка етиб борган ҳам эди, бирдан қайт қилиб юборди. У деворга суянганча инграб йиғларди. Ўпкаси тўлиб йиғлаганидан нафаси қисилиб гўлдирарди:

– Йўқ, мен, яхшиси, балиқ бўламан. Бу ердан сузиб кетаман. Яхшиси, балиқ бўламан.

Ўразқулнинг уйи деразасидан эса маст кишиларнинг қаҳқаҳлаб кулишлари-ю, қийқириқ овозлари эшитиларди. Бу ёввойи қаҳқаҳа болани гаранг қилди, унинг қалбида чидаб бўлмас дард-аламларни кўзгади. Бу даҳшатли қаҳқаҳани эшитиш кўнглини беҳузур қилаётгандек туюлди. У бироз ўзига келиш учун ҳовлига чикди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ, ҳувуллаб ётарди... Ўти ўчиб қолган ўчоқ ёнида ичкиликнинг зўридан ўлар ҳолатда ётган Мўмин бобога кўзи тушди. Чол тупроқда, ўша Шохдор она бугунинг кесиби ташланган шохлари ёнида ҳушсиз ётарди. Бугунинг майдаланган калласини ит гажиб ётган эди. Булардан бошқа бирон кимса йўқ.

Бола бобосининг устига энгашганча унинг елкасидан тортқилади.

– Бобо, юринг, уйга кетамиз, уйга, – деди у. Чол жавоб бермади, у ҳеч нимани эшитмади, бошини ҳам кўтара олмади. Ҳа, у нима ҳам дея оларди?

– Қани, туринг, бобо, уйга кетамиз, – деди бола. Ким билсин, у ўзининг болалик ақли билан бобосининг Шохдор она бугу қақидаги эртаги учун бу ерда таъзирини еб ётганини, ўз эрки билан унга қасд қилмаганлигини, унинг ўзи бу ҳақда болага ҳамма вақт насиҳат қилиб келганлигини, ота-боболар удумига, ўз виждони ва васиятларига зид борганлигини, бахти қаро қизини деб, набирасини деб шу ишга қўл урганлигини фаҳмлай олдимикин ёки англаб етмадимикин?

Чол оғир аҳволга тушиб, ғам-алам ўтида ёниб, боланинг овозига жавоб қилмасдан, гўё ўлик сингари юзини ерга қилиб ётарди.

Бола бобосининг ёнига чўққайиб ўтирганча уни кўзга-тишга ҳаракат қилди.

– Бобо, бошингизни кўтарсангиз-чи, – деди у. Боланинг юзлари оқариб, бўшашиб кетган эди, қўллари, лаблари қалтирарди. – Бобо, бу менман. Эшитяпсизми?- деярдди у. Ўзимни жуда ёмон сезяпман, – дея йигларди у. Бошим оғрияпти, жуда қаттиқ оғрияпти.

Чол инграб, қимирлай бошлади, бироқ ҳамон ўзига келолмаган эди.

– Бобо, Қулибек келадими? – сўради бола бирдан кўзёши аралаш. Айтинг, машинасида Қулибек келадими? – гап билан алаҳситмоқчи бўлди у чолни.

Бола бобосини ёнбош билан ағдарилиб ётишга мажбур этди ва ногаҳон маст ҳолда соқолларигача лой ва тупроққа беланиб, аянчли ҳолда ётган чолнинг юзига кўзи тушиб, сесканиб кетди. Бола шу дақиқада ҳалигина Ўразқул болта билан майдалаб ташлаган оқ бугунинг калласини хаёлидан ўтказди ва қўрқувдан ўзини четга тортди. Бобосидан нари кетар экан, деди:

– Мен балиққа айланаман, эшитяпсизми, бобо, сузиб кетяпман. Қулибек келганда балиққа айланиб қолганимни айтинг.

Чол ҳеч қандай жавоб қайтармади.

Бола юришда давом этди. Дарёга тушиб, сув кеча бошлади.

Боланинг сувда балиқ бўлиб сузиб юрганидан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Ҳовлида маст кишиларнинг куйлаган қўшиқлари эшитиларди:

*Ўркач-ўркач тотардан,
Ўркач туяда мен келдим.
Оч эшигинг, букри савдогар,
Биз ичамиз, ўткир винодан...*

Сен сузиб кетдинг. Қулибекнинг келишини кутиб турмадинг. Афсус, минг афсуски, Қулибекнинг келишини кутиб турмадинг. Нега сен йўлдан чошиб бора қолмадинг. Агар йўлдан узоқ муддат чошиб борганингдами, албатта уни учратардинг. Қулибекнинг машинасини узоқдан таниган бўлардинг. Қўлингни кўтарганингда у шу заҳотиёқ машинасини тўхтатган бўларди.

– Сен қаёққа кетяпсан? – деб сўрарди.

– Мен сизни излаб кетаётган эдим! – деб жавоб берган бўлардинг.

У шунда сени машинаси кабинасига олган бўларди. Иккаловинг бирга кетган бўлардиларинг. Олдинда, йўлда эса ҳеч кимга кўринмасдан Шохдор она бугу елдай учиб борарди. Бироқ сен уни кўра олган бўлардинг.

Аммо сен сувда сузиб кетдинг.

* * *

Сен бу қўшиқни эшитмадинг. Сен ўз эртагингдаги балиқ каби сузардинг, бўталоғим. Биласанми, сен ҳеч қачон балиққа айланиб қололмайсан ва Иссиққўлгача сузиб боролмайсан, оқ кемани ҳам кўролмайсан ва унга: «Салом, оқ кема, бу мен!» - деб айтолмайсан.

Сен оқиб кетдинг.

Энди шуни айтишим керакки, сенинг гўдак қалбинг нимани нохуш кўрган бўлса, ҳаммасини рад этдинг. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Сен бир чақнаб сўнган яшин каби ҳаёт кечирдинг. Чақмоқларни само чақади. Само эса абадийдир. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Инсондаги гўдаклик виждони худди уруғдаги илк куртакнинг ўзгинаси, куртаксиз уруғ униб чиқмайди. Биз оламга келмасдан илгарийёқ, токи туғилиш ва ўлиш бор экан, ҳақиқат тантана қилиб келмоқда.

Бўталоғим, сен билан видолашар эканман, сенинг сўзингни яна бир бор такрорлайман: «Салом, оқ кема, бу мен!»

БИРИНЧИ БОБ

Булоқдан эндигина ярим челак сув олган ҳам эдим-ки, дашт бўйлаб кучли қийқириқ янгради:

— Ҳе-ей-ей! Академик, тумшугингга туширама-ан!

Мен кулоғимни динг қилиб, тошдай қотиб турардим. Аслида исмим Камол, бу ерда «Академик» деб лақаб қўйишган эди. Ҳа, ўйлаганимдай бўлиб чиқди. Нариги томондан тракторнинг «тир-р» этган овози эшитилмасди. Тумшугимга туширмоқчи бўлган одам ўша, Абубакир. У яна дағдаға солиб роса сўкадиган бўлди-да, ҳатто мушт кўтаришдан ҳам қайтмайдиганлардан у. Сув етказиб беришга улгура олмаяпман, тракторлар иккита, мен бўлсам якка ўзим. Шунга қарамай, манови якка от-аравада уларга сув ҳам, ёнилғи ҳам, мой ҳам, яна бошқа бало-баттарларни етказиб беришим керак. Тракторлар бўлса бу атрофда якка-ю ягона ҳисобланган булоқдан тобора узоқлашиб борарди. Улар ёнилғи цистерналари сақланадиган бирдан-бир шийпонимиздан борган сайин олислашиб кетмоқда. Шийпонни яқинроққа кўчиришга уриниб кўрдик, аммо қаёқда дейсиз, у ҳам сув билан боғлиқда. Абубакирга ўхшаганлар бўлса буни тушунишни истамайди: «Тумшугингга соламан! — деб бақиргани- бақирган. Менинг бу ерда оғзидан сўлаги оқиб юрган ландавур студентни деб бекорга вақт ўтказишга тоқатим йўқ», — дейди.

Мен эса у ўйлагандек студент ҳам эмасман. Ҳатто институтга киришни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Мактабни тугатишим биланоқ шу ерга — Анорхой дашти-

га келган эдим. Бизни бу томонга юбораётганларида мажлисда ҳаммамизни, шу жумладан мени ҳам: «Қўриқ ерларни забт этувчи донгдорлар, янги ўлкаларни кашф этувчи қўрқмас ташаббускорлар!» деб аташган эди. Дастлаб шунақа эдик, энди-чи?.. Айтишга ҳам уяласан киши: «Академик». Бу лақабни менга Абубакир қўйган. Бунга ўзим айбдорман. Кўнглимдагини яшира олмайман, худди ёш боладек ўз-ўзимга гапириб, хаёлларга берилиб кетаман, кейин одамлар мендан кулиб юришади. Лекин улар бунинг учун мен эмас, мендан кўпроқ тарих ўқитувчимиз, ўлкашунос Олдиёров айбдор эканини билсалар эди. Шу ўқитувчимизнинг гапига кириб, энди роса таъзимини еяпман.

Шу аснода, бочкани тўлдирмасданоқ сойлик бўйлаб йўлга тушдим. Аслини айтганда, бу ерларда сира йўл бўлмаган. Бу ёлғизоёқ йўлни ҳам аравада қатнайвериб, ўзим очганман.

Қорамтир, кенг дала этагида трактор турибди. Унинг кабинаси устида Абубакир ўтирибди. У ҳавода муштини ўйнатиб, ҳамон мени сўқар, гўрдан олиб, гўрга тикарди.

Мен отга қамчи босдим. Бочкада сув чайқалиб елкамга сачрар, аммо мен буни писанд қилмай, отни баттар қамчилар эдим. Абубакир ҳозир таъзимини берса керак. Бу ерга юборишларини ўзим илтимос қилганман. Ҳеч ким мени мажбур этгани йўқ. Бошқа йигит-қизлар Қозоғистонга, газеталарда ёзилаётган ҳақиқий қўриқ ерларга кетишган. Мен бўлсам бир ўзим Анорхой даштига келибман. Бу ерда шу йил баҳорда биринчи марта иш бошладин. Шунда ҳам атиги иккита трактор билан ишга киришилди. Ўтган йили агроном Сорокин — у бу ерда ҳаммамизнинг бошлигимиз ҳисобланади — бир ерга баҳори арпа экиб, синаб кўрган экан.

Айтишларига қараганда, ҳосил ёмон бўлмабди. Агар иш шу зайлда давом этса, эҳтимол Анорхой даштида ем-хашак масаласини ҳал қилиш мумкин бўлиб қолар.

Бироқ ҳозирча эҳтиёткорлик билан иш кўриш керак. Анорхой саратонда қақраб кетади: ҳатто тиканлар ҳам турган жойида қовжираб қолади. Эрта кузда молларини шу ерга қишлоғга ҳайдаб келган колхозлар эса ҳали экиш-тикишни бошламай «қани кўрайлик-чи, бошқалар нима қиларкин», деб кутиб турадилар. Бунинг устига, биз бу ерда озмиз, бор-йўғи: икки тракторчи, икки прицепчи, ошпаз аёл, сув ташувчи, яъни мен ва агроном Сорокин. Қўриқ ерларни забт этувчилар армияси мана шулардан иборат. Ким билсин, эҳтимол бизнинг ҳақимизда ҳеч нарса билмас, биз ҳам оламда нималар бўлаётганидан беҳабармиз. Гоҳо Сорокинга бирор янгилик топиб келарди. У отда яқин атрофдаги чўпонлар ҳузурига бориб, рация орқали бошқалар билан жанжаллашиб, қилинган ишлардан ҳисоб берар эди.

Гап бундай экану мен бўлсам кўриқ ерларни, чексиз даштларни кўраман деб юрибман! Дарвоқе, бунинг ҳаммасига тарих ўқитувчимиз Олдиёров сабабчи бўлди-я. Шу одам бизга Анорхой даштини бошлаб таърифлаган эди: «Асрлар бўйи қўл урилмай, Қўрдай ёнбағирларидан тортиб то Балхашнинг қамишзорларигача чўзилиб кетган Анорхой дашти эрману шувокзорлар билан безаниб, савлат тўкиб ястаниб ётибди. Афсоналарга қараганда, қадим замонларда уюр-уюр йилқилар Анорхой тепаликларида адашиб, дом-дараксиз йўқолиб кетган. Сўнг ёввойилашиб кетган отлар тўдалашиб узоқ вақтлар дайдиб юришар экан. Анорхой—ўтмишнинг тилсиз гувоҳи, даҳшатли жанглар майдони, кўчманчи саҳройи қабилаларнинг макони. Бизнинг замонамизда эса Анорхой даштлари бой ва сахий чорвадорлик ўлкасига айлантирилиши керак!..» ва ҳоказо, шунга ўхшаш сўзлар.

Ўша кезларда Анорхойни картадан кўриш қандай завқли эди: у кафтдайгина жойни эгаллаб ётарди. Энди-чи? Эрта тонгдан кечгача бу лаънати аравани у ёқдан бу ёққа тарақлатиб ҳайдаганим-ҳайдаган. Кечқурун ҳолдан тойиб,

юз машаққат билан отни аранг аравадан чиқараман-да, ол-дига той-той қилиб боғланиб, машинада келтирилган пичандан ташлаб қўяман. Сўнг ошпазимиз Алдей нима берса ҳам еб оламан-да, ўтовга кириб мукка тушганимча тошдай қотиб ухлаб қоламан.

Дарҳақиқат, Анорхой эрман-шувоқзорлар билан безаниб, савлат тўкиб ётарди. Қани энди, вақт бўлса-ю, бу чексиз даштларни соатлаб кезиб, унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлсанг.

Ҳаммаси ҳам майли-ю, аммо бир нарсага ҳайронман: Абубакирга менинг нимама ёқмай қолди, у мени нега бунчалик ёмон кўради? Агар бу ерда мени нималар кутаётганини илгаридан билсайдим... Мен ҳар қандай табиий қийинчиликларга чидашга тайёрман. Ахир, бу ерга меҳмонга келганим йўқ-ку. Бироқ, негадир, бирга яшаб, бирга ишлашимиз лозим бўлган одамлар ҳақида сира ўйламаган эканман, ҳамма ерда ҳам одам — одам-ку деганман-да.

Мен бу ерга машинада икки кунда етиб келдим. Мана бу тўрт гилдиракли аравани ҳам мен билан бирга олиб келишди. Уша пайтда унинг дастидан шунчалик азоб-уқубатда қолишимни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Ахир мен бу ерга прицепчи бўламан, деб келган эдим-ку. Бир баҳор тракторда ишлаб, уни ўрганиб олиб, тракторчи бўлиб қоламан деган орзуда эдим. Районда ҳам менга худди шундай дейишган. Мана шу орзу мени Анорхойга бошлаб келган. Бу ерга келиб қарасам, прицепчилар етарли экан, мени сув ташишга қўйишди. Бошдаёқ бу ишни рад этиб, уйга қайтиб кетишим мумкин эди. Нега десангиз, мен ҳозиргача араванинг шотисини ҳам, бўйинтуруқни ҳам ушлаб кўрмаган эдим. Умуман шу кунга қадар ҳеч қаерда ишлаганим ҳам йўқ эди. Фақат шанбаликлардагина, қанд заводида онамга кўмаклашардим. Отам фронтда ҳалок бўлган экан. Мен уни эслай олмайман. Шунинг учун ҳам мустақил ҳаёт бошлашга қарор қилган эдим... Нима бўлса ҳам иссигида қайтиб кетишим керак эди-я. Лекин уял-

дим. Бу ерга келиш олдидан мажлисда қанча дув-дув гап бўлди, ахир. Онам ҳам рози бўла қолмади; у менинг врач бўлишимни орзу қиларди. Аммо мен ўз фикримда қатъий туриб олдим, сизга ёрдам бераман, деб кўндирдим. Чўлга боришга қатъий бел боғлаб, тезроқ йўлга чиқишга ошиқардим. Энди дарров қайтиб борсам одамларнинг юзига қандай қарайман? Хуллас, аравада сув ташишга тўғри келди. Аммо бошимга тушган кулфатларнинг боиси бу эмас.

Бу ёққа келаётганимда йўл-йўлакай, машина устида тик турганимча чор атрофга суқланиб боқардим, мана, қадимий афсонавий Анорхой дашти! Машина ясси тепаликларда, эндигина яшил тусга кириб келаётган дашт юзида аранг кўзга чалиниб турган йўл бўйлаб елдек учиб борарди. Ерлар қор наmidан буғланиб ётарди. Нам ҳавода бултурги томирлардан эндигина ниш уриб чиқаётган Анорхой ёвшонларининг аччиқ ҳиди димоққа урилиб турарди.

Қаршидан эсаётган шамол кенг даштликдан табиатнинг бир олам шовқинини ва соф баҳор нафасини олиб келарди. Биз уфқ сари елиб борардик, у эса олис-олисларда, майса билан қопланган тепаликлар остида орқасига тисарилиб, Анорхой даштининг кўз илғамас кенгликлари сари имлаётгандек, тобора узоқлашиб кетмоқда эди. Шунда мен гўё ўзимни ўтмиш замонларнинг садоларини эшитаётгандай сездим. Ер гўё минг-минг туёқлар остида ларзага келиб гувиллайди. Саҳройи кўчманчиларнинг сон-саноксиз отлиқ аскарлари найза ва байроқларини кўтариб океан тўлқинлари сингари даҳшатли ҳайқириқ, ғала-говур билан елиб югуришарди. Кўз ўнгимда даҳшатли жанг манзараси намоён бўларди. Темир жаранглаб, одамлар қийчув кўтаришар, отлар бир-бирларини тишлаб, тепишарди. Менинг ўзим ҳам, қаердадир, мана шу қайноқ жанг ичида юрардим гўё... Аммо жанг суронлари тиниб, баҳор фасли кириши билан Анорсой даштида оқ ўтовлар ёйилиб кетар, қишлоқ устида тезак тутунлари осмонга ўрмалар, чор атрофда қўтон-қўтон қўйлар, йилқи подалари ўтлаб юрар,

туя карвонлари қўнғироқларини жаранглатиб қаёқдандир келиб, қаёққадир йўл олар эди...

Паровознинг узоқ-узоқларга таралган чўзиқ овози мени ҳушимга келтирди. Ёлини ҳилпиратиб, думини ёйиб, елдек учиб бораётган пойгачи от каби, вагонлар устига тутун буруқситиб паровоз ўтиб борарди. У узоқдан менга худди шундай туюлди. Поезд борган сари кичрайиб, қора чизиқдай бўлиб қолди ва ниҳоят кўздан ғойиб бўлди.

Биз даштда жойлашган якка-ёлғиз разъезд ёнидаги темирйўлини кесиб ўтиб, яна йўлимизда давом этдик...

* * *

Манзилга етиб келган дастлабки кунларда ўзимни осмондан тушиб қолгандай ҳис қилдим. Йўлда хаёлимни банд этган манзаралар ҳамон кўз ўнгимдан кетмасди. Дала шийпонининг яқинидаги тепалик устида қадимий ёдгорлик — хотин кишининг ҳайкали турарди. Кул ранг, қўпол йўнилган бу гранит парчаси неча асрлар мобайнида ерга чуқур ботиб, қўриқчи сингари, йироқларга боқиб турарди. Унинг ёмғир ва шамол таъсиридан лат еб, бир оз қийшайган ўнг кўзи, қорачиғи оқиб, пучайиб қолгандай, қовоқлари остидан хўмрайиб туриши кишини ваҳимага соларди. Мен унга узоқ вақт синчиклаб қараб турдим, сўнг ўтовга келиб, Сорокиндан сўрадим:

— Ўртоқ агроном, сизнингча бу ерга манови ҳайкални ўрнатган ким?

Сорокин қаёққадир кетишга отланаётган эди.

— Қалмоқлар ўрнатган бўлса керак, — деди у отга мина туриб ва жўнаб кетди.

Кошки, у вақтларда мени бундай жавоблар қаноатлантира олса! Ҳали яхши танишиб улгурмаган бўлсам ҳам тракторчи ва прицепчиларга мурожаат қилдим:

— Йўқ, бу тўғри эмас. Қалмоқлар бу ерга ўн еттинчи асрда келишган. Бу қабр устидаги ҳайкал бўлса ўн иккинчи асрга мансуб. Афтидан, бу хотин ҳайкалини мўғул-

лар ғарбга қилган буюк хужум даврида ўрнатишган. Биз киргизлар ҳам улар билан бирга Энасой соҳилларидан бу ёққа — Тяньшан ўлкаларига келиб қолганмиз. Бизгача бу ерда қипчоқ қабилалари, уларга қадар эса малла очли, тиниқ кўзли одамлар яшаган.

Тарихни яна ҳам чуқурроқ ковлаштирардим-у, аммо трактор ёнида турган комбинезонли йигит сўзимни бўлди. Бу Абубакир эди.

— Ҳой, тирранча! — деб қовоқ остидан менга газаб-ли ўқрайди у. — Жуда олим кўринасан. Қани бу ёққа кел, ўтовдан шприц билан товоқни олиб чиқ.

Мен бўлсам унга шприц билан солидолни олиб келибман.

— Эҳ, академик! — деди у менсимаган бир оҳангда тишини қисиб ва қизариб кетган кўзлари билан еб қўйгудек бўлиб. — Биз саводсизларга лекция ўқишни биласан-у, отни туядан ажратолмайсан.

Шу-шу «Академик» бўлиб қолдим. Мана мен ҳозир ўз аравам билан Абубакирга яқинлашмоқдаман, унинг жағи ҳамон тинмасди. У шудгор ичидан лойга ботиб мен томон югуриб келаётир.

— Бунча тошбақага ўхшаб судралмасанг! Яна қанча куттирмоқчисан?! Бўғиб ташлайман сен итваччани, она сути оғзидан кетмаган битта академик камайса камайибди-да.

Мен тракторга хомушгина яқинлашдим. Ўзимни оқлаш учун нима ҳам дея олардим? Ахир, трактор менинг айбим билан тўхтаб қолган. Хайриятки, прицепчи аёл — Қалипа менинг ёнимни олди:

— Кел энди, ўзингни бос, Абубакир! Бақириниш-чақиринишдан нима фойда? Уни қара, бечоранинг рангида ранг қолмабди. Шўрлик жуда қийналиб кетиб-ди — деди-да, қалтираб турган қўлларимдан челакни олиб, радиаторга сув қуя бошлади. — Бусиз ҳам жонини жабборга бериб ишлаяпти-ку. Кўряпсанми, қора терга ботиб кетибди...

— Менга нима! — жеркиб ташлади Абубакир. — Уйида ўтириб китобини ўқийверсин эди!

— Майли, бас қил энди! — Тинчитишга уринарди Қалипа. — Мунча баджаҳл бўлмасанг! Яхши эмас!

— Агар киши бунақаларнинг ҳаммасини кечираверса ўзини балога қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Планнинг бажарилишини сендан эмас, мендан сўрайдилар. Бу хумпар олим жонимни ҳалқумимга келтираётгани билан кимнинг иши бор, ахир!

Менинг олимлигим мунча дастак бўлиб қолди. Нега ҳам ўқиган эканман, қаёқдан ҳам тарихчи Олдиёровни эслай қолдим.

Мен бу ердан тезроқ қайтиб кетишга шошилардим. Ахир саҳронинг у бурчи ҳам бизга ўхшаганларга мунтазир бўлиб турибди-ку. У ерда тракторчи Садабек ишлайди. У ёши анчага бориб қолган, жиддий киши, жаҳли чиқса ҳам бақириб-чақиравермайди.

Орқамдан трактор моторининг овози эшитилди. Абубакирнинг тракторига жон кириб юриб кетди. Мен сал енгил тортиб, намиққан фуфайкада жунжикиб турардим. Бу Абубакир мунча баджаҳл, мунча заҳар экан-а? Ҳали қари ҳам эмас, ўттиздан сал ошган. Тўғри, юзи анча хунук, ёноқ суяклари бўртиб чиққан, қўллари арслон панжасидай бақувват, аммо ўзи анча хушқомат, кўзлари бўлса важоҳатли, совуқ, сал нарсага қонга тўлади. Жони бўғзига келади. Бундай пайтларда эҳтиёт бўлмасанг, сени ғажиб ташлайди. Яқинда бир воқеа бўлди.

Оқшомдан ёмғир бошланиб, тун бўйи савалаб чиқди. Ивиб кетган кигиз устидан бир маромда чакиллаб оқиб тушаётган томчилар қандайдир мунгли оҳангда, кишига ниманидир шивирлагандай туюларди.

Ёмғир эрта билан ҳам тинмади. Биз ўтовда ўтиравериб бекорчиликдан зерикиб кетдик. Агроном сорокин қаергадир кетган эди — шундай кунда ҳам унинг иши бошидан ошиб-тошиб ётади. Чорвачилик учун ҳам жавобгар-да. Шу сабабли у бирор дақиқа тиним билмас, эртаю кеч умри эгарда ўтарди. Ёмғир бир оз пасайганда Садабекнинг ки-

чик укаси — прицепчи Эсиркеп менинг отимга минди-да, чўпонлар олдига жўнади. Алдей билан Қалипа бўлса челакларни кўтариб, булоқ бошига сувга кетишди. Ўтовда биз уч киши — Абубакир, Садабек ва мен қолдик.

Таъбимиз хира, ҳар биримиз ўз ишимиз билан банд эдик. Абубакир оёқларини узатиб ёнбошлаганича папирос чекарди. Садабек ўчоқ олдидаги тўқим устига ўтириб, бигиз ва мумланган пишиқ ип билан эски этигини ямарди. Мен бурчакка тиқилиб олиб китоб ўқирдим. Ўтовнинг ичи зах. Ивиган наमतдан қўй ҳиди келар, тепадан аҳён-аҳёнда чой сиёқли сув томчилар эди. Ташқарида эса ҳалқоб сув юзига шовиллаб ёмгир ёғарди.

Абубакир зерикиб эснади, қўлларини қирсиллатиб керишди, у ёқ-бу ёққа қарамай, қовогини осганча қўлидаги папирос қолдигини улоқтирганди, кигизнинг бир чеккасига бориб тушди. Намат тутаб, жизғанак ҳиди чиқа бошлади. Садабек папирос қолдигини олди-да, кулга ташлади.

— Эҳтиёт бўлиш керак, — деди у чарм орасидан тупукланган мумли ипни ўтказаркан, — нима, жойингдан кўзгалолмайсанми?

— Ҳа, нима бўпти, — деб жаҳл билан бошини кўтарди Абубакир.

— Намат ёниб кетай деди.

— Оббо, матойингни қара-ю, — менсимай тиржайди Абубакир. — Илма-тешик этигингни ямаяпсанми, ямайвер, бошқаси билан ишинг бўлмасин!

— Гап бойликда эмас. Бу ерда сен бир ўзингмас, ўз уйингда ҳам эмассан.

— Ўз уйимда эмаслигимни биламан! Уйимда бўлсам сен билан гаплашиб ҳам ўтирмас эдим. Тушундингни, маймун башара. Худонинг қаҳрига учрамасам сургун қилингандай, сен-у сенинг хотинингга ўхшаш аҳмоқлар яшайдиган Анорхойга келиб қолармидим.

Садабек мумланган ипни куч билан силтаб тортди. Бигиз унинг қўлидан отилиб чиқиб орқасига тушди. У Абу-

бакирга нафрат билан узоқ тикилиб турди, сўнг бир қўлида этик, бир қўлида таранг тортилган ипни ушлаганича, газаб билан олдинга интилди.

— Майли, сенингча, мен аҳмоқман, бу ерга ҳаммамизни боқиш учун мен билан бирга келган хотиним ҳам аҳмоқ бўлсин! — Оғир нафас олиб гапирарди у. — Бошқа ҳамма анорхойликлар ҳам, сенингча, сургун қилинган кишиларми? Нима, уларни бу ерга сен ҳайдаб келганмисан? Қани, жавоб бер, эси паст! — деб бақирди у ва ўнг қўли билан нағалли этигининг қўнжидан ушлаганча ўрнидан ирғиб турди.

Абубакир бир чеккада ётган ключга ўзини отди, калласини елкалари орасига олиб уришга ҳозирланиб турди.

Мен қўрқиб кетдим. Вазият жуда қалтис эди. Улар бир-бирини ўлдириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Қўй, Абубакир! — дедим югуриб бориб. — Уни урма! Қўй, Садабек, шу билан тенглашиб ўтирма! — деб оёқлари остида ўралашиб, саросимада ялиниб-ёлвордим.

Садабек мени бир чеккага итариб юборди. Улар жангга ҳозирланган арслондек, ўтов ичида гир айланишарди. Бирдан бир-бирига ташланиб қолишди, Абубакирнинг қўлидаги ключ Садабекнинг боши устида ялтиллади. Аммо Садабек шу заҳоти чап бериб, иккала қўли билан ключни ушлаб қолди. Абубакир кучли эди. У ўз рақибини ерга йиқитиб остига босиб олди, иккаласи хириллашиб, сўкишиб, юмалашганча олишиб кетишди. Мен югуриб бориб Абубакирнинг қўлидан чиқиб кетган ключга бутун гавдам билан ташландим, ниҳоят, уни олганимча ўтовдан чиқиб қочдим...

— Алдей! Қалипа! — сув олиб қайтаётган аёлларга қараб қичқира бошладим. — Тезроқ, тезроқ, улар уришишяпти, бир-бирини ўлдириб қўяди.

Аёллар челақларини ташлаб, мен томон югуришди. Биз ўтовга етиб келганимизда Садабек билан Абубакир ҳамон ерда ағанашиб ётишарди. Уст-бошлари йиртилган, юз-кўз-

лари қонга бўялган. Зўрға ажратиб қўйдик. Алдей эрини судраб эшикка олиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Лекин Абубакир бир зарб билан Қалипанинг кучоғидан чиқиб кетди.

— Ҳа, маймоқ ит, сеними, ҳали тўхтаб тур!.. Сен мурдор ҳали оёғим остига йиқилиб тавба қиласан, ўшанда Абубакирнинг кимлигини билиб оласан!

Паст бўйли, қотмадан келган Алдей унга яқин келиб, юзига тик боқиб гапира бошлади.

— Қани, тегиб кўр-чи! Кўзларингни ўйиб олайки, ўзингни ўзинг танитай қолгин!

Садабек бамайлихотир хотинининг қўлидан ушлади:

— Қўй, Алдей, садқайи гап кетсин у..

Мен бу орада ташқарига чиқиб, тўполонда отиб юборилган гайка ключини қидириб топдим-да, ўтовдан нарироқ бориб, уни тош ҳайкал ёнига кўмиб қўйдим. Ўзим бўлсам, ўтирдим-у, бирдан йиғлаб юбордим. Паст, бўғиқ йиғидан бутун вужудимни қалтироқ босган. Мени ҳеч ким кўрмас эди, ўзим ҳам қандай ҳолатга тушиб қолганимни билмас эдим. Фақат ўша тош ҳайкалгина, гўё дардимни тинглаётгандай, бўм-бўш қолган кўз чаноғи билан менга хўмрайиб боқиб турарди. Атрофда туман билан қопланган нам, сокин ва ҳорғин чўл ястаниб ётарди. Унинг кўҳна ва чуқур сукунатини бирон шарпа бузмасди, ёлғиз менгина кўз ёшларимни артар, ҳамон пиқиллаб йиғлаб ўтирардим, мен бу ерда узоқ, жуда узоқ вақт, то қош қорайгунча ўтирдим.

Ёвшонлар билан безанган чўлда ана шу зайлда яшайман... Куч-қувватим борича меҳнат қиламан. Лекин шунга қарамай, ҳамон ишим ўнгидан келмайди. Мана, ҳозир Абубакирдан яна яхшигина дакки едим. Оқибат нима бўлади — ўзим ҳам билмайман. Аммо умидсизликка тушиш ҳам ярамайди. То йиқилгунча ўз ўрнингда маҳкам турмоғинг керак.

— Қани, Серко, қимирла! Илдамроқ! Иккимиз ҳам тегик бўлайлик, ишдан қолмайлик..

ИККИНЧИ БОБ

Эртаси куни одатдагидан барвақтроқ, тонготарда турдим. Кеча ўтовда ётиб ўзимча шундай аҳд қилган эдим: бор кучимни ишга солиб шундай ишлайинки, бирон киши койишигина эмас, ҳатто таъна ҳам қила олмасин. Ўзимнинг бошқалардан кам эмаслигимни бир кўрсатиб қўяй. Даставвал ёнилгини келтириб, бакларга ўзим қуйиб чиқдим. Сўнгра, иш бошлагунга қадар тракторларнинг радиаторларини сувга тўлдириб қўяй деб, аравам билан булоқ томон жўнадим, ундан кейин нонушта қилиб олишга улгуриш ва бирор дақиқани ҳам зое кетказмай яна сув ташиш керак. Ҳозирча иш мен ўйлагандек бораётганди.

Бу орада ғира-шира, оқимтир туман қопланган уфқ ортидан аста-секин қуёш бош кўтара бошлади. У гўё чексиз чўзилиб кетган Анорхой даштларига назар ташлашдан чўчиб, анча вақтгача ўрнидан қўзғалмай турди. Сўнг яна бир қараганимда қиё боқиб, жамолини кўз-кўз қилаётгандай кўринди. Қуёш тиг ураётган пайтдаги дашт манзарасидан гўзалроқ нарса бўлмаса керак! Гўё улкан ложувард денгиз ўз қирғоқларидан кўтарилиб чиққан-у, шу бўйича мовий тўлқинлари музлаб қолгандай, унда-мунда қуйқа тортиб қолган қисмлар тўқ кўк ва сарғиш тусда жилваланади.

О, Анорхой, о, бепоён дашт! Нега сукут сақлайсан, нималар ҳақида хаёл сурасан? Асрлар бўйи нималарни сир сақлаб келяпсан, келажакда сени нималар кутяпти?

Мен бор-йўғи бир сувчиман, лекин бунга ўксинмайман. Ҳали мана шу ерларга ҳам, машиналарга ҳам ўзим ҳукмрон бўламан. Ахир 80 иккита тракторимиз, бу ерда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси — ишнинг бошланиши, холос. Мен тадқиқотчиларнинг Анорхой даштида катта ер ости дарёлари бор, деган фикрини аллақерда ўқиган эдим. Эҳтимол, бу ҳали тахминдир, аммо нима бўлса ҳам, ишончим комилки, кишилар бу ерларга сув келтирадилар. Анорхойда кўм-кўк боғ-роғлар шивирлашиб, соя-салқин

ариқлардан сувлар шарқираб оқади, дашт шамоли майин эсиб, олтин бугдойзорлар ҳосилини кўз-кўз қилади. Бу ерда шаҳару қишлоқлар бунёдга келади. Бизнинг авлодларимиз бу чўлни фахр билан Анорхой бўстони деб атайдилар. Яна бир неча йиллардан сўнг бу ерларга менга ўхшаш бирор ўспирин йигит келганда, эҳтимол, унга сув ташувчи арава билан чўл бўйлаб кун бўйи санқиб юришга ва қандайдир бир бадфеъл ўзбошимчанинг сўкишларини эшитишга тўғри келмас.

Лекин ҳарҳолда, мен унга ҳасад қилмайман, чунки мен бу ерга биринчи бўлиб келганларданман!..

Аравани тўхтатиб қўйиб, эрталабки Анорхой кенгликларини томоша қилдим. Мана шу дамда ўзимни ер юзидаги энг бахтиёр, энг кучли, ҳатто энг гўзал одам деб ҳис қиламан. Ҳа, Анорхой ерлари саноат ўлкасига айланади!..

Ниҳоят, уфқ ортидан заррин нурларини сочиб, баркашдай қуёш кўтарилди.

Куннинг бошланиши ёмон эмас. Моторлар ҳам ишлаб турибди. Сувни пешма-пеш ташиб келтиришга ҳам улгуряпман. Аммо ҳали кечга узоқ...

Сувга қатнаб юрганимда бир вақт булоқ бошида қўй-қўзиларнинг кичик бир қўтонини учратиб қолдим. Уларни бу ерга бир қизча ҳайдаб келган экан. У қўйларни булоққа яқинлаштирмай, ариқчада сугормоқда эди. Қаёқдан келиб қолди у! Эҳтимол, биздан этакроқдаги қўш тепалик ортидан, сойлик томонидан келгандир. Чўпонлар ўша ёқда ўрнашган эди. Қизнинг чеҳраси менга танишдай туюлди. Мен қайси бир журналда худди шу қизга ўхшаш, кокили пешанасига тушиб турган ёшгина хитой қизнинг суратини кўрган эдим. Балки шунинг учун мен уни қаердадир учратгандай бўлаётгандирман.

Биз бир-биримизга жимгина қарадик. Менинг кутилмаганда бу ерда пайдо бўлиб қолганим унга қанчалик гайритабиий туюлган бўлса, унинг бу ерга келиб қолиши ҳам менга шундай кўринди. Бироқ ҳеч нарса бўлмагандай ара-

вадан сакраб тушдим-да, ишбилармон кишилардай булоқдан сув олиб, бочкани тўлдира бошладим.

Шу маҳал қўйлар ҳам сув ичиб бўлишди, қиз уларни бир чеккага ҳайдай бошлади. Ёнимдан ўтиб кета туриб:

— Бу булоқнинг оти нима? — деб сўради.

Мен ҳозир сув олганимда лойқаланиб қолган, нурсиз жилваланиб турган булоқ кўзига термилганимча ўйланиб қолдим. Дарвоқе, яккаю ягона булоғимизнинг бирон номи бўлса керак, ахир? Мен ҳамон ўйланиб турарканман, бу орада сув тиниб, юзи равшанланиб, туби қуюқ кўк тусга кирди.

— Бўтакўз! — дедим қизга қайрилиб.

— Бўтакўз булоғи? — пешана сочини бир силкитиб табассум қилди қизча. — Жуда гўзал экан оти! У ҳақиқатан ҳам бўталоқнинг кўзига ўхшайди, ўйчан кўринади.

Биз гапга киришиб кетдик. Қиз бизнинг томонлардан экан. У, ҳатто ўқитувчим Олдиёровни ҳам таниркан. О, бу кимсасиз чўлда нотаниш қиз оғзидан севимли ўқитувчининг номини эшитиш қандай яхши!

Эҳтимол, у ҳам Анорхойга ана шу муаллимнинг гапи билан келгандир. Қиз ўтган йили мактабни, бизникини эмас, бошқа мактабни тамомлаб, ҳозир сақмончи — қўйларнинг кўзилаш даврида чўпон ёрдамчиси бўлиб ишлаётган экан.

— Кўрамиздаги қудуқнинг суви шўр, — деди. — Мен бу ерда булоқ борлигини эшитгандим. Ўзимнинг ҳам оқин сувларни кўргим келиб кетди, кўзиларим ҳам зилол сув қанақа бўлишини билишсин дедим! Кўзиларни боқиб, катта қилиб чўпонга топшираман, кейин университетга ўқишга кетаман...

— Вақт-соати етса мен ҳам ўқимоқчиман, — дедим. — Бироқ мен механизация мактабига кираман. Мени аслида бу ерга тракторда ишлаш учун юборишган эди, манави эса, шунчаки, вақтинча... — бочкани кўрсатдим унга. — Вақтинча ёрдамлашяпман... Сув ташигани бошқа бировни юборишлари керак.

Мен бу гапни чакки айтиб қўйдим, оғзимдан чиқиб кетганини ўзим ҳам сезмай қолдим.

Уялганимдан аъзойи баданимдан иситма чиқиб кетди, аммо яна шу ондаёқ музлаб кетдим — узоқдан Абубакирнинг «ёқимли» овози эшитилди:

— Ҳе-е-ей, академик, жағингга тушираман!

— Оббо, кўп гапириб юборибман-ку!

— Нима бўлди? — ҳайрон бўлиб сўради қизча.

— Ҳеч нима. Шундай, сувни олиб бориш керак, — дедим қизариб.

Қизча қўзиларини келган йўли билан ҳайдаб кетди. Абубакир шудгорнинг узоқ чеккасида, трактор кабинасидан туриб муштини ҳавода силкитганича, томоғини йиртиб бақирарди.

— Кетяпман-ку, ахир, кетяпман! Овозингни ўчирсангчи! Одам деган бегона қиз оддида шунчалик ҳам бақирадими? — дедим газаб билан ва отни чоптириб кетдим.

Бочкадаги сув шалоп-шулуп чайқалиб, сачраб, бошимдан оёғимгача шалаббо қилди.

Тўкилса тўкилаверсин, менга деса бир томчиси ҳам қолмасин! Мен бундай хўрликка ортиқ чидаёлмайман!

Абубакир кабинадан сакраб тушди-да, яна ўтган сафаргайдай менга ташланди. Мен жиловни тортиб, отни таққа тўхтатдим-да:

— Агар сен шунақа бақираверадиган бўлсанг, ишни ташлайман-у кетаман, — дедим жаҳл билан.

У кутилмаганда бу гапдан доврираб қолди, лекин ҳуштак чалиб юборди-да, етти пуштим қолмай сўка бошлади.

— Сен лапашанг академиксиз ҳам Анорсой бор эди, бундан кейин ҳам ўт тушкур бу чўл қуриб кетмайди! Йўқол бу ердан тезроқ! Энди сен қолган эдинг менга тил тегизмаган, иштонсиз студент!

Мен аравадан сакраб туриб, қамчини трактор орқасига улоқтириб юбордим-да, одимлаб кетдим.

— Тўхта, Камол! Ундай қилма! Қаёққа борасан, тўхта!
— деб орқамдан қичқирди Қалипа.

Бу гап мени баттар қизиштирди, қадамимни яна тезлаштирдим.

— Тўхтатма уни, қўявер, қуриб кетсин! — Абубакирнинг овози эшитилди орқамдан.

— Усиз ҳам эвини қилармиз!

— Сен одам эмассан, ваҳший ҳайвонсан, нима қилиб қўйдинг! — дашном берарди унга Қалипа.

Уларнинг аллавақтгача жанжаллашгани қулоғимга чалиниб турди.

Тобора олдинга интилиб, қадамимни тезлаштирдим. Қаерга боришим — аҳамиятсиз.

Атрофда тирик жон йўқ, тўрт томоним куп-қуруқ дала. Булоқни, дала шийпонини орқада қолдириб, тош ҳайкал турган тепаликни ҳам босиб ўтдим. Даргазаб бўлиб тиржайиб турган тош кампир бўм-бўш қолган қоп-қора ва нурсиз кўзлари билан мени кузатиб, узоқ асрлар давомида ерга қандай ботиб турган бўлса, ҳозир ҳам шу тахлитда бақрайиб турарди.

Мен ҳеч нарсани ўйламай кетиб борардим. Фақат биргина истагим бор эди, у ҳам бўлса — кетиш, иложи бориचा бу ердан тезроқ кетиш. Бу лаънати Анорхой даштини елкамнинг чуқури кўрсин.

Кўзўнгимда ҳувуллаб ётган қуруқчўл. Барча паст-баландликлар, қиру сойлар, чор атрофдаги ҳамма нарса бир-бирига ўхшарди. Бу жонсиз, бир-бирига ўхшаш манзарани ким яратди экан? Нега таҳқирланган, хўрланган мен бу аччиқ шувоқзор, шўр босиб ётган бепоён кенгликларни кезиб чиқишим керак экан? Қаёққа назар ташлама — куп-қуруқ, жонсиз биёбон, яйдоқ дала. Бу ерда одамзод учун нима бор? Унинг яшаши учун бошқа жой қуриганми? Эрталабки ўй-хаёлларим энди менга жуда кулгили бўлиб туюлди.

Мен ўзимнинг ожизлигимни, бошпанасизлигимни ва тушкин аҳволдалигимни бутун вужудим билан ҳис этиб:

«Мана сенга ёвшонзор гўзал даштлар-у, мана сенга Анорхой ўлкаси!» деб ўз-ўзимдан кулардим.

Тепамда осмони фалак, теварак-атрофим чексиз дашт, ўзим эса гўё бу ерга аллақаердан келиб қолганман-у эгнимдаги қавилган фуфайка, оёғимдаги кирза этик ва ранги ўчиб кетган шапкада муштдай одамга ўхшаб кўринардим.

Шу ҳолатда йўлсиз кетавердим. «Бирор ерда темир йўл изига чиқиб қоларман, — деб ўйлардим ўзимча, — сўнг бирон разъездда юк вагонларига осилиб оларман. Одамлар олдига бораман...»

Ортимда туюқларнинг дукур-дукурию, отларнинг пишқириги эшитилганда ҳам ҳатто қайрилиб қарамадим.

Бу Сорокин. Ундан бошқа одам бўлиши мумкин эмас. Ҳозир ҳойнаҳой койиб беради, сўнгра ялинади, майли, нима бўлса бўлар! Лекин орқамга қайтмайман, қайтишни хаёлимга ҳам келтирмайман.

— Тўхта! — хитоб қилди паст овоз билан Сорокин. Мен тўхтадим. Сорокин терга ботган отида менга яқинлашди. Малла қошлари остидаги кўм-кўк, ўткир кўзлари билан менга жимгина тикилиб турди-да, сумкасига қўл солиб ундан бир қизил қоғоз олди — бу даштга келган кунимоқ, зўр ифтихор билан унга топширган комсомол йўлланмам эди.

— Ма, буни қолдириб кетиш мумкин эмас, — у йўлланмани хотиржамлик билан менга узатди.

Мен унинг боқишида на таъна, на дашномдан асар кўрмадим, у мени айбламасди ҳам, ачинмасди ҳам. Бу қараш — мушкул ишларни бажариб, ҳар қандай тасодифий қийинчиликларга кўниб қолган одамнинг жиддий нигоҳи эди. Сорокин кафти билан ҳорғин, соқол босган юзларини артиб оларкан:

— Агар разъездга бормоқчи бўлсанг, ҳув анави сойлик томон ўнгроққа қараб юр, — деб кўрсатди у менга ва отини буриб, секингина орқасига қайтиб кетди.

Мен ҳайрон бўлиб, унинг орқасидан қараб қолдим. Нима учун у мени уришмади, нега бу ерда қолишга ун-

дамади? Нега у бошини қуйи солган, от устида бунчалик ҳорғин ўтирибди? Оиласи — хотин, бола-чақалари аллақаяқларда, узоқда. Ўзи бўлса бу ерда йил — ўн икки ой чўлни кезиб юргани-юрган. У қанақа одам ўзи, Бўм-бўш Анорсойнинг нимаси қизиқтираркин уни?

Нима сабабданлигини ўзим ҳам билмайман-у, бироқ унинг орқасидан аста-секин эргашиб боравердим.

Кечқурун биз ҳаммамиз ўтовда тўпланишдик. Ҳеч ким чурқ этмасди. Ўртага сукунат чўккан, фақат гулхандаги ўтинларгина чарс-чарс ёнарди. Бунинг ҳаммасига айбдор мен эдим. Ҳамон ҳеч ким оғиз очмади. Лекин Сорокиннинг хафақон ва жиддий чеҳрасида унинг нимадир демоқчи эканлиги сезилиб турарди.

— Хўш, энди нима қиламиз? — деди Сорокин ниҳоят ҳеч кимга қарамай.

— Нима бўпти, Анорсойни сел босибдими? — деди Абубакир заҳарханда қилиб.

Шундан сўнг Садабек оҳиста ўрнидан туриб, жимгина ўтовдан чиқиб кетди. У Абубакир билан бўлган муштлашишдан сўнг у билан гаплашмас, афтидан, ҳозир ҳам гапга аралашмоқчи эмас эди. Унинг укаси, прицепчи Эсиркеп ҳам ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо фикридан қайтиб, яна жойига ўтирди.

Абубакир у билан ҳам чиқиша олмасди. Бир куни илтимосимга кўра Эсиркеп мени Садабекнинг тракторига бириктирилган плугга ўтқазди-да, ўзи сув ташийдиган аравага чиқди. Бироқ у сувни бир оз кечиктириб келтирган экан, Абубакир унга ҳам дўқ урибди. Аммо Эсиркеп ўзини ҳақоратлашга йўл қўймабди. У ҳам беллашадиганлардан. Ахир у мендан уч ёш катта.

Абубакирнинг гапига ҳеч ким жавоб бермасди.

— Бу ерда ўйлаб ўтиришнинг нима ҳожати бор, — қўшимча қилди у, — ишни ким тўхтатган бўлса, ўша жавоб бераверсин.

— Гап ким ҳақу ким ноҳақ эканлигида эмас! — жавоб қилди Сорокин унга қарамай. — Бу ерда бир ёш йигитнинг тақдири ҳал бўляпти, у энди нима қилиши керак?

— Тақдир эмиш! — гижинди Абубакир. — Бунақа академикларнинг тақдири аллақачон ҳал бўлган, булар бир пулга қиммат, қўлидан иш келмайди! — менсимай қўл силтади у. — Хўш, ўзинг ўйлаб кўр-чи, Сорокин, булар нимага ярайди? Биз ўз кучимиз билан ғалла етиштирганимизда улар ўн йиллаб ўқиб юришди. Уларни биз боқдик, кийинтирдик, хўш, нима натижа чиқди, мактабда буларга нимани ўргатишди? Машинани билишмаса, отга бўйинча солишни эплай олмаса, ҳатто айилни ҳам дурустгина тортолмаса... Нега энди мен унинг учун тер тўкишим керак экан. Унинг олимлигини бошимга ураманми, тош ҳайкалларнинг сирини билса билибди-да, нима бўпти? Қўлидан бирон иш келмаса. Бас, шундай экан, ўзгаларни ҳам ишдан қолдирмай, туёгини шиқиллатиб жўнаб қолсин! Сен ҳам, Сорокин, менга ёпишаверма, мен ёлғиз ўзим сменачисиз ишляяпман, ҳеч кимдан тап тортадиган жойим йўқ! Агар ортиқча кўринаётган бўлсам — эртагаёқ бу ердан ғойиб бўлишим мумкин. Аммо тилимни тиймайман: мен бунақа академикларни бир тийинга олмайман!..

— Бас қил! — деди Сорокин, ҳамон Абубакирнинг юзига қарамай, унинг сўзини чўрт кесиб.

— Буни биз сенсиз ҳам биламиз. Гап бунда эмас. Қани айтчи, Камол, ўзинг нима демоқчисан?

Мен ҳадеганда жавоб қайтаролмадим. Абубакирнинг гапларини тинглаб ўтириб, унинг сўзларида ҳам жон борлигини англадим. Аммо бу сўзларнинг ҳаммаси ғайирлик ва адоват билан айтилган эди. Нега? Ахир мен қўлсиз-оёқсизманми ёки Абубакир қилган ишни қеч қачон қила олмайдиган, ўтакетган ландавурманми? Ёки саводлилигим менга ҳалал беряптими? Мен буни тушуна олмасдим. Бироқ шундай бўлса ҳам, Сорокиннинг саволига иложи борича бамайлихотир жавоб беришга уриндим.

— Мен бу ерга прицепчи бўлиб ишлаш учун келганман. Менга мана шуниси аҳамиятли.

Эгар-жабдуқни бўлса уддалай оламан. Буни ҳамма билади, ҳатто Абубакирнинг ўзи ҳам билади. Бундан кейин ҳам худди шундай ишлайверишим мумкин эди. Аммо сув ташишни хоҳламайман. Хоҳламайман, вассалом!

— Бизда бошқа иш йўқ, — деди Сорокин.

— Демак, кетишим керак экан-да! — таъкидладим.

Қалипа менга қаради-да, ғамгин хўрсиниб қўйди:

— Камол, мен ўз ўрнимни сенга бериб, сенинг аравангда сув ташийверардим-у, аммо сен бунга кўнмайсан-да...

Бу кутилмаган гап бўлди. Қалипа ўзининг раҳмдиллигиданми ёки Абубакирнинг бақириб, сўкинган пайтларида хижолат тортиб ҳар вақт нима биландир упинг қўполлигини юмшатишга ва билинтирмасликка ҳаракат қилганиданми, ҳайтовур, шу сўзларни айтишга журъат этганди. Мен ҳам ўйлаб-нетиб ўтирмай қизиқ устида:

— Кўнаман! — деб юбордим.

Ўтов сув сепгандай жим бўлиб қолди. Гулхандаги ўтиннинг чирс-чирс этиб ёнаётганигина эшитиларди.

Ҳамма ҳайрон бўлиб менга қаради. Балки мени, эси ҳушини йиғиб олиб, сўзидан қайтар деб ўйлаётгандирлар? Шундай бўлиб чиқдики, мени кўролмайдиган ва менга ҳеч қандай яхшиликни раво кўрмайдиган киши чангалига ўзимни ўзим тутиб бердим. Лекин бошқа ҳеч нарса демардим. Айтилган сўз — отилган ўқ. Сорокин менга яна бир синовчан назар ташлади-да:

— Шу гапинг гапми? — деб сўради.

— Ҳа!

— Менга барибир! — деди Абубакир ва гулханга тупурди. — Аммо олдиндан айтиб қўяй: сал гап бўлса, калланга тушираман! — Унинг менсимай истехзо ва адоват билан ўқрайган кўзлари қоронғида совуқ чақнади.

— «Сал гап бўлса» деганинг нимаси? Нега элдан бурун дўқ қиялсан? — деди ҳозиргача ўзини тутиб ўтирган

Эсиркеп ортиқ чидай олмай. — Эплаб кетади, бу шунчалик мушкул ишми, донишмандлигингни қара-ю! У менинг плугимда ишлаган.

— Сендан ҳеч ким сўраётгани йўқ, бировнинг ишига аралашма. Ҳали кўрамиз. Тракторга ҳам, ишга ҳам мен жавобгарман...

— Бас қил! — Сорокин яна норозилик оҳангида Абубакирнинг сўзини бўлди ва менга қараб:

— Эртадан ишга туш, — деди-да, ўрнидан туриб эшик томон юрди. — Хайр, энди дам олинглар.

Ўша кеча деярли ухлай олмадим. Абубакир билан ишимиз қандай бўларкин? Ахир ҳозиргача у билан аҳён-аҳёндагина учрашардим, эртадан бошлаб эса тун-кун унинг ихтиёрида бўламан. Гарчи прицепчининг вазифаси чидам ва сабр-матонатни талаб қилса ҳам, мени унча чўчитмасди. Албатта, керакли жойларда плуг тишини илдам ва аниқ кўтариб туширишга кўникиш керак, токи тракторнинг ҳаракати бирор минут ҳам тўхтаб қолмасин. Ундан ташқари, мен тракторчига ҳамма ишда — машинани ювиб артишда ҳам, ремонт қилишда ҳам ёрдамлашим керак. Қани, Абубакир сўраган ключиними, болтними, гайкасиними ёки яна бошқа зарур нарсаларни дарҳол топиб бермай кўр-чи...

Кейин билсам Алдей ҳам мижжа қоқмабди. У қоронги кечада ёнимга келиб ўтирди-да, бошимни силади:

— Ўйлаб кўрсанг бўларди, Камол, сен у билан чиқиша олмассан, оқкўнгил, ювошгинасан. Унинг кўнглидагини топа олмассан. У сени қийнаб қўяр.

— Мен унинг кўнглини топмоқчи эмасман! Қийноқларига бўлса кўникиб қолганман.

— Майли, ихтиёр ўзингда, ўзинг биласан, — деди паст товуш билан ва ҳўрсинганича ўз жойига кетди.

УЧИНЧИ БОБ

Абубакир билан биринчи кунданоқ тўқнаша бошладик.

— Уйқу элитиб прицеп остида қолсанг, мен жавобгар эмасман! — Абубакирнинг иш олдидан айтган бирдан-бир сўзи шу бўлди.

Бироқ ухлаш хаёлимга ҳам келмасди. Бутун хаёлим аниқ ва бенуқсон ишлаш билан банд.

Фалокат босиб тишлар остига тушиб кетиш мумкин, деган хаёл билан доим қийналгандан кўра, яхшиси, ҳозироқ бу ишдан бош тортиш маъқул эди-ю...

Рама устида икки ёққа керишган оёқларим тагидаги кронштейнларга пўлат тишлар маҳкам бириктириб қўйилган эди. Плуг тишлари кўриқ ер қатламларининг буғланиб ётган бағрини бирин-кетин тилиб, ағдариб, ён-ма-ён қиялаб боришарди. Трактор ёвшонларни босиб-янчиб, тинимсиз гуриллаб, ғилдирак занжирларини шалдиратиб шахдам юриб борарди.

Абубакир орқасига бир марта ҳам қайрилиб қарамасди, мени борми-йўқми деб ҳам қизиқмасди. Мен фақат унинг йўғон бўйнини кўриб турардим. Бу билан гўё у менинг то ишни ташлаб кетмагунимча ёки сабр-тоқатимга ишонч ҳосил қилмагунча синамоқчидек эди. Эҳтимол, у мени ҳолдан тойдириб, бу ишдан воз кечтириш учун тракторни тинимсиз қувиб ҳайдаётгандир. Ҳеч қанақа амортизацияси бўлмаган қаттиқ темир курсида, чанг-тўзон ва мотордан чиқаётган газдан нафаси бўғилиб ўтириш нақадар маза эканлигини Абубакир яхши билади. Аммо мен таслим бўлишни ўйламасдим. Гоят катта куч билан ишлаётган асаблар, кўз-қулоқлар ва плуг штурваллини маҳкам ушлаб олган кўллар — менинг туриш-турмушим шундан иборат. Иш давомида ғиқ этмай ўтирдим, ҳатто жаҳл билан тракторни тошлоқ ерларга солиб борганида ҳам, плуг дам-бадам жўяклардан сакраб чиқиб кетиб, тишлари чақмоқ тошларга урилиб, учқунлар сачра-

ганида ҳам, ўтиргичдан сакраб-сакраб кетганимда ҳам гинг демадим.

Кечқурун Абубакир тракторни ишдан тўхтатганда шундай чарчаган эдимки, умримда бунчалик бўлган эмасман. Оғиз-бурним, кўз-қулоқларим — ҳаммаси чанг ва қум билан тўлган эди. Мукка тушиб, шу ердаёқ ухласам дердим. Лекин қимир этмай Абубакирнинг буйругини кутиб турдим.

— Лемехни кўтар! — деб қичқирди у кабинадан бошини чиқариб. Ўзи эса тракторни шудгордан чиқарди-да, моторни ўчириб, плуг ёнига келди, эгилганча плуг тишларининг дамини кўздан кечирди.

— Алмаштириш керак, ўтмаслашиб қолибди. Эрталабгача тайёр бўлсин! — деди.

— Хўп, — дедим мен.

— Запас тишларини қолдириб, плугдан тракторни ажрат.

Мен унинг талабини бажаргач, жимгина шийпон томон кетди. Орқасидан қараб қоларканман, унинг ҳатти-ҳаракатига фақат аччиқланибгина қолмай, унга ҳасад қилаётганимни сездим. У гўё сира чарчамагандай, бамайлихотир, лапанглаб кетиб борарди. Менинг-ку, албатта, жонимни олди-я. Бироқ унинг ўзи ҳам тинчимайди, ахир. Ишнинг кўзини билишини қаранг-а, аблаҳнинг!

Мен бир хўрсиниб қўйдим-да, ўтин-чўпларни териб, қучоқ-қучоқ қилиб плуг ёнига уя бошладим. Тунда плуг тишларини алмаштириш учун гулхан ёқиш керак эди. Каттагина ўтин гарамини тайёрлаганимдан кейин кечки овқатга кетдим.

Нақадар мушфиқ ва меҳрибон бу Алдей! Менга олиб қўйган шилпилдоқни индамай ер эканман, унинг менга ич-ичидан ачиниб қараб турганини кўрсангиз эди. Баҳузур ўтириб овқатланишга вақтим йўқ. Мен ундан ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўйиладиган фонарни сўрадим.

— Бу сенга нима учун керак? — деди у фонарни бера туриб.

— Керак, плуг тишларини алмаштираман.

— Ахир, шу ҳам иш бўлдими, бу қандай гап! — дея бақирди у Абубакирга қараб. — Бунга йўл қўймайман! Мушздай болани таҳқиқлашга ҳаққинг йўқ.

— Менга нима, қўймасанг қўйма, — кўрслик билан жавоб қайтарди Абубакир ёта туриб.

— Аралашма! — жеркиб берди хотинини Садабек. — Камолнинг ҳам ўзига яраша ақли бор.

— Ҳечқиси йўқ, Камол, сенга ўзимиз ёрдамлашамиз. Кетдик, Эсиркеп, — дея мен билан бирга кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди Қалипа.

— Керак эмас, ташвишланманглар. Ўзим удалайман, — дедим-да, фонарни кўтариб ўтовдан чиқиб кетдим.

Атрофни сукунат, чексиз зулмат қоплаб олган. Мен сув ичиб олайин деб булоқ томон қайрилдим. У қоронги, сокин чуқурлик ичида секин-аста биқирлаб қайнар ва зулмат оғушида йилт-йилт товланиб атрофга салқинлик таратарди. Ҳақиқатан ҳам у бўталоқнинг кўзини эслатаркан, кўққисдан ўша сақмончи қиз эсимга тушиб қолди. Ўша кезде унинг исмини ҳам билиб ололмаган эканман. Қаерда экан ҳозир ўша хушовоз гажакдор қиз?

Плуг олдига етиб келгач, дарҳол ишга киришдим.

Тишларни имкони борича юқорига кўтариб, ўт ёқа бошладим. Фонарнинг ҳам албатта фойдаси тегди. Гайкаларни бураб бўшатиб олдим-да, йўқотиб қўймаслик учун шапкага солиб қўйдим. Бутун тун бўйи плуг остида ётиб ишладим. Гайкаларни бураб чиқариш жуда мушкул, ўнғайсиз эди. Улар қўл бормайдиган жойларга ўрнатилган. Бунинг устига, гулхан ҳам дам-бадам ўчиб қолади. Мен плуг остидан ўрмалаб чиқиб, ётган жойимда ўтни пуфлаб ёндираддим. Қанча вақт ўтганини билмайман, аммо ҳамма тишларни алмаштириб бўлганимча тинмадим. Шундан сўнг кўз ўнгим қоронғилашгандай бўлди, оёқларимни аранг судраб трактор олдига етиб олдим-да, кабинага кириб ётдим. Шилинган,

тилинган, жонсиз қўлларимдан олов чиқиб, зирқираб оғрирди.

Эрта тонгда мени Қалипа уйғотди. У сув ташувчи аравада келганди.

— Радиаторга сув қуйиб бўлдим. Кел ювин, Камол, қўлингга сув қуйиб юбораман, — деди Қалипа.

У мендан ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтирмади, мен ҳам унинг бу ишидан миннатдор бўлдим. Бировларнинг раҳмдиллиги ҳамма вақт ҳам ёқавермайди. Юз-қўлимни ювиб бўлгач, Қалипа аравадан тугунчада овқат ва бир шиша квас келтирди. Қовурилган дондан тайёрланган нордон муздек квас жуда лаззатли бўлиб, ҳовурингни чиқариб юборарди. Бу, албатта, Алдейнинг ғамхўрлиги эди.

Абубакир ҳам келди. У ҳеч нарса дегани йўқ. Ишимдан бирор нуқсон тополмагач, нима ҳам дея олар эди. Жимгина бориб тракторни плуг олдига ҳайдаб келди. Мен плугни тиркадим. Сўнг яна ишга киришдик.

Шу кундан бошлаб плугни дадил бошқарадиган бўлдим. Ўзимга ишонч ҳосил қилдим.

Модомики, биринчи синовдан ўтдимми, энди охиригача чидайман!

Қаршимда кабина деразачасидан ҳамон ўша йўғон, чайир бўйин кўриниб турарди. Трактор ҳам бир текисда, шиддат билан гуриллаб, олға босмоқда. Бир маромда, штурвалга маҳкам ёпишганимча кетяпман.

Пешинга келиб Абубакир кутилмаганда трактор моторини ўчирди.

— Туш, танаффус, — деди у.

Биз трактор соясида, ерда жимгина ўтирардик. Абубакир папиросни асабий тишлаб, чайнаб чекарди, сўнг комбинезон ва кўйлагини ечди-да, қуёшда тобланай деб кийимлари устига ётди.

Унинг елкалари кенг, мускуллари таранг тортиб турарди. Менинг ҳам қуёшда тоблангим келиб кетди. Кўйлагим-

ни ерга ёзиб, эндигина чўзилмоқчи бўлган эдим, Абубакир бошини кўтариб менга хўмрайиб қаради-да:

— Орқамни қашиб қўй, — деб буюрди ва гўё мен унинг буйругини дарҳол бажаришимни олдиндан билгандай, зилдай бошини қўли устига қўйиб ётди.

Мен жим туравердим.

— Эшитяпсанми, йўқми? — бошини кўтармай газаб билан елкаларини силкитди.

— Қашламайман!

— Мен айтдимми, қашлайсан! — У ўрнидан даст турди-да, қўлларини белига тираб олдимга келди. — Хўш? Яна қанча кутишим керак? — Мен бир оз орқага тисарилдим.

— Сен доим мен ишчиман, мен ҳаммани боқаётибман, деб кўкрагингга урганинг-урган.

Аммо сен фақат ишлаётганлигинг учунгина ишчисан, чин кўнглингдан ишчи эмассан. Сен аслида бой бўлишинг керак эди!

— Бой ҳам бўлсам бўлардим! Лекин сен менинг жаҳлимни чиқараверма, — деди-да, тўсатдан бурнимга бир чертди.

Мен сакраб турдим-да, мушт кўтариб унга ҳамла қилдим. Абубакир худди шуни кутиб турган эди. Сўнги кунларда тўпланган бутун нафратини муштига жамлаб шунақаям туширдик, соққадай думалаб кетдим. Аранг тиззамда туриб, беихтиёр газаб билан яна Абубакирга ташландим. Унинг ҳар зарби мени оёқдан қулатарди.

— Мен сенга мушт қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Асабга тегишни ҳам кўрсатиб қўяман! — деди у чўяндай мушти билан устма-уст тушираркан.

Аммо мен ҳам ўрнимдан қайта-қайта туриб, овоз чиқармай жон-жаҳдим билан унга ёпишардим. Ҳар гал юзини — ваҳший башарасини мўлжаллаб урмоқчи бўлардим, лекин у қорнимга, биқинимга, кўкрагимга аниқ мўлжал билан туширарди.

Мен яна ўрнимдан туриб, секин унга яқинлаша бордим. У қўлини кўтарди ва худди қассоблардай томоқ қириб, қулочкашлаб гарданимга яна бир мушт туширди. Мен чурқ этмай, лабларимни маҳкам тишлаб, ерда чўзилиб ётардим.

— Ётибсанми, академик? Қани, ҳидлаб кўрчи, ердан ниманинг иси келаркин! — деди у оғир нафас олиб, ёрилган лабларидаги қонни тупуриб ташларкан. — Бу сенинг тош ҳайкаллар ҳақидаги лекциянг эмас.

У оёқларимиз остида топталган кийимлари томон кетди ва гўё ишни қойил қилиб қўйган кишидай, кийимини қоқиб, бамайлихотир кия бошлади. Менинг бу жангда ҳам голиб чиққанлигимни сезмас эди. Ҳа, гарчи мен ер тишлаб ётган бўлсам ҳам енгилмаган эдим.

Ҳақиқат учун куч, мушт ишлатиш ҳам мумкин эканлигига ишондим. Кимки сени урса, сен ҳам уни уришинг мумкин ва зарур экан. Бу мен учун галаба эди.

Абубакир комбинезонини кийгунча нафасимни ростлаб ўзимга келиб олдим. У моторни ёндириши биланоқ сакраб ўрнимдан турдим-да, тезлик билан кийимларимни кийдим. Плугга чиқиб, ўз ўрнимга ўтириб олдим.

Трактор гуруллаб, шудгор бўйлаб юриб кетди. Ўша бесўнақай чайир бўйин кабина деразасидан ҳамон кўришиб турар, мен ҳам плуг штурвалига ёпишганча борардим.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Ҳаётимизда баъзи ўзгаришлар бўлиб ўтди. Уруғлик ташвиш учун бизга қўш оти билан арава беришди. Яна бир киши ҳам келди. Энди сув ташувчи учун ҳам анча енгиллик туғилган эди. Садабек билан Эсиркепнинг тракторларини экишга тайинлашди, биз эса Абубакир билан ер ҳайдашда эдик.

Яна бир жуда муҳим янгилик бўлди.

Бундан бир неча кун аввал, тушки овқатдан кейин аравада далага кетаётганимизда, мен булоқ бўйида сакмончи қизни кўриб қолдим. Аравадан сакраб тушдим.

Аравакаш отларни тўхтатмоқчи бўлганди-ю, лекин Абубакир қўймади:

— Ҳайдайвер, йўлингдан қолма, — деб буюрди у норози оҳангда.

Мен қиз томонга югурдим, қўйларини ўз ҳолига қўйиб у ҳам менга пешвоз келаверди. Мен ёнига етмасдан тўхтадим, чунки иш бошлагунча ўша жойда бўлиш учун аравага етиб олишим керак эди.

— Салом! — деб қичқирдим узоқдан.

— Салом! — деб жавоб берди қиз ҳам. Жойида тўхтаб қолди.

Уни кўриб жуда қувониб кетдим, лекин ҳадеганда бирон гап айтишга журъат этолмай турдим.

— Аравангиз қани, нега кўринмай кетдингиз? Ҳозир қаердасиз? — деб сўради қиз.

— Мен ҳозир трактордаман! — деб қичқирдим гурур билан. — Биз ҳу-ув анави даладамиз!

Кечирасиз, мен жуда шошиляпман.

— Чопинг, чопинг! — деб қўлини силкитиб қолди у менга.

Араванинг кетидан югура кетдим. Орқамга бир қайрилиб қараб қўйдим. Қиз ҳалиги жойда орқамдан қараб турарди. Арава тўхтамай кетиб борарди. Қизнинг қўл силкиб хайрлашиб қолганидан, бунинг устига, баҳор чоғи кенг саҳро қўйнида елиб бораётганимдан ўзимни бениҳоя бахтиёр ҳис этдим...

Эртаси куни у биз ишлаётган ерда пайдо бўлиб қолди. Яқингинадаги тепанинг устида қўй-қўзиларни боқиб юрарди. Лоақал бирор дақиқага бўлса ҳам унинг олдига бирам боргим келардики, лекин бу Абубакир деганингиз менга рухсат берармиди. Бунақа ишлар унинг қўлидан келмайди. Бу ҳақда мен ундан илтимос ҳам қилмадим.

Келгуси гал, қиз яна тепаликда пайдо бўлганида Абубакир билан биз тириллаб турган трактор ёнида эдик. Абубакир моторнинг қаеринидир текшираётганди.

— Нега бу қизча тез-тез келадиган бўлиб қолди? — деб сўради у.

— Билмадим.

— Оти нима унинг?

— Билмайман.

— Эҳ, академик, — деб ерга тупурди у. Кейин қиз томонга қараб қўйди. — Ўзиям ажойиб нарса кўринади.

Мен унга ғазаб билан қарадим.

— Бор, ўрнингга ўтир! — деб бақириб берди у. Биз ишга тушиб кетдик.

Бу орада қиз тепаликда ўтлаб юрган қўй-қўзиларни биз ишлаётган жойдан юз метрча нарироқдаги очиқ майдонга ҳайдаб тушди. Қани энди унинг олдига чопиб борсам-у, суҳбатлашиб, пешанасига тушган жингала сочларига тикилиб бирпас ўтирсам...

Трактор тўсатдан тўхтаб қолди. Абубакир кабинадан бошини чиқариб:

— Ричагни боғла! Бу ёққа кел! — деб қичқирди.

Мен плуг устидан тушиб, ҳайрон бўлган ҳолда унинг олдига келдим. У одатда иш пайтида мени кабинага яқинлаштирмасди.

— Ўтир, — деди ўз ўрнини менга бўшатиб. — Ҳайдашни ўрган!

Мен анграйиб қолдим. Буни ундан сира кутмаган эдим. Абубакирга нима бўлди, наҳотки у мени ёқтириб қолган бўлса? Нима бўлса ҳам, ўйлаб ўтирмай, буйругини бажаришга шайландим.

— Педални бос. Улагични бура, ҳа, шундай. Энди педални секин бўшат. Ричагларни маҳкам тут.

Трактор гуруллаб жойидан қўзгалди. Сўнгра мол қўраси ёнбошидаги ерни ҳайдай бошладик. Севинганимдан теримга сигмай кетдим. Мен ҳозир ҳеч нарсани ўйламасдим, оламдаги ҳамма нарсани унутгандим. Хаёлимда фақат бир нарса — тракторни маҳкам тутиш, уни бошқариш, механизмларини миридан сиригача билиб олиш ор-

зуси ҳукмрон эди. Мен буни қачондан бери ҳавас қилиб юраман, ахир. Мана энди қудратли трактор менинг қўларимга итоат қилиб, гилдиракларини шақирлатиб, ерни ўпирганича олға юриб бормоқда. Шунда ўзим ҳам гўё механизмга айланганман-у, бутун диққат-эътиборим зарур ҳаракатларни бажаришга қаратилган эди.

Мол қўрасининг этагига етганда тракторни яхшигина бура бошладим. Тўғри, прицепчи бўлмаганидан бурилишда анчагина ер ҳайдаланилмай қолди. Аммо бунга ташвишланмаса ҳам бўлади: Анорхойда ер оз-мунчами!

Шу тарзда далани бир неча марта айланиб чиқдик. Энди юрагим унча ҳовлиқмай, ўзимни анча эркин ҳис қилардим.

— Қўрқма, академик! — деб бақирарди қулоғимга Абубакир. — Мен бирпасга бир ерга бориб келаман. Агар бирон нарса бўлса моторни ўчир!..

У юриб бораётган трактордан сакраб тушди-да, устидаги чангни қоқиб, сақмончи қиз томон йўл олди. Бу маҳал қиз анча ёнгинамизга келиб қолган эди. Мен шундагина Абубакирнинг ниятини сездим. Маълум бўлишича, у мени кабинага гаразгўйлик билан ўтказган экан.

Абубакир қизнинг ёнида туриб, у билан бамайлихотир сўзлашарди. Унга нима ташвиш... иш бўлса бажариляпти, трактор ёнида, бирон нарса бўлса дарҳол югуриб келиши мумкин.

Унинг бу ҳатти-ҳаракати менга ёқмади. Лекин шунга қарамай, ҳозир машинани бошқараётганлигимдан хурсанд эдим. Кабинада туриб қизга қўл силтаб, унга бирон илиқ гап айтишни истардим. Қани энди бу ерда Абубакир бўлмаса! У қизга нималар деяётган экан? Қиз унга нималар деб жавоб беряптийки? Қиз унга эҳтиёт билан муомала қилса яхши бўларди.

Бир ярим соатча, то қиз қўйларини ҳайдаб кетгунга қадар тракторни ҳайдаб туришга тўғри келди. Абубакирнинг чеҳрасида унинг иши ўнгидан келганлигини билдирувчи бирон аломат сезмадим. Йўқ, унинг башарасидан

бемаъни такаббурилик, ҳайвонликдан бошқа ҳеч нарсани уқиб бўлмасди.

— Жойингга бор, академик, — деб елкамга урди ва бесўнақай лабларини буриб илжайди.

Мен ҳеч нарса демай трактордан сакраб тушдим.

Бизнинг қизчамиз эртаси куни ҳам келди. Абубакир яна мени кабинада қолдирди-да, ўзи ўша томонга қараб кетди. Қиз келмаганда ҳам маъқул бўларди. Мен тракторни ташлаб кета олмайман. Лекин бефарқ ҳам қарай олмайман.

«Қандай қилиб уни огоҳлантирсам экан? — деб ўйлардим мен кабина ичидан улар томонга ташвиш билан назар ташлаб. — Унинг Абубакир билан учрашуви яхши эмас. Аммо кишиларнинг бир-бири билан сўзлашувини қандай ман этиб бўлади? Хар бир киши ким билан муомала қилаётганини ўзи яхши билиши керак...»

Бу гал қизча тезда қайтиб кетди, бундан мен беҳад хурсанд бўлдим. У қўй-қўзиларини тобора тезроқ ҳайдаб, орқасига қарамай жадал кетиб борарди. Мен ундан хаёлан узр сўраб, ўз-ўзимга дер эдим: «Кечир мени, азизим. Тез қайтиб кетиб яхши қилдинг. Биз яна дийдор кўришамиз. Иккинчи марта тракторда қолмайман, олдингга қанот боғлаб учиб бораман, ҳозирча майли, йўлингдан қолма, кокилли сулув қиз... Мен ҳатто исмингни ҳам билмайман...»

Аммо менинг келгуси учрашув ҳақидаги умидим рўёбга чиқмади. Қиз бошқа кўринмади.

Уни иккимиз ҳам бир-биримизга билдирмай уч кун кутдик. Абубакир янада қаҳрлироқ ва қўполроқ бўлиб қолди. Энди менга рўйирост нафрат билан қарайдиган бўлди. Бироқ мен ҳам энди унга бўлган нафратимни яширмасдим. Унинг ўша куни бирон қўпол гап билан қизнинг иззат нафсига теккани аниқ эди. Қизни аллақандай ёвуз кучдан ҳимоя эта олмаганимдан ўзимни айбдор ҳис қилардим. Мен шундай қарорга келдим: иложи бўлса қизни топиб, у билан ҳамма нарсани юракдан самимий гаплашиб оламан.

Кўнглим ана шу учрашувни орзиқиб кутарди.

Айни ўша кунлари далада ёгингарчиликда қолдик.

Ёмғир тўсатдан бошланиб, шиддат билан ёға бошлади.

Бу даштнинг дўл аралаш кучли жаласи эди. Ҳаво гулдураб, ер юзи анамана дегунча қайнаб турган пуфакли кўлмакчалар билан қопланди. Аммо Абубакир ҳамон тракторни тўхтатмас эди. У, аксинча, тракторни яна тезроқ ҳайдарди, орқасига қайрилиб ҳам қарамасди, мен бўлсам дўл аралаш жала остида шумшайиб ўтиардим.

Ҳайдалган ер қатламлари ёмғирдан кўпчиб, энди аввалгидай плуг тишларидан кўчиб тушмасди. Лой плугга, раманинг устки қисмларига, менинг оёқларимгача чиқиб кетганди.

Трактор гилдираклари ёпишқоқ лой билан тўлиб қолмаганда, Абубакир уни ҳали-бери тўхтатмасмиди ҳам.

Ниҳоят, у моторни ўчирди, кабинада ялпайганича папирос чека бошлади. Эҳтимол, у мени ҳам кабинага киритишни илтимос қилиб қолар деб ўйлаётгандир. Аммо менга энди барибир эди. Бошдан оёқ шалаббо бўлиб ивиганман. Плугдан тушмай, ёмғир остида кийимларимнинг лойини ювиб ўтиравердим. Ёмғирдан сақлайдиган бирдан-бир нарсам — айрим фикрлар ёзилган, ўқиган китобларимдан баъзи кичик парчалар кўчирилган ён дафтарчам эди. Мен уни кўнжимга тиқиб қўйдим.

Ёмғир тўхтади, ҳаво бир зумда чарақлаб очилиб кетди. Осмон сахий баҳор селидан ювиб- таралган мусаффо ва гўзал даштнинг давомидай туюларди. Чексиз Анорхой даштлари киши кўзига поёнсиз, янада яшнаб кетгандай кўринарди. Осмон гумбази бўйлаб Анорхой узра камалак тортилди. У оламнинг у чеккасидан бу чеккасига қадар чўзилиб, дунёдаги жамики нафис бўёқларни ўзида мужассамлаштириб, осмону фалакда турар эди. Завқ-шавқ билан чор атрофга боқдим; бепоён зумрад осмон, товланиб турган камалак, кулранг ёвшонзор даштлик! Ер юзи тезгина селгиб борар, унинг тепасида бир бургут икки қанотини

қимир эткизмай баланд осмонда гир айланиб учиб борарди. Гўё унинг ўзи ва қанотлари эмас, балки ернинг оташ нафаси, унинг куйдирувчи ҳарорати бургутни шу қадар юксакликка кўтаргандай.

Шунда мен ўзимни яна бақувват ҳис этдим, руҳим янада тетиклашиб, Анорхой диёри ҳақидаги орзу-ўйларим тагин жонланиб кетди. Ҳа, энди мен шундай мавқени эгаллаган эдимки, энди ҳеч ким орзуларимнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қила олмасди, Анорхойнинг порлоқ келажагига бўлган ишончимни ҳеч ким сўндира олмасди. Мен шоир эмасман, бироқ баъзан шундай вақтлар ҳам бўлардики, мактаб деворий газетасида шеърларим ҳам чиқиб қоларди. Мана ҳозир ҳам этигим кўнжидан дафтарчамни олдим, ҳаёлимга келган лапарнамо сатрларни дарҳол қоғозга тушира бошладим:

*Қурдай тепалари ортида ётар
Қадам босилмаган Анорхой дашти.
Қишда бўронлари даҳшатли, хатар,
Ёзи оташнафас, олов таратар,
Кенг даштли Анорхой бу ўлка оти.
Истиқболи порлоқ, ишонгум унга —
Бу кун узоқ эмас, ҳа, яқин жуда!
Анорхой кучоги тўлажак гулга!
Ёвшондан асар ҳам қолмайди бунда.*

Мен шеъримнинг чала, ширасиз чиққанини ўйламасдим. Кўнглимни бошқа нарса хиралаштираётган эди: бу мисралар қалбимда тугён ураётган ҳис-ҳаяжонларимнинг юздан бирини ҳам ифодалай олмайди. Орзу-истагим, қувончларимни ифода эта оладиган ноёб сўзлар қидириб бошим қотди. Аммо шу пайт биров кўлимдан дафтарчамни юлқиб олди. Мен орқамга ўгирилиб қарадим.

— Ишқий номалар тўқияпсанми! — деди Абубакир ўзини четга олиб, заҳарханда билан.

— Қизчани шеър билан ўзинга ром қилмоқчимисан?..

— Бер бу ёққа, бировнинг хатини ўқиш яхши эмас! — дедим.

— Яхшими, ёмонми — сен менга ўргатма! Ўзим билан. Яқинлашма!

— Ҳа-ҳа, ҳали шунақами! — Трактор ёнига чопиб бордим-да, ключни қўлимга олдим.

— Ҳой, ҳой! — деб дўқ урди Абубакир. — Ма, ола қол топган бисотингни.

— У дафтарчамни қайтариб берди, бир оздан сўнг қаҳ-қаҳ уриб кулиб, бутун даштни бошига кўтарди. — Анорхой ўлкаси эмиш! Ҳа-ҳа-ҳа! Жуда ҳам аҳмоқсан-е, академик! Ҳақиқатан ҳам сенга ўхшаганларни бу ерга ҳайдаб келиш керак, токи дунёнинг паст-баландини билиб олин-лар!.. Ўйлаб топганини қара-я: Анорхой ўлкаси эмиш! Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳали у сенга қанақа ўлка эканлигини кўрсатиб қўяди. Бу ерда бир қиш ишлаб кўр, ўшанда бошқачароқ куйлай бошлайсан...

Мен қолиш-қолмаслигимни сендан сўраб ўтирмайман! Менинг ғамимни емай қўя қол, ўзингни ўйла!

— Нимани ўйлар эканман? — жаҳл аралаш илжайиб менга яқинлашди Абубакир. — Менинг ўз фикрим ўзим билан, мен қаерда бўлсам ҳам ҳақимни ажратиб оламан. — У нарироққа кетмоқчи эди-ю, лекин ниманидир эслаб яна тўхтаб қолди. Менга юзма-юз келди-да, бўғиқ овоз билан шундай деди: — Сен, академик, ҳалиги қиз ҳақидаги хом хаёлларингни миянгдан чиқар, умидвор бўлма... уриб майиб қиламан!

— Буни ҳали ўйлаб кўрамиз.

— Яна такрор айтяпман, уни хаёлингга келтирма! Қизишиб кетган, бошқаларга нафрат билан қарашга ўрганиб қолган, ҳозир эс-ҳушини йўқотиб қўйган бу одамнинг аҳволига ачиндим. Унга оҳиста дедим:

— Сен кап-катта одамсан. Баъзан туппа-тузук гапларни айтасан. Аммо бундай гапларни, афтидан, тушунмасдан

гапирасан шекилли! Шунини унутмагинки, ҳеч ким бировга ўйлаш, исташ, орзу қилишни ман эта олмайди. Инсоннинг ҳайвондан фарқи ҳам ана шу фикрлаш қобилиятига эга бўлишида.

Сўзларим унга таъсир этдим, ҳар қалай, индамай турди. Фақат қовоғини осганча трактор олдига борди-да, бор кучи билан ручкани айлантди, мотор дарҳол гуриллаб ўт олди. Яна иш бошлашимиз лозим эди...

Шу соатдан бутун орзуларим яна вужудимни чулғаб олди. Мен уларни курашда қўлга киритгандим, улар яна менга ҳамроҳ бўлди.

Кечқурун ҳамма ётишга тайёргарлик кўраётганда мен ўтовдан чиқиб, булоқ томон йўл олдим. Негадир ўша томон мени ўзига тортарди, ўша ерда танҳо бўлишни истардим.

Осмон гумбази юлдузларга торлик қилиб, улар уфқдан ерга томон силжиётгандай.

Кўпчилиги бош устида гуж-гуж бўлиб, ҳозир тубсиз бўлиб кўринаётган кулча шаклидаги ҳовузча сатҳига тўпланишган эди. Улар сувда жилваланиб, ҳусни жамолларини кўз-кўз қилишарди. Уларни ҳовучлаб, лахча чўғдай қирғоққа сепиб юборгинг келади. Сувнинг шилдираб оқётган жойида улар ҳам сув билан бирга оқиб, майда тошчаларга аралашиб, марварид доналари сингари товланарди. Сувнинг сокин, ўйчан оққан жойларида эса юлдузлар осмондаги каби порлаб турарди. Хаёлимдан шундай фикрни ўтказдим: даштдаги чашма баъзи кўнгли очиқва орзу-истаклар билан тўлиб-тошган, гўё бутун оламни ўзида мужассамлаштирган инсоннинг руҳий ҳолатини эслатар экан.

Мен булоқ бўйида ўтириб, тунги сокин даштни томоша қилдим, уни бутун вужудим билан ҳис этдим, хаёлан қайта тасаввур этдим. Бу ширин хаёлларимни кимга айтай, кимга изҳор этай? Изоҳлашим қийин-у, аммо сочи пешанасига тушиб турган, номи номаълум қиз менга худди ана шу одамдай туюларди. Фақат ўшагина кўнглимдагини тушуна олар, фақат ўшагина ҳис-ҳаяжонларимга шерик бўла

биларди. Эҳтимол, бунинг сири бизнинг биринчи марта шу булоқ бўйида учрашганимизда ва унга Бўтакўз деб ном қўйган кезларимизда пайдо бўлгандир.

Қаерда экан ҳозир, менинг хаёлим у билан банд эканлигини билармикин? Яқинда ерни ҳайдаб бўламиз, шунда мен уни излаб топаман, бу ерга, булоқ бўйига олиб келиб, Анорхой ўлкаси ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Шеър билан эмас, йўқ, масхара қилмасин, тагин. Анорхой чўлининг келажигини ўзимча қандай тасаввур этган бўлсам, шундайлигича сўзлаб бераман.

Бу ердан кетаётиб яна юлдузлар тўла осмонга суқланиб қарадим. Нимаики кўрсам, кўзларим қувончга тўларди. Аммо шу маҳал тепалик устида хотин кишининг аввалгидек беўхшов ва нурсиз тош ҳайкали кўринди. Назаримда, у ҳозир ҳам атрофдаги ҳамма нарсалардан беҳабар, оқиб тушган нурсиз кўзини қисиб, олисларга руҳсиз боқиб турарди.

Ой ҳам чиқди, мен ҳайдалган ернинг нариги томонида секин жилиб келаётган иккита шарпани сезиб қолдим. Бу кийиклар эди. Қаёққа кетишаётганикин? Эҳтимол, сув ичгани келишаётгандир. Кийиклар ҳайдалган ернинг чеккасига келиб, нефть ва темир ҳиди анқиб турган шудгорга ўтишга журъат этолмай, таққа тўхтаб қолишди. Улар кумушранг товланган ой нурида шу бўйича қимир этмай узоқ туришди. Шохлари тарвақайлаб кетгани эркак кийик, яғрини пастроғи ургочи кийик, ойдинда иккаласининг ҳам катта-катта кўзлари ялтираб турарди. Енгил бошларини сергаклик билан юқори кўтариб, бир-бирининг пинжига кириб туришарди.

Улар шу тарзда узоқ қотиб турдилар. Кийикларнинг бу туриши: даштликка нима бўлди, эски сўқмоқ йўллар қаёққа йўқолди, қандай куч бу ерлар-ни ағдартўнтар қилиб ташладийкин, деяётгандай эди.

Улар ҳайдалган ердан ўтишга журъат этишолмади. Орқага қайтишди, хипча белларида ойнинг кумуш шуъласи хиёл акс этиб турарди.

Улар бемалолузоқлашсин деб, яна бир оз ўтирдим. Сўнг ўтовга қайтиб келиб, қоронгида ўз жойимни пайпаслаб топдимда, алламаҳалгача ухлаёлмай чўзилиб ётдим.

Шу пайт қулоғимга пичирлаган овоз эшитилиб қолди. Абубакир билан Қалипа бирга ётишганди. Эҳтимол, илгарилари ҳам шундай бўлгандир, бироқ мен буни билмасдим. Қалипа энтикиб йиғлар, алланарсаларни гапирар эди. Лекин мен нималигини тушуна олмадим.

— Бўлди, бас энди, етар, — деди Абубакир уйқу аралаш, — шаҳарга борсак, ҳаммасини тўғрилаймиз. Бир-икки кун ётасан-у... Бекорга қайғуришнинг нима кераги бор.

Қалипа алам билан жавоб қайтарди:

— Бунинг учун ташвишланаётганим йўқ. Ўзимдан нафратланаман, нега мен сендай бир одамни севиб қолган эканман. Нимангга учдим сенинг, ҳайронман. Кошки сен одамларга бирор яхшилик қилган бўлсанг. Нима бўлиб сенга бир итдай ёпишиб қолганимни билмайман.

— Пушаймон қилмайсан, иш тугагач, сени дарҳол олиб кетаман.

— Йўқ, пушаймон қиламан, умр бўйи пушаймон қилиб ўтаман. Лекин нима бўлса ҳам кетаман. Ёлғиз қолишни истамайман...

— Секинроқ гапирсанг-чи! Яқинроқ ёт, ҳа, аллақачоноқ шундай қилишинг керак эди, бутун ёстиқни ҳўл қилиб ташлаганингни қара.

Мен бошимни буркаб олдим. Дилимни сиёҳ қилувчи бу гапларни эшитмаслик учун тезроқ ухлаб қолгим келди.

БЕШИНЧИ БОБ

Қуёш кун сайин қиздираётган эди. Сорокин тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. Суръатни ошириш зарур эди. Вақт қисталанг, тупроқ эса тобора қуриб боряпти. Биз яна беш кунча ер ҳайдашимиз керак. Экувчиларнинг ҳам шунча кунлик иши қолган.

Сорокиннинг айтишича, куздан бошлаб бу ерларни шудгор қила бошлаймиз, келаси йил эса бу ерга жуда кўп тракторлар келтирилиб, махсус РТС ташкил этилади. Сорокин ҳамма ишни режа билан олиб борарди. У ҳар куни чўлни, ундаги жарлик, сойликлару пастқам ерларни айланиб юрарди. Даштни шунчаки билибгина қолмай, унинг ҳар бир қаричигача ўрганиб олган, бу ерларнинг ҳаммаси унинг миясида ўрнашиб қолгандай эди.

Энди Анорхойда қиш қаттиқ келган пайтларда, илгаригидай машина ва самолётларда ем- хашак ташиб юрмаслик керак. Сорокин бунинг ҳам иложини топади.

Биз Абубакир билан ярим кечагача ер ҳайдаймиз. Далада тунаб, тонг отиши билан яна ишга киришамиз. Иш шу қадар оғирки, Абубакир менга тегажоқлик ҳам қилмай қўйди. Худди у мени кўрмаётгандай, эътибор ҳам бермасди. Аммо яширин адовати хўмрайган кўзларидан сезилиб турарди. Бу энди менинг учун хавfli эмас. Мен ўз ишимни қилиб, ўз орзу-умидларим билан яшайман. Тепалик остидаги сойликка, чўпонлар олдига борадиган ва у ерда жингалак сочли қизчани излаб топадиган куннинг келишини орзиқиб кутардим.

Ўша кунларда биз янги бир катта майдонни ҳайдашга киришган эдик. Ўз ишингдан қаноатлансанг, кўнглингга ёққан иш билан банд бўлсанг, бирор янгиликка қадам қўйиш доим мароқли бўлади. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам дафтарнинг янги саҳифасидан ёзишни яхши кўрардим. Эрталаб ҳали ҳеч ким юрмаган қор устидан чопиб юришни, биринчи бўлиб из қолдиришни севардим.

Баҳорда ҳали ҳеч ким юрмаган тоғ ён бағирларига чиқиб, илк бор очилган лолаларни теришга ошиқардим. Бунда кишига ҳузур бағишлайдиган, ўзига мафтун этадиган қандайдир сир бор. Бепоеён Анорхой даштида, ҳозиргача инсон қадами етмаган ерда янги из қолдириш менинг учун дастлабки сатрдек, ҳали из тушмаган оппоқ қордек, қўл урилмаган лоладек туюларди.

Рама устида туриб олиб, плуг тишларининг оёғим остидаги биринчи жўяклар ҳосил қилишини завқланиб томоша қиламан. Кўзни қамаштирадиган ялтироқ тишлар сиратиним билмай ер бағрини тилиб, қатламларни секин-аста ағдариб боради.

Чеккадаги плуг тиши остидан гўё тўлқинлар устида балиқ ўйноқлаётгандай, нимадир тўсатдан ялт этиб кетди. Тишнинг ялтироқ юзида ўт бўлиб ёнди ва дарҳол эгат орасида ғойиб бўлди. Мен шу заҳоти плугдан сакраб тушдим-да, ўзимни ўша жойга отдим, тупроқ остидан чўзиқ шаклдаги огир металл парчасини олдим. Бу шунчалик гўзал нарса эдики, ҳаяжонланганимдан қўлларимни ёзиб қичқариб юбордим:

— Олтин!

Овозимни эшитган Абубакир менга қайрилиб қаради ва тракторни тўхтата солиб ерга сакраб тушди.

— Нима топдинг?

— Олтин! Қарагин, Абубакир, олтин!

У мен томон аввал секин-аста, сўнг бирдан шошиб юра бошлади. Мен бу олтин рангли чиройли нарсани кафтимда тутиб унга узатдим.

— Қани! Наҳотки олтин бўлса! — деб, мен узатган нарсани қўлига олди ва у ёқ-бу ёғини кўриб, енги билан артди. — Ҳе, бу ерда олтин нима қилсин, — деди бўғиқ овоз билан. Кейин кутилмаганда ранги ўчиб кетди, — олтин бўлиши мумкин эмас, — Абубакир металл парчасидаги лойларни тирноғи билан тушириб, зўрма-зўраки илжайди. Кўзларимга боқмай истар-истамас металлни менга узатди.

— Нега, олтин бўлмас экан! — дедим жаҳл билан. — Бунинг оғирлигини кўр, 800 граммча келади. XII асрда бу ерларда мўғуллар яшаган. Улар бу ерга келишдан олдин Хитойни забт этиб, кўплаб олтин олиб чиқиб кетганлар. Эҳтимол, бу ҳам ана шу тарзда бу ерларга келиб қолгандир. — Мен бу гапларни топган нарсам ҳақиқатан ҳам олтин эканлигини тасдиқлаш учун айтдим. Ана шу ишонч билан маст бўлиб, хом хаёлимни давом эттирдим. Ўзимни ҳам, ҳайратда қолган Абубакирни ҳам сўзларимнинг тўғрилигига ишонтирмакчи бўлдим. — Биласанми, бу нарса неча асрлардан бери ер остида ётибди? Бўлак металл бўлса аллақачон занглаб кетарди. Бу эса зангламаган, ҳақиқий олтин. Бир вақтлар бу ерда Анорхой кўчманчи қабилалари ўзаро жанг қилганлар. Бу ерларда қанақа жанглар бўлганини билсанг эди! Бу нарса ўша замонлардаги хонлар қиличининг дастаси бўлса эҳтимол. Мана, ўзинг ҳам ушлаб кўр, ушлаш учун қандай қулай.

Абубакир парчани олиб, қўлида салмоқлаб кўрди.

— Олтин бўлмаса ҳам, қизиқчилик учун биладиган кишиларга кўрсатиш керак, — деди-да, уни чўнтагига солиб қўйди. — Яна сен буни плугдан тушириб қўйма, менда турсин.

— Ха, майли, — рози бўлдим мен.

Абубакир оғирлашган чўнтагини ушлаганича трактор томон кетди.

Биз яна ишни давом эттирдик. Мен топган нарсамни қандай қилиб ўқитувчим Олдиёровга эсдалик учун етказишни ўйлардим. Унда бунақанги буюмлар кўп. Топган буюмимни кўрса у, албатта, бирор қизиқ нарсани ҳикоя қилиб берар эди. Кейинчалик мен чарчаб қолиб, олтинимни унутдим. Тракторнинг безовта ҳаракати мени жуда эзиб қўйди: ҳозир Абубакир машинани жуда галати ҳайдаётганди. Гоҳ иккилангандай секин юргизар, гоҳ моторни қаттиқ гуруллашиб шиддат билан ҳайдар эди. Тракторнинг трубасидан бурқсиб чиққан қора тутун ҳайдалган ерга ним ранг бўлиб ёйилар эди.

Биз кечгача шу ҳолда ишладик. Қуёш ботган бўлса-да, дала ёруғ эди. Абубакир кабинадан бир неча бор бош чиқариб, менга аллақандай сирли қараб қўйди. Мана, у тракторни ҳам тўхтатди.

— Бу ёққа кел! — деб қўл силкиди у.

Мен кабинага чиқдим. Абубакирнинг ранги-рўйи ўчиб, кўзлари саросималик билан чор атрофга алангларди. У пешанасидаги терларни артиб, мотор овози аралаш шундай деди:

— Қичқирай десам овозим етмасди, сен бор, ричагларни ўрнатгин-да, кейин тракторни бир оз ўзинг ҳайда. Тобим қочиб турибди, негадир мазам йўқ. Соф ҳавода айла-ниб келай-чи, зора тузалиб қолсам...

— Бор, боравер, — дедим мен.

Плуг олдига бориб қайтиб келгунимча Абубакир трактордан тушди. У ранги оқариб, бирданига ўзгариб кетган эди. Икки букчайганича аста қадам ташлаб, индамай бир чеккага қараб йўл олди.

«Ҳа, у қаттиқ касал бўлиб қолганга ўхшайди. Эҳтимол қорни оғриётгандир, ана, қорнини ушлаганча букчайиб кетяпти», — дедим кўнглимда ва тракторни ҳайдаб кетдим.

Трактор бир текисда жадаллаб юриб кетди. У яна менинг ихтиёримда эди. Ҳар галгидек ҳаяжонланиб, машинани тўғри ҳайдашга интиламан. Картанинг у бурчига етиб тракторни бурдим-да, орқамга қайтдим. Қош қорайиб, совуқ туша бошлаган эди. Олдинга диққат билан қараб: «Яна икки марта айлангач, тракторнинг чироқларини ёқаман», деб кўнглимдан ўтказдим. Олдимда, тепаликнинг ён бағрида кимдир тез-тез қадам ташлаб узоқлашиб борарди. Кейин у пастга чопиб тушиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен унинг елкасинигина кўриб қолдим. Бу Абубакир эди. Унга нима бўлди? Қаёққа югуриб кетди у? Эҳтимол, бирор нарса кўриб қолгандир. Даланинг ўртасига бориб кабинадан бошимни чиқарган ҳолда бир дақиқа қараб турдим, аммо Абубакир кўринмади. У қаёққа кетдийкин? Ахир, у

касал эди-ку? Қизик. Тракторни тўхтатдимда, моторни секин юргизиб қўйдим.

— Абубакир! Ҳой, Абубакир-и-ир! — деб қичқирдим. Ундан садо чиқмади. Шундан кейин овозим баралла эшитилсин деб моторни бутунлай ўчириб қўйдим.

— Абубаки-ир-ир! Қаерга кетдинг, жавоб бер! — деб қичқирдим чўлга қараб.

Лекин оқшом қўйнида кенг дала сукут сақларди.

Унинг аҳволи оғирлашиб қолган бўлса-чи? Хаёлимда у гужанак бўлиб тўлганиб, қаддини ростлай олмай, ерда юмалаб ётгандай эди. Трактордан сакраб тушдимда, жоним борича чопиб кетдим. Тепаликдан ошиб тушиб у ёқ-бу ёққа қарадим. Ҳеч ким кўринмасди. Бир баланд тепалик устига чиқиб қарасам текис далада кетиб бораётган Абубакир кўриниб қолди. У анча узоқлашиб кетган эди.

— Абубаки-ир-ир! Қаёққа кетяпсан? — деб қичқирардим.

Бироқ у орқасига қайрилиб қарамади, кўп ўтмай эса худди ер ютгандай кўздан ғойиб бўлди.

Мен яна бир оз турдим-да, маъюсгина орқамга қайтдим. Уфқ шуъласининг сўнгги тиглари кўкда заиф жилваланарди. Дашт саҳнини қоронғилик қоплади.

Изтиробга тушиб, паришонхотир юриб борардим. Бу сукунат менга бирдан галати бўлиб туюлди. Гўё дашт мениннг қадам ташлашларимга, фикру ўйларимга қулоқ солиб тургандай эди. Мен Абубакирни ўйлардим. Бу ўлкада ўтмишда бўлган воқеаларни гапирганимда Абубакир мени масхара қилар, гапларимга ишонмасди. Энди бўлса бу лаънати олтин ҳақида қаёқдаги гапларни гапирсам ҳам ҳангу манг бўлиб қолди... Йўқ, бундай кишилар ҳушини йўқотмайди! Аслида у аллақачонлардан бери бир ёмон фикрда юрган экан чоғи. Бу ҳақда баъзан гапириб, Сорокинни кўрқитмоқчи ҳам бўларди. У бу ердагиларнинг ҳаммасини ёмон кўрарди. Ҳамма билан бир-бир уришиб чиққан. Хўш, Қалипа-чи? Абубакир ҳаммадан ҳам кўра ундан тезроқ қутулишни ўйларди. Бу ҳомиладор хотиннинг ишқини Абу-

бакир бошига урармиди. Маошини ҳам кутиб юрган экан шекилли. Кечагина маош олди, ёнида катта пул; у ҳеч қачон пулини ўтовда қолдирмай, доим ўзи билан бирга олиб юрарди. Демак, у бир оз пул тўплаган, бунинг устига, мен топган нарса олтин бўлиб чиқсами...

Хаёлимни Қалипанинг овози бўлди:

— Абубаки-и-и-ир! Қаёқдасизлар!

Тунда ишлашимиз учун у бидонларда сув келтирганди:

— Қаёққа кетиб қолдинглар? — Қалипа мени ташвишланиб қарши олди. Юрагимни ваҳима босиб кетди! — Сенларни кутяпман-кутяпман, трактор турибди-ю, даракларинг йўқ!

Мен унга нима ҳам дер эдим. Гапнинг ростини айтдим-қўйдим:

— Абубакир ишни ташлаб кетиб қолди.

— А... Нега? Нима учун? — дудуқланиб сўради Қалипа.

— Билмадим.

Унга олтин ҳақида оғиз очмадим. Абубакирнинг бу ишидан уялиб кетган эдим.

— Демак, кетибди-да?.. — Қалипа бир оз жим турди-да, сўнг аравадан бидонни шиддат билан кўтариб зўрга ерга туширди.

— Бу сувни нега олиб юрибман-а? — деди довдираганча ўзига-ўзи.

Мен бидонни кўтариб, радиатор ёнига олиб бордим. Қалипа эса кабинага юзини қўйиб аччиқ-аччиқ йиғлади.

Кўнглим бузилиб кетди. Уни қандай қилиб юпатишни билмадим.

— Балки қайтиб келар, — дедим ўз гапимга ўзим ҳам ишонмай.

— Мен унинг учун йиғлаётганим йўқ, — деди у ўпкаси тўлиб, кўз ёшлари билан ювилган юзини менга ўгириб.

— Ишонардим, орзу қилардим! Лекин кимга ишониб юрган эканман?

Нимани орзу қилиб юрган эканман? — дея тўсатдан фиғон кўтарди, дардли овозининг акс-садоси бутун даштни қоплади. — Ишчан йигит деб ўйловдим, бадфеъллиги бора-бора йўқолиб кетар деб ўйлагандим. Яхшилик билан, меҳр-муҳаббат билан унинг қалбини юмшатмоқчи бўлувдим. У бўлса ҳеч нарсани тушунишни истамади. Қандай келган бўлса, шундайича ғойиб бўлди. Алам қилади одамга, билсанг эди, шундай алам қиладики!

Мен маъюс ва гаранг бўлган ҳолда жим турардим. Қалипанинг аҳволига жуда ачиндим. У қандай қилиб мана шундай одамни севиб қолганлигини тушуна олмасдим... Аммо Абубакир бугун Қалипани ташлаб кетиб, ҳақиқий бахтдан ажралганлигини билса эди, унда Қалипа эмас, балки унинг ўзи киш бўронида қолган бўридай бўкириб йигларди.

Қалипа аравага ўтирди-да, хомушгина қайтиб кетди.

Анорхой дашти жимгина ухлаб ётарди. Узоқ-узоқлардан паровоз гудоги ёвшон буталари узра аранг етиб келарди. Эҳтимол Абубакир юк поездига осилиб кетаётгандир. Кетавер, аблаҳ, сенинг йўлинг ўша ёқда! Анорхой сенсиз ҳам тураверади, сенсиз ҳам ишимизни бажараверамиз.

Уни бошқа эслашни истамасдим. Ишга киришиш керак. Мен моторни ёндириш учун анча уриндим. Кейин кабинага ўтирдим, чироқларни ёқиб юбордим. Энди ҳамма иш учун ўзим жавобгарман. Қани энди ўша дилбар қиз ҳозир ёнимда бўлса-ю, бу ёввойи ёвшонзор дашт ажойиб Анорхой ўлкасига айланажагини ҳикоя қилиб берсам.

1961 йил.

Қисса

БИРИНЧИ БОБ

Ота, мен сенга ёдгорлик ўрнатолмадим. Сенинг қаерга дафн этилганлигингни ҳам билолмайман. Ушбу асаримни, отам Тўрақул Айтматов, сенга бағишлайман. Она, сен бизни улғайтириб одам қилдинг. Сенинг узоқ умр кўришингни тилаб, онам Наима Айтматова, сенга бағишлайман.

Айтматова, сенга бағишлайман.

– Омонмисан, қутлуғ далам!

– Шукр. Келдингми, Тўлганой? Бултургидан анча чўкиб қолибсан. Сочларинг оппоқ, қўлингда ҳасса.

– Умр ўтиб боряпти, она-Ерим, орадан тагин бир йил ўтди. Бугун менинг сигинадиган куним.

– Келишингни билардим. Кутаётгандим, Тўлганой. Бу сафар набирангни ҳам эргаштириб келмоқчи эмасмидинг?

– Шундай эди-ю, лекин бу сафар ҳам ёлғиз келдим.

– Демак, сен унга ҳали ҳам ҳеч нима айтмабсан-да, Тўлганой?

– Йўқ, айтолмадим.

– Ишқилиб, эртами-кечми, ахир бир кун у ҳам эшитади-да, Тўлганой. Эл оғзига элак тутиб бўлади, дейсанми?

– Тўғри айтасан. Эртами-кечми, ахир бир куни билади. Ўзи ҳам улғайиб, яхши-ёмонни тушунадиган бўлиб қолди. Бироқ мен учун ҳали ҳам темир қанот палапонга ўхшаб кўринади. Болалик қилиб ўтган-кетгани тўғри тушунолмай, кўнгли совиб қолмаса деб ташвишланаман. Бари бир одам ҳақиқатни бир кун эмас, бир куни билиши керакда. Мен билган ҳақиқатни, сирдошим хосиятли ер, сен билган ва эл билган ҳақиқатни ҳозирча ёлғиз угина билмайди, холос. Билганда нима дер экан, қандай ўй-хаёлларга борар-

кин, гапнинг тагига етолармикин? Қандай қилиб ўша дилини огритмай, ёшлигиданоқ ҳаётдан кўнглини қолдирмай, сиримни айта олсам экан? Қани энди икки оғиз сўз билан битадиган иш бўлса. Кейинги кунларда фақат шуни ўйлайман, туну кун хаёл сураман. Қишда тобим қочиб, тўшакда ётганимда ҳам ўлимдан қўрқмаган эдим, ажал етса тап тортмай ўлимни қарши олардим. Бироқ, куним битиб, кўзим юмилиб кетса, айтадиган васиятимни айтолмай, ўзим билан гўрга олиб кетаманми, деб юрагимга ваҳима тушди. У эса йўқ, буни қайдан билсин, у тентак, мактабни ҳам йиғиштириб қўйиб, ёнимдан силжимамай қолди. Онасининг худди ўзгинаси: «Энажон, қаеринг огрияпти? Сув ичасанми, ё доридан берайми? Устингни ёпиб қўяйми, энажон?» – деб гирдикапалак бўларди. Ўшанда тилим бормади, кучим етмади. Бойқушим, ичида ҳеч кири йўқ, содда дил нарисида гўдак эди.

Ҳеч нимадан гумон қилмасди. Унга нима ҳам дея олардим. Шуларни ўйларканман, калавамнинг учини тополмай қийналардим. Ундай қилиб ҳам, бундай қилиб ҳам фикрларимни тарозига солиб кўрардим: бу нарса жўнгина сўзлаб берадиган жумбоқ эмас экан-да. Қанчалик ўйламай, бари бир бир фикрга келиб тўхтаيمان: бўлган ҳақиқатни бола тўғри тушунсин деб мен унга ёлғиз ўз тақдиринигина эмас, балки бутун замонанинг тарихини, ўтган-кетганлар хусусида, ўзим ҳақимда, барига гувох бўлган, саховатли далам, сенинг ҳақингда, қолаверса, ўша кезде ҳеч нимадан беҳабар миниб ўйнаб юрган велосипеди ҳақида айтиб беришим керак. Балки шундагина тўғри қилган бўларман. Турмуш ҳаммамизни бир тугунга боғлаб, ҳамирдек қориштириб қўйган экан, ҳеч нимани яшириб ҳам, қўшиб ҳам бўлмайди. Ҳатто бола эмас, кекса киши ҳам бу ишни ҳар хил тушуниши мумкин. Кўзимнинг очигида шу катта қарзимдан қутулсам, ўлсам армонсиз кетардим...

– Бу айтганларинг тўғри, Тўлганой. Қани берироқ кел, мана бу тошга ўтир. Оёқ огриқсан- ку. Ўтир, бир йўлини

қилармиз. Олдинги сафар бу ерга келганинг эсингдами, Тўлганой?

– Ундан бери қанча вақтлар ўтиб кетди-ку, эслолмайман.

– Йўқ, сен ўша вақтларни эшлашга бир ҳаракат қилиб кўрчи, Тўлганой. Қани бир бошидан эслачи.

– Эсимда яхши қолмабди. Кичкиналигимда, ўрим маҳалида, ота-онам етаклаб келиб, гарамлар тагига ўтиргизиб қўйишарди.

– Ҳа, йиғламасин деб қўлингга бир бурда нон ҳам бериб қўйишарди.

– Кейин, каттариб қолганимда, эл яйловга кўчганда, ўша атрофда экинларни кўриб югуриб юрардим. Унда мен гизиллаб чопиб юрадиган, сочлари тўзгиган сариқ қиз эмасмидим. Ў, болалик-эй, унинг ҳам ўзгача гашти бор экан! Чорвадорлар ҳу пастки томондан сариқ ёйиқ текислигида чангу тўзон кўтариб кўчиб жўнашар эди. Бирининг кетидан бири турна қатор тизилишиб яйловга, салқин адирларга ошиқиб йўл олишарди, ўшандаги ёшлик чоғларим-эй! Уюр-уюри билан дупурлашиб, кишнашган йилқилар босиб кетгудек бўлиб келишаверса, буғдойнинг ичидан сакраб чиқиб, уларни ҳуркитиб юборардим.

«Эй, ердан чиққан алвасти, ҳап сеними!» – деб йилқи-чилар узун таёғини кўтариб мени қувлаб юборишарди.

Неча минглаб қўй туёқлари дўл ёққандагидек дупурлашиб ўша йўлдан ўтиб туришарди. Уларнинг орқасидан бой овулларнинг кўч-кўронлари ўтиб борар, йўрға миниб, қип-қизил чўғдек кийинган қиз-жувонларни кўрганимда, ҳайрон бўлиб, суқланиб қараб қолардим. Анча жойгача уларнинг орқасидан эргашиб югуриб-елиб борардим. Қани энди, мен ҳам шунақа рўмол ўраб, шунақа кўйлак кийсам, деб орзу қилардим.

– Рост, Тўлганой, сен унда яланг оёқ, яланг бош бир қашшоқнинг қизи эдинг. Бироқ, ўшандай шойиларни киймасанг ҳам, бўйинг етганда оқ сариқдан келган, етилиб тўлишган қандай сулув қиз бўлдинг. Сен унда кўланкангга

қараб қадам босардинг. Айниқса эрта биланги кўланканг худди ўзингдек хушбичим бўларди.

– Ушанда мен ўн етти ёшларда эдим. Ўша йили ўроқ ўриб юриб Сувонқул билан учрашмаганмидим. Сувонқул бу ерга Толоснинг юқори ёғидан ёлланиб келган эди. Ҳозир кўзимни юмсам хаёлимда Сувонқулнинг ўша вақтдаги қиёфаси гавдаланади. Ёшгина, ўн тўққиз-йигирмалардаги йигит, ўзи хипчароқ кўринса ҳам, қўллари пайдор, темирдек салмоқли эди. Чакмонини доимо елкасига ташлаб юрарди. Ёнингда шеригинг ўроқ ўриб юрса, кишининг қалбини қувонтиради: ҳар ишнинг қиёмини келтириб ишлайдиган азаматлар бўлади-ку, Сувонқул шундайлардан эди. У тезда ўзиб кетар, мен ҳам ўроққа чаққон эдим, шундаям ортда қолиб кетардим. Сувонқул қайтиб келиб, менинг тегишимдан ўра бошлаганда изза тортардим:

«Сизни биров ёрдамга чақирдим? Талтайманг, кетинг бу ердан, ўзим ҳам битираман!» - десам кулиб қўйиб, индамай ишлайверарди, ўшанда нимадан орланган эканман? Энди билсам, эркаланган эканман...

– Сизлар ўшанда ишга доим элнинг олди бўлиб келардиларинг, Тўлғаной.

– Тўғри. Эл уйғонмай, гира-шира тонг ёришганда Сувонқул билан иккимиз бирин-кетин ишга кетардик. У мени бериги томондан қарши оларди. Ўша кунлар, ўша ажойиб тонг отишлар бизнинг севги кунларимиз экан. Бир-бирига келаётганда дунё бошқача кўриниб, бошқача сезиларди. Эл-юртга нон берган жонажон деҳқон далам, бўзариб-сарғайиб ётсанг ҳам, оппоқ тонгларни денгиздек тошиб, қучоғини сенчалик очиб, сенчалик ўртаниб ким кутиб оларди! Ўша тонгларни сенга ҳамроҳ бўлиб биз кутиб олардик, ўша тонгларни сенга ҳамроҳ бўлиб тўрғай кутиб оларди. Кўримсизгина бўз тўрғай осмонда бетиним қанот қоқиб пирпираб, гўё одамнинг осмонда учиб юрган юраги каби бир нуқтадек бўлиб кўринса ҳам, қанчалар нозик, қанчалар киши дилини тўлқинлантирувчи қўшиқлар

тўқиб, зорланиб сайрар эди. «Ана, бизнинг тўрғай сайради!» - деб кўяр эди Сувонқул. Қизиқ, тўрғайни ҳам ўзимизники қилиб олган эканмиз. Хуш овозингдан айланай, тўрғайим...

- Рост, Тўлганой, ўша тўрғай сизларнинг тўрғайингиз эди.

- Эсингдами, Ер, ўша ойдин кеча? Балки, табиатда, иккинчи бор ундай тун бўлмас. Ой ёруғида ўроқ ўрамиз деб Сувонқул иккаламиз қолиб кетмаганмидик. Ҳу уфқ ортидан кумуш ранг ой кўтарилганда, юлдузлар ҳам осмон узра бирин-кетин кўз очишди. Ўшанда биз уват четида Сувонқулнинг тор чакмонини остимизга солиб ариқ қирига бош қўйиб чўзилиб ётганимиз. Шу кеча биз умр бўйи йўлдош ажралмас ёр бўлиб қовушдик. Сувонқул чўяндек қўли билан кокилимни силаб, манглайимдан юзимдан эркалатиб сийпаганда, унинг қони жўшиб ураётган қалбимнинг ҳарорати кафтидан сезилиб турарди. Мен унга эркалаб: «Сувон, нима дейсиз биз бахтли бўламизми, а? - десам, эсингдами ўшанда айтган гаплари: «Ер-сув элга тенг бўлса, биз билан ҳам экин экадиган еримиз бўлса, биз ҳам эл қатори ер ҳайдаб, экин экиб, хирмон бизнинг бахтимиз ўша. Бизга бундан ортигининг нима кераги бор, Тўлган. Дехқоннинг улуши эккан экинида» - демаганмиди. Унинг айтган сўзларига нима учундир беҳад қувониб кетиб, бўйнидан маҳкам қучганимча, лабларидан жон-танним билан ўпдим... Сўнгра ариқдаги сувга чўмилиб чиқдик-да, яна ўз ўрнимизга келиб, қўл ушлашиб, жимгина осмонга қараб, роҳатланиб ётдик.

Ер, сен ҳам ўшанда сокин ойдин тунда салқин тортиб, бизга қўшилиб яйраб ётдинг.

Гармсел эсганда ширин асал ҳиди широлжин билан эрманнинг хушбўй ҳидига аралашиб бугдойзорга тараларди, бугдойзор шувуллаб, бошоқларга тушган ой нури олтин кўлдек чайқалиб ётарди. Ёки ўша тунни табиат бизга атайлаб шундай ҳолда бахш этдимикин?

Ярим кечаси юлдузлар тўдасига қарасам, сомон йўли оламнинг у бошидан бу бошигача ёйилиб ётган пайти экан. Сувонқулнинг айтганлари эсимга тушиб, хаёлимда осмоннинг ўша кумуш йўли билан қандайдир азамат бир деҳқон катта қучоқ сомон кўтариб ўтгану, гўё унинг улкан қулогидан сочилиб тушган дон, тўпон барака тўкиб из қолдириб кетгандек эди.

Орзумизга етсак, менинг ҳам Сувонқулим шундай сомон кўтарган деҳқон бўлса, хирмоннинг бетидан биринчи совуриб олган сомонидан қучоқ тўлдириб йўлга тушганида, худди ўшандай барака тўкилган йўл солиб ўтса, деб ўйланиб ётдим. Она-Ерим, биринчи марта сенга ўшанда гапирдим. Эсингдами менинг айтганларим?

– Эсимда, Тўлғаной! Сен ўшанда менга юзланиб, бундай дегансан: «Ер, жон ато этган Ер, бизни кўтариб юрган Ер, сен бизга бахт бермасанг, нега Ер бўлиб аталгансан, биз нечун дунёга келганмиз! Биз сенинг болаларингмиз, Ер, тилакдош бўлгин, орзу-нияти-мизга етайлик!» - деб айтгансан, Тўлғаной.

– Ҳа, шундай деганман. Кун чиқар пайтда кўзимни очсам, Сувонқулим ёнимда йўқ. У аллақачонлар туриб, ўроқ ўриб ётган экан. Қачон турганини билмайман, роса қийратиб ташлабди; буғдой пояда боғ-боғ буғдой уюлиб ётибди.

«Ҳой, Сувонқул, бу нима қилганингиз?» - дедим. У кафти билан терини артиб: «Сени ухласин дегандим» - деб кулиб қўйди. Мен унинг бу ишидан бир оз ўпкалаб: «Кечаги гапларингиз қани, шу ҳам тенг шериклик бўлибдими?» - десам, у ўроғини ташлаб, югуриб менинг олдимга келдида, қучоқлаб қўлида кўтарганча: «Кўзингдан айланайин, Тўлған, кўзингдан ўргилиб кетай, тенг шерикмиз, бундан буён яхши, ёмоннинг барига шерик бўламиз!» - деди. Шу зайлда мени қўлидан қўймай, эркалатганича алланарсалар

ҳақида гапирди, мен бўлсам хурсандлигимдан кулардим. Бир вақт қарасам, мени кўтарганича тепаликка югуриб чиқди-да, кўтарилиб келётган қуёшга қараб: «Эй қуёш, кўрдингми? Кўрдингми менинг жононимни! Мана, мана, кўриб ол, кўрманани бер, бергин суюнчингни аямай!» - деб қичқирди. Ҳазилими, чиними – билмайман, мен ўшанда йиглаб юбордим, қалбим қувончга тўлганидан ўзимни туюлмамай анчагача энтикиб-энтикиб йиғлардим...

– Қўй Тўлғаной, энди йиғлашинг яхши эмас. У йиғи бошқача йиғи эди, одамнинг умрида ундай йиғи бир мартагина бўлади. Энди нимага йиғлайсан. Йиғлама, ёки тилакларингга эриша олмадиларингми? Айт-чи тўғриси, сизларчалик ким бахтли бўла олди?

– Гапинг тўғри. Янги замонда Сувонқул иккимиз ҳам ўз меҳнатимиз билан вояга етдик. Биласан-ку, қишу ёз демай қўлимиздан кетмон тушмади. Меҳнатимиз зое кетмади – уйли- жойли бўлдик, мол-ҳол орттирдик. Тилагимизга етиб, уч фарзандли бўлдик. Ҳа, бирин-кетин уч ўғил кўрдик. Ҳозир баъзан ўйлаб ўтириб хаёлимга шундай мудҳиш фикрлар келади: нима учун йил сайин қўйга ўхшаб туғавердим экан? Одамларникидек ораларидан уч-тўрт йил ўтганда, балки, бундай фалокатдан четда қолишармиди. Балки, бутунлай дунёга келишмаганда нима қиларди! У, шўринг қурғурлар... Айланиб-қоқиниб кетайларим, сўзимни оғир олманглар, кечиринглар, кечиринглар оналарингни! Юрагим тутақиб, ўлгим келганидан айтётган гапим-да! Қандай қилай энди...

– Тўлғаной, эсингни йиғ... Сўзингни қайтариб ол. У болаларга шак келтирма. Уларни мен тирноқдайлигидан кўриб-билиб юрдим-ку. Уларнинг босиб кетган излари кўринмагани билан, менинг кўксимда муҳр бўлиб сақланиб қолган, Тўлғаной. У учала оға-иниларни сизларнинг фарзандларингиз эканини Сувонқул бу ерга биринчи марта трактор ҳайдаб келганда билдим.

- Ҳа, ҳа худди ўшанда. Сувонқул ўша йили қиши билан сувнинг нариги томонидаги ката қишлоқдаги тракторчилар курсига қатнаб, тракторчиликни ўрганиб олди. Унда тракторни ким билсин. Сувонқул уйга кечикиб келганда қаердаги бир бўлмағур ишларга ўралашиб юрибсиз, ундан кўра бурунги бригадирлигингиз яхши эмасмиди, эл қатори тирикчилигингизни қилсангизчи, деб уришиб ҳам берардим. Шундай десам, яна кулиб қўйиб: «Тракторни сен ўйинчоқ билиб юрганга ўхшайсан. Шошма ҳали, Тўлған, ёзда ҳайдаб келганимда биларсан» - дер эди. Даладан совқотиб чарчаб келганини кўриб, «Ке, қўй энди» - деб аяр эдим. Ўйлаб кўрсам, Сувонқул ишнинг кўзини билиб юрган экан. Тракторчилар ўқишига овулдан саводли бирон кимса чиқмаганда, Сувонқулнинг ўзи мен бораман саводимни ҳам чиқараман, деб бригадирликдан бўшаб олганди. У кезларда Қосим билан Майсалбек мактабга қатнаб юришарди. Отасига ўшалар муаллимлик қилишди.

Кечқурун уй ичимиз билан оворамиз. Сувонқул ерга бағрини бериб ётиб олиб, ёзишни ўрганганда, уч ўғли уч томонидан ўргатиб, ота, бундай қилиб ёзинг, қаламни бундай ушланг, қўлингизни қалтиратманг, тўғри ёзинг, деб ғужурлашиб ётар эди. Сувонқул кетмон чопгандан баттар қора терга тушиб кетарди. Ўзимни тутолмай кулгим келарди. «Қўйсаларинг-чи, болалар, оталарингни жонига тегмай, мулла қилмоқчимисизлар уни? Сувонқул, жонингизни мунча қийнамай, ё муллаликни, ё тракторни ўргансангиз-чи» десам, хўрсиниб қўярди. «Ҳаммадан ҳам сеники ўтиб кетди-ку. Тракторни ўрганиш учун анчагина муллалик керак экан-да. Масхара қилаверма!» Ҳайтовур, шундай қилиб юриб, охири мақсадига етди...

Илк баҳор, эндигина тупроқ кўчиб қолганда овулнииг четидан дукурлаган овоз чиқиб, аллақадан

хурккан йилқилар кўчани қоқ ёриб, пишқириб, тўпи билан чопиб ўтишди. Нима бўлдийкин, деб эшикка чопиб чиқсам, чорбоғ этагида трактор келаётган экан. Қоп-қора чўян машина, тутунини бурқситиб, баҳайбат ғилдираклари билан ерни ўйиб, гумбурлатганича тобора кўчага яқинлашиб келаверди. Унинг атрофидаги халқни кўрсанг, ёшу қари демай, бутун овул чувиллаб, чопқиллашиб юришарди. Одамларга кўшилиб мен ҳам югуриб етиб бордим. Қарасам, учала ўғлим бир-бирини маҳкам ушлашиб, трактор ҳайдаётган отасининг ёнида келишарди. Турқларини кўрсанг, ёвни енгиб келаётгандек, кўзлари чироқдек чакнаб, юзларидан нур ёғиларди. Ўзларида йўқ хурсанд бўлиб, гердайиб, мақтанишиб келишаётган экан. Улар ўша куни эрталабоқ кўприк томонга чопиб кетишган экан, менга айтишмабди ҳам, юбормай қўяди, дейишган бўлса керак. Болаларга эсим оғиб, бирон нима бўлиб қолмасин, деб:

– Қосим, Майсалбек, Жайноқ, ҳа сенларними! Тушинглар! - деб қичқирсам, тракторнинг гуриллашидан ўз товушимни ўзим ҳам эшитмай қолдим. Сувонқул менинг нима деганимни тушунди шекилли, кўрқма, дегандек кулимсираб қўли билан ишора қилиб қўйди. Унинг ҳам қувончи кўксига сигмай суюниб келарди. Сувонқул ўшанда ёшгина, қора мурт йигит эди. Э, Худоё, болаларнинг отасига шунчалик ўхшаш эканлигини ўшанда сезсам бўладими. Тўртталаси ҳам бирга туғишгандек. Айниқса, Қосим билан Майсалбек худди Сувонқулнинг ўзгинаси – қуйиб қўйгандек эди. Кенжам, Жайноғим бўлса, менга ўхшашроқ, оқ сариқдан келганди.

Трактор шу бўйи овулда тўхтамасдан тўғри далага чиқиб кетди. Ҳаммамиз бирдек – отлиқ ҳам, пиёда ҳам унинг кетидан қолмай эргашиб келяпмиз, энг қизиқтирган нарса – тракторнинг ер ҳайдаши эди.

Тракторнинг уч қатор тиши ер бағрини ёриб, чимларни кесиб-қўпориб юриб кетганда одамларнинг бари чувиллаб, «Балли-балли!» дейишиб, хуркиб тисарилган отларига қамчи босиб, унинг кетидан бирга юра бошлади. Нима бўлиб кўпчиликдан айрилиб қолганимни билмайман, бир вақт қарасам, ёлғиз ўзим қолибман. Трактор борган сари узоқлашиб боряпти мен бўлсам жимгина орқадан жавдираб қараб турибман. Бироқ, ўшанда ер юзида менчалик бахтли киши бўлмагандир, хурсандчилигим чексиз эди. Сувонқулнинг овулга биринчи марта трактор ҳайдаб келганигами, ё фарзандларимни шундай кўзга кўришиб, дастёр бўлиб қолишганигами – қайси бирига кўпроқ суюнишимни билмай, ёлвордим: «Қаторлашиб ўтирган бўй-бастиларингдан айланайларим! Илоҳим отангиздек одам бўлсангизлар розиман, ўшанда розиман тақдиримга!» дея такрорлардим.

– Ҳа, Тўлганой. Она бўлиб, оналик лаззатининг энг ширин дамларини ўшанда тотган эдинг. Сен унда тўлиб тошган, куч-қувватли аёл эдинг. Ишда ҳам ёшлардан қолишмас эдинг.

– Тани-жонинг соғ бўлса, ишлаганга нима етсин. Қолаверса, чиндан ҳам бахтли бўлган эканман. Бирга ўсган тераклардек ўғилларим эр етиб, ҳар бири ўз йўларини топиб қолишганди. Қосим отасига тортдими, трактор ҳайдайман деб юриб, трактор ҳайдаб, кейин комбайнчиликни ҳам ўрганиб олди. Бир ёз комбайнда штурвалчи бўлиб, сувнинг нариги бетигади «Қайинди» колхозида ишлаб юрди. Кейинги йили яна ўзимизнинг овулга комбайнчи бўлиб келди. Она бечорага болаларнинг бари бирдек азиз, албатта. Шундай бўлса ҳам ўртанча ўғлим Майсалбек билан кўпроқ фахрланардим. Эҳтимол, соғиниб юрганимдандир, уясидан эрта учган палопондек, Майсалбегим уйдан эрта кетмадими. У ёшлигиданоқ мактабда яхши ўқимасми-

ди. Китобга жуда ўч эди, китоб деганда муккасидан кетарди. Шундай қилиб юриб, мактабни битирган заҳоти, муаллимликка ўқиш учун шаҳарга кетмовиди. Кенжатоим, Жайноқ эса, ўта кетган қизиқчи, очиқ-сочиқ йигит бўлиб ўсди. Уйда туриш йўқ эди унда. Комсомолнинг секретариман, деб, ёшлар қаерда бўлса: мажлисдами, ўйиндами, тўгаракдами, деворий газета чиқаришяптими – бу ҳам ўшалар билан бирга ўша ерда бўларди. Гоҳ жиним кўзиб: «Ҳай, санқи, гармонингни ҳам, тўшагингни ҳам олиб, бир йўла колхоз идорасига кўчиб бора қолсангчи. Сенга уй-жойнинг ҳам кераги йўққа ўхшайди!»–десам, Сувонқул ўғлининг тарафини оларди. «Уришма, онаси, кўпчиликнинг юмуши. Бекор юрган бўлса, ўзим ҳам тизгинини тортиб қўярдим» - дер эди. Сувонқул ўша кезларда тагин бригадирлик қилаётган эди. Чунки тракторни энди ёшлар ҳайдай бошламаганмиди.

Кўп ўтмай келинлик ҳам бўлдик. Қосим «Қайинди»да ишлаб юрганда бир-бирига кўнгила кўйиб қолган бўлса керак, Алимани ўша ёқдан олиб келмадим. Кўҳликкина, хипча белли, ёшгина қиз экан, энг аввал бошдан унга меҳр кўйиб, ўз боламдек кўриб қолдим. Келин ақлли бўлса, ўз болангдек бўлмай нима бўларди. Ростини айтиш керак, келиним ёмон чиқмади.

Шунинг ўзи оиланинг катта ризқику. Ҳозир ўйлаб қарасам одам бошига давлат қуши қўнганда, одамнинг ўз феъли атворидан, оилага, элу халққа қилган муомаласидан бир-бирига улашиб, униб ўсиб, кўпайишиб бахт учиб келар экан-да. Шундай топилган толе қадр-қимматли бўларкан. Ўз қонингдек – тўкилса, жон берган билан баробар экан.

Алиман келган йил – унутилмас йил, эсдан чиқмас ёз бўлди. Ўша йили экинлар жуда эрта пишиб берди. Сойдаги катта сув ҳам ҳар йилгидан эрта тўлиб-тошиб оқди. Икки-уч кун сурункасига ёққан ёмғир тоғдаги

қорларни дарров эритиб юборди шекилли, дарёнинг ранги бузилиб, ҳадемай селдек тошқинлаб бостириб келди. Эскидан қалқиб турган оролчаларни бир кечада ямлаб, ювиб кетса бўладими.

Шунга қарамай, об-ҳаво ўнгидан келиб, бир текисда исиб турди. Етилиб қолган бугдойлар саргиш тортиб ер юзини қоплаб, этаги уфққа туташиб кетган қирлардаги экинлар пишиб берди. Ўшанда бизлар қўлга ўроқ тутиб ишга киришиб кетдик. Майдон чеккаларини ўриб, комбайнга йўл очдик. «Энди келининг билан беллашмай, уйда роҳат қилиб ўтирсанг бўлмай-дими!»-деювчилар ҳам йўқ эмасди. Бу сўзларга мен парво қилмасдим, қўлдан келса, эл қатори ишлаганга нима етсин. Келиним иккаламиз бирдек ўроқ ўриб юрдик. Ўша кунлардаги хотиралар ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Алиман бугдойзор чеккасида ўсиб турган гулхайридан бир даста териб олиб, бир вақт қарасам, мендан уялинқириб бугдойзор орасидан жимгина кетиб бораётган экан. Бу нимаси, қўлидагини нима қилар экан, деб турсам, йўл ёқасида турган комбайнга яқинлаб борди-да, гулдастасини комбайн зинапоясига қўя солиб, яна югуриб келди. Комбайнда одам қораси кўринмасди. Қосим қаёққадир кетган экан. У эрта-индин ўримга тушамиз деб комбайнни шайлаб қўйган эди. Алиманнинг бу ишига ич-ичимдан қувониб, Худо хоҳласа, иккаласи аҳил яшаб кетишар экан, деб келинимдан кўнглим таскин топди. Алиманнинг ўшандаги қиёфаси ҳали ҳам кўз ўнгимда: бошида қизил дурра, эгнида оқ кўйлак, хушбичим нимча, қўлида гулхайри ушлаган, ўзи қора мағиздан келган, шахло кўзлари чақнаган сулув келинчак эди. У, ажойиб келиним! Гулга мафтун келиним. Ўзиям гулга ишқибоз эди, эрта кўкламда қор остидан бўлса ҳам бойчечак териб келарди... Эсим қурсин, нимани гапираётган эдим. Ҳа, ҳа, ўша куннинг эртасига ўрим бошланиб кетмадими.

Йигим-теримнинг биринчи куни ўзгача бир байрам эмасми. Шунча юриб ўша куни қовоғи солинган ҳеч бир кимсани кўрмадим. Бу кунни ҳеч ким байрам деб атамаса ҳам, ҳар кимнинг овозида қандайдир қувноқлик, юриш-туришда ҳам, ҳайдаган араваси, минган оти, қилган иши ҳаммаси-ҳаммасида бирдек қувноқлик, тўғриси айтганда, ўримнинг дастлабки куни ҳеч ким ишлаб ёлчитмади. У куни ўйин-кулгидан, ҳазил-мазах гаплардан қўл бўшамайди. Айниқса ўроқчилар орасида қизиқ бўлади, унда ёшлар, қиз-жувонлар кўп эмасми. Томоша ўшаларда.

Қосим МТСдан мукофотга олган велосипедни миниб, эрталаб комбайни олдига кетаётгани, бир тўда шўх жувонлар уни тутиб олишди. «Нега сен велосипеддан туша солиб, бизга салом бермайсан? Сен гердайиб қолибсан! Ўроқчиларни кўзга илмай қўйганга ўхшайсан!»-дейишиб, Қосимни ҳар томондан тортишиб, Алиманга бош эгиб кечирим сўратишса бўладими. Қосим бу билангина қутулолгани йўқ. «Куллуқ қилдим, куллуқ қилдим!»-деганига қарамай, сен энди бизни велосипеднингга миндириб, худди ўрис қизлардек сайр қилдирасан, дейишиб, бир бирларини велосипедга кўтаришиб миндиришиб, орқасидан қийчув кўтариб юришиб Қосимни роса овора қилишди. Шунда ҳам велосипедда жим ўтиришмай, ўйнашиб: «Войдод, акажон, ўлдим, энди ўлдим, йиқилдим, войдод!»-дейишса, бошқаларининг ичаги узилгудек бўлиб: «Ўлсанг ўл, ўлсанг ҳам бўйнидан қучоқлаб йиқил!»-дейишиб далани бошларига кўтариб кулишарди. Шундай қилиб, Қосимнинг жиғига тегишарди. Унинг ўзи ҳам кулгидан маст бўлиб, бўлди энди, деб бирини айлантириб келса, яна бири тегажаклик қилиб унга осилишарди: «Ҳа, менинг ундан нима кам? Бурним пучуқ, кўзим қийшиқми?»-дейишиб жони ҳолига қўйишмасди. Охири Қосимнинг ҳам

жини кўзирди: «Ҳой, сизлар нима бало, қутурдингларми? Оч канадек ёпишасизлар-а? Бас энди. Масхарабозлик қилгани келганмисизлар ё ишлашгами?»

Шаддод келинлар шунда ҳам бўш келмай: «Ановини қаранглар! Ишни сен қиласан, ҳукумат комбайнни нимага чиқариб қўйибди!»- дейишарди.

Ёшларгина эмас, нарироқда туриб бу ўйин-кулгига биз ҳам роса қонардик, кулавериб ичакларимиз узиларди. Ҳо, ўшандаги мусаффо осмон! Ўшандаги қуёшнинг порлаши, ўшандаги донли бошоқлар, ўшандаги элнинг кулгиси!..

– Ҳа, Тўлганой. Ўша куни худди шундай бўлган эди. Сен ўша куни ўз толеингни янада чуқурроқ тушуниб, менга сиригини айтгандинг.

– Мен ҳозир ҳам шуни айтмоқчиман. Ҳозир ҳам ўша фикримдан қайтмайман. Ҳозир ҳам ўша кунларни туганмас жумбоқдек гапириб бераман.

Тез орада ўроқчилар ишга киришиб, адирда иш қизиб кетди. Саратон авжига миниб, қуёш сели қайнарди. Қалбим эрталабки қувончдан талпиниб, руҳим шодланиб, майин шабададан лаззат олгандек роҳатланарди. Ўша кунги қувончларнинг барчаси мен учун, менинг толеим учун ато қилингандек туюларди. Кўзим кўриб, қулоғим уққаннинг ҳаммаси борлиқни, ҳаёт гўзалликларини очиб, ором бахш этарди. Бир томондан ўроқларнинг жаранги, бир ёндан шовуллаб тўкилаётган буғдойларнинг ёқимли овози эшитилиб турса, нариги ёқда Қосимнинг комбайин тошқин сувдек гуркираб «Меҳнат қўшиғи»нинг янгича куйини куйлаётгандек, буғдойни шипириб ўрмоқда эди. Комбайинда ўтирган Қосим шаршарадек қуйилиб тушаётган буғдойга кафтини тутиб, бир ҳовуч донни юзига яқинлаштириб ҳидлаганда, ўзим ҳам бир қоп семириб кетгандек бўлдим: янги доннинг ҳидидек ёқимли ҳид бормикин!

– Э-эй, аравакаш, эртароқ бўл!-деб Қосим тоғ тепа-сида туриб жар солгандек қичқирган эди, дарҳол арава етиб келиши билан комбайн тўхтади, Алиман: «Су-вини элтиб берайин!»-деб кўзани олганича Қосим томонга югурди. Бугдойзор оралаб оқ кўйлак, қизил дуррали Алиман югуриб борар экан, қўлида ушлагани кўза эмас, гўё юрагини тортиқ қилиб кўтариб бораёт-гандек, севган ёрига бутун борлиги билан берилган-лиги унинг барча ҳаракатларидан сезилиб турарди. «Ҳойна-ҳой, Сувонқул ҳам чанқаб қолгандир»-деган хаёл билан ёнверимга қарасам у кўринмасди. Қайдан кўринсин, ўрим бошлангандан кейин бригадирда ти-ним бўлармиди. Эртадан-кечгача отдан тушмай дала айланиб юргани-юрган.

Кечки пайт ўроқчиларга аталган янги бугдой нони ҳам тайёр бўлди. Янги нонга биринчи бўлиб ўроқчи-ларнинг оғзи тегиши илгаридан қолган расм эмасми. Биз у ноннинг унини анҳорнинг четидан ўриб олин-ган бугдойлардан туйиб тайёрлаган эдик. Янги буг-дойнинг нонига оғзи текканда ҳар қачон ҳосиятли таом тотгандек бўламан. Кўринишда қора бўлса ҳам, хамири юмшоқ йўғрилган янги нон унча кўпчиб пиш-магани билан унинг думбул таъмига ва қуёш, ер, тутун анқиган тансиқ ҳидига нима етсин!

Қорни очган ўроқчилар ариқ бўйига йиғилишган-ларида, қуёшнинг оташ нафаси сўниб, уфқ сари бош кўйган эди. У кунги оқшом – одатдагидан ёрқин ва узоққа чўзиладигандек туюларди. Биз уй ичимиз би-лан олачиқнинг сиртидан ўрин олдик. Сувонқул ҳаде-ганда келавермади. Жайноқ эса эски одатича яна йўқ, акасининг велосипедини миниб, Қизил уйга варақа илмоқчиман, деб шошилиб кетганди. Алиман боши-даги дуррасини ерга ёзиб қўйиб, уйдан олиб келган олмаларни сочиб ташлади-да, косаларга ачитма қуй-ди. Комбайнни тўхтатиб, ариқдаги сувга қўлини ювиб

келгандан сўнг, Қосим ҳам келиб ўтирди. У чарчоқ ҳолда секин нон ушатар экан:

– Иссиққина экан ҳали ол, опа. Янги бугдойнинг нонини биринчи бўлиб татиб кўр, – деди

– Бисмилло, – деб нондан олдим, чайнаётим аллақандай бир янги таъм, янги ҳидни сездим. У ҳид – комбайнни қўлининг ҳиди – сомон, қорамой, темир ушлаган қўлларнинг ҳиди эди. Ноннинг ҳар бир тўғрамидан ўшандай керосин ҳиди ҳам келиб турарди, бироқ умримда шунчалик мазали нон емаган эдим, чунки у нонни ўғлимнинг меҳнаткаш қўллари ушатиб берган эди, у нон кўпчиликнинг нони, шу даврада тўпланишиб ўтирган кишиларнинг топган нони эди. Шу чоқда мен онанинг ким эканлигини, унинг бахти бамисоли бугдойнинг униб чиққан пояси бўлса, унинг туб-томири ер билан чирмашгандек, элнинг, кўпчиликнинг бахту саодатидан ажралмас эканини ўйладим. Ҳа, мен ҳозир ҳам бунга ишонаман.

Маили, бу бечора бошимга нималар тушмади... Эл-юрт бор экан – ҳаёт ҳам бор...

Шу аснода Сувонқулни кутавериш кеч ҳам кирди. Ёшлар у ёқдаги сув бўйига боришиб, жар ёқасида ловиллаган гулхан ёқишди, қўшиқ айта бошлашди. Уларнинг орасида қиёқ¹ чалиб баланд товуш билан қўшиқ айтган Жайноқнинг таниш овози қулоққа чалинар эди: «Овозингдан ўргилай, ёшлигингда сайраб қол, тенгқурлар билан жўр овоз бўлиб айтилган қўшиқ, кўнгилни очиб, одамларни бир-бирига яқинлаштириб иноқлаштиради» – деб, тинглаб ўтирдим. Ахир онаман-да, она! Фикри хаёлимда болаларим, уларнинг келажаги бўларди, «Қосим-ку одам бўлиб қолди, – деб ўйлардим ўзимча. Ёз чиқиши билан келинчаги иккови алоҳида уй-жой қуриб кетишади. Меҳнаткашлиги ҳам

¹ қиёқ-скрипкага ўхшаган чолғу асбоби

худди отасининг ўзи, қоронғи тушиб қолса ҳам комбайн, тракторнинг чироғини порлатиб, далада буғдой ўриб юргани-юрган эди, Алиман ҳам қаватида, иш вақтида бир дам бирга бўлиш ҳам улар учун ганимат эмасми. Майсалбегимни ўйлаганимда согинганимдан кўзимга жиққа ёш келарди. Ўтган жума куни хат ёзиб, унда бу йил ёзда уйга боролмасам керак, пионер лагерига бошлиқ бўлиб Иссиқкўлга жўнаяпман, дебди. «Майли, шу касбни севган экан, қаерда бўлса ҳам омон бўлсин»-деб дуо қилардим.

Сувонқул келиб овқатланганидан сўнг, тунда овулга қайтдик. Эрталаб мол – ҳолга қараши керак эди, кечқурун эса уларга кўз-қулоқ бўлиб туришни кўшним Ойшага тайинлаб келгандим. У бечора касалманд бўлиб, бир кун соғ бўлса, бир кун касал бўлиб ишга чиқолмас эди.

Биз отга мингашиб келаётганимизда, тун мудраб, дала осуда эди. Майин эсган шабада қоронғида шитирлаб, ўт-ўланлар бошини ялаб ўтар, ой шуъласида чайқалган буғдойзорлар мавжланиб, кўланкаларини ўйнатар ва толиққан ер уйқуга кетган эди. Олисда оққан сой шарқираб, гўё унинг бешигини тебратаётгандек туюларди. Буғдойзор ичида эса чигирткалар чириллар эди. Табиатнинг бу сукунатли дамлари қандайдир ўтган-кетганларни ёдга солиб, алланималарни эслатиб, юракни зориктирарди. Сувонқулнинг белбоғидан маҳкам ушлаб, мингашиб келяпман. У мени, олдинга ўтиришни таклиф этса ҳам, унамай, ҳар доим шундай орқада мингашиб юришни яхши кўрардим. Отни баъзан йўрғалатиб, баъзан йўрттириб бораётган Сувонқулнинг жимгина келиши ҳам, унинг камсуханлиги ва эгарда ҳорғин ҳолда ўтириши ҳам мен учун жондан азиз эди. «Ҳа, бояқишим, умр ўтиб, қариб боряпмиз, ҳар қалай умрни зое кетказмаганга ўхшаймиз. Ҳаёт шундай экан – иккаламиз гўё кечагина қўшилгандаймиз, буни қара, қанча вақтлар ўтиб кетибди. Шундай бўлса ҳам ҳаёт қандай ширин, ҳали

ҳам қалбдаги орзу-умидлар тугамайди»–деб ўйлаб келаётиб, бошимни кўтариб осмонга қарасам, юрагим «шув» этиб кетди: Сомон йўли худди ўша вақтдагидек осмоннинг у бошидан бу бошига чўзилиб ётган экан. Чиндан ҳам осмон гумбази бўйлаб тунги юлдузлар орасидан қандайдир бир алп деҳқон хирмонда бир қучоқ сомон кўтариб ўтгану, йўлда тўкилиб қолган тўпон кўзга аниқ кўриниб тургандек. Ҳатто сочилиб ётган сомонни шамол ўйнатаётгандек, милтираб учган майда учқунлар ялт-ялт қилиб товланиб ётарди. «Вой, тавба!»- деб ёқамни ушладим. Ўша тун, ўша ёшлик кезлари ярқ этиб кўз ўнгимга келди. Ўйлаб қарасам, ўшандаги орзу-ниятларимизнинг ҳаммаси рўёбга чиқмадими? Ҳа, ер-сув элники бўлиб, кўп қатори биз ҳам қўш ҳайдадик, экин экиб, хирмон кўтариб, тилагимизга етдик. Замон ўзгариб, бундай бахтли кунлар келишини ўшанда ким билсин, ҳайтовур, яхши ният – ярим мол, деганларидек, кўпнинг нияти ерда қолмас экан-да, дедим ўзимча. Шундай хаёлларга берилиб, жимгина кетаётганимда Сувонқул ялт этиб орқасига қайрилди: «Нима, ухлаб қолдингми дейман, Тўлғаной? Гапирмайсан? – деди. – Мен ҳам бугун роса чарчадим. Ҳозир уйга етамиз. Ёки янги кўча билан бурилиб кетайликми?» «Бурила қолайлик» - дедим мен.

Янги кўча деганимиз овулга кираверишдаги йўл бўйида эди. У кўча бўлиб кўча ҳам эмасди, ўша йили кўкламда уй қурадиган ёшларга участка берилган эди. Қосим билан Алиман ҳам янги кўчанинг бошидан ер олишганди. Гишларни аста-секин уч киши бўлиб қуйишиб, териб, пойдевор ўрнини ҳам қазиб қўйишганди. Ўтган ҳафтада икки кун сойдан тош териб, уйнинг ўрнига ташиб келтиришганди. Биз ўшани кўришга бурилдик, бундан буён ўроқ маҳалида кундуз кунлари осонликча қўл бўшайдими. Уюлиб ётган катта тепа тошларни кўриб, Сувонқул болаларнинг ишидан хур-

санд бўлди: Кўнглинг тўқ бўлсин, онаси, тош бемалол етиб ортади, молхоналик тош ҳам ортиб қолар,— деди у.— Йигим-теримни тугатгандан кейин, ёпирилиб, деворини кўтариб, устини «ёпиб оламизу, қолганини келгуси ёзда битказамиз. Тўғрим, Тўлган?» «Тўғри, устини ёпиб олсак, қолганини ҳам омонлик бўлса битказамиз. Жайноғимиз шошиб, ўпкасини қўлтиқлаб қолибди. Бу кўча Комсомол кўчаси аталсин деб қарор чиқардик, дейди. Алиман янгаси бўлса уни мазах қилиб кулиб: ҳой кичкина бола, тугилмаган болага элдан бурун от қўйгандек, яланғоч ерга ном излаб овора бўлиб юргандан кўра, олдин уйланиб, жой-пой қилиб, кўча курсангчи, кўчага ном қўйиш қочмас, деса, Жайноқ ҳам бўш келмай: - Йўқ, сиз тўғри тушунмаяпсиз, деб талашиб-тортишиб кетди».

Сувонқул менинг бу сўзимга кулиб қўйди: «У қурмагурни қанчалик шошқалоқ дейишмасин, аммо кўчанинг номини тўғри топибди. Мана бу қурилаётган уйларнинг ҳаммаси ёшларники-да, ҳаммаси ўсиб келаётган ёш авлодники. Элнинг ўз-ўзидан ўсиб-унаётгани учун, овулимизга сигишмай, янги қишлоқ қуряпмиз, мана шу кўча битсин, ўшанда кўрасан, ўғлимнинг айтганлари ҳаммаси тўғри чиқади...»

Биз шу зайлда сўзлашиб келаётган тун, кейин билсам, дунёнинг энг қиргинли туни экан.

ИККИНЧИ БОБ

- Бошингни юқори кўтар, Тўлганой, бардам бўл.

- Тўғри. Бундан бошқа иложим қанча. Эсингдами, айланайин она-Ер, ўша кунги воқеалар?

- Мен ҳеч нимани унутмайман, Тўлганой. Ёруғ дунё бино бўлгандан бери ўтган-кетган нарсаларнинг ҳаммаси ёдимда. Китобга сигмаган, одамлар унутган тарихнинг бари менинг ёдимда, сенинг ҳам бошингдан ўтказганла-

ринг бариси дилимда. Сўзлай бер, сўзла, Тўлганой, бугун кулогим сенда.

– Оҳ, нимани айтайин. Ўшанинг эртаси куни қуёш чиқар-чиқмас ўроқ ўриб, ишга тушдик. У куни биз катта сой ёқасидаги жарликдаги бугдойзорда иш бошладик. Эндигина қизгин иш бошлаган эдик, сувнинг нариги бетидан чопиб келаётган отлик кўринди. Худди орқасидан ёв қувиб келаётгандек. Чакалак-қамишзорларни оралаб, отининг ёлига ёпишиб олганича бир одам сув ёнидаги тошлоққа келди-да, отининг тизгинини тортмай туриб ниқтаб солди. Бу ким бўлди экан, пастдаги кўприкдан ўтмасдан, нега мунча шошилди экан деб қараб турдик. Отлик – ўрис йигит экан. Жийрон айғирни қамчилаб сувга солганда, ҳаммамиз ҳайратланиб қотиб қолдик: дарёда сув бўлган пайтда бу ердан ҳеч ким ўтолмас эди; от тугуа туяни ҳам оқизиб кетадиган тошқин дарё ҳайқириб ётса-ю, жонидан тўйган ким экан? «Ҳой, ўртоқ, тўхта, қайт орқангга!»-дегунча бўлмай тижинглаган айғирни сапчитганича қамчи босиб ҳалиги отлик ўзини сувга урди. У, алланарсаларни қичқириб қўл силкиди. Аммо дарёнинг шовқинидан ҳеч нима эштилмасди. Гулдураб кўпик отиб тўлқинланган сув кўз очиб юмгунча отликни олиб кетди.

Қулогини чимирган айғирнинг боши тўлқинлар орасида бир кўриниб, бир кўринмай борарди. Асов дарё икки қўллаб отининг ёлига ёпишиб олган ҳалиги кишининг шапкасини бошидан юлиб олиб, ўзи билан бирга оқизиб кетаётган эди. Бироқ отлик оқим кучидан фойдаланиб, тобора қирғоққа яқинлашаверди. У пастда, тегирмонга қуйиладиган жойга бориб, сувдан чиққанда ҳаммамиз энгил нафас олдик. Баъзилар: азамат йигит экан, дейишса, баъзилар: у соғ эмас, маст бўлиб, қутуриб юрган қандайдир кимса бўлса керак, дейишарди.

Тегирмоннинг ёнгинасида бугдой ўриб юрган Қосимнинг комбайни жимиб қолганди. Мен унга анчагача эътибор қилмабман. Эҳтимол, бирор ери бузилгандир, иш пай-

тида ҳар нарса бўлиши мумкин. Ҳеч қаёққа қарамай, ҳадеб ўроқ тортавердим. Кутилмаганда ёнимда турган Алиман жонининг борича «Эна!» деб қичқириб юборди. Бундай қарасам, ўроғини ташлаб юбориб, келинимнинг ранги қув ўчиб, кўм-кўк бўлиб кўкариб кетибди. «Илон чақиб олдимикин?»-деб ўйлаб: «Вой-вой, келинимга нима бўлди?» – деб олдига чопиб бордим. Алиман ғиқ этмасди. Унинг олайган кўзлари тикилиб турган томонга қараб турганимда, эгим жунжикиб кетди. Комбайннинг ёнидан аллақандай қийқириқ товушлар эшитиларди; чор атрофдан отлиқ, яёв, аравада бугдойзор оралаб одамлар чопиб келишарди. «Вой, энажон!» – деб қичқирган Алиман комбайн томон жон ҳолатда югуриб кетди. «Воҳ, булар соғга ўхшамайди! Комбайннинг тишига илиниб, майиб бўлган шекилли!» – деган сўзлар қулоғимга урилиб, бутун вужудимни қамраб олди. «Бўл кетдик!»–дейишганда, ўроқчилар ёпирилиб югуришди. «Худо ўзинг сақла, Худо ўзинг сақла, Худо!..» – деб улар орқасидан югуриб кетаётиб, ариқдан сакрайман деб юз тубан йиқилиб, ўрнимдан турдим. Яна югуриб кетдим. Воҳ, ўшандаги жон талвасам-эй! Бугдойга ўт тушгандек устимдаги кўйлагим, буткул вужудим, сочимнинг тубигача зирқираб, талпиниб чопардим. Осмондаги сўқир қуёш юзига парда тутиб олгандек кўз ўнгимда бир неча бўлиб кўриниб, бошим айланарди. Уларга етолмай йиқилар эканман, тўхтанглар, деб қичқирай десам, овозим чиқмасди.

Шу зайлда югуриб, комбайнга етиб борганимда, тўпланган одамлар чувалашиб, кийим-кечаги жиққа ҳўл, жийрон айғирни жиловидан ушлаб олган бир одамни ўраб олишган экан. «Бундай турунлар, мени кўйиб юборинглар»–деб тўдани ёриб кирганимда комбайн ёнида турган Қосим билан Алиманни кўрганимда қалтираган қўлларимни узатиб боламга ташландим. Қосим ҳозирланиб, дарҳол мени тўсиб қолди-да: «Она, уруш бошланибди!» – деди. «Уруш? Уруш дейсанми?» Бу сўзни мен ҳеч қачон

эшитмагандек, унинг маъносига тушунмагандек, яна қайтариб сўрадим. «Ҳа, она, уруш бошланибди» деди Қосим. «Нима учун уруш? Қанақа уруш?» Бу совуқ хабарнинг ортида нималар ётганини пайқамагандек, «Уруш, уруш дейсанми?»—деб пичирлаб туриб, юрагимда пайдо бўлган кўрқинчдан нафасим қисилиб, йиғлаб юбордим. Мени кўриб бошқа аёллар ҳам чувиллаб йиғлаб юборишди.

“Эҳ, хотинлар, тўхтанглар ҳозир! Жим бўлинглар!”—деб кимдир биров қичқирди. Шунда баримиз ундан маслаҳат кутгандек жим бўлиб қолдик. Далага ҳам сукунат чўкди. Шу сув сепгандек жимликни аллакимнинг луқмаси бузди: «Урушга кетар эканмиз-да!» Унинг гапига ҳеч ким жавоб қайтармади. Сокинлик баттар кучая бориб, сойда шовуллаб оқаётган дарёнинг товуши қулоққа янада аниқроқ эшитила бошлади. Қосим тўпланганларга бир сидра қараб олди-да, ўз-ўзига гапирётгандек ғудурланди: «Энди экин-тикинни эртароқ йиғиб олиш керак, бўлмаса қор остида қолиб кетади» — сўнгра яна бир оз жим қолиб, бирдан ёрдамчисига қатъий буюрди.

«Нимага анграйиб турибсан, юргиз моторни! Сизларчи, сизлар энди нимага қараб турибсизлар, ўроқчилар! Одам етишмай қолса азобини ўзларинг тортасизлар. Қани туринглар, урушда туриш йўқ!» Одамлар кўзгала бошлади. Боядан бери бошини қуйи солиб турган хабарчи шундагина қадини ростлади. Ёшгина ўрис йигит экан, ҳўл сочлари пешонасига ёпишиб, кўк кўзлари, Худо билади, умрида биринчи марта шунчалик ғамга ботган бўлса керак. Унинг қанчалик ташвишга тушганлиги бегубор юзидан шундоққина билиниб турарди. У чуқур хўрсинди-да, ёнида яйдоқ отини миниб турган йигитга юзланиб, қирғизча гапирди: «Оғайни, сен ҳозир овулга чопиб бориб, раисни, қишлоқ Советини, бригадирни топ, тўхтамай, райкомга жўнасин, хўпми? Мен яна иккита колхозга боришим керак». Хабарчи жийрон айғирига миниб, йўлга тушган эди, ҳалиги бизнинг овулдош йигит: «Ҳой, дўстим,

тура тур!– деб бери чақирди. Шапканг оқиб кетибди. Ма, менинг қалпогимни кийиб ол, кун ўтиб кетмасин» – деди.

Ҳозиргина дарёдан кечиб ўтган жийрон айғир оҳудек сакраб, йўлга тушганда, орқасидан қуюқ чанг кўтарилиб, хабарчининг қораси кўздан ғойиб бўлди. Уни кузатиб турган одамларнинг ҳаммаси ҳам турли хаёлларга берилган шекилли, комбайн билан тракторнинг моторлари бирдан ўт олиб бараварига гуриллаганда, улар чўчиб тушиб, бир-бирларига ялт этиб қараб қўйишди.

Ўша дақиқадан бошлаб янги ҳаёт, уруш ҳаёти бошланмадими...

– Ҳа, Тўлғаной, ўша хабарчининг дупур-дупури ҳали ҳам қулогим остидан кетмай, отининг туюқлари теккан излар танамда муҳрдек сақланиб қолди.

– Э-э, мунаввар Ер, айтаверсак иккимизники ҳам тугамайди. Биласан-ку, кун қандай жазирама иссиқ эди. Жонли, жонсизнинг ҳаммасини ҳарсиллатиб юбормадими, ғалла ҳам ўша йили тиралиб қолган экан, чексиз майдонда тўрт-беш кун ичида қийғос пишиб бермадими. Ҳамма ёқни ғалла босиб кетганди. Шошган иш курсин, ўрилган бугдойни боғлашга ҳам улгурмай, шу бўйича араваларга тўкиб-сочиб юклаганда, қанчаси исроф бўларди. У ҳам майли-я, ичим ачиганда элга ачирди. Аскарга чақирилганлар кун сайин кетиб боряпти, қолганлари эса жонини жабборга бериб, куну тун демай, жазирама иссиқда далада, хирмонда ҳосилни йигиб-териб олгунча зўр бериб ишлаб ётишди. Бойқиш Қосим, болам, битмаганнинг барини битказадигандек, куну тун комбайн устидан тушмасди, тиниб-тинчимасди. Қосимгина эмас, унинг комбайни ҳам жонли бир нимадек қаҳр билан гуриллаб, чанг-тўзон ичида бир майдондан иккинчи майдонга ёпирилиб кириб, бугдойни шипириб ўрарди. Қосимим эса комбайннинг устида парвозга ҳозирланган бургутдек, олди томонидан кўз узмай, яна қанчаси қолди, бугун қанчасини ўриб улгураман, дегандек тобора олга интиларди. Ўша кунлари у

коп-қора бұлиб, куйиб кетганди. Кўрсанг, эсинг оғиб қоларди, лаблари ёрилиб, жағлари шилинган, соқол-мўйлови патак бұлиб кетганди. «Шу зайлда ишлаб юриб, охири нима бўларкансан, болам, иссиқ ўтиб кетиб, комбайндан қулаб тушмасмикинсан?»—деб ичимдан куйинаман, бироқ айтишга оғзим бормайди. Дунёда нима ўтиб, нима қайтаётгани маълум-ку.

Орадан кўп ўтмай Қосимга ҳам навбат келди. Ўша куни тушга яқин комбайн томонга югуриб кетган Алиман, бир вақт қарасам, қовоғи осилган ҳолда қайтди. «Чақирув қоғози келибди»—деди у зўрға гапириб. «Қачон?»—«Ҳали, қишлоқ Советидан келтириб беришибди». Ўғлимнинг ахир бир куни кўп қатори аскарликка кетишини билиб юрардим, шундай бўлса ҳам, бу хабарни эшитганда бўғинларим бўшашиб, нима учундир ўроқ тутган қўлларим қалтираб кетди. Ўроғим қўлимдан тушиб, ерга ўтирдим қолдим. «Ундай бўлса, бу ерда нима қилиб юрибди у, тайёрланмайдими?»—дедим лабларим титраб. «Қечқурун бораман, деди. Менга уйга бориб ҳозирлик кўришни айтди. Мен кетаверайин, эна. Отамга айтиб қўярсиз. Кичкина бола қаерда юрибди экан... Айтиб қўярсиз». «Сен бора қол, Алиман. Хамир қилиб тур, мен ҳам ҳозир бораман».

Алиман кетгандан кейин ҳам анчагача ўрнимдан туролмай шалвираб ўтирдим. Ҳатто бошимдан сидирилиб тушган рўмолимни олишга ҳам қурбим келмади. Ерга тикилиб ўтирсам, қумурсқалар йўл солиб, нари-бери чопишиб, дон ташиб, сомон судраб, гимираб юришган экан. Нима учун шу хаёлларга борганимни билмайман, қумурсқаларнинг шу зайлда ҳеч нимадан беҳабар ўрмалаб юрганларини кўриб, кўз ёшларимни тийдим.

Шу маҳал аравабини ҳайдаб, Жайноқ етиб келди. Шу кезларда у станцияга ғалла ташиб юрарди. Акасининг аскарга кетишини эшитиб келган шекилли, аравадан сакраб тушиб: «Юра қол она, уйга борайлик» — деб, мени қўлтиқлаб аравага миндирди. Шу қисқа вақт ичида кен-

жа болам таниб бўлмас даражада ўзгарган эди. Илгариги ҳазил-мазах қилиқлари йўқ, кўпни кўрган катта одамдек босиқ бўлиб қолибди. Жайноқнинг афтига тикилиб, нима учундир уни у кунги хабарчи ўрис йигитга ўхшатдим. Ҳа, бунинг кўзларида ҳам ўшаникидек ўйчанлик, эсайганлик сезилиб турарди. Кўпнинг бошига ҳам тушса, одамзоднинг бари ҳам бирдек экан, дедим ичимда. Шуларни ўйлаб келар эканман, Майсалбегимдан анчадан бери хабар келмаганини эслаб, яна юрагим алланечук бўлиб кетди: «У нима бўлди экан? Аскарга олиб кетдимикин, ё бошқа бир нима бўлдимикин? Икки энликкина хат ёзиб дарагини билдириб қўйса бўлмасмикин, боласи тушмагур. Рухсат берса уйгаёқ келмайдими, энди ким ҳам ўқирди. Ота-она эсига келмайдиганга ўхшайди, узоқда юриб, тош меҳр бўлиб кетганми?» – деб ҳар қайсисининг ташвишини алоҳида тортиб аравада келардим. «Э, Жайноқ, – дедим мен, – сен станцияга қатнаб турибсан, қандай, урушнинг тўхтайдиган сиёғи бордайми?» «Йўқ, она, – деди у ўшанда, – ҳозирча аҳвол огир. Немислар бостириб келяпти. Бизникилар энди ўшаларни тўхтатиб, қадини ростласа, куч йигиб олардик. Сен, опа, уни-бунни ўйлайверма, кўп нима бўлса, биз ҳам шу-да...» А-а, садағанг кетай. У мени юпатмоқчи. Кўзимни кўр, қулоғимни кар қилсам ҳам қандай ўйламай бўлади.

Уйга келсам, Алиманим хамирни чала йўғирганича хўрсиниб йиглаб ўтирибди. «Сен нима, элдан бошқачамисан. Одамлардан ортиқ жойинг борми, элнинг бари аскарга жўнаб кетяпти-ку, мунча энди бўшашдинг, шўринг қургур!» – деб койиб берай дедиму, яна: «Кел ёш кимсининг дилини огритмайин, кўнгли чўкиб қолмасин» – деб жим бўлдим. Ёки, ўшандаёқ қаттикроқ гапирсам бўлармиди? Қосим кечроқ, пешиндан ўтиб, кун ботганда уйга келди. У ҳовлига келиши билан Алиманим ёқиб турган ўтинини ташлаб, югуриб бориб бўйнига осилди-да: «Сендан ажралмайман! Сендан ажралмай ўламан!» – деб уввос

тортиб йиғлади. Қосим комбайндан тушган бўйича чангу тупроққа ботиб келаётган экан: «Ҳамма ёғим тупроқ, Алиман. Тура тур, совунингни олиб кел, катта сувга бориб ювинайин» – деган эди, Алиманнинг менга ялт-ялт қарганидан ийманганини сеза солиб, сув олиб кел, деб қўлига челак тутқазиб қўйдим. Улар ўшанда ой чиққандан кейин, кеч қайтишди. Уйдаги ишларни Жайноқ иккимиз битирдик. Ярим кечада Сувонқул ҳам етиб келди. Қаёқларда юрибди экан, десам, кундузиёк, тоққа чиқиб кетиб, ўзимизнинг саман отни йилқидан ушлаб келибди. Ажойиб йўрға эди. Овулдаги қиз-жувонларнинг: «Остингда саман йўрға, чоптирасан йўл-йўлга» – деганлари ўша эди-да. Ўғли аскарга жўнаб кетаётганда, бир кун бўлса ҳам, йўрғасини миниб қолсин, деган бўлса керак отаси.

Эртаси куни азонда отлантириб, ҳарбий комиссариатга жўнадик. Ўшанда биринчи сафар ёппасига аскарга олинмадим. Ҳар томондан қўшилиб, йўлда чувалашган араваларни, одамларни кўрсанг, сон-саногини йўқ, олди катта Қапчигайга кира бошласа ҳам, кети эса кўринмасди. Туман марказига тўпланган одамлар кўчага сиғмасди. Отлиқ, аравалик, аёл, бола-чақалар. Ҳар бири ўз яқинини қуршаб, ёнидан нари жилмайди. Лекин, кўп дегани ҳазил гап эмас, «кўп йиғилса кўл бўлур» деганлари рост экан. Ўша тўполонли йиғинда ҳам жангга бораётган, ғайратли, азамат йигитлар бардам сўзлаб, бардам юриб, ҳатто қўшиқ айтиб ўйнаб, қийқиришиб, кўпчиликнинг кўнглини кўтаришарди. Ўрисча, қирғизча куйлар аралашиб, бир огиздан айтилган «Катюша» деганлари баримизга хуш келди. «Катюша» қизнинг номи экан-да, ўша кездеги ёшларнинг суйган ашуласи экан-да...

Аскарга чақирилганлар ҳарбий комиссариатнинг ҳовлисига сиғмагани учун, уларни катта кўчанинг ўртасига қатор-қатор тизиб, ҳар бирининг номини айтиб чақира бошлаганда, йиғилган халқ бир текисда тинчланиб, жимиб қолди.

Шундай қарасам, урушга кетиб бораётганлар сараланган сухсурдек йигитлар экан, йўқламада номи чиққанлар «менман!» - деб жавоб бериб, биз томон ялт этиб қараб қўйишар, «Сувонқулов Қосим» деганда юрагим «шув» этиб, нафасим ичимга тушиб кетди. «Менман!» – деди Қосим. Алиман шу пайт қўлимни маҳкам ушлаб: «Энажон» – деб шивирлаб юборди. Унинг дардини билиб турибман, лекин билган билан иложим қанча: кўпга келган тўйдан ким ўзини олиб қочади. Эҳ, Алиман, Алиманим-эй, давр талабини, халқ талабини яхши тушунар эди. Бироқ, мен ўз ёрига шунчалик берилган, уни шунчалик севган аёлни ҳали кўрмаган эдим.

Алиманнинг хайрлашганини эсласам, жонимни унга садақа қилгим келади. Ўша куни биз овулга қайтиб келдик, сабаби, аскарларни бир кун ўтиб эртаси жўнатар экан, дейишди. Қолхозимиз катта йўлга яқин эмасми – бу ерда зориқмай, уйга бориб туришлар, кета туриб хайрлашиб ўтаман деб, Қосим қистаб қўймади. Алиманнинг миниб келишига Сувонқулнинг отини қолдириб, биз аравада қайтдик. Жайноқ ҳам туманда қолди, унга араваси билан аскарларни ташиб туриш тайинланганди.

Тунда ҳувиллаган уйга келиб, ётмай, йиғлаб ўтирсам, Сувонқул чой қўя ётиб, менга тасалли беришга уринди. Ўшанда айтганларини сира унутмайман: «Икковимиз ким эдик, Тўлғаной. Мана шу эл, мана шу юрт бизни одам қилди. Яхшилик кўрдик, энди ёмон кунига дуч келганда, ҳар биримиз ўз гамимизни еб қайғураверсак, биз нима деган одам бўлдик. Эртага бардам бўл. Алиман сен билан менинг кўрганимизнинг ўндан бирини ҳам кўргани йўқ, у йиғласа – йўриги бошқа. Сен – онасан: билиб қўйгин, уруш шундай кучаяверса, мен ҳам кетаман, Майсалбекнинг ҳам ёши етиб турибди, керак бўлса – баримиз кетамиз. Мана шунга, Тўлғаной, ҳозирдан кўникавер...»

Эртасига тушдан кейин аскарларни станцияга жўната бошлашди. Қосим билан Алиман йўлни қисқартиб, улар-

дан олдин келишди. Уйингга кириб хайрлашиб чиққин, деб, Қосимга рухсат беришибди. Алиманинг икки кўзи қип-қизил, қовоқлари шишиб кетган, йўл бўйи йиғлаб келган бўлса керак. Қосим сир бермагани билан, у ҳам ич-ичидан куйинарди. Алиманинг кўз ёшлари, унинг жавдираб тикилиб туришлари Қосимга қаттиқ таъсир қилди шекилли, ҳақиқатан ҳам шундай гап бўлдими, ҳайтовур, у отдан тушган заҳоти: «Сизлар станциягача кузатамиз деб овора бўлманглар, ота, балки мен қайтиб қоларман – тракторчи, комбайнчиларни бўшатмоқчи бўлиб туришибди. Буйруқ келиб қолса, уйлариингга қайтарамиз, дейишди»–деди. Энди ўйласам, Алимани аяб, бизни аяб айтган сўзи экан. Станциянинг ораси ҳам бир кунлик йўл эмасми, қайтишни ҳам ҳисобга олганга ўхшайди. Мен дарров ўша сўзга ишониб қўя қолдим, умид қургур одам билан ҳамиша бирга экан. Бироқ, кейинчалик Қосим буларни атайлаб айтганини билдим. Ҳаммамиз ҳам бирдек билдик чоғи.

Орқадан келаётган йўловчилардан олдинроқ овулдан чиқиб, катта йўлдан Қосимни кузатиб бораётганимизда, далада ишлаётганларнинг ҳаммаси хайрлашгани югуриб келишди. Арава ҳайдаган, ўроқ ўрган, хирмон бостираётганлар ҳам қолгани йўқ. Қосимнинг комбайни шу орада бугдой ўриб юрган экан. Комбайнни тўхтатиб унда ишлаётганлар ҳам етиб келишди.

– Тўғри айтасан, Тўлганой...

– Ҳа, қутлуғ далам, уста жангга кетарда болғаси билан видолашади, дейишади. Қосим ҳам ўз касбининг устаси эмасмиди. Қосим овулдошлари билан хайрлаша туриб, комбайнга яқин келиб тўхтаганда, катта йўл томонга бир қараб қўйди. Қизил байроқ кўтариб, аравада, отда келаётганларнинг олди муюлишдан эндигина кўзга ташланган эди. «Ота, ушлаб туриг-чи» – деб Сувонқулга отнинг жиловини бера солиб, Қосим комбайнига қараб борди, сўнг унинг ҳамма томонига бир сидра кўз югуртириб олдида, бирдан устига сакраб чиқди. «Ҳайда, Эшонқул! Боя-

гидек ҳайдайвер!»—деб, тракторчига қичқирди. Элас-элас эшитилиб турган мотор овози бирдан бор қуввати билан гуриллаб, шақирлаб ўрнидан қўзғалган комбайн ортидан сомон, тўпон тўзғитиб, донни бир томонга ажратиб, шитоб билан бугдойларни ўра бошлади. Ўша пайтда менинг кўзимга шундай кўриндим, у оддийгина комбайн эмас, балки қанотини ёйиб, ер бағирлаб учиб бораётган баҳайбат чўл бургутидек бўлиб туюларди. Штурвални маҳкам ушлаб олган Қосим эса юзини илиқ шамолга тутиб, кўкрагини кериб, кулиб турарди. Тракторчи иккаласи ўша ерда нималарнидир қичқиришиб, шовқин солишиб, янада тезлатиб, тракторни майдон чеккасидан қайтара солиб келаётганда, қараб турган одамлар бир дақиқа ҳамма нарсани унутиб, қувонч билан кузатиб туришарди. Алимани ҳам ўшанда ҳозир айрилишини унутгандек кўзлари порлаб, ўзича гурурланиб, қувониб турарди. Баридан ҳам ҳалиги қўшнимиз Ойшанинг боласи, ўшандаги ўн уч-ўн тўртлардаги Бектош,— шу кезларда комбайнда сомон тортарди,— онанг айлангур, комбайнинг устида туриб Қосим билан кучоқлашиб, хайрлашса бўладими.

Қосим уни қўлига кўтариб, бету бошидан суйиб, энди сен ўргангин буни, дегандек, штурвални боланинг қўлига тутқазиб, ўрнига қолган ёрдамчиси билан хайрлашди-да, комбайндан тушиб келди. Этим жунжикиб, Сувонқулнинг тундаги гапларини эслаб, аранг тишимни тишимга қўйиб турдим. Йўлга қарасам, аскарга жўнаётганлар овулниги ёнидан ўтиб, етиб келган экан. Шундай қилиб, Қосимни жўнатиб, тўпланганлар ҳаммамиз у билан хайрлашдик. Алиманим-эй, сенга аён бўлганмиди, катта-кичикдан тортинмай, нимага шунчалик бўзлаб осилдинг? «Хайр энди, Алимани, мен қайтиб келаман, кўрасан-ку, эртагаёқ бўшаб келаман, йиғлама мунча, мен келаман, кутгин мени!»—деб Қосим отланиш учун узангини ушлаганда, Алимани яна чопиб бориб, бўйнига осилиб, ёш болалардек, қўлидан тортиб, бирпас тўхта, деб йиғлайверди. «Бўлмаса, болам, ано-

ви йўл бўйигача кузатиб кел,— деди Сувонқул келинига.— Биз шу ерда қоламиз. Ўртоқлари узаб кетмасин, Қосим, бу ёққа қара-чи!»

Улар бир оз бир-бирига индамай тикилиб туришди-да: «Тушундингми?»—деди Сувонқул. «Тушундим, ота!»—деди Қосим. «Энди борақол!» Сувонқул отига миниб, хирмон томонга чопиб кетди. Қосим мен билан хайрлашганда: «Майсалбекдан хат келса, манзилини солиб юборинглар»—деди. Қосим билан Алиман отни етаклаб, қўл ушлашиб кетишди. Катта йўлга чиқиб олгунча орқасидан қараб турдим. Алиман бора-боргунча узангига осилиб, чопиб борарди. Шунда Қосим от устида турганча, хотинининг пешонасидан сўнгги бор ўпиб, саман йўрғанинг бошини қўйиб берганда, унинг кетидан чанг-тўзон ичида Алиман қўл силкиб югурарди. Эртаси куни кечқурун яйдоқ саман йўрғани аравасининг орқасига боғлаб, Жайноқ станциядан олиб келди.

УЧИНЧИ БОБ

– Нега жимиб қолдинг, Тўлганой?

– Ўша йили яна нималар бўлганини эслаяпман. Ҳайтовур, ким билсин, ҳаёт оғирлашиб кетганидан одамлар чўчиб қолишмадим. Узоқларда қирғин бўлиб, қон тўкилиб ётганда, бизнинг ёпишганимиз – иш бўлди. Қосимнинг айтгани тўғри чиқди: ишга қанчалик ёпирилиб киришсак ҳам урушнинг касофатидан экин тикинларни охиригача йиғиштириб ололмадик. Картошкалар қор остида қолиб кетди. Овулда катта куч бўлган эркаклар бирин-кетин сийраклашиб, аскарга кетиб қолавермадим. Қолганимиз эртадан кечгача уруш нима бўляпти экан деб қулоқ тутамиз. Ўшандаги хабарлар кўнгилга таскин берарли эмас эди, кутганимиз почтачи бўлиб қолди.

Қосим жўнаб кетгандан кейин кўп ўтмай, Майсалбекдан хат келди. Биринчи хатида у ўқишдаги ўз тенгқурла-

рим билан аскарга чақирилдим, ҳозирча шаҳарнинг ўзи-дамиз, сизлар билан юз кўришиб хайрлаша олмаганимга ачинаман, бундай бўлишини ким билибди, ғалаба билан қайтсак, тилагимиз шу, дебди. Иккинчи хатида: Новосибирск деган шаҳардаман, командирлик ўқишига юборилдим, деб суратини ҳам солиб юборибди. Суратингдан айланайин, аскарча форма кийиб тушган экан, бирам ярашиқли, сочини орқасига тараб, манглайлари кенг, қоғонини хиёл уйганча тикилиб турибди. Тушимда ҳам ўша суратдагидек кўринарди. Алиман Майсалбекни бир мартагина кўрган эди. Кўкламда, Қосим уйланганда, у икки кунга жавоб олиб келганди. Қайин инисининг суратини кўриб, Алиман: «Бизнинг муаллим йигитга ўхшаган сулув йигит бормикин, эна? Чимилдиқнинг ортидан яхши пайқамаган эканман, тикилавергани уялгандим. Энди омон-эсон қайтиб келиб ўзидек билимми, ўзидек сулув қиз олса, ярашиб тушарди-да, эна!»—дер эди.

Қиш киргунча шу зайлда болалардан кетма-кет хат келиб тургани учун юрагим анча-мунча таскин топиб турди! Кўп ўтмай, Қосимдан фронт томон жўнаб кетдик, деган хабар келди. Энди қандай бўлар экан, деган ўй-хаёл сира ёдимдан кўтарилмасди. Бу орада Сувонқулни ҳам қайта-қайта ҳарбий комиссариатга чақириб, комиссия қилиб қолди. Бир томонда эса бригадирлик ташвиши, сира тиним йўқ. Бу қанақа бўлди экан, демак, Сувонқулни ҳам олиб кетадиганга ўхшайди, энди қандай қилдик, деб юрсам, бир куни чиндан ҳам аскарга олишликка чақириқ келибди. Уни эшитиб, юрагим қинидан чиққудек бўлди. Хирмонда бугдойнинг қолдигини тозалаётгандик. Паншаханнинг сопидан ушлаб хаёл суриб турган эдим, Сувонқул чопиб келиб, отдан тушди-да, юр уйга, тайёргарлик кўрайлик, деди.

Мингашиб юрайин, десам, йўқ отни сен мингин, мен ёнингда юриб гаплашиб борайин, деди. Бундай пайтларда одам сўзлашишга сўз ҳам тополмай қолади шекилли, айтадиган гапнинг бари ичимизда қолиб, жимгина келавердик.

Қора булутлар осмонни қоплаб, Сарик Ёйиқ томондан турган муздек шамол қорни учқунлатиб, бўронга айлантиргудек бўлиб, гоҳ зўрайиб, гоҳ пасайиб турди. Атрофимга қарасам, жоним туташган деҳқон далам, сен ҳам яланғоч қолиб, кимсасиз, унсиз тумшайиб турган экансан.

– Ҳа, Тўлғаной, қиш босиб, танам музлаб, совуқдан қорайиб, менинг ҳам ёлғизсираган ғамгин куним эди.

– Сувонқул устма-уст гугурт чақиб папирос тутатарди. Бир вақт шамолдан қочиб, отнинг панасига ўтди-да, папиросини тутатар экан, менинг қўлимдан ушлаб: «Совқотдингми?» – деб сўради. У ўшанда бир нима демоқчи бўлди, балки, болаларимиз урушда, мана энди мен ҳам урушга кетяпман, қандай бўлади, қандай қўяди, кўришамизми, йўқми, шунча йил иссиқ-совуғимизга чидашиб, бирга яшадик – рози бўл, тақдир шу экан, қандай қиламиз омон-эсонликни тилайлик, демоқчи бўлдими, ким билади. Ҳайтовур, бошини кўтариб, мени ҳам аяб, ҳам сўйиб, лабларини тишлаганча узоқ тикилиб қолди. Соқол-мўйловига эндигина оқ оралай бошлаганини ўшанда сездим. Ў, хосиятли далам, менинг бошимга тушган яхши ёмонликларнинг ба-рига шоҳид бўлдинг-а...

– Ҳа, Тўлғаной, сенинг буткул умринг шундай ўтди.

– Сувонқул икковимизнинг ўша далада қўшилиб, йигирма икки йил меҳнатимиз билан, ҳалол пешона теримиз билан униб-ўсиб умр сурганимиз ўша замон кўз ўнгимга келди. Умр йўлдошимдан шу ҳолда ажраламан деб ўйлаганмидим. Кечагина ўроққа тушган биринчи тунда худди шу йўл билан мингашиб бораётганимизни эслаб, овулга кираверишда ёшларнинг янги кўчаси бошланган бўйича қолиб кетганлигини, Қосим билан Алиманнинг чорбогида уюлиб ётган ғишт билан тошни кўриб, отнинг ёнига ташланиб, ўксиб-ўксиб йиглаб юбордим. Сувонқулнинг зеҳни ғоят ўткир эди. Менинг нимани ўйлаб келаётганимни билиб олди. «Йиғласанг, ҳозир йиглаб ол, Тўлған, бироқ бундан кейин одамлар олдида йиглаб юрмагин, – деди у. – Сен,

Тўлган, Алиман билан Жайноққагина бош бўлмай, менинг ўрнимда ҳам бригадир бўлиб қоласан, бу ишга овулда сендан бошқа лаёқатли ҳеч ким қолгани йўқ». «Шундай пайтда бўлмагур сўзингни қўй, Сувонқул, кераги йўқ, бригадирлигингни нима қиламан, мен кимга бригадирлик қиламан!» – деб йиглайвердим. Шундай десам кечқурун чиндан ҳам колхознинг идорасига чақириб олишди. Фронтидан қўли ярадор бўлиб келган янги раисимиз Усенбой, Сувонқул, яна иккита-учта оқсоқол кишиларимиз ўтиришибди. «Тўлганой янга, нима бўлса ҳам белингизни маҳкам боғлаб, кўпчиликнинг топширигини бўйнингизга оласиз. Аёл киши бўлсангиз ҳам, ер-сувнинг тилини, элнинг шароитини сиздан яхши биладиган одам йўқ. Сувонқулдек бригадиримизни, заҳар ютиб, аччиқ чайнаб, урушга юбориб турганимизда, унинг ишонган кишиси – сизга, биз ҳам ишонамиз. Замоннинг қандайлигини ўзингиз кўриб-билиб турибсиз. Эртдан бошлаб ишга киришинг, Тўлганой янга» – деб қатъий гапирди Усенбой. Бошқа оқсоқоллар ҳам шундай деб маслаҳат беришди. Қисқаси – бригадир бўлишга кўндим. Кўнмай илож қанча. Шундай қилганим ҳам бир томондан маъқул бўлган экан – Сувонқулимнинг энг охириги илтимоси шу эмасмиди: кета-кетгунча кўпнинг гамини еган бечорам-эй, туни билан, қўш ҳайдашга ҳозирдан тайёрлана бер, от-уловни ем-хашакка тўйгиз, омовч-бўйинтуруғингни тўғрилаб, таъмирлаб қўй, фалончининг бола-чақаларига қийин бўлди, бериги қўшнилар эса қари қартанг, кўз-қулоқ бўлиб юр, уни ундай қил, буни бундай қил, деб гапириб ўтирди. Ташқарида тонг отгунча тинмай шамол гувиллаб, қор ёғиб чиқди.

Сувонқулни ҳам катта йўлгача кузатиб қўйдик. Ўзи қатори бир талай кишилар билан аравага тушиб, кўпчиликка аралашиб кетди қолди. Ўшандаги совуқнинг шаштини-ей, юзларни ёриб юборай дерди-я...

– Ўша куни сен Сувонқулни кузатиб қайтиб келаётганигда, қайта-қайта орқангга қараб, қаттиқ йигладинг, Тўлганой.

– Ҳа, она-Ерим, ўша кундан бошлаб раисимиз Усенбой айтгандек, белни маҳкам боглаб отга миниб бригадирлик ишига киришдим. Эндиги бригадирларнинг ҳам иши осон эмасу, лекин у кезларда тамомила турган-битгани азоб эди. Ишга яроқли эркаклардан ҳеч ким йўқ, ҳаммаси урушга кетган, қолганлари қиз-жувонлар, ёш болалар, қари кишилар. Топган-тутганимизни фронтга юбориб турдик. Аравачаларнинг гилдираги йўқ, хомут-бўйинтуруқлар ишдан чиққан, устахонада кўмир ўрнига сой бўйидаги ўтинларни ёқиб, босқонни бир амаллаб ишлатиб турдик.

Элнинг турмуши кундан-кунга оғирлашиб борарди. Шундай бўлса ҳам, колхозда ишни тўхтатмай, тебратиб туришнинг пайида бўлдик. Ҳозир ўйласам, бировга яхши, бировга ёмон гапириб, колхоз деб юриб, кўп ишлар бошдан ўтган экан, бироқ эл учун, унинг озиб-тўзса ҳам эл бўлиб тура берганлигига жонингни садақа қилсанг ҳам арзийди. Ўшандаги аёллар – ҳозир кампир, ёш болалар – беш-олтитанинг отаси, у кунларни унутиб ҳам юборишгандир, бироқ, мен уларни кўрган сайин, кўз олдимда ўлмас-ўчмасдек уларнинг ўшандаги ҳаёти гавдаланади, оч-яланғоч юриб колхозда ишлаганлари, орзу ҳаёли – борлиги тошга тамга босгандек эсимда. Мен ўзим ҳам қандай аҳволда эдим, шундай бўлса ҳам, йиқилиб-сурилиб, бригадир бўлиб юрганымга ҳеч қачон ўксинмайман. Тонг – азонда колхознинг саройига етиб бориб ҳар бирини ишга чақириб, шу билан кечгача отдан тушмай эл ётгунча идорада кундалик мажлисда ўтириб, кўпчиликнинг иши билан алақсиб юрган эканман. Майли, баъзан жони ачиганидан баъзи бировлар гапимга қулоқ солмай, мени сўккан кунлари ҳам бўлди, бундай пайтда Алиман билан Жайноқ, ўз болаларим эмасми, уларга тиним бермай куну тун ишга ҳайдай бердим. Шундай қилганимга ҳам койинмайман, бўлмаса не бўлмагур ўй-хаёлларга берилиб кетардик. Бир уйдан қаторасига уч киши урушга кетиб ўтирса, ўйланмай бўладими.

– Рост, Тўлғаной. Сен ўшанда мен билан сўзлашишдан қочаётгандек, доим чопиб, аллақаерларда шошилиб, ҳал-лослаб юардинг.

– Шундай қилмасликка иложим бормиди, сирдошим она-Ер. Фронтга кетдим дегани бўйича бир ярим ой чамаси Қосимдан хабар келмай турди. Араваси билан станцияга қатнаб, Жайноқ саёгим уйда йўқ бўлса, Алиман иккимиз ҳарна бўлса ичимизда сақлаб, Қосим ҳақида гаплашишдан кўрққандек, кўзимиз бир-бирига тушганда, бошқа бир бўлар-бўлмас тирикчилик ҳақида гап очиб, ёш боладек бир биримиздан сўрашга ошиқамиз.

Қишнинг ўрталарида, аёзли кунларнинг бирида уста-хонада отларни тақалатиб юардим, сизга шошилишча телеграмма келибди, деб, раис аллақандай қоғозни олиб чопиб келди. «Қўй, вой бу нима?» – деб юборибман. «Вой, Тўлған янга-ей, кўрқманг, ёмонликнинг бети қурсин, бу телеграмма Майсалбекдан экан, Новосибирскдан юборибди берироқ келинг!– деди Усенбой.– Ҳозир дарров станцияга жўнанг, ўглингиз шу икки куннинг ичида ўзимизнинг станциядан ўтар экан, учрашиб қолай, дебди. Отларга ем-хашак солдириб, аравани тайинлатиб қўйдим. Тўлғаной, янга, кечикмай жўнанглар!» – деб қолди. Суюнганимдан нима қиларимни билмай, ҳаллослаб, уста-хонада нари-бери югуриб, ундан шошиб уйга жўнадим. Ишнинг олди-кетини суриштирмай, айтганим фақат: «Майсалбегим кутиб олсин, дебди! Майсалбегим келсин, дебди! Сени кутиб олмаганда, кимни кутиб оламан, айланиб кетай, ўғлим, талпиниб учган қушдек яёв югуриб борарман!» – деб, ўзим билан ўзим сўзлашиб, қаҳратон аёзда ҳаллослаб, терлаб пишиб келавердим. А-а, ўшанда мен қурғур, ҳушим ўзимга келиб, Майсалбегим қай тарафдан ўтар экан, деб ўйламабман. Нарини куйганиб, Майсалбегим ўртоқлари билан уйнинг овқатидан тотиб кетсин, деб, бўғирсоқ, юпқа, гўшт пишириб, ўша куниёқ Алиман иккимиз аравага тушиб жўнаб қолдик. Аввал Жайноқ би-

лан борсаммикин, деб ўйланиб турдим. Шундай десам, Жайноқнинг ўзи: «Қўй, она, Алиман борсин, мен уйда қолайин. Менга қараганда Алиманнинг бориши зарур»– деди. Жуда тўғри иш қилган экан кенжа болам. Иш бўлса ҳам, Жайноғим ҳар нарсага фаросати етадиган бола. Янгасининг қандай димиқиб, ғам чекиб юрганини сезиб юрган экан, Алиманни пичанда ишлаб юрган еридан ўзи чопиб бориб, чақириб келди. Кўпдан бери келинимнинг бундай хурсанд бўлганини кўрганим йўқ эди. Худди ёш боладек суюниб, мендан бешбаттар талпиниб: «Бўлинг, эна, кечикиб қолмайлик!»–деб ўпкасини босолмай қолибди. Йўлга чиққанда ҳам шундай эди: аравани тезлатиб ҳайдаб, гоҳи тизгин, гоҳи қамчини аравакаш боладан тортиб олиб, ўзи шошилиб ҳайдарди.

Йўл бўйи бир текисда заҳар сочиб, лайлакқор ёғиб турди. Ўша қор оппоқ бўлиб, Алиманнинг рўмолига, манглай сочига, ёқасига қўниб, унинг милтиллаган қоп-қора кўзларини, нур томиб турган қип-қизил юзини янада гўзал кўрсатиб, ҳуснига ҳусн қўшаётгандек эди. Бунинг устига, бора-боргунча бирпас жағи тингани йўқ келинимнинг. Биринчи бор тўйга бораётган боладек, у-бу ҳақда эркаланиб гапириб: «Муаллим бола поезддан тушганда, сиз индамай туринг, эна. Мени танирмикин?»– дерди. Сўнг яна бир оз туриб:– Йўқ, эна, мен орқасидан бориб, муаллим боланинг кўзини юмиб олсам, нима қилар экан, ой, бу ким ўзи деб, чўчиб кетармикин?»–деб кулиб борарди. Оҳ, Алиманим-эй, оҳ, келиним-эй, сенчалик куёвини севган аёл бўлганмикин? Мени билмайди деб келаётиб, ўзгинанг охири сирингни очиб қўймадингми. Боягидек ҳазиллашиб келаётиб, бир вақт ғамли қиёфада ўзича гапириб юборди: «Муаллим бола Қосимга жуда ўхшайди-я?»–деди-ю, индамай қолди. Бир оздан сўнг хафақонлиги яна тарқади. «Ҳайда отларни, ҳайда тезроқ!»–деб шоширарди.

Шундай қилиб, станцияга кун ботарда етиб бордик. Станция жойлашган дара шамолнинг уяси экан, қор

учқунлари изгиб юрибди. Майсалбек ҳозир келиб қоладигандек, аравадан тушган заҳоти, Алиман иккаламиз шиддат билан темир йўлнинг бўйига етиб бордик-да, у ёқ-бу ёқни қараб, нима қиларимизни билмай мустар бўлиб қолдик. Эрталабдан бери уриниб қизиган танимиз совий бошлади. Тарам-тарам темир йўллар орасидан у ёқ-бу ёққа пишқириб қатнаб юрган паровоз гоҳ музлаб ётган вагонларни тақир-туқур қўзғатиб қўяр, сим ёғочлар эса шамолда ҳуштак чалиб ётарди.

Бир-иккида поезд кутмаган одам курсин. Қачон келади, қайси томондан келади – билолмай тураверибмиз. Кўп вақт ўтмай олисдан поезднинг қичқириб, шақиллаб келаётгани қулоққа чалинган эди: «Ана, келаяпти!» деди Алиман. Оёқ-қўлим титраб, юрагим ҳалқумимга тикилди. Поезд тобора яқинлашиб келаверди, шошганимдан: «Ма, хуржунни сен ушлаб турчи!» – дедим. Буғ чиқариб паровоз бир оз ўтдида, вагонлар тўхтади. Вагонлар йўловчиларга лиқ тўла экан, хотин-болалар ҳам бор, кўпи солдатлар. Уларнинг ким эканини, қаерга бораётганини Худо билади, лекин Майсалбек кўринмайди. Поезд ёнига югуриб, эшиклардан бош чиқариб турган кишилардан: «Сувонқулов Майсалбек борми? Айтинглари-чи, айланайлар, Сувонқулов Майсалбек борми?» – десак, бир хиллар билмаймиз дейишса, бир хиллари индамайди, бир хиллари кулиб ҳам қўяди. Орадан ҳеч вақт ўтмай поезд ўрнидан қўзғалиб, юриб кетди. Бизнинг станцияда бор-йўғи уч минут тўхтар экан. Тарвузимиз қўлтигимиздан тушгандек туриб қолдик. Поезд йўлга тушганда уни кузатиб турган ўрта ёшлардаги қора тўнли, чўлоқ темирйўлчи ўрис киши бизни кўриб, сизлар кимни кутиб турибсизлар, деб сўраб қолди. Унга узоқдан келганимизни тушунтириб, Майсалбекнинг юборган қоғозини кўрсатдик. Шунда у кўзойнагини тақиб, ўқиб чиқди-да, сизнинг ўғлингиз аскар эшелони билан келаётган экан. Унинг қайси эшелон экани, қайси вақтда ўтиши номаълум. Кечикмаса бугун-эрта етиб

келиши керак. У, балки, ўтиб ҳам кетгандир, кунига қанча эшелонлар ўтади, гоҳида тўхтамай ҳам кетади, қайсиниси эканини ким билсин, дегандек даргумон гапирди. Бизнинг бўзариб кетган рангимизни кўриб, темирўлчи ачинди шекилли: «Эҳ, уруш, уруш! Барчани қақшатдинг-ку,—деб бошини чайқади-да,— сизлар энди совуқда турмай, мана бу ёққа кириб ўтиринглар, поезд келар олдидан чиқиб кутиб оласизлар»—деди.

Станциянинг ёлғиз хонасида қуруқ ўриндикда чўзилиб ётган ўнтача киши бор экан.

Урушнинг дастлабки куниданоқ ҳар қайсиси ўз еридан бош олиб чиқиб, йўл азобини тортган йўловчилар бу ерда ўз уйидагидек жойлашиб, ухлагани ухлаб, гаплашгани гаплашиб, бир хиллари темир кружкаларда хўриллатиб чой ичиб, гитара чалиб, ичида хиргойи қилаяпти. Алиман икковимиз ҳам нариги четга бориб ўтирдик. Шишаси синган ёлғиз чироқ аранг липиллаб ёниб, хонани ғира-шира ёритиб турибди. Бир маҳал поезднинг яқинлаб келаётгани эшитилиб қолди, биз ташқарига отилиб чиқдик. Зулат ичида жин ўйнагандек, шамол энгу этакдан тортқилаб, паровознинг иссиқ буғи бетга уриб, бир оз ўтди-да, юк ташийдиган поезд секин келиб тўхтади. Унда солдатлар кўринмаса ҳам, Алиман иккаламиз: «Майсалбек! Майсалбек борми?»—деб вагонлардан вагонларга югурдик. Ундан дарак йўқ. Хонага қайтиб келганимизда, одамларнинг бари уйқуга кетган эди. «Эна, чарчадингиз-а, ётиб дам олиб туринг-чи, мен ўзим хабардор бўлиб тураман»—деди Алиман. Келинимнинг елкасига бошимни қўйиб, қийшайдим. Бироқ, қани уйқу келса, ухлаб бўлармиди. Қулогим, юрагим, ақлим билан поезднинг узоқдан келаётганини ернинг билинар-билинемас ларзасидан ҳам сезиб ётдим. Поезд қайси тарафдан келмасин, қулогимизга чалинган заҳоти, етолмай қолмайлик, деб хуржунни кўтарганча югуриб, қаршисига чиқамиз. Қанча эшелонлар ўтди, лекин биронтасида ҳам Майсалбекни учраголмадик.

Ярим кечага яқин ер ларзага келиб, эшикка югуриб чиққан эдик, даранинг нариги ёғидан ҳам, бериги ёғидан ҳам паровознинг қичқириғи эшитилиб, икки поезд икки ёқдан келаётган экан. Шундай кўз тикиб ўтирганимизга яраша қани кутганимиздек бўлиб чиқса, анланай! Шошганимиз шунчаликки, қайси томонга юришимизни билмай қаллослаб, икки йўлнинг ўртасига тушиб қолган эканмиз, қарама-қарши қичқириб келган поездлар, қулоқни битириб, келган бўйича тўхтамай тарақ-туруқлаб ўтганда, шамол уйилган қорларни вагонларнинг остига учириб кетгудек бўлиб ҳар томондан урилди. «Эна!»—деб бақирган Алиман мени кучоқлаганича фонуснинг тагида ушлаб турарди. Ўша шақ-шук қуюн ичида ярқ-юрқ этган вагонларнинг дераза-эшикларига тикилиб, Майсалбегим шунда ўтиб кетмадими, деган ўй буткул вужудимни титратиб, эсимдан оғдирарди. Ўшанда гилдираклар остидаги қўш излар менинг зирқираган юрагимдек, зинг-зинг этиб турарди. Айтчи, яна, дунё таянчи Ер, қайси замонда, қайси она ўшандек ўз боласини бир кўришга зор бўлиб, кўзидан қонли ёш тўкиб, йиғиси тош ёриб, йўл пойлаган экан?

– Айтолмайман, Тўлганой. Сенинг замонингдагидек уруш оламда бўлгани йўқ.

– Бўлмаса, ўшандек йўл пойлаган онанинг энг сўнггиси мен бўлайин! Илоҳим, менингдек темир йўл кучоқлаб, зор қақшаган банда бўлмасин!

– Тўлганой, ўглинг билан кўришолмай келганингни, сен бериги катта йўлга қайрила берганинга билган эдим. Рангнинг шунчалик ўзгариб, кўзларинг киртайиб, касалдан тургандек бўлиб қолганинг.

– Шундан кўра бир ой эс-хушсиз тўшакда ётсам рози эдим. Тонг отгунча келиним икковимиз бир дам тиним билмай, темир йўлнинг бўйида у ёқдан-бу ёққа югуриб юрдик. Тонгга яқин бўрон босилди. Ўшанда кун ботар тарафдан вагонлари тилкаланиб куйиб кетган бир эшелон келди. Ёпирай, тилкаланган эшелон аста судралиб келганда,

дара сукунатда эди. Оз-моз учқунлаб турган қорни ҳисобга олмаса, станцияда гимирлаган жон, чурқ этган товуш йўқ эди. Бу судралган эшелонларнинг биронтасида ҳам одам йўқ экан. Даб-даласи чиққан вагонлар тиркалишиб, харобазор гумбазлар орасидагидек, унсиз хувиллаб ётган гўристон сукунати ҳукм сураб, бурқсиган тутун, куйган темир, ёнган қарагай ҳиди анқиб турарди. Куни кеча танишган қора тўнли чўлоқ ўрис киши фонусини кўтариб, ёнгинамизга келган эди, Алиман ундан: «Бу эшелонга нима бўлган?»—деб астагина сўради. «Бомбалар пачақлаб кетган»—деди у ҳам секингина. «Энди бу вагонларни қаерга олиб кетишяпти?» – «Таъмирлашга»—деди темирйўлчи. Уларнинг сўзини тинглаб, бу эшелонда кимлар юриб, қаерда бомба остида қолган, ур-йиқит, бақириқ-чақириқнинг ичида кимлар оёқ-қўлидан ажраб, кимлар жон бериб, ҳаёт билан видолашди экан, урушнинг шамоли шу бўлса, ўзи-чи, ўзи қанақа мудҳиш нарсаси, деб хаёлимдан ўтказдим. Урушдан қайтган эшелон станцияда анча тургандан кейин, секин судралиб, яна аллақаяққа югуриб кетди. Юрагим ҳовлиқиб, бутун вужудим титраб кетди. Энди Майсалбегим ҳали пачақланган эшелон келган томонга, қон майдонига йўл олади-да.

Қосим нима бўлди экан? Сувонқул ҳам Рязань шаҳрига яқин ерда машқ қиляпмиз, деб ёзибди. У ер фронтдан унча узоқ эмасга ўхшайди...

Қуёш чиқиб, туш ҳам бўлди, умидимиз узилди. Майсалбек биз келгунгача ўтиб кетган эканда, бўлмаса станцияга келган ҳар бир эшелонни қўймай қараб чиқдик-ку. Энди нима қиламиз? Майсалбек билан юз кўришмай қолганимизми бу? Аравадаги отларга сақлаб қўйилган ем-хашак ҳам тугаб қоляпти, деб ҳар қайсисини бир ўйлаб, овулга қайтиб кетишга кўнглимиз бўлмай, Алиман икковимиз темирйўлчиларга ёрдамлашиб, темир йўлларнинг орасига уйилган қорларни тозалашдик. Шундай қилмасак, вақт ўтадигандек эмас. Совуқ кечагидан бўш келмай, ёмғир

аралаш шамол бўлиб турди. Бир вақт ҳаво очилди, булутларни ёриб қуёш чиқди. «Оҳ, Худойим-эй, шу қуёшдек бўлиб ўғлим ярқ этиб кўзга кўриниб қолса-я!.. Худойим, ўзинг етказгин боламни!» – деб ёлворардим. Шу орада кун чиқар томондан паровознинг ҳайбатли овози эшитилиб, станиияга яқинлашаётган эшелон кўринди. «Эна, шу эмасмикин? Худо хоҳласа шу!» – деди Алиман, худди билгандек хуржунни елкасига солиб, ўшанда билиб тургандек, нима учундир бўзариб, юзидан қони қочди. Менинг ҳам нафасим қисилиб, юрагимга ваҳима тушди. Бир-бирига туташган икки паровоз яқинлаб, тутун, буг, қора чўян, қизил темир гилдирак гуркираб, шақиллаб ўтаверди, бирма-бир очиқ вагонларга юкланган замбарак, танклар ёнида милтиқли кишилар кўзга чалиниб турарди. Вагонларнинг эшигига тўпланган солдатларнинг ўйин-кулгисидан уларнинг сўзларини англаб бўлмасди. Вагонлар кўз илғамай зинғиллаб ўта бошлади. Кўлига байроқча ушлаган қандайдир бир темирўлчи югуриб келиб «Тўхтамайди, тўхтамайди!» – деб, қўлини силтаб, бизнинг кўкрагимиздан итариб темир ўлдан четлатаётган эди, шу маҳал ёнгинамиздан: «Она! Алиман!» деган қичқириқ эшитилди.

Майсалбек! У ҳам, айланиб, қоқиниб кетайин болам-эй, бир қўли билан вагоннинг тутқучини ушлаб, бўйнини орқага ташлаб, қулоқчинини силкиб, хайрлашиб бораётган экан. «Майсалбек!» – деб қичқирганимни биламан. Ўша кўзга ташланган пайтда, Майсалбекнинг қадди-қомати аниқ кўринди: шинелининг этаklarини шамол тортқилаб, юзида, кўзида ўкинч ҳам, севинч ҳам, учрашув ҳам, хайрлашув ҳам бор! Қутуриб эсган шамол унинг овозини олиб қочди, Майсалбекнинг ўша туришидан кўз узмай, у узоқлашган сайин поезд билан бирга юриб, эшелоннинг энг охири вағони ёнимдан ўтганда, орқасидан яна чопиб, юз тубан йиқилдим. Оҳ, ўшанда бўзлаб, қақшаб йиғлаганим-эй! Ўқ ёғиб турган майдонга кетиб бораётган ўғлимнинг ўрнига, темир ўлни кучоқлаб, видолашиб ётдим.

Гилдиракларнинг рельсга тақ-туқ урилиши ҳам тобора узоқлашиб борарди.

Ҳозир ҳам, гоҳида ўша эшелон қулогимни тиндириб, бир-бирига туташган икки паровоз олиб учган вагонлар миямни қоқ ёриб ўтаётгандек бўлади. Ўшанда орқамдан хўрсиниб йиғлаётган Алиман етиб келиб, унинг кетидан яна бир темирйўлчи ўрис аёл келиб ётган еримдан қучоқлаб тургизишиб, темир йўлдан четга олиб ўтишди. Алиман мени қўлтиқлаб келаётиб, ўшанда, қўлимга аскар қулоқчинини тутқазди: «Манг, эна, муаллим бола ташлаб кетди» – деди у. Майсалбегим менга ташлаб кетган экан.

– Тўғри айтасан, Тўлганой, аравада келаётиб, қалпоқни кўксингга босиб келмаганмидинг.

– Ҳа, ўша қулоқчин ҳозир ҳам уйда илиғли турибди. Пешонасида қизил юлдузи бор, бўз матодан тикилган солдатча қулоқчин. Баъзан қўлимга олиб ҳидлайман, ундан ҳали ҳам ўғлимнинг иси келиб тургандек...

ТЎРТИНЧИ БОБ

– Тўлганой, бояқиш Тўлганойим, сумбул сочларингга кумуш қиров тушириб кетган ўша кунлар эмасмиди? Эссизгина ўрим-ўрим сочлар! Сен бу ерга келганда ҳар гал ҳам бошқача қиёфада келардинг. Дам-бадам юкинг оғирлашгандек, ҳамма қийинчиликларга бардош бериб, дардингни ичга ютиб жимгина келиб, жимгина кетсанг ҳам бошингга қандай қийин, оғир кунлар тушганидан тўла огоҳ эдим.

– Ҳа, она-Ерим, нима ҳам дер эдим. Ёлғиз менгина бўлсам эди – урушнинг касри тегмаган битта ҳам оила, биронта ҳам одам қолмаган эди-ку. Бошқаси у ёқда турсин, дунёнинг ўнг-териси билан иши бўлмаган эндигина тили чиққан муштдек болалар ҳам, оғзидан она сути кетмаган гўдаклар ҳам, бир ашула айтиб берчи, десанг, юрак бағрингни ёриб:

*«Оқ кўйлагим этаги
Ҳилпир-ҳилпир этарми,
Аскарга кетган отамнинг,
Бир хабари келарми?»*

–деб қақшаб турса, кимнинг ичи ачимайди, бостириб кирган душманга: «Ҳап сеними!»–деб ким газабланмайди. Мудҳиш хабар – қора хат келганда, аскарга кетган кишилардан ажралиб, ҳар куни овулнинг икки-уч еридан дилингни эзиб юборадиган йиғи-сиғи овозлари чиқиб турса, кишининг қони қайнаб, уруш ўтининг ёлқини юрак-бағрингни ўртаётганини ўшанда билар экансан! Худди ўша кезларда бригадирлик қилиб, элнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб, кўпчиликни эплаб, бош-кўз бўлиб юрганимдан ҳозир ҳам фахрланаман, ҳозир ҳам уни завқ билан, миннатдорчилик билан эслайман. У бўлмаганда балки, мен аллақачон майишиб, аллақачон мудраб, аллақачон уруш тўполонлари ичида оёқ ости бўлиб кетар эдим. Қиличини яланғочлаб келган ёвга қарши зарба беришнинг ягона йўли курашда, меҳнатда эмасми. Мана, қадрдон далам, иш орасида чопа келиб, яна ун чиқармасдан от жilовини қайта буриб, индамасдан чопиб кетишимнинг боиси ҳам шунда. Қосимдан хат келгани эсингдами, меҳрибоним?

– Бўлмасамчи, Тўлғаной. Сен нариги ёқдаги кўчадан чиқаверишингда, баланд- пастликларга қарамай, отнинг бошини қўйиб чопиб келаётганингаёқ билган эдим. Сен ўшанда адирга гўнг сочиб юрган келининг билан кичик ўғлинг олдига суюнчи олгани келган эдинг, Тўлғаной!

– Суюнчи олмай бўладими? Бирданига икки ой дом-дараксиз кетган Қосимимдан соғ-саломатман деган хабар келса-ю, мен суюнмай, ким суюнсин! Москва ёнидаги кескин жангларга икки бор кириб, иккаласидан ҳам соғ-саломат чиқдим, немисларнинг шашти қайтиб тўхтаб қолди, бизнинг полкимиз ҳозир дам оляпти, деганди. Алиманнинг ўшандаги қувонгани- ей!.. Аравадан ирғиб тушиб,

Жайноқдан олдин «Энажон, оғзингизга мой, қоқиниб кетай, энажон!»—деб, етиб келди-ю, хат ушлаган қўллари қалтираб, ҳеч нарса ўқий олмай: «Омон! Омон-эсон!»—деяверди. Ёнверида гўнг сочиб юрган жувонлар югуриб келишиб, «Қани, ўқичи, Алиман, куёвинг нима депти?»—дейишса, «Ҳозир, айланайлар, ҳозир!»—деди-ю, ўқий олмади. «Менга берчи, янга. Одамларга ўқиб берайин»—деб Жайноқ хатни олди-ю, баланд овоз билан ўқий бошлади. Ўшанда Алиман нима учундир ерга ўтириб қолиб, қизиган пешонасига чангаллаганича қор босди. Хат ўқилиб бўлгач, у бир оз ўйланиб турди-да, бетигаги эриган қорни ҳам суртиб олмай, шу бўнича йиғлашини ҳам, кулишини ҳам билмай, худди туш кўрган ёш боладек жилмайиб: «Юринглар, энди ишлайлик!»—деди. Сўнг ўзи атрофга бамайлихотир назар ташлаганича одимлаб кетди. Нималарни ўйлаганини ким билсин, менимча ёзда, шу далада Қосимга сув ташиб юрган кезларини эсладими? Балки, уни аскарга кетаётганда комбайн билан хайрлашгани кўз олдига келгандир. Тавба, келиним сир сақлаб юрса ҳам, бариси юзига чиқар эди. Ахир, шундай одамлар ҳам бўлади-ку. Шу дақиқа Алиманнинг кўзлари – ҳам севиниб, ҳам мунғайиб, аллақандай ажойиб, гўзал кўринишларни эслагандек кулимсираб, эркалаб катта йўлда ёмғирдек тўкилган саман йўрганинг олислаб бораётган чангни кузатаётгандек мўлтиллаб ёш олиб, қисқаси, келиним ўй-хаёллар селига чўмгандек эди. Ҳазилкаш Жайноқ тушмагур уни қўярда-қўймай енгидан тортиб: «Эй янга, эс-ҳушингизни йўқотганга ўхшайсиз. Шунчалик ҳолингиз бор экан, нима қилардиниз хатга қўл чўзиб...

Хатни ўқий олмай, элу юртга кулги бўлди, деб Қосим оғамга ёзиб юборай. Хотинингизни яна мактабга бермоқчимиз дейин!»—деди. Алиман уни ҳазиллашиб муштлаб, бир бировларини қувлашиб кетгандан кейин, мен ҳам беихтиёр кула бошладим. «Майли,- дедим ўшанда ўзимча ич-ичимдан фахрланиб.— Ёвни ёвбосади! Қосимнинг жанг-

га кириб кўп қатори немис билан олишиб чиққани рост экан. Менинг болаларимдек йигитлар элни қўриқламай, ким қўриқласин. Фақат омон бўлиб, душманни енгиб, зафар билан қайтиб келса бўлгани, бошқа ҳаммасига чидаш мумкин, майли, ит азобини тортсак ҳам, эртароқ енгсак бўлгани! Худойим, эртароқ енгсак экан!»—деб тилак тилардим. Бу фақат менинг истагим бўлмай, кўпнинг тилаги, улуғ тилак бўлгани учун ҳам, ҳаммасига кўнар экансан.

Уйда ёлғиз қолган кенжам, Жайноғим, ўн саккизга етар-етмас аскарга кетганда: «Майли, бошга тушганни кўз кўрар!»—деб ўзимни ўзим юпатдим. Қишнинг охирларига бориб Жайноқни ўз тенгқурлари қатори ҳарбий комиссариатга чақира бошлаганда, уларни шунчаки бир аскар сифатида машқ қилдириб юрса керак, деб ўйлардим. Уни аскарга олади деган хаёл ҳам кўнглимдан ўтмаган эди. Икки марта туманга бориб, ўн кун чамаси ўйнаб келди, кейинги боришда эса орадан бир кун ўтиб, эртасигаёқ Жайноқ уйга қайтиб келди. «Нима, сенга жавоб беришдими, тезда қайтиб келиб қолдинг?»—деб сўрасам: «Йўқ, она, эртага яна туманга қайтиб кетаман. Ҳарбий комиссариат бир кун уйда бўлишга рухсат берди»—деди. Мен бўлсам ўшанда ҳам пайқамабман. Узоқ сафарга отланаётгандек Жайноқ ўша куни жуда кўп ишларни битириб қўйди. Ишдан бирров қайтиб келсам, кўранинг ичини супуриб, олам-жаҳон ўтинни ёриб қўйибти. Молхонани тозалаб, томнинг устидаги пичанни қуритиб тўплаб, отаси от боғлаб юрадиган охурнинг бузилган жойларини чаплаётган экан. «Вой, уни нима қиласан, болам, ёзда шувалар»—десам: «Вақт борида битириб қўйган яхши, она. Кейин қўл тегмайди»—деди. Сўнг билсам, у бекорга уннаб юрмаган экан. Жайноғим ўз ихтиёри билан комсомол чақириғига жавобан урушга жўнаб кетди. Буни биз Жайноқ жўнаб кетгандан кейин билдик, станциядан аравакаш, овулдоши орқали хат юборибди. Алдаб кетгандек, вой бечора болам-ей, тўғриси айтиб хайрлашиб кетсанг, йиғлаб-сиқтасам ҳам тушунар эдим-ку.

Алиман иккаламизга ёзган хатида, хайрлашмай кетганим учун мени кечиринглар, сизларни биратўла билишсин, дедим, аскарга ўз ихтиёрим билан кетишни лозим топдим деб ёзибди. Менинг бу аҳдимга рози бўлмайди, деб ўйладими, ё айтишга оғзи бормадими, қайдам. Билишимча, Жайноқ урушни севиб, қизиқиб кетгани йўқ, уни ёмон кўргани учун, элга келтирган зиён-заҳматини қалбдан ҳис қилгани учун қўлга қуроли олиб, беллашгани кетди. Отаси, икки акаси элу-юрт деб жанг майдонида қон кечиб юрганда, бунинг жони улардан ҳам азизмиди, у ҳам ор-номусли йигит эмасми. Ҳа, Жайноқ худди шунинг учун, урушни ёмон кўргани учун кетганига кўзим етиб турибди. Ёлғиз Жайноқ фронтга боргани билан душманни қийратиб юбормайди, бироқ, бундай дейиш ҳам тўғри эмас; Жайноққа ўхшаганлар ўнлаб қўшилади, юзлаб, минглаб қўшилади, шундай қилиб куч тўпланади! Шундай қилиб қўл пайдо бўлади, шундай қилиб тоғ ҳосил бўлади! Жайноғим, кенжам, қувончим, ҳазилкашим, хушчақчақ суксур тойчоғим, болам! Сен нима учун айтмай кетганингни билмади дейсанми?

Сени болалик қилиб, урушнинг нима эканини, ўлимнинг нима эканини тушунмай кетаверди деб ўйлади, дейсанми? Сенинг хушчақчақлигингни кўриб, сенинг инсониятга бўлган тоғдек меҳр-муҳаббатингни ҳар ким ҳам тушунавермас эди. Ўша муҳаббатингдан хотин-халажнинг кўрган азобига тик қараб тура олмадинг. Одамнинг бу дунёда орттирган нарсаси яхшилик экан-да. Мана энди, урушда юриб, аллақерда ном-нишонсиз қурбон бўлдинг. Қирқ тўртинчи йилнинг қайси бир қоронғи тунида партизанларга ёрдамлашиш учун самолётдан парашютда сакрабсану, парашют десантидаман, немисларнинг орқа томонига ўтиб уч бор жанг қилиб келдик, деб хабар қилганингча дом-дараксиз кетдинг. Душман билан олишиб, бирор ерда ўққа учрадингми, ё тўқайзорда адашиб кетдингми, ёки қўлга тушиб қолдингми. Ҳайтовур, омон бўл-

ганинга бирор шарпанг сезиларди-ку, болам. Сен жуда эрта хазон бўлдинг. Жайногим, кенжатоим, ёш кетиб элнинг эсида ҳам унча қолмагансан. Мен сени йўқлаганда, бизни аяб айтмай кетганингни доим эслайман, ўша кезларда станцияга арава билан қатнаб юрганинга, нотаниш бир ёш болага устингдаги тўнингни ечиб берганингни доим эслайман.

Қиш тушиб қолган, аёзли тунларнинг бирида, аравасини ўртоқларига бериб, Жайноқ кўйлакчан кириб келди. Совуқдан кўкарган юзига қарасанг, ақлинг қочади, тиши тишига тегмай, тараша бўлиб қолибди. Шундай бўлса ҳам, сир бой бермайди. «Вой, бу нимаси, кийиминг қани, йўлда биров ечинтириб олдим?»—десам, бир болага бериб келдим, деди. Кейин ўртоқлари айтиб берди. Урушдан эвакуация бўлиб келган битта ўрис хотин тўртта ёш боласи билан бизнинг станцияга тушиб қолган ва ҳаммаси оч-яланғоч бўлиб, совуқдан титрашиб ўтиришган экан. Онаси болаларни эплаб-сеплаб рўмол-пўмолга ўраб қўйган бўлса керак, саккиз-тўққиз ёшлардаги дастёр ўғлига ҳеч нарса етмай, биргина жулдур камзулда тиришиб ўтирганмиш. Жайноқ ўша болага устидаги тўнини ечиб берибди. Тўнини кийгизиб қўйса, этаги товонига шалпираб, судралиб, энглари тиззасидан пастга тушиб турса ҳам, бир оз исиган бола, қайта жон киргандек, қайта тирилгандек кулимсираб, жилмайиб, ҳузур қилиб қолибди. Жайноқ ўшанга хурсанд бўлиб, йўл бўйи совуқда араваларнинг ортидан югуриб, навбатма-навбат ўртоқларининг кийимини олиб кийиб бораётган бўлса ҳам, ҳалиги болани дам-бадам эслаб: «Яхши иш бўлди, бечора бола исиб, ўзига келди-а?»—деб келаверибди. Тўгрисини, айтсам бир кишига тўн ечиб бериш билан элнинг ками-кўсти тўлиб, бутун бўлиб қолмайди. Бироқ, ҳалигидек бирга ўн қўшилиб, ўнга юз, минг қўшилиб, эчилиқ-юртчилик, одамгарчилик, жиғарбандлик деган нарсалар шундан келиб чиқишига ишонман. Одам яхшилиқни ердан топиб олмайди, одамдан

ўрганади. Жайноқ бериб кетган тўн йиртилар, бутунлай йўқ бўлиб кетар, айтишга арзимайдиган нарса, бироқ гап унда эмас, шу кичкина боланинг қалбида биров қилган яхшилиқ учқунлари сақланиб қолса, одам бўлгандан кейин бировга яхшилиқ қилиш бурч эканини ёшлигиданоқ тушуниб олса, Жайногимнинг қилган савоб иши ўшанда...

Эҳ, энди нимасини айтайин, уруш касофати қанча-қанча одамларнинг ёстигини қуритди, Жайногим омон бўлганда қандай одам бўлар эди-я! У феъл-атворингдан, қилиқларингдан айланай, болам, қайдасан, қайдасан? Ўн гулингдан бир гулинг очилмасдан, қаерларга бориб ўққа учдинг экан? Оҳ, дунё, оҳ, жонажон Ер, боламнинг дийдорини бир маротаба бўлса ҳам кўрсам эди!..

– Тўлғаной, сабр қил, ўзингни босиб ол. Ундай қилма, ўзингга раҳм қил... Юрагингнинг ҳар бир тепишини ғанимат бил. Бўйнингдаги қарзингни унутдингми?

– Йўқ, сирдош далам, унутмайман. Унутмаганлигим учун ҳузурингга келиб турибманда. Шу қарз бўлмаганда ҳанузгача тирик юрган бўлармидим, чиқмаган жоним қилтиллаб, юрагим аллақачон ғалвир бўлган-ку. Эсингдами, она-Ер, ўша мудҳиш кунлар?

– Эсимда, Тўлғаной. Сени қўш ҳайдатиб юрган ерингдан чақириб кетишганларидаёқ билган эдим. Одамларнинг кўз қарашидан, киприк қоқишидан, пичирлашиб гаплашганидан сезганман.

– Ҳа, бойчечак очилган кўклам кунлари далага эндигина қўш чиқарган кезлар эмасмиди? Кун тегмаган камарларда курт-кумурсқалар ҳали ҳам карахт ухлаб ётган бўлса ҳам, майин шабада эсиб, ер селгиб, кун сайин майсаларниш уриб, баҳор яқинлашмоқда эди. Оҳ, баҳорни қўмсаб, доннинг сепилишини орзиқиб кутаётган деҳқон далам! Намиққан юларинг кўкимтир ранг олиб, оламнинг чор атрофига ястаниб, аллақаерларингда кумуш ранг таратиб, тўшакда ётган жувондек балқиб турганингдан, бепоён далам!

Омоч тишлари эндигина ер бағрини тилиб, нам тупроқниг илиқ тафти юракни қитиқлаётганда, трактор орқасидан бамайлихотир одимлаб борарканман, ерга: ҳосилдор, баракали бўл, урушда юрганларга қувват бўл, деб, Сувонқул билан Қосимдан кўпдан буён хат-хабар узилганини эслаб, ўзимча ўйланиб турсам, овулдаги қариялардан бири келиб қолди. «Э, оқсоқол, келиб қолибсиз, иш бошидан бир фотиҳа бериб юборинг!»—дедим. «Дехқон — бобом, хирмон баракали бўлсин, ҳузурни эл кўрсин!»—деб, от устида фотиҳа қилди-да:

— Тўлғаной, тумандан келган вакил, бригадир келсин, деб чақиряпти, юргин»—деди. Қўшниларга ишни тайинлаб, овулга йўл олдим. Уйимда ҳеч нима йўқ, тумандан кунига катталар келишади, айниқса ер ҳайдаш бошланганда янада кўпроқ келишган. Қария билан аста-секин уни-буни гапиришиб келар эканмиз, у киши гап орасида сўз қистириб: «Раҳмат сенга, Тўлғаной! Шундай мушкул кунларда элга бош бўлиб юрибсан, дадил бўлиб ишлайвер. Сенга ҳам осон эмас, одамнинг бошига нималар тушмайди, нималар ўтмайди, дегандек бундай оғир кунларда бир-биримизни қўллашимиз, мадаккор бўлишимиз даркор, йўқ бир-биримизга мадормиз, элмиз. Эл билан кўтарган юк ерда қолмайди»—деб қўяди.

Овулга киравериб, кўча бўйлаб келаётганимизда уйимиз ёнида ғала-ғовур тўпланиб турган халқни кўриб ҳам ҳеч нарсани сезмабман. Қария менга ялт этиб қаради-ю, чўчигандек: «Отдан туш, Тўлғаной»—деди. Мен ҳайратланиб қараб турган бўлсам керак, у киши отидан туша солиб, менинг қўлтиғимдан олди: «Туш, Тўлғаной, тушишинг керак!»—деб такрорлади. Тилим калимага келмай, бутун вужудим жунжикиб, отдан тушдим. Бир вақт қарасам, нариги ёқдан Алиманни эргаштириб, уч-тўрт аёл келаётган эди, Алиман ўша кунни ариқ олишда ишлаётган эди. Унинг кўтариб келаётган кетмонини бир аёл елкасидан шартта олди. Шундагина ҳаммасини тушундим: «Бу

нима қилганларинг, вой Худо, шўрим қурсин!»–деб кўчани тўлдириб бақирдим. Шу маҳал Ойша кўшнимнинг уйидан аёллар чиқа солиб, қўлларимни маҳкам ушлашди: «Бардам бўл, Тўлганой... Сувонқул билан Қосимдан жудо бўлдик!»–деганда:

«Эна, энажоним-эй!»–деб чинқирган Алиманинг товуши чиққач, турган одамларнинг ҳаммаси: «Жигарим-эй! Жигарим-эй»–деб ўкириб йиғлайверишди...

Оҳ, лаънати уруш, мақсадинг шумиди? Оҳ, қора кун кўргилик шумиди? Менгина эмас, кўча-кўй, уйлар, дов-дарахтлар чайқалиб эгилар, ер-кўкни бузган йиғи товушларидан қулогим тиниб, гаранг одамдек ҳеч нарсани эшитмай, аллақандай бир мудҳиш жимлик ичида, гўё тушдагидек, гўё кишиларнинг юзини булут қоплаб олгандек кўзга чалиниб ё ўлик, ё тирик эканлигимни сезмай, орқамга қайрилган қўлларимни бўшатиб олишга ҳаракат қилардим. Ёнимда ким борлиги, эшик ёнида дод-вой солаётган одамлар кимлар экани билан ишим йўқ, менинг биргина аниқ кўриб турганим – Алимани. Юзини, кўйлагини юлиб, сочлари тўзгиган келиним ҳам нималарнидир зор қақшаб, чинқириб, икки ёқдан осилганларга, бўйин бермай, у ҳам мен томон талпинарди. Алиманига тезроқ ета қолсам деган хаёл билан мен ҳам унга интилавердим, бироқ худди қирқ кунлик олис йўлдан келаётгандек бир-биримизга етолмай, қўшилгунча анчагина вақт ўтди. Ўртага узоқ йўл тушгандек, бир вақт Алимани етиб келди. Битган қулогим ўшандагина очилди. Икки қўлини ёзиб: «Бошимизга қоронғи кун тушди, эна, айрилдик, есирмиз, есирмиз! Ой-кунимиз сўнди, бирдек есирмиз!»–деб, Алимани фарёд чекиб, қучоғимга ўзини отди. Ҳа, ўша пайтда икки есир қўшилиб, бир-биримизга ёнган кўкрагимизни босиб, зор қақшаб йиғлардик...

Ажойиб азаматлар, тоғ нураса бўлмасмиди, кўл қуриса бўлмасмиди! Сувонқул билан Қосимим, ота-бола иккови ҳам қандай деҳқон эди-я! Дунёнинг таянчи шунга ўхшаш заҳматкашлар эмасми: элни тўйгазганлар ҳам ўшалар,

ёв келганда қўлга қурол олиб, мамлакатни қўриқлаб, қон тўкканлар ҳам ўшалар. Агар уруш бўлмаганда, Сувонқул билан Қосимим қанча одамларга ризқ-рўз улашиб, муш-кулини осон қилиб, экин экиб, қанча хирмон кўтариб, қанча ишни бажарган бўларди. Ўзлари ҳам эл меҳнатидан ҳузур-ҳаловат кўриб, одамнинг қанча роҳатига шерик бўлишар эди.

Ўйлаб қарасанг, қизиқ, айланайин, она-Ер, уруш бошланар экану, у урушда одамзоднинг энг асл, хунари бор азаматлари ўз ишини ташлаб, бирининг қонини бири тўкиб, бирини бири ўлдиришга сафарбар бўлишар экан. Мен бунга кўникмайман ва умрбод кўниколмайман. Табиат қўйнидаги энг олий мавжудотларнинг энг буюги – одамзод, дунёни ўзига бўйсундирган ким, одамзодми, шундай экан, бир-бирига бунчалик зиён келтирмай, тинч-тотув яшолмайдами? Сирдош далам, жавоб бер, айт жавобингни...

– Қийин савол бердинг-ку, Тўлганой. Мен билганимдан буён, одам одам бўлиб яратилгандан буён урушгани урушган. Баъзан урушда мутлақо қирилиб ном-нишонсиз кетган эллар ҳам бўлган, кули кўкка совурилиб, тирик жон қолмай хонавайрон бўлган шаҳарлар ҳам бўлган. Неча асрлар одамзод изига зор бўлиб, бўм-бўш ётган вақтларим ҳам бўлган. Ҳар гал уруш чиққанда, гап уққанларга, урушманглар, қон тўккунча ақл ишлатинглар, деб айтаман. Ҳозир ҳам айтадиган сўзим шу: «Эй, одамлар, дунёнинг тўрт бурчида яшаётган одамлар, сизга нима керак – Ерми? Мана мен – Ерман, мен барча одам боласига етарлиман, менга талашишларингнинг кераги йўқ, менга иноқлик керак! Меҳнат керак! Шудгорга битта дон ташласаларинг, юз дона қилиб бераман, хипчин санчсаларинг, чинор қилиб бераман, боғ қилсаларинг, мева тугиб бераман, мол ёйсаларинг пичан бўлиб бераман, уй қурсаларинг, девор бўлиб бераман, уруғ-аймоқларинг кўпайса, ҳаммаларингга жой бўлиб бераман! Мен тугамайман, мен хасис эмасман, мен конман, мен ҳаммаларингизга баравар етаман!» – дейман.

Сен энди, Тўлганой, одам боласи тинч яшай оладими, йўқми, дейсан. Ўзинг ўйлаб кўрчи, у мендан эмас, сизлардан, одам боласининг ўзидан, сизларнинг иноқликларингиздан, хоҳишларингиздан, ақли идрокларингиздан... Мени урушнинг заҳматини тортмайди дейсанми, Майдонда қурбон бўлган меҳнаткашларимнинг: сенинг Сувонқулингга, Қосимингга, Жайноғингга ўхшаган деҳқонларимнинг меҳнатини соғинаман, уларни йўқлайман. Ер вақтида ҳайдалмай, экин вақтида суғорилмай, хирмон вақтида кўтарилмай турганда, мен уларни: «Келинлар, полвонбилак деҳқонларим, келинлар, болаларим, тезроқ туриб келинлар, қувраб кетяпман!»—деб чақираман. Афсуски, кетмонини кўтариб, Сувонқул келса қани, афсуски, комбайнни ҳайдаб, Қосим буғдой ўримига кирса қани, афсуски, хирмонга қизил алвон тортиб, Жайноқ аравасини қувиб келса қани!..

– Сен ҳам мендек бағри қон экансан, ғамхўр далам, сен ҳам мендек соғинар экансан, сен ҳам мендек йўқлар экансан. Раҳмат сенга, жигарбандим Ер! Биласан-ку, яхши-ёмон кунда бирга бўлдик. Сувонқул билан Қосимнинг азасини тутиб, Алиман иккаламиз қора кийиниб, аза очиб, йиғимизни ҳам тугата олмадик. Эшитанимиздан сўнг етти кун ўтиб, еттисини ўтказганимиздан кейин, эл рухсат берди: бир йилгача аза тутсанг ҳам озлик қилади, илож қанча; охири бахайр бўлсин, Майсалбегинг билан Жайноғинг (унда Жайноқ тирик, хат узилмай, келиб турган пайти эди) омон-эсон қайтиб келишсин, ёз ёришли деганларидек, тирикчилик қилинлар, қўш ҳайдаш вақтида бирдек ишга киришинлар, ўлганлар учун душмандан ўч олганимиз шу бўлсин, дейишди. Келиним иккаламиз уйда ўтирганимиз билан нима ҳам қила олардик. Ўлганларнинг кетидан ўлиб кетмас экансан, кўпчиликнинг гапига кўндик, ишга чиқдик. Ишга чиқиш куни эрталаб раисимиз Усенбой аллақандай иккита қоғоз олиб келди, қора қоғозлар экан, сақлаб қўйинлар, деди. Билсак, Қосимнинг қора

қоғози ярим ой бурун идорага келган экан, Москва остонасидаги ҳужумда, Ореховка деган қишлоқда қазо қилибди. Уни билдирамиз деб турганларида, Сувонқулдан ҳам қора хат келиб қолибди. У эса Елец шаҳрида катта ҳужумда қурбон бўлибди. Овулдошларимиз икки одамимизни бир вақтда билдирганларининг ҳам боиси шунда. Ундан кейингисининг нимасини айтай. Бригадир эканман, белимни маҳкам боғлаб, яна отланиб чиқдим.

– Тўлганой, сен келганда иккаламиз кўпни кўрган оналар каби ўтдек тутақиб, жимгина кўришдик, а?

– Ҳа, шундай қилмасак бўлармиди. Мен йиғи-сиги қилаверсам, келиним ундан баттар ҳаётдан безиб кетмасмиди? Билиб турдинг-ку, куёвига шунчалик куйган жувонни умримда кўрган эмасман. Мен – ҳам эримдан, ҳам ўғлимдан жудо бўлиб, ундан оз куймаган эдим.

Шундай бўлса ҳам менинг йўл-йўриғим бошқа. Озми кўпми, Сувонқул иккаламиз анча йил бирга умр кечириб, турмушнинг аччиқ чучугини бирга тотиб қолдик, бола-чақали бўлдик, муродимизга етдик. Урушнинг харашаси бўлмаганда, бирга қариб, буюргангани яна бирга кўрардик. Алиман билан Қосим бўлса эндигина қўшилиб, ёшликнинг энг ширин пайтида, севгининг энг қайноқ кезида, болта билан қия чопилгандек иккиси икки томонга қулаб йиқилмадим. Ўғлим-ку, ўлди, бироқ Алиманнинг тирик юришини демаса, тушунган кишига у ҳам ўлган билан баробар эмасмиди. Албатта, Алиман ёш эди; кейинчалик бора-бора, балки, яна ўз тенгини топармиди... Алиманга ўхшаш бева қолган кўпгина келинлар урушдан кейин турмушга чиқиб кетишди. Кўпчилиги бахти очилиб, ҳозирги кунда бола-чақали она бўлиб қолишган. Ўшалар тўғри қилади. Бироқ, ҳамма бирдек эмас эканда, баъзи бировлар бурунгисини тез унутиб, жон-жароҳати битгач, тезда янги йўлга тушиб олишади. Алиманнинг эса, шўри қуриб, ундай бўлмади. У бошига тушган бахтсизликка кўника олмади, бурунгисини унута олмади. Бунда менинг

ҳам катта айбим бор. Ҳа, шунга қолганда бўшлик қилдим. Бўшлик ҳам деб бўлмайди, келинимни аяб юриб, унинг ички сирига аралаша олмай қўйганим, нима десам экан, бўшликми, ё ундан ҳам ёмон гуноҳми?

Эсингдами, она-Ер, ўша баҳорда шу ерда бўлган иш?

– Ўша чоғда келининг шахдам қадамлар билан чопганини айтяпсанми?

– Ҳа, ўшани айтаман. Ўша баҳорда баҳри дилингни яшнатиб қийғос очилган қизғалдоқ кўпдан буён яйдоқ қолган далангда то катта йўлга қадар тўшалиб ётмовдим. Гулнинг чиройлиси қизғалдоқ эмасми, айланай!

Ўша кезларда бригадамиз аъзолари бош ариқни ковлашаётган эди. Мен ҳам шу ерда қўшнилар ёнига бориб, кейин кетмон чопаётганлар ёнига келиб, от устида юрардим. Одамлар кун ботмасданок ариқни чопиб бўлиб, овулга эрта тарқалишди. Алиманга, сен қиз-жувонлар билан уйга кетавер, орқангдан етиб бораман, дедиму, бериги томонга, қўшчиларнинг олачиғига бурилдим. Бир оздан кейин отланайин деб оёғимни узангига солаётганимда, Алиманни кўриб қолдим. У уйга кетмасдан шу ерда ёлғиз қолибди. Гул териб юрган экан. Гулни яхши кўрмасмиди. Ана, шўрлик Алиман, гул суйган, гулдек бўлган келиним! Қўлидаги ўнтача қизғалдоқни эркаланиб силар, юзига босиб, қандайдир бир чуқур ўйга чўмгандек турарди. Уни шу ҳолатда кўриб, чаккамга иссиқ тер югурди. Шунда унинг бир вақтлар ўроқ ўриб юриб, гулхайри терганлиги эсимга тушди. Шунда у бошига қизил дурра ўраб, қўлига оппоқ гулхайри ушлаб олганди, ҳозир бўлса бошида қора рўмол, қўлида қизил гул, фарқи шундагина. Алиман ўшанда хаёлга чўмган бошини юқори кўтардида, анчагача теварак-атрофга назар ташлаб турди, сўнг осмонга тикилиб, бирданига, бунинг энди кимга қанчалик кераги бор, дегандек, кечиргин, она-Ерим, сенинг бетингга ургандек, аччиғи

билан қўлидаги гулни улоқтирди-ю, ўзи эса юз тубан йиқилиб ётиб қолди. Майли, йиғлаб олсин, деб мен олачиқнинг орқасидан паналаб турдим. Шу маҳал Алиман ўрнидан яна ирғиб турди-да, боши оққан томон, катта йўлни кўзлаб отилганича жўнади. Эсим чиқиб, отга мина солиб орқасидан тушдим. Қани энди ета олсам. Олдимда қора рўмолини ҳилпиратиб, қизил гуллар устидан қочиб бораётган келинимни кўрар эканман, саросимага тушуб: «Алиман! Алиман! Бу нима қилганинг, вой ўлай! Тўхта! Тўхтагин!»—деяверибман. Ўша сафар йўрға саманнинг орқасидан югургандек, Алиман катта йўлга етиб бориб, яна қайтиб, мен томонга юзланди. «Эна! Энажон! Менга ҳеч нима деманг! Индаманг! Қўйинг!»—деб қўлини ёзиб югуриб келди-да, отнинг ёлини чангаллаб бошини менинг тиззамга қўйди-да, хўнграб йиғлади. Мен индамадим, нима ҳам дер эдим, йиғиси босилгунча қараб турдим.

Бир вақт бошини кўтариб, Алиман менга қаради. Оҳ, ўшандаги аҳволини-ей, юзидан иссиқ ёш оқиб, кўзлари шишиб кетган. «Қаранг, эна,— деди у хўрсиниб.— Қуёш шундай ярқираб турса, дала шундай гуллаб турса, мусаффо осмон шундай кулиб турса, Қосим келмайди-а? Энди ҳеч қачон келмайди-а?»

«Йўқ, келмайди»—дедим мен. Алиман чуқур хўрсиниб олди-да: «Кечиринг, эна,— деди.— Қосимнинг орқасидан югуриб бориб, бирга ўлай дегандим». Шунда мен ҳам йиғлаб юбордим. Агар мен одам бўлсам, узоқни кўра оладиган опа бўлсам, ўшандаёқ унинг бетига қарамай туриб: «Бу сенинг нима қилганинг, ёш бола бўлиб қолдингми, бундан кейин яшашни истайсанми? Сенга ўхшаган қанча келинлар бева бўлиб қолди. Сабр қил, аста секин Қосимни унут, сендек жувон ерда қолармиди. Ўз тенгингни яна топарсан. Бахтинг очилар. Қўй, бундай қилма, ёмон бўлади. Ҳаётдан безсанг, ўзингнинг шўринг. Бардам бўл!»— демайман-

ми, шундай қилиб уни йўлга солмайманми-а? Аммо мен шундай деб айта олмаган эдим, ҳақиқат бўлса ҳам совуқ гап ёмон экан. Кейин ҳам неча марта шу сўзни кези келганда, тилимнинг учида турса ҳам, тортиниб айта олмадим. Бунга турли сабаблар бўлди, менамгина эмас, Алиманинг ўзидан ҳам ўтди. Қисқаси, сўзининг ҳам темирдек қизиқ пайти бўлар экан, вақт ўтгач, бора-бора совуб, бора-бора оғирлашиб, бора-бора айтишга қийинлашиб, эски дард зўрайиб кетар экан.

Бу гапни мен мана ҳозир, замон тинчланиб, орадан қанча вақтлар ўтгандан сўнг айтяпман. Ўша тўполонли ишларда, колхознинг битмас-туганмас ишлари билан ўралашиб, бу ишни бафуржа ўтириб, ўйлашга вақт ҳам, фурсат ҳам бўлмаганди. Бизнинг барча ҳаракатимиз, умидимиз, тилагимиз, кутганимиз эртароқ ғалабага эришсак, уруш тугаса. Ундан кейинги ишнинг ҳаммаси ўзича ҳал бўладигандек осон кўринарди. Лекин ҳозир ҳам урушнинг аччиқ изтиробини битди деб айта олмаймиз... Ҳа, она-Ер, битмагани учун шу зайлда ҳаммасини қайтадан эслаб, барчасини қайтадан қон ютган юраклардан ўтказиб, сўзлашиб ўтирибмизда.

– Гапиравер, Тўлғаной, гапиравер. Бугун сўз сенга. Ҳикоянгни давом эттиравер.

– Гапирмасдан илож қанча: ҳаёт ўзи шунга мажбур этади. Урушнинг учинчи, тўртинчи йиллари давом этиб, киши қалбини дам куюнтириб, дам суюнтириб, душман тобора чекиниб бораётган бўлса ҳам, ҳеч бир чеки йўқдек, куч-қувватдан толган элни баттарроқ қадини букиб, тинкасини қуритарди. Эл-юрт кузда, йиғим терим пайтида машоқ териб, бир амаллаб кун ўтказган бўлса, қиш ўрталарига бориб топган-тутгани ҳам охирлаб қолган эди. Кўкламга келиб тоғдан қазиб олинган ўт-ўланларнинг илдизларини ейиш билангина кун кечирганлар ҳам бўлди.

Алиман иккаламиз оч-тўқ бўлсак ҳам, сабр-тоқат қилиб, колхознинг ишида кун ўтказиб юрдик. Болали-чақали кишиларнинг куни жуда қийин бўлди. Оппоқ бўлиб шишиб кетган болаларни кўрганимда жоним ачиб, ўзимни айбдор кишидек ҳис этиб, уларнинг «нон» деб термилган кўзларига боқолмай юрдим. Қўлимдан келса боримни аямай, ҳатто Су-вонқул, Қосимларнинг орқасидан бориб, сен ҳам фронтда жонингни фидо қил, шунда бу болаларнинг ҳам қорни тўяди, дейишса ҳеч ҳам иккиланмасдан фидо этардим.

Бир куни мен шу гапларни Алиманга айтдим. Шундай десам у жуда ўйланиб қолди. «Рост айтасиз, эна, – деди у, – катта кишиларку нега оч қолишганини тушунишадику-я, аммо болалар бунинг фарқига етармиди. Уларнинг дунёнинг ҳеч қандай борди-келдиси билан иши йўқ. Уларга биздан ҳам қийин. Уларни қандай бўлса ҳам, эплаб, уруш тугаб, оталари, оғалари қайтиб келгунча бир амаллаб оч қўймаслигимиз керак. Бу иккаламизнинг ҳам бурчимиз, эна. Қўлдан келганча халққа ёрдамлашиб турайлик, фойдамиз тегсин. Инсоннинг қадр-қиммати ҳам шунда-да».

Бироқ бунинг уддасидан чиқиш қийин эди. Экин экиб, нон топган деҳқонларнинг нонсиз қолиши оғир ҳолат эди. Бундай пайтларда меники-сеники деган гаплар бўлмайди. Ҳамма нарса урушга – ҳаёт ҳам, эрк ҳам, меҳнат ҳам, ёш болаларнинг оғзидаги овқат ҳам – ҳамма-ҳаммаси сўнгги бурда нонгача консираган урушга! Ундан ҳеч ким ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди. Қочиб кўрганлар бўлди, яширишнинг нима ҳожати бор, ўша қочоқлар охири айланиб келиб, халққа зарари тегар, унинг душмани, қароқчиси бўлиб чиқар эди. Бошқа нима ҳам қиларди.

Эсингдами, она-Ер, ўша қишки тун?

– Ҳа, ҳалиги адашиб кетганингни айтяпсанми?

– Үшани айтяпман. Қирқ учинчи йил қишининг ўрталари эдими, ёки кўкламнинг бошлари эдими, ҳайтовур, қор эрмай, совуқ бўлиб турган эди. Туннинг қайси маҳали эди, эсимда йўқ, эл текис ухлаб ётганда аллаким деразани синдиргудек уриб: «Тўлғаной! Бригадир! Тур тезроқ! Уйғон!»–деб қичқирди. Хушимиз кетиб, Алиман иккимиз сакраб турдик. «Эна! Эна!»– деди Алиман қандайдир бир қувончли ҳодисани сезгандек товуш билан. Алдоқчи саробдек доим хаёлдан кетмас умид шу маҳалда менинг қалбимга ҳам бир учқун ташласа-я: аскарга кетганлардан бири келиб қолдими, деган ўй хаёлимга келса бўладими. «Сен кимсан? Сен кимсан?» – деразага югурдим. «Эшикка чиқ, Тўлғаной! Бўл эртароқ! Саройдан от ўғирланди!»– деди келган киши. Алиман чироқни ёққунча этигимни кия солиб кўчага чошиб чиқдим. От саройига раислар ҳам етиб келган экан. Саман йўрға билан бирга – уни биз колхозга топшириб юборган эдик,– аравага қўшадиган яна иккита от йўқ. Бригадамизнинг кўкламги ер ҳайдашга мўлжалланган ажойиб отлари эди.

Отбоқар отларга тунги ем-хашагини солайин деб пичанхонага кетганда ўғирлаб кетишибди. Келса, сарой қоронғи, чироқ ўчган, шамол ўчирган бўлса керак, деб шошмай ёқиб қараса, бериги четда уч отнинг ўрни бўш. У пайтларда учта ишчи отни йўқотиш колхоз учун ҳозирги пайтда ўнта тракторни йўқотгандек гап эди. Қолаверса, бу ҳодиса фронтдаги солдатларнинг ҳар биридан бир бурдадан нонни тортиб олган билан баробар.

Ҳаммамиз отланиб, баъзи бировлар ўқланган милтиқ олиб, отларни излашга тушганимизда, ўғрилар йўлиқса соғ қўймас эдик. Худо ҳаққи, соғ қўймас эдик! Бироқ етолмадик, узаб кетишган бўлса керак, қаёққа кетганини ким билсин.

Овулдан чиқиб, икки-уч тўпга бўлиниб турли томонга қараб қидиришиб кетдик. Ўшанда адашиб қолмадимми. Минганим колхознинг зотдор айғири эди, жонивор, қамчи теккизмай, олиб учиб, катта йўлдан ўтиб, тоғ тарафга йўл олганимни биламан, орқамдан келаётганлар ҳам бор эди, бошқа томонга уриб кетишганми, улардан узаб кетганимни анчадан кейин сездим. Қароқчиларнинг қораси қаердан кўринаркин, деб тизгинни бўш қўйиб, кенг далалар билан учиб бо-раётгандим, бир маҳал от таққа тўхтаганда, бошимни кўтариб қарасам, олдимда катта жарлик. Тоғ этаги-га келиб қолибмаи. Қорайиб кўринган қир ортидан тўлин ой балқиб, юлдузлар чақнаб, осмон чарақлаб турган экан. Изғирин яхлаб қолган қорларни ялаб, қуриб қолган оққурайларнинг қаддини букиб, ҳуштак чалиб, нураган чолдеворлар ичида укки, бойўғлилар гук-гуклашиб ётганди.

Бу тунда оламнинг қаерларида қанча яхши, қанча ёмон ишлар бўлиб тургандир. Тарихнинг катта кичик воқеалари содир бўлаётгандир, худди шундай бизнинг овулимизда ҳам мудҳиш тун бўлди. Отларни ким ўғирлади, қандай одамларикин? Шундай пайтда элнинг увол-савобидан қўрқмаган кимлар бўлди экан? Ўғрилар жарликдаги тўқайзорда бекиниб ётишган бўлмасин, деб сойга тушиб қарадим, ҳеч нарса кўринмасди, бир тулки «лип» этиб тўқайзор ичидан чиқа қочдида, ой нурида кўкимтир товланиб, жарлик бўйлаб кумуш қуйруғини судраб ғизиллаб кета бошлади.

Овулга қайтдим. Жарлик бўйлаб келаётиб эсимга тушди: Жекшенқул деган кимса аскардан қочиб келган эмиш, ёнида иккита ўртоғи ҳам бор. Сарик Ёйиқдаги қозоқлардан эмиш, деган миш-миш гапларга унча ишонмаган эдим. Одамлар урушда ўт ичида жон олиб, жон бериб ётса, қандай қилиб булар бунда якка бошини олиб қочиб, бекиниб юрсин? Бу нима деган

юзи қоралик: «Сен ўлсанг ўлавер, мен қолсам бўлгани, деганими? Шу ҳам инсонликми?»—деб ўйлаб келардим. Овулда ҳар кимнинг феъли аниқ маълум эмасми. Унда бундай пасткашликка борадиган ҳеч ким йўқ эди. Қолаверса, уч йилқини бирдан қандай ҳазм қила оларкин?

Ўғри четдан келган. Боягидек четлаб, ўзини олиб қочиб юрган, тоғ-тошни оралаб юрганларгина бу ишнинг уддасидан чиқиши мумкин, деган фикрга келдим. Жекшенқуларнинг аскардан қочиб юргани чин бўлса, ҳойнаҳой, ўшаларнинг ишидир бу, деган гумонга бордим. Бундай десам, ўғрини кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб олган ерим йўқ. Бироқ Жекшенқулар билан ҳам юзлашишга тўғри келиб қолди. Бу иш кўкламда содир бўлган эди.

Тўғрисини айтсам, колхознинг кундалик ташвишлари билан юриб, бу воқеа ёддан ҳам кўтарилай деб қолган экан. Уч от – икки тишли омовчи ўғирлаш билан баробар деган гап, лекин иложи қанча, гумон-сунонларни эплаб, бригаданинг омовчиларини бир амаллаб ўрнини тўлдирдик. Шу билан қўш ҳайдаш ҳам бошланиб кетди. Ўғри эмас, Худони ҳам унутиб юборадиган вақт бошланди. Ҳаётимдаги энг машаққатли кўклам ўшанда бўлган эди. Элнима қилсин, элишласак дейди, лекин очликдан силласи қуриб, кетмон кўтара олмайдиганлар ҳам бўлди. Илгаригидек куч-қувват йўқ, бир кунлик иш ҳафтага чўзилиб кетарди. Бунинг устига, колхозда уруғлик ҳам етишмасди. Хампанинг¹ бор-йўғини сидириб, ҳар бир донни битталаб териб олиб бригада режасини базўр бажардик.

Ўша кунларда халқнинг аҳволини кўриб жуда ачиндим. Меҳнат кунига ҳеч нарса олмаса, ейишга нони бўлмаса, нима, элни қирамизми. Эндиги кўкламда бундан

¹Хампа - омовхонада дон сақлаш учун ажратилган қисм.

беш баттар очарчиликка дучор бўламизку. Йўқ, бу ҳолда яшаш мумкин эмас, қандай қилиб бўлса ҳам бир йўлини топиш керак, деб юриб, ҳов юқоридаги бекор ётган ерлар бор эди-ку, ўшани ҳайдатиб, уруғ септирмоқчи бўлдим. Раисга маслаҳат солдим, райкомгача бордим, тушунтирдим: буни биз режадан ташқари ўз кучимиз билан элнинг меҳнат ҳақига мўлжаллаб экамиз, дедим. Столга бағрини бериб ўтирган кимдир биров: «Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Агар биз бунга йўл қўйсак, колхоз қонунини бузган бўламиз!»—деди. «Қонунинг қора ерга кирсин! - дедим мен.—Биз оч юрсак сизларга ким нон топиб беради?» — десам: «Оғзингга қараб гапир, ўлгинг келяптими?»—дейди. «Оғзимга қараб гапиряпман. Биз ишга ярамай қолсак, фронтдаги солдатларга ким нон топиб беради? Буни ўйламайсанларми?...»

Хуллас, охири рози бўлишди. Бироқ гап бошқа ёқда эди — сепишга уруғ йўқ эди.

Колхознинг ҳаммасида дон дегандан умуман қолмаган-ку, уни қаердан оламан. Бошим қотиб, охири элни йиғиб маслаҳат солдим, ҳамма гапни, бор мақсадимни айтдим: «Қани халойиқ, маслаҳатли тўй бузилмас, деганлар. Нима қиламиз, келгуси кўкламда ҳам шундай гезариб ўтирамизми, ё бир ҳаракатимизни қиламизми? Мана бу экилганлардан умид қилмайлик, яширишнинг нима кераги бор, унинг уруғлигидан бошқа ҳаммаси фронтники, урушда юрган аскарларнинг ризқи. Агар уруғлик топсак, режадан ташқари ер ҳайдаб экин экиш ниятимиз бор.

Унинг ҳосилини меҳнат ҳақига, қари-қартанг, етим-есирларга бўлиб берамиз. Менга ишонсаларинг ҳамма миннатни, жавобгарликни ўз бўйнимга оламан. Гапнинг пўсткаллеси шуки, еб ўтирган тишларингда сақлаб турган дон дунларингни беринглар. Ерга сепайлик. Майли, ҳозир емасак емайлик, сабр қилайлик, сут-қатиқ ичиб бўлсада, бир амаллаб пи-

шиқчиликка етиб олармиз. Ўзларинг учун, бола-чақаларинг учун мардлик кўрсатинглар, айланайлар, йўқ деманглар, чайнаб турганларинг бўлса ҳам беринглар, вақт ўтмасдан уруғни сепиб олайлик».

Одамлар йиғилишда хўп дейишгани билан иш бошланганда қийин бўлди. Айниқса, кўп болали оналар худди ўлмай туриб кўлидан ҳеч нарса бермайдигандек, хуллас, улар урушни ҳам, ҳаётни ҳам, колхозни ҳам қарғаб, яшириб ўтирган буғдойи борми, арпаси борми, болаларининг ризқини қийиб бўлсада, беришди. Аравани кечгача уйма-уй қатнашиб, бировга яхши, бировга ёмон гапириб, ҳатто айтишиб ҳам қолдик, олди бир пуд буғдой, кети килодан сули берса ҳам унганини, барини қўймай йиғиб юрдик. Майли, бир қисм дон шу ҳам фойда, кузда ўша бир сиқим дондан бир пуд ҳосил олсак ҳозиргининг ўрнини қопламайдими, деган ўйдаман. Шундай бўлмаса бу ишга қўл урмасдим.

Қандай бўлса ҳам ўшанда нима учун мунчалик қаттиққўллик қилдим экан-а? Ўннга қараб кулиб, чапга қараб йиғлаб ҳеч кимни ҳам аяганим йўқ. Бир хилларини кўлидан тортиб олгандек бўлдим. Бечора қўшним Ойшанинг ўшандаги ҳолатини сира унутмайман. Куёвидан эрта айрилиб (Ёмонбой урушдан бурун қазо қилганди), ғам чекиб юриб, Ойша касалманд бўлиб қолган эди. Сал тўзалганда колхозда меҳнат қилиб, томорқада ишлаб ёлғизи Бектошни аранг боқиб катта қилди. Ўзи ҳам сўнги кунларда ишга яраб, оиласини тебратиб қолган эди. Ўша кунларда Бектошга уруғ йиққан аравани ҳайдатиб қўйган эдим. Уларнинг уйининг тўғрисига келганда: «Бектош, уйларингда ҳеч нарса борми?» – дедим. «Озгина бор, – деди бола. – Печканинг орқасида, тўрвачада». «Бўлмаса олиб чиқ» – десам: «Йўқ; Тўлган опа, ўзингиз бориб олинг» – деди.

Икки-уч кундан бери оғриги зўрайиб, Ойша уйда ётган экан, дарднинг зўридан ранглари синиқиб ке-

нинг ортидан мунгланиб тикилиб, олисга кўз югуртириб, ёмғирнинг босилиб бораётган куйига қулоқ солиб, қаттиқ аксирди. Бояқишим-эй, Қосимни эслади шекилли ўшанда.

Кўзи менга тушиб, кулиб юборди-да: «Ёмғирнинг нами билан маккажўхорини экиб олайлик»– деб, ўйга чопиб кетди.

Ивитилган маккажўхоридан Алиман катта бир чангал олиб чиқиб: «Эна, шу маккажўхори думбул бўлгунча кичкина бола омон-эсон қайтиб келсин!»–деб ният қилиб, уругини ерга сочиб юборди. Алиманнинг ўшандаги қиёфаси кўз ўнгимдан сира кетмайди. Булут орасидан ялт этиб чиқиб, ҳозиргина кўтарилган қип-қизил чўгдек, офтоб текканда, ёмғирдан кейин нам бўлган қора тупроқни ялангоёқ босиб, қадам сайин шудгорга олтин сочаётгандек уруғ сепиб, бу хосиятли меҳнатни яхши ният, яхши умидга бағишлаб, Алиманим жўхори эмас, яхшилик уруги сепиб юргандек эди. «Кўрасиз-ку, эна, менинг айтганларим тўғри чиқади. Насиб бўлса, кичкина болага думбулни ўзим ўтга кўмиб, пишириб бераман. Илгарилари думбулни мен билан талашиб егучи эди-ку. Эсингиздами, бир марта иссиқ сўтани олиб қочаман деб, қўйнига солиб юборганда, бадани куйиб қолмаганмиди. Ух, ух, деб, ичини ушлаб, сакраб юрса, мен жинни одамдек: «Бу ҳам оз сизга. Оз!»–деб кулаверибман. Эсингиздами?»–деб Алиман мени ҳам кулдириб юборди.

Маили, энди, шунисига ҳам раҳмат! Маккажўхори бир эмас, икки марта, уч марта думбул бўлди, бироқ Жайноғимиз қайтиб келгани йўқ. Алиман кейин ўзи айбдор одамдек индамай қолди...

Олатоғда қиш ўтиб, кўклам келиб, ҳаёт ўз оқимида аввалгидек давом этаверди. Эл тўйиб, колхоз қаддини тиклаб, кўрган кечганларимиз аста-секин хаёлдан кўтарилиб, урушнинг излари йўқола бошлади. Алиман иккаламиз аввалгидек колхозда ишлаб юрдик. Йигитлар фронтдан қайтиб келгач, бригадирликни мен уларга топширдим:

«Сизларнинг йўқлигингизда уч йил эплаб, ишлаб турдим, энди эса қаридим, ҳоридим, йигитлар, энди ишни ўз қўлларингга олинглар» – дедим. Ўшандаги ёшларнинг бир хиллари ҳозир ҳам мени «Бригадир опа» дейишади, ҳурмат қилишганидан бўлса керак...

Замон тинчлангани билан Алиман иккаламизнинг қайғу ғамимиз битгани йўқ. Кўринишдан ёришиб, сир билдирмагандек бўлсак ҳам, бироқ ҳақиқатда бўлиб ўтган ишлар доимо унинг ҳам, менинг ҳам юрагимдан кетмай азоб берарди. Бундай қарасанг, ҳар ким ўзича ақл юритиб, ҳар биримиз ўз кўмачимизга ўзимиз кул тортишимиз, ўз турмушимизни ўзимиз қуришимиз керак эди, тўғри йўл ҳам шу эди. Бироқ, биз ундай қилмадик. Мендан ўтдими, Алимандан ўтдими, унинг сабаблари кўп, уни гапириб ўтириб нима қиламиз. Балки, биздан ҳеч қандай айб ўтмагандир. Қанчадан-қанча дарду аламимни айтиб, сенга келардим-ку, жонажон далам...

– Ҳа, келардинг, Тўлғаной. Гуноҳга ботириб нима қиламан келинимни, нима қиламан, уволи-чи, қандай қиламан, деб йиглардинг. Қачон келсанг ҳам, неча бор келсанг ҳам, ўшанда мен сенга маслаҳат беролмаганман, Тўлғаной. Орадан анча йиллар ўтди. Сен, мана, қариб қолдинг. Бироқ ҳозир ҳам сени оқлаб, ё бўлмаса қоралаб бирон нарса айтолмайман.

– Ким билади. Шуларни ўйласам ўзимни кечиролмайман. Келиним Алимандан ўзга, феъл- атвори бошқа, муомаласи бошқа, одамгарчилиги бошқа, юриш-туриши бошқа аёл бўлганда, кўп кечиктирмасданок: «Кўй, энди болам, қачонгача тул бўлиб ўтирасан. Ёш бошингни хор қилмай, бировга тегиб кетгин» – дер эдим. Бироқ, Алиманга айтолганим йўқ. Агарда айтсам, одамзод дунёсининг осойишталигига қандайдир хиёнат қилаётгандек, қандайдир бир пок нарсани булғаб қўяётгандек ботинолмай юрдим. Тўғри, Қосим ўлди – сен энди кетгин, керагинг йўқ, бошқа бировга тегиб олгин, дейишга оғзим борармиди? Сўзла-

Умримда бунақа от чоптирмаган бўлсам керак. Пичоқ суякка етганда одам ҳеч нарсага қарамас экан. Қоронғи тун эмас, майли, зимистон бўлсин! Уз уйимни ўғри уриб, ўз мулкимни олиб кетишса розиман, хирмонга қўл солиб, ўн қоп ғалла олиб кетса чидар эдим – хирмоннинг чўриси дер эдим, бироқ бу уруғ учун жонимни беришга тайёр эдим!..

– Ҳа, Тўлғаной, элнинг оғзидан тортиб олинган ҳар бир дон учун, одамнинг қонидан қиммат ўша уруғ учун жонингни қурбон қилсанг ҳам оз эди. Ўшанда сен зим-зиё тунни ларзага солиб: «Тўхта! Тўхта! Юзи қоралар!» – деб шундай даҳшатли қичқирган эдингки, мен уйқуга кетиб бораётганимда чўчиб уйғонгандим. Сен, отингнинг тўрт туёғи дупурлаб, ўғриларга яқинлаб келаётган экансан.

– Ҳа, оламни бузиб ҳайқирганим рост. Ўшандай ҳайқириб келаётганимда ниятим пок экан, ўғриларнинг орқасидан билгандек йўл солибман. Кўп ўтмай олдинда ўғриларнинг қораси кўриниб, отларнинг тақалари тошга урилиб эшитила бошлади. Учта экан. Отга қопларни ўнгариб, тоғ тарафга уриб кетишяпти. «Тўхта! Уруғликни ташланглар! Ташланглар уруғликни! Ташла дейман!» – деб қамчи босиб кела бошладим. Орамиз тобора қисқараверди. Улар қопларни ортиб олгани учун қаттиқ чопиб кетиша олмади, лекин уруғни ҳам ташлашмади.

Қайси биридир ўртада йўрға миниб борар эди. Илгариги синчковлигим эмасми, орқасидан танидим, юришидан, орқа ола туёғидан танидим – бизнинг саман йўрға эди. Қишда отларни ўғирлаб кетганлар шулар эмасмикин? «Тўхта! Мен танидим сенларни, мен танидим сени, Жекшенқул! Сен Жекшенқулсан! Қутултирмайман энди сени, тўхта!» – деб ҳайқириб келаётсам, чиндан ҳам у Женшенқул экан, йўрганинг бошини бура солиб, отдан «лип» этиб тушдида, қоронғида кўзларимни қамаштириб милтиқнинг оғзидан ярқиллатиб ўқ узди: гумбурлаган товуш

билан кўшилиб, отим мункиб кетиб, устидан дўппидек учиб тушдим. Йиқилаётиб бу отилган милтиқ эканлигини, ўқ елкамга текканини сездим. Ундан бошқаси менга қоронги эди.

Бир вақт ўзимга келиб, кўзимни очсам, теварак-атрофим жимжитлик, чалқанча тушиб ётган эканман, бутун вужудим ўзимники эмасдек бўйсинмас, зирқираб оғрирди, қимирлашга дармоним йўқ эди. Ёнгинамда гоҳ пишқириб, гоҳ тепиниб, оёқ силкиб, ўқ теккан от жон талвасасида ётибди. У шу аҳволда бир оз пишқириб, қийналиб ётди-да, кейин қимирламай, чўзилиб қолди. У билан бирга бир зумга ҳаёт тўхтаб қолгандек туюлди. Сукунатли тунда ёлғиз ўзим қолдим...

Мен қимир этмай ётардим, қимир этишга ҳаракат ҳам қилмасдим. Қандай ишлар бўлиб ўтганини ўшандагина тушуниб етдим. Шу бўйича кўзим юмилиб кетса-ю, ўлсам дедим. Элга энди нима дейман, қайси кўзим билан қарайман?

Кўзларимга ёш тўлиб, осмонга тикилсам, нурсиз хира сомон йўли тепага келиб, худди Ойшанинг юзларидан оққан кўз ёшларидек бўзариб, сарғайиб турган экан. Титраган лабларимни тишлаб, эл учун, юрт учун сўраб, тилаб, Ойшаларни йиғлатиб тортиб олган уруғимни ўғирлаб кетган қочоқларни қаргадим: «Илоҳим, қон тўккан элнинг уволи тутсин сенларни! Урушнинг уволи урсин сени, Жекшенқул! Шундай қилиб яшаганингдан кўра дунёга келмай қўйсанг бўлмасмиди? Сувонқулим, Қосимим ичган сувни сен ҳам булғаб ичиб юрган экансан-да, туф бетингга!..»

Мен анчагача шу аҳволда ётдим. Бир вақт кимдир бировнинг оёқ товуши эшитилди. «Тўлған опа! Тўлған опа-а-а!»—деган боланинг йиғламосираган товушидан танидим — Бектош. Излаб юрган бўлса керак. Бошимни аранг кўтариб: «Бектош, бери кел»—деб чақирдим. Одамда, отасининг боласи-да, ёнимга етиб келиб: «Тўлған опа, соғ-саломагмисиз, Тўлған опа?» — деб бошимда йиғлай бошлади. «Соғ-саломатман, белим сал турғизмай турибди, тузалиб

қолса керак» десам: «Бу ҳеч нима эмас, соғайиб кетасиз, Тўлган опа»–деб бирам суюниб, нариги ёқда излаб юрган ўртоқларига: «Болалар, бери келинглар. Тўлган опам бу ерда экан, омон-эсон, омон-эсон экан!»– деб қичқирди. «Энди опангга нима деб жавоб берамиз?»–десам, Бектош бир оз индамай туриб: «Жавобини мен ўзим бераман, Тўлган опа. Элнинг барига жавобини ўзимиз берамиз, Тўлган опа. Ҳеч нима эмас» деб, бола-да, ўшанда ўн тўрт, ўн бешлардаги кези эмасми, изза бўлганига чидай олмай йиғлаб юборди. Муштарини қисиб, жойидан ирғиб туриб тоғ тарафга қараб қўл силтаб гапирди: «Биз бари бир ўлмаймиз. Кўрасанлар-ку, мен ҳам улғайиб етиларман, бу қилмишларингни ҳеч қачон унутмайман!»–деди. Унинг шу мардона сўзи учун кўнглим бўшашиб йиғладим. Шундай қилсам, йиғламанг, Тўлган опа, мен ҳам сизнинг болангизман, мен ҳам улғаяман, Қосим акамнинг ўрнини босаман, йўқлигини билдирмайман, деб қўлтигимдан суяб, ўрнимдан турғазди.

Болалар мени аравага солиб уйга келтиришиб қўйишди. Икки-уч кун оғриб, тўшақда ётдим. Овулдагиларнинг биронтаси қолмай, кўнгиб сўраб келиб-кетиб туришди. Элга раҳмат, розиман, ўшанда ҳеч ким ҳеч нима дегани йўқ менга. Шундай бўлса ҳам кўзлаган ишим битмай қаттиқ куйиндим. Шудгор қилинган ерлар қотиб кетиб, уруғ сепилмай, ўғриларга ем бўлиб кетганини эслаганим сари юрагим ачишиб юрди.

– Гапинг тўғри, Тўлганой. Сенгина эмас, мен ҳам сездим буни. Ўша – экилмай қолган шудгор менинг танимда битмай қолган ярадек бўлиб, ўрни кўп вақтгача билиниб юрди. Шудгорга уруғ сепилмаса менинг энг катта жароҳатим ўша эмасми, Тўлганой. Урушнинг айби билан қанча уруғ сепилмай, қанча одамларнинг умри хазон бўлди. Менинг энг ёмон кўрганам, менинг ашаддий душманам – уруш бошлаганлар, улар уруғ ҳам сепишмайди.

– Тўғри айтасан, уруш билан деҳқончилик бир-бирига қарама-қарши эмасми. Урушган экин экмайди, демак у бошқа одамларнинг насибасига қўл солади, демак, у бошқа одамларнинг душмани! Майсалбек, айланиб кетай, ўғлим, у ҳам ўша хатида ёзмаганмиди. Эсингдами она-Ер, Майсалбекнинг ёзган хати?

– Мен уни ёд биламан, Тўлганой.

– Ҳа, сен икковимиз уни ёд биламиз. Бугун менинг хотирлайдиган куним, бугун биз ҳаммасини эсга оламиз, она-Ерим.

– Сўзлайвер, Тўлганой. Сенинг бу айтаётганларинг эскирмайди, ҳамиша янгидек.

Майсалбегингнинг ёзган хатини яна бир қайтариб айтиб берчи. Майсалбек фақат сенинг ўғлингмас, у менинг ҳам ўғлим, Майсалбек – Ер ўгли!

– Мен ўшанда уйда оғриб ётганимда, овулдошларим ҳол-аҳвол сўраб, ҳаммаси ҳам илиқ сўзлар айтиб, кўнгли очиб юрганларининг ҳам сабаби бор эмасмиди. Мен унинг бир учини сезиб қолгандек ҳам бўлдим.

Ойша қўшним, бечора ўзи аранг кун ўтказиб юрибди-ю, менга қуймоқ пишириб олиб чиқибди. У уйга кириб, келганда ўша кунги қилмишларимга қаттиқ изза бўлдим. Сўз тополмай тилим калимага келмай қолди. «Тўлганой, сен хаёлингга ҳеч нарсани келтирмагин,–деди Ойша.– Менинг кўнгли бўшлигимни кечиргин.– Сендек аёл учун керак бўлса жонимни ҳам аямайман, керак бўлса ёлғиз ўғлим Бектошни ҳам бераман. Бусиз ҳам у икки уйнинг ўртасидаги бола бўлиб қолди. Сени мендан ортиқ кўради у. Сен биз билан одамсан, биз сен билан одаммиз.

Шуни тушуниб қўйгин»–деди. «Раҳмат бу айтганларинга»–дедим мен ҳам. Бу гапларни шунчаки айтди-қўйди деб ўйласам, йўқ, чин юрак сўзлари экан.

Ўша куннинг эртасига бел оғриғим енгиллаб, уйда нари-бери қимирлаб, эшикка чиқдим. Деразанинг остига кигиз солиб, офтобда исиниб ўтирдим. Алиманни ишга

чиқавергин, десам, раисимиз бугун ҳам энангга қарашгин, деб рухсат берди, деди. Ҷоқда ўт ёқиб, Алиман кир ювди.

Эшик олдидаги баҳайбат кекса олма ўша йили қийғос гуллаб, яна кучга тўлиб яшарганда, очилиб, шамол текканда шохчаларидан оппоқ гуллар тўкилиб ётди. Олма гуллаган кезде ҳаво ҳам зумрад булоқдек тиниқ, ғоятда тоза бўлмайди. Олисадаги йилтиллаган қорли тоғ чўққилари ҳам кўриниб турарди. Шундай ўтирганимда кўчадан почтаци Темир чол кириб келди. «Ҳорма, Тўлганой» – деб, анчагача сўзлай олмай, шошилиб, ўзича негадир шумшайиб, енгил йўталиб, шамоллаб қолибманми, қургур деб сўзланиб, сенга хат бор эди, дегандек, Сумкасини ахтариб, хат берди. Унинг бу секин имиллашига аччигим келиб: «Тезроқ айтмайсанми, зориқтирмай, кимдан экан?» – десам, Майсалбекдан чоғи, деди. Суюниб, юрагим ҳовлиққанидан, ҳамиша Майсалбекнинг хатлари уч бурчак бўларди, бу сафар босма билан босилган тўрт бурчак, сирти қалин атлас қоғоз эканига ҳам эътибор бермабман. Шу пайт ярадор оёғини судраб қўлтиқтаёқ билан кўшнимиз Бектурсун келиб қолди, зерикканда келиб гурунглашиб кетарди. Хат келган шеқилли, ҳо, Майсалбекданку, деб сабрсизлик билан кўришди. «Кўлинг нега қалтирайди? Берироқ ўтириб ўқиб берчи» – дедим. Шундай десам кигизнинг четига ўтириб, вой оёғим, деб огриқсиниб, ранги кўкариб, терлаб кетди ўзи ҳам.

Хатни қўли қалтираб аранг очди-да, ўқий бошлади. Оҳ шўрлик болам, шўрлик хат...

«Онажоним, оқ сутингиздан айланайин, онажоним! деб бошлабди хатини. – Мен сизнинг қандай одам эканлигингизни билмасам, бу хатни ёзмас эдим. Сизнинг ақллигингизга, гайратингизга, сизнинг куч-қудратингизга ишониб шуларни ёзаяпман. Шундай бўлса ҳам нима деб тушунтиришга, нима деб айтишга сўз тополмай, аллақандай оқ қоғозни қоралаб ўтирибман.

Ахири менинг қилган ишимни тўғри деб топарсиз, мен бунга ўзимга ишонгандек ишонаман. Ҳа, она, сўзсиз мени

тўғри дерсиз... Шундай бўлса-да, тушунсангиз ҳам юрагингизнинг тагида менга деган айтилмаган савол қолар: «Болам, қандай қилиб ўз умрингдан ўзинг кечдинг? Одамга бир мартагина насиб бўладиган бу ёруғ дунё билан ўзинг видолашиб кетавердинг? Мен сени нимага тугиб, нимага ўстирдим?» Ҳа, она, сиз онасиз. Сизнинг бу саволингизга тарих кейин жавоб берар. Бу энди менинг айтадиганларим, урушни биз тилаб олганимиз йўқ, бу кўпнинг бошига келган қиргин, бутун инсониятга қилинган зулм бўлди. Биз у билан курашмай қололмаймиз, унинг учун қон тўкиб, унинг учун жон бериб, уни ер билан яксон қилишга мажбурмиз. Шундай қилмасак бизнинг одам деган номимиз ўчади. Мен урушда юриб мардлик кўрсатайин деб ҳеч қачон орзу қилмаган эдим, мен ўзимни энг бир фахрли, энг бир олижаноб ишга – муаллимликка багишлаган эдим. Замон шундай келди. Болаларни ўқитиш ўрнига қўлимга қурол ушлаб, жангчи бўлдим. Бу менинг айбим эмас.

Мана ҳозир мактабда ўқувчи ёшларга менинг биринчи ва энг охирги бериб кетар васиятим шу, уларга бериб кетган билимим ҳам шу. Бунга мен ҳаётдан олган ҳамма билимимни, вужуду дилимни қўшдим.

Бир соатдан кейин мен Ватаним топширган ишга бориб, қайтиб келмайман, душман тўдасига бориб, уни қийратиб, ўзим ҳам йўқ бўламан. Ватан учун, эл учун, галаба учун дунёнинг барча яхшилиги учун...

Бу менинг сўнги хатим, сўнги қалам тебратишим, сўнги сўзим. Она, минг бор она десам ҳам қадрингизга ета олармидим, тушунинг бу оддий ўлим эмас, бу осонгина жондан кечиш эмас, бу ҳаёт кечиришининг энг тенгсиз тури. Балки қулоққа қайта-қайта ўқилса ҳам, бу яшаш учун бўлган ўлим. Мен ҳозир шуни ўз ихтиёрим билан танладим. Менинг ҳеч қандай тап тортган ерим йўқ. Ватаним шу ишни менга ишониб топширгани учун фахрландим.

Мени йўқламанг, она. Мени бежиз кетди ҳам деманг. Дунёда бундан кейин уруш бўлмаса, янги кўз очган боланинг ин-

галагани – ўша мен, бўй етган қизларнинг севги тўла ёниқ кўзлари – ўша мен, ниҳолларда кўкарган куртак – ўша мен, далада униб чиққан экин – ўша мен, муаллимнинг болаларга биринчи ўргатган «а» ҳарфи – ўша мен, ўшанинг бари мен, ўшанинг бари мен, мен деб билиб юринг, онажоним!

Йигламанг онажоним, ҳеч ким йигламасин. Бундай ўлим учун ҳеч ким йигламасин. Алвидо, мангуликка хайр, алвидо!.. Алвидо, чўққиларингдан айланайин, Ола тоғ!

Сизнинг муаллим ўглингиз – лейтенант Майсалбек Су-
вонқулов.

Фронт. 1943 йил. 9 март. Тунги соат 12».

Қайгу-аламдан зил тортган бошимни зўрға кўтариб қарасам, ҳовлида одамлар тўпланиб. Бари бирдек индамай, бошларини қуйи солиб, аза тутиб туришган экан, ҳеч ким товуш чиқариб йиглагани йўқ. Майсалбек ҳеч ким йигламасин деган эмасми. Аёллар мени қўлтигимдан суяб зўрға турғизишди. Гуллаган олмага шамол тегиб, бутоқлардан учган оппоқ гуллари юз-кўзимга урилиб, юмшоққина силаб ўтарди. Ўша гуллаган оламнинг нариги ёғи, овулнинг устки томони, олисдаги тоғнинг тепаси, учи-чеки йўқ мусаффо осмон эди. Дунёнинг мунчалик кенг эканини кўриб, оламнинг мунчалик тор эканини сезганимда ҳамма ёқни бузиб, бўзлаб, ҳайқириб йиглагим келди. Бироқ бунга эрк бермай, лабларимни маҳкам тишлаб турдим. Алиман боядан бери қандай турганини билмайман, мен уйда турганимда икки қўлини ёзиб, кўр кишидек мени кўзлаб, тимирскиланиб келавердида, бирданига юзларини қўли билан беркитиб, тескари бурилиб кетди.

Мана шундай қилиб ўртанча ўғлим Майсалбекдан ҳам ажралдим. Фақатгина ташлаб кетган қалпоғи қолди.

– Менда эса Майсалбекнинг Ватани деган ном қолди, Тўлганой. Элга қилган иши, донги қолди.

– Ҳа, Майсалбекнинг оти ўчгани йўқ. Ботир деган номи ардоқлаб, қишлоғимиз «Майсалбек» номидаги колхоз бўлди. Фронтдагилар Майсалбекнинг ёзиб кетган ха-

тига ўзларининг хатларини қўшиб, қишлоқ Маслаҳатига юборишган экан. У хатда Майсалбекнинг жангчи ўртоқлари унинг кўрсатган мардлиги ҳақида ёзиб, барчамизнинг кўнглимизни кўтариб, сизнинг ўғлингиз, жигарбандингизни ҳеч қачон унутмаймиз. Ватанимиз у билан фахрланади, дейишибди. Кейин билсам, Майсалбегим разведкачи экан. Бизнинг аскарлар хужумга ўтиш олдидан немисларнинг пистирмада тўплаган қурол-яроғ, ўқ-дорилари бир кечада ўт олиб, атрофдаги тўқайлар ёпирилиб ёниб, фронтдош жангчиларимизга катта йўл очилибди. Шу ишни қилган менинг ўғлим Майсалбек бўлибди. Мен ҳам унинг бу ишидан гуруландим.

Шундай бўлса ҳам, менга қолса уруш чиқмаганда, мен унинг бошқа ишлари билан фахрлансам бахтли бўлармидим. Ўғлимнинг ўзи айтгандек, болаларни ўқитиб, ўқитган ёшлари ўзидан илғор, ўзидан билимли чиқиб, ҳар хил ишда, ҳар хил илмда донг таратишса, Майсалбегимнинг ҳам обрўси шунда эди. Одам боласига энг аввало обрў керак. Урушда кўрсатилган ботирликнинг зўр жасорат эканлигига шубҳам йўқ. Бунинг учун бош эгиб, ўғлимга раҳмат айтаман. Лекин тирик юрганига нима етсин эди.

Азалдан ҳам урушдан ҳеч ким яхшилиқ кўрган эмас...

БЕШИНЧИ БОБ

– Рост, Тўлғаной, урушда енгиб чиққан кунда ҳам, алами қувончидан кам бўлмас экан. Ўша йили, ғалаба келтирган баҳорда, сизларнинг аскарларни кутиб олганларингизни ҳали ҳам унутмайман, Тўлғаной. Ўша воқеаларнинг қайси бири қувонч, қайси бири армон эканлигини ҳалигача айтолмайман...

– Мен ҳам айтолмайман – қувончимиз кўпмиди ёки ғам-аламимиз... Душман енгилиб, уруш тугаганда, остин-устин бўлган дунё тинчиб қолди-да, аввали лаънати

урушнинг қизиги билан унча сезилмаган нарсалар ўшанда элнинг юрагини яна бир марта ғазаблантириб юборди. Чунки, ғалаба ўлжа олиб, байрам бўлиб келгани йўқ, у бизга урушда омон қолган жангчиларнинг сирли тимсолида қанча йўллар босиб, товони тешилган солдат этигини кийиб келди.

Ўша куни бизга қўшнинг навбати тегиб, омоч билан томорқамизни ҳайдаб, жўхори экиш билан овора эдик. Кўчада қандайдир бир товушлар чиқиб, чопиб юришган кишиларни кўрганда, Алиман билиб кела қолайин, деб югуриб кетди-да, тезда қайтиб келди: «Эна, одамларнинг бари аскарларни кутиб олгани кетяпти, овулда ҳеч ким қолмай жўнаяпти.– Юринг, эна, тезроқ бўлинг!» деди.. Омочни ҳам, ҳўкизларини ҳам жой-жойида қолдирганча жўнадик. Ҳақиқатан ҳам кўча одамлар билан лиқ тўла эди. Қиз-жувонлар, бола-чақалар, ҳатто қилтанглаган чолу кампирларгача қолмай, отлиқ, пиёда кишилар – ҳаммаси кутиб олишга кетиб боряпти. Бухабар қаердан чиққанини ким билсин, фронтдан бўшаб келаётган бир солдат (Кумуштак деган юқориги овулнинг боласи дейишди), аскарларнинг ҳаммаси уй-уйларига қайтиб келаётибди, деб йўлда учрашган бировга айтиб кетган эмиш. Станцияга икки эшелон аскар келиб тўхтаган эмиш, бугун тушда бориб қоламиз, деб хабар қилишган эмиш. Ҳайтовур, мана шундай қувончли гаплар! Эл шундай хушxabарни кутиб турган экан, анигини ҳеч ким билмаса ҳам, гумонсираган жон йўқ, ҳеч ким қолмай ёппасига кутиб олишга чиқдик.

Уруш бошланмасдан аввалроқ ёшлар сола бошлаган янги кўчанинг ўрнида, овулнинг этакроғида йигилиб кутиб турдик. У вақтларда ўша чала қолган кўча, чала томларга ўрганиб қолган бўлса керак, жанг майдонидан ғалаба билан келаётган ботир жангчиларимизни қандай хосиятли, қандай армонли ерда кутиб турганимизни ўйламабмиз. Мақсадимиз – аскарларни овулга кираверишда баримиз бирданига кутиб олиш эди. Кексалар ариқнинг уватига ён-

бошлаб, отлиқлар от устида, болалар нураган томларнинг деворларига миниб, чаққонроқлари дарахтларнинг шохларига чиқиб олишибди. Ана келади, мана келади, дегунча кўрган тушимизни, аён бўлган нарсаларни сўзлаб, йўлдан тош териб олиб, фол очиб, фолимизни яхшиликка йўйиб, катта йўлдан кўзимизни олмай, тикилиб қараб турдик. Ҳозир ўйлаб турсам, дунёдаги одам боласининг бари ўшанда бир мақсадда, бир ниятда, бири-бирига яхшиликни раво кўриб, ўз ўғил болаларини шунчалик суйишса, ўшанчалик кутишса, балки уруш бўлмасмиди, дейман.

Йигилганларнинг кўпи нафасини ичига ютиб, чурқ этмай, гап қотмай турарди. Ҳар ким ўзича хаёл суриб турган бўлса керак. Чунки, беш йил қонли урушни бошидан кечириб, энди галабага етишиб турган кунда, урушнинг энг сўнгги кўринишидан ҳаяжонланиб турганди. Ким келиб, ким келмайди, деган сўроқ ҳар кимнинг хаёлида бор эди, шундан бошлаб ҳар кимнинг тақдири, ҳар кимнинг умиди ҳар хил ечилади. Шундан бошлаб ҳар кимда ҳар хил янги ҳаёт бошланади.

Дарахтларга чиқиб олган болалардан биттаси бир вақт: «Келяпти!»—деб қичқирганда, кўбизнинг таранг тортилган торига қўл теккандек баримиз бир овоздан «Келяпти»—деб такрорлаб, серрайиб туриб қолдик. Тўп ичига пашша тушса эшитилгудек жимжитлик чўкдида, ўша заҳоти: «Қани? Қаерда келяпти? Қани?»—деган овозлар чиқиб, шу ондаёқ яна жим бўлиб қолди. Олисда катта йўлнинг устидаги ёлғиз аравадан бўлак ҳеч нима кўринмади. Арава овулга айрилган йўлнинг устида тўхтадида, ундан сакраб тушган биргина солдат халтасини, шинелини елкасига солиб, аравакаш билан хўшлашиб, бери юра бошлади. Бизнинг орамизда ҳеч ким ҳеч нима дегани йўқ, турган одамларнинг бари индамай, анграйиб қараб туришди. Солдат тобора яқинлашиб келаверди, лекин бир киши ҳам ўрнидан кўзгалгани йўқ. Одамларнинг оқарган юзларида қандайдир бир нарса кутаётгандек умид учқунлари се-

зилиб турарди. Чунки бизнинг кутганимиз ёлғиз солдат эмас, йўлга сиғмай, тиқилиб урушга жўнагани сингари, кўпчилик бўлиб қайтиб келишлари эди.

– Бандасизларда, Тўлганой! Урушга кетганлар қачон тўла-тўқис ҳаммаси қайтиб келган эди? Одам деган гоҳида шуни эсдан чиқариб қўяди шекилли.

– Гапинг тўғри, улуғ далам! Бироқ биз бандамизда, яхшиликка доим умидимиз катта. Шунинг учун ҳам ўшанда биттагина солдатнинг келаётгани элнинг ҳушини учуриб, эсини чиқарди. Солдат берирокдаги дўнгчага етиб, овулнинг четида туриб қолган элни кўриб, юраги дов бермади шекилли, у ҳам чўчиб тўхтаб қолди. Бу нимаси, бу қанақаси бўлди экан, булар нима учун индамай қараб туришибди, деган ўй билан солдат бурилиб орқасига қаради. Ўзидан бошқа йўлда ҳеч ким йўқлигини кўриб, у бизга тўғри юриб кела бошладида, яна тўхтаб, яна қайрилиб, орқасига қаради. У шу аҳволда яқин келаверганда, олдинда турган бир кичкина қиз:

«Аширали акам! Аширали акам! Аширали акам кела-япти!»—деб қичқириб юборди. Қаёқдан таниганини ким билсин, бошидаги рўмолини юлқиб олиб, ҳалиги яланг оёқ, чақчайган қиз: «Акам! Акам!»—деб қичқирган бўйи солдат томон югурди. Унинг кетидан болалар югуриб, сўнг аёллар, кейин турган кишиларнинг ҳаммаси: «Аширали! Айланай, ростдан ҳам Аширали эмасми?»—деб чувиллашиб жўнади. Ўша дамда бизни қандай куч сеҳрлаб, юрагимизда қандай соф туйгулар кўзгалганини айтолмайман – қандайдир бир қувонч, жонга ҳузур бахш этган меҳр-муҳаббат, шодлик кўз ёшлари бутун борлигимизни қамраб олганди. Қучоқ очиб солдатга чопиб бораётганимизда биз ўзимиз билан қўшиб бутун ҳаётимизни, бошдан ўтган-кечирган кунларимизни, азоб-уқубатларимизни, ухламаган тунларимизни, оқарган сочларимизни, қариган қизларимизни, етим-есир қолганларимизни, дарёдек оққан кўз ёшларимизни, ғайратимизни, ғам ғуссаларимизни байроқдек кўтариб, галаба билан

қайтган жангчимизга олиб бораётган эдик. Олдидан тўсиб чиқаётган элни кўриб, солдат ҳам тез-тез юриб келаверди.

Одамлар билан югуриб бораётганимда, бир вақт станцияда тўхтамай бир зумда ўтиб кетган эшелон ҳозир ҳам ёнимдан ўтиб бораётгандек, қулогим тиниб, қуюн бўрон, гилдираклар остида зингиллаган рельслар юрагимни зирқиратиб, «Она-а! Алима-ан!» деган Майсалбекнинг шамол олиб қочган овозини қувиб бораётгандек эдим.

Отлиқлар биринчи бўлиб етиб бориб, солдатга от устида ёпирилиб, унинг кўтариб келаётган халтасини, шинелини кўлидан олиб, ўзини пойгадан голиб чиққан тулпордек етаклаб келишарди. Ер, она-Ер, сен ўша солдатни унутмадингми? Ботирнинг қиёфаси эсингдами?

– Эсимда, Тўлғаной. Мен у солдатнинг қиёфасини ҳеч вақт унутмайман, у бугун ҳам йўл тортиб, қучоқ очиб: «Айланайин, эл-юрт! Айланайин эл-юрт! Жоним қурбон! Бошим қурбон!»–деб қичқириб, югуриб келаётгандек. Унинг кўкрагидаги медаллар кумуш тилладек жаранглаб, юзидан оққан кўз ёш гўё ёмғир томчилаб келаётгандек. Шуларнинг ҳаммаси эсимда, Тўлғаной кенг елкали, баланд бўйли баққуват солдат, неча марта ажал билан юзма-юз келган, неча марта ўққа чап берган жангчи ёш боладек қувониб, бугун ҳам ҳу анави йўлда югуриб келаётгандек.

– Ҳа, ҳа, худди шундай. Биз ҳам ҳаммамиз йиглаб, эл билан солдат қўшилганда, соғинишган икки тўлқин қўшилишгандек, эзилишиб, қучоқлашиб кўришдик. Ўша тўполон, қий-чувда ҳар биримиз ҳар томондан Аширалининг бўйнига, елкаларига осилиб кўришардик.

Ў, галаба-ей, орзу қилиб кутган, курашиб етишган галабамиз-эй! Ассалому алайкум, галаба! Кечиргин бизнинг йиғлаганларимизни, кечиргин Алиман келинимни. Омон қайтган Аширалининг кўкрагига бошини қўйиб: «Қаерда менинг Қосимим? Қаерда?»–деб қичқирганини кечиргин. Ҳаммамизни кечиргин, Галаба! Сени деб қанча нуридийдаларимиздан ажралдик.

«Бошқалар қани? Фалончи қаерда? Тугинчи қани? Қолганлар қачон келади?» деб ёпирилиб сўраганимизни кечиргин. Сўроқларнинг ўртасида қолиб, кўз ёшини тўхта толмай: «Кетганларнинг бари келади! Эртага келишади. Яқинда келишади. Битта қолмай келишади!»—деб Аширалининг айтганларини кечиргин. Кечиргин бизни, ғалаба, кечиргин. Сен билан юз кўришиб туриб, биз кўнглимизда ҳар биримиз жанг майдонидан қайтиб келмаганлар билан сўнгги бор видолашдик, уларни яна бир марта эслашиб, яна бир сидра куйиниб, юрагимизни совутдик. Кечиргин мени, ғалаба, кечиргин! Аширалини қайта қучоқлаб, қайта ўпиб, Жайноғимни, Майсалбегимни, Қосимимни, Сувонқулимни эслаб, ичга ютган армонимни кечиргин!

– Йўқ, Тўлғаной ундай дема. Дунё сендан кечирим сўрасин, замона сендан кечирим сўрасин! Сен кечирарминг, Тўлғаной? Нега индамайсан, Тўлғаной?

– Кечирмас эдим! Душманимни азалдан кечирмайман. Бироқ замонамга кек сақлаган ерим йўқ. Охири бахайр бўлсин. Аммо урушга даъвоим кўп. Отилган ўқ, тўкилган қон – тарихнинг ҳисобида, лекин одамларнинг завола топган умри-чи? Уни кимнинг бўйнига қўйиб, тарихнинг қайси бетига ёзамиз? Унинг учун ким жавоб беради? Ўққа учмаган бўлса ҳам, Алиманнинг тақдирини эслаганимда, юрак бағрим куйиб чўғ бўлади. Унинг уволи кимга? Унинг дардини кимга, кимга айтаман? Бечора келиним, гул севган келиним!..

Аширалининг яқинлари уни уйларига олиб кетиб, элнинг бари тарқаб кетгандан сўнг, Алиман иккаламиз уйга қайтдик. Шу билан урушдан олиш-беришимиз тугаб, бундан бу ёққа тинчлик даври бошланди.

Биз жимгина келавердик. Янгигина йиғлаганигами, Алиман қисилиб, энтикиб, чучкириб келарди; қовоғини солиб, ҳеч ёққа қарамай. Ўчган рангини кўриб, келинимнинг аллақандай хаёлларга чўмганини тушундим. Кун қизиб, ҳаво димиққанида, киши ҳам кўнгил кўтарувчи сўз

топгунча диққинафас бўлиб кетмайдими. Худди шундай, Алиман ҳам қийналиб турган эди. Буни мен жавдираб тикилган кўзларидан, лабини маҳкам тишлаганидан сезиб турардим. «Оҳ, энди айрилишамизми. Қосимдан умиди узилдику, – деб ўйланиб келардим.–Айрилишмаганда нима қиламиз. Ўлган қайтиб келармиди, ё орқасидан ўлиш керакми, кетади-да энди, кетмаганда илож қанча. Аттанг-а, қандай қилай, қандай қилай! Кетса кетади-да. Қачонгача есир ўтиради. Кўнгли бузилиб, кетаётибдими. Пешонадаги шу экан, розилигимни бераман. Ишқилиб, бахти очилса бўлгани. Ёш эмасми, тагин бир тенгини топар, Қосимдек меҳрибонга йўлиқармикин? Ким билади? Бахтли бўл, чироғим, бахтли бўл. Нимасини айтайин. Гоҳо мени эслаб қўйсанг, дейман, болам. Сендан бошқа кимим бор. Сен кетсанг, ўлганнинг кунини кўриб, бир уйда ёппа-ёлғиз қоламан. Шўрли бошим. Қариганда мададкор бўладиган фарзандларимдан нишон ҳам қолгани йўқ. Бироқ, менга қарамагин. Уволингга қолмайин, қачон кетсанг ҳам бошинг бўш. Менинг учун ғам ема, болам, кунингни кўр. Розиман сендан, оқ фотиҳа бераман...» – деб айтадиган гапимни ҳозирлаб, сўзлашишга тайёр бўлиб турдим. Сирдош бўлган, бирига бири куйинган кишилар одамнинг хаёлидагини гапиртирмай биладиганга ўхшайди. Мен ўшанда қандай азоб чекиб келаётганимни Алиман билган экан. Бироқ унинг гапи мен кутгандек бўлиб чиқмади. Сахий далам, сендан яширадиган сир борми, Алиманнинг ўшандаги ишларига, унинг айтган сўзларига, унинг беқиёс одамгарчилигига, юраги кенглигига розиман, ўла ўлгунча розиман. Бироқ, ўзимдан норозиман, ўзимни лаънатлайман...

Нима учун ўшанда бўшлиқ қилдим, нима учун Алиманнинг сўзига ёш боладек кўна қолдим?

Қосимларнинг чорпоғининг ёнидан ўтиб бораётганимизда, уй қиламиз деб ғамлаган олам-олам жаҳон тош, неча йилдан бери қор ёмғирда қолиб, эзилиб битган ғишт-

лар бир уюм тупроқ бўлиб ётгани кўзга ташланди. Ёшлар урушга кетгандан бери бу янги кўча ўша бошланганича қолган, теваарак атрофини ғовлаган ола бута, қариқиз ўтлари босиб, уларнинг орасида арқонланган бузоқлар юрибди. Нураган деворларнинг бошларида сассиқпопушаклар тожларини тараб, ёзнинг ҳавосида яйраб, бемалол сайраб туришган экан. «Ёпирай, уй-жой солиб, ўзимизча кўпайишиб боряпмиз, деганларимиз қаерда қолди? Қара-я. Бояқиш Қосимимга ҳам буюрмади-да» – деб, ўйланиб келаётганимда, Алиман менга ялт этиб қарадида, қаттиқ аксирди. «Эна, – деди у менга, – мунча энди қайгурмасангиз! Ёки ёруғ дунёдан умидингизни уздингизми? Ундай қилманг, энажон, бўшашманг бунча, гайратингиз бир элчалик бор эдику. Бери келингчи, бундай тепаликда гаплашайлик». «Ҳозир айтади, кетаман дейди энди» – деган ўй вужудимни куйдириб юборди. «Ўтирайлик, гаплашайлик» – дедим мен ҳам.

Йўл бўйидаги дўнгликка қайинона-келин иккаламиз маслаҳатлашгани ўтирдик. Оҳ Алиманим-эй, нега мунча меҳру- муҳаббатли бўлиб яралдинг экан! Ўша оқ кўнгиллигинг ўз бошингга етдими, ким билсин? «Эна, – деди ўшанда Алиман, – Касофат уруш битди энди. Ҳақи қолгани йўқ. Бундан кейин нима қиламиз, деган ўйингиз ҳам бордир. Койиманг, энажоним. Дунё шунчалик адолатсиз бўлиб кетди, дейсизми? Пешонамизга ёзилган яхшилиқнинг учқуни ҳам қолмади, дейсизми? Бир уйдан кетган тўрт кишидан қандай қилиб биронтаси омон қайтмасин. Йўқ, йўқ, эна, кўйиб туринг, менинг сўзимга қулоқ солинг. Оқ дилимни айтаман, эна, кўнглингизга қарасам, Худо урсин, уйда ўзимни-ўзим алдаган бўламан. Ишонинг менга!

Худо қўлласа, кичкина бола омон қайтиб келади. Хабарсиз кетди дегани омон дегани, экан. Ким билади, қўлга тушиб кетдими, тентираб адашиб кетдими, ё ярадор бўлиб, тўқайда яшириниб юрибдими, ҳайтовур эртами-кечми Жайноғингиз ярқ этиб қайтиб келганда биларсиз. Беда-

рак йўқолди деганига умидсизланмайлик, эна. Дараксизгина эмас, ҳатто ўлди деб қорахат келган баъзи бировларнинг ҳам тирик экани маълум бўляптику. У тугул, юқориги овуларда ҳам, ҳў пастдаги қозоқларда ҳам шундай воқеалар бўлди, ўзингиз билиб юрибсизку, азасини очиб, ошини бериб бўлгандан кейин, бир куни омон-эсон қайтиб келди. У, бизнинг кичкина бола, омон-эсон юрибди. Юрагим сезиб турибди. Қандай қилиб тўрт кишидан биронтаси ҳам қайтиб келмас экан. Сабр қилайлик, эна, кутайлик. Менга қаранг, энажон, мен ҳам сизнинг болангизманда, аввал келингиз бўлсам, энди ўғлингиз ўрнида ўғлингиздек кўринг. Ундай эмас десангиз, маъқул, бир-биримизнинг юзимизга оёқ қўйсақ, унда нима бўлади. Қосимнинг арвоҳи гувоҳ, сизни ёлғиз ташлаб кетмайман, эна. Қолганини ўзингиз билинг...»

Алиман гапириб бўлгач, анчагача индамай қолдик. Ўшанда майнинг ўрталари эди, шекилли. Узоқдан элас-элас кўринган баланд чўққини ола-була булут қоплаб, онда сонда ҳаво гулдурлаб, шабада елиб турарди. Ўша ярқираган вақтда баҳорги шудринг тушиб турганди. Қуёш шуъласига бурканган ёмғир доналари симобдек ярқираб гоҳо тоққа, гоҳо сойга кўчиб, гўё олам юзини юваётгандек. Ўша олислардаги ёмғирнинг салқин нафасини шамол ҳайдаб, лип-лип этиб жонимга ором берарди. Алиманга ҳеч нима деганим йўқ. Бироқ менинг айтадиган сўзларим шу ярқираган ёмғирдек соф сўзлар эди. Тунга айланган дилимга, ҳансираган жонимга ёруғ нур теккандек, бутун вужудим билан сенга айтдим, улуг Ер. Шундай одамларнинг борлигига шукр, Ер дедим. Дунёнинг поклигига, одамнинг поклигига раҳмат дедим. Шу ола-була булутга, ярқираган ёмғирга раҳмат дедим. Ёмғир ёғади, экин ўсади, юрт кун кўради, мен ҳам улар билан бирга яшайман дедим. Буларни айтганим – Алиман мени жон куйдириб, ҳурматлагани учунгина эмас, мени ёлғиз ташламайин дегани учун эмас, йўқ, бир кишининг куни қаерда ўтмайди дейсан,

мен суюнганда, мен фахрланганда, бошқа нарсага, инсонда бўлган улуг нарсага сигиндим. Уруш одамни қаттиққўл қилади, тошбагир, шахсиятпараст, ҳайвон қилади деб ким айтади? Йўқ, уруш, қирқ йил қиргин келтирсанг ҳам, нечаларнинг ажалини етказиб, ўртаб, қийратиб, яксон қилсанг ҳам, одамни сен тобе қилиб, бўйсундира олмайсан. Одам умид қилган ҳамма яхшиликларидан ажралса ҳамки, қандай бўлмасин, бировга яхшилик қилсам дейди, уни суяб, турғизсам дейди, уни озгина бўлса ҳам бахтли қилолсам дейди.

Менинг Алиманим чинакам одам-да! Қоронги кечада парашютга осилиб, душманларнинг ўртасига самолётдан сакраб тушган Жайноқ хабарсиз, дараксиз йўқ бўлди, дега нига қарамай, у ўлмайди, у омон, у сўзсиз қайтиб келади, деб ишонгани, тилагани ким учун? Дунё унчалик адолатсиз эмас, деб бел боғлаши ким учун? Алиманининг чин қалбдан айтган сўзларига мен ҳам ишониб, ростдан ҳам Жайноқ тирикмикин, ундай бўлса, қайтиб келса ҳам ажаб эмас, деб ёш болалардек умидвор бўлиб қолдим. Мен шу ҳолда ўйланиб ўтирсам, Алимани томорқага ташлаб кетган омоч-бўйинтуруғларимизни эслаб: «Ие, еримизни ҳайдаб битирмадикку, эна, юринг, тезроқ юринг, қотиб қолмасин» – деб шошириб қолди.

Чорвоққа келсак, ҳўкизлар омочни судраган бўйича, алақачон ариқ ёқалаб ўтлаб юришибди. Алимани уларни қайтариб келгач, яна ҳайдашни бошладик. Одамнииг кўнгли қизиқ нарсада. Бир зумда қанот боғлаб кишини олиб учади-я! Айтган сўзлари, қилган ҳаракатлари ўз кўнглига тўғри келса керак, Алимани, ўша урушдан олдинги қиёфасига қайтиб келгандек очилиб кулгани, чеҳрасини очиб сўзлагани ярашиб турибди. Нимчасини, ечиб нарироққа, иргитиб юбориб, оқ кўйлагининг этагини липпа уриб, енгни шимариб, бошидаги рўмолини чаккага тортиб тушириб, қора тўриғ юзидан нур ёғилиб, баланд товуш билан: «Ола бош ҳўкиз, чўх! Чўх, чўх! Қайт, қайт, чўлоқ қуйриқ. Чўх, чўх-э!» – деб узун тасма қамчини шартиллатиб уриб, ўзича бақириб ер ҳайдай бошлади. Оҳ, Алиманим-эй, билсам, у мени ўксинмасин, ҳаётдан, иш-

дан кўнгли совимасин, тирикчилик қилсин, дегани эканку. Омочнинг тутқичидан ушлаб келаётганимда, орқасига қайрилиб қараб: «Эна, омочни астароқ босинг, тоши бетга чиқиб қолмасин!» – деб бошлаб юрди. Яна икки-уч бориб келадиган ер қолганда ёмғир томчилай бошлади. Борган сари кучайиб, жалага айланди. Бу кучайган бевош жала ўткинчи экан. Шундай бўлса ҳам у овулда ташвиш орттирди. Қанотларини шапиллатиб қақағлаган товуқлар ўзини ҳар ёққа урар, аёллар ёйган кирларини олиб қочар, болалар кўчада қувлашиб:

*Жала, жала, ўтиб кет,
Қора сувдан кечиб кет,*

– дейишиб, чопишиб юришди. Ивиб кетамиз, айланай, уйга кириб турайлик, десам, Алиман: «Ҳеч нима эмас, эна, битириб кўяйлик!» – деб, ёш қизчадек ёмғирнинг қитиқлаганига қотиб кулиб, ҳўкизларни тўхтатмай ҳайдаверди. Келинимнинг бу ишидан хурсанд бўлдим. «Феъл-атворингдан айлансин энанг, ўткинчи ёгиндек ярқиллаган юзингдан айланайин, ёмғирдек шўхлигингдан ўргилай! Қандай бахтли аёл эдинг! Э-э, дунё, дунё, дунё шундай экан!» – деб юрагим қувониб, Алиманнинг афтига тикилиб тўймадим. Кейин ўйласам, унинг бу ишлари ҳали менга аталган, менинг кўнглимни кўтармоқчи бўлган экан.

Алиман ҳадеб кафтини ёгинга тутиб: «Эна, бу ёққа қаранг-чи! Қандай сўлим ёмғир-а! Қандай мусаффо ёмғир! Бу йил дон мўл бўлади. Чўх, чўх-э, ёмғир, баракангни тўкавер, тўкавер!» – деб қамчи билан ёмғирни, ҳўкизларни саваларди. Ўшанда у ўзининг нақадар гўзал эканлигини, ивиган кўйлаклари баданига ёпишиб, қоматининг қанчалар хушбичим эканлигини, кўзларининг қанчалик чақнаганини сезмаган бўлса керак.

Илоҳим, уволинг тутсин урушни!

Жала тўхтаб, олислаб кетганда, Алиман ҳам тезда ўтиб кетар эканда, деган хаёл билан узаб бораётган ёгин-

тибди. «Эл қатори берадиганингни бергин, Ойша» – деган эдим: «Бори-будимиз шу»–деб тўрвачани кўрсатди. «Шуни бўлса ҳам бергин. Уруғлиққа ер тайёр, сепмоқчимиз»–десам, Ойшанинг қовоғи уйилиб, индамай қолди. Лаънати йўқчилиг-эй, одамни қандай хор қилади-а! «Ойша, бу билан кўп бўлса ўн кун тирикчилик қиларсан, лекин ҳали қаҳратон қиш турибди, келажакни ҳам ўйлаш керак, болангинг аҳволини қара, кўчада араваси билан кутиб турибди» – дедим. Ойша ерга тикилиб туриб ялиниб-ёлворди: «Бор бўлса аяйди дейсанми, Тўлғаной. Ўзинг кўриб турибсан-ку, мен бундай яримжон бўлсам, охиратли қўшнимсан-ку...» Кўнгилчанлигим тутиб бўшашиб кетдим, бироқ шу заҳотиёқ кўнгилчанликни йиғиштириб қўйдим: «Мен ҳозир қўшнинг эмасман!– деб қаттиқ гапирдим.– Мен бригадирман, кўпчилик учун шу донингни олиб кетаман!»–дедимда, ўрнимдан туриб, тўрвачани қўлимга олдим. Ойша индамай тесқари қаради... Олти-етти кило бугдой экан. Тўрваси билан олиб кетаверайин дедиму, яна кўнглим бўлмай, ярмини катта товоққа тўқдим. «Менга қара, Ойша, ярмини олдим, хафа бўлмагин»–дедим. Ойша мен томон қараганда, кўзидан оққан ёшлар бетига сизилиб тушаётган экан. Ўшанда ташлаб кетаверсам бўлмасмиди. Бундай бўлишини ким билибди, тўрвачани ушлаган бўйимча уйдан чопиб чиқдим. Одамни бундай қийнагандан кўра, э, қурисин бу дунёси! Нега, нега шундай қилдим экан? Ҳозир ҳам шу қилмишларимни эсласам – ўзимни кечиролмайман.

– Йўқ, Тўлғаной, сенинг унда ҳеч қандай гуноҳинг йўқ. Сен элга яхшилиқ қилай деган эдинг, аксинча бўлиб қолди-да.

– Ҳа, айланайин деҳқон далам, сен барига гувоҳсан: ниятим холис эди. Агар ўшанда овулдагилар ёпирилиб уриб ўлдиришса ҳам рози эдим. Биласан-ку, ик-

кита катта қоп уруғлик дон тўпланди. Уни биз ғалвир-
лаб, тозалаб далага ўзим чиқариб қўйган эдим. Ўша
куни қўйиб турсам ҳам бўларди. Ҳайдаладиган бир оз
ер қолган эди. Бироқ мен тезроқ экиб олсам деб шо-
шилардим. Эртаси куни азонда туриб уруғ сочмоқчи
эдим. Уруғ тайёр, ер тайёр, деярли ҳамма иш кўнгил-
дагидек бораётган эди. Кечга томон уйга келиб ни-
магадир уннадим, тинчим йўқ эди. Кундузи Бектош
билан яна бир болага бароналарни аравага солиб,
далага олиб бориб ташланглар, деб тайинлаган эдим.
«Бола, боланинг иши чала» деганларидек улар айтган-
нимни қилишдими, йўқми, деб ишонолмай Алиман-
га айтдим: «Мен қўшчилар томонга бориб келайин,
тезда келаман» – деб отланиб жўнаб кетдим. Овулдан
ўтавериб отни йўрттириб ҳайдадим. Қош қорайиб,
ҳамма ёқни зулмат қоплаб олаётган эди. Қўшчининг
бошига етмай шудгорда омочга қўшилган ҳўкизлар
ўз ҳолича юрибди, ёнида ҳеч ким йўқ. Нега шу маҳал-
гача ҳўкизларни қўшдан чиқармади экан, деб қўшчи
боладан аччиқландим. У жувонмарг қаерларда юриб-
ди экан, деганимча бўлмай, йўл бўйида молларари
билан ағдарилиб ётган аравани кўриб эсим чиқиб
кетди. Араванинг ёнида ҳеч ким йўқ. «Ҳой болалар!
Қаёқда юрибсизлар, қаердасизлар? Ким бор бунда?» –
деб қичқирдим. Одам зоти йўқдек ҳеч ким жавоб бер-
мади. «Бу нимаси, булар соққа ўхшамайди-ку» – деб
олачиққа чопиб бордим. Отдан сакраб тушиб, гугурт
чақиб, кириб келсам, Бектош, ўртоғи, қўшчи бола
учаласи қўллари боғланган ҳолда ерда ётишибди, ки-
йимлари титилиб, юзлари қонга ботган, оғизларига
латта тиқилган. Бектошнинг оғзидан латтасини юлиб
олиб: «Уруғ! Уруғ қани!» – дедим. «Олиб кетишди!
Уриб, олиб кетишди!» – деб ўғриллар кетган томонни
боши билан ирғаб кўрсатди. Ўша ерда қандай бўлган-
нини билмайман, отга ирғиб миниб қувишга тушдим.

римни қанчалик силлиқламайин, барибир шу маъно келиб чиқарди. Бир томондан эс-ҳушли жувон эмасми, ўзи ёрилар деб шошилмаган ҳам эдим. Алиман бўлса, бечора бояқишим-эй, кишиларга бунча меҳрибон бўлиб яратилганини қара, мени аяб кўзи қиймай юрганга ўхшарди. Шунга қарамай, мендан ўтмасин, деб бир кун Қайиндидан оғалари қидириб келганда, мен Алимандан минг марта розиман, деб кўнглимдагини тушунтирдим. Шундай десам, уларни жеркиб: мен билан ишларинг бўлмасин, кетаманми, кетмайманми, ўзим биламан, сизлар аралашманглар, дебди. Гапирмасам бўлар экан, деб афсусланиб қолдим. Менинг уялганимни билиб, Алиман ўшанда, ўртамизда қандайдир бир сўз ўтганини сездиргани ҳам йўқ. Иччимдан миннатдор бўлдим. Шу зайлда бир-биримизни аяб, бир-биримизни қиёлмай, Жайноқ келиб қолармикин, деб умид қилиб алданиб юриб, энг охири ундан ҳам умидни узиб, кейин унинг вақти ўтгач, кеч бўлиб қолди. Ҳа, она-Ерим, имонимдек пок сиримни айтяпман. Қолганини ўзинг биласанку.

– Биламан, Тўлғаной. Келинингга аввалдан айтмай юриб, кейин айтганингда юзингга қарамас эдим.

– Рост айтасан. Қандай бўлиб кетганини ҳозир ҳам билолмайман. Овулимиз йўл устида эмасми, яйловга мол ҳайдаганлар, ишлашга тушганлар ҳар доим бизнинг ерлардан ўтиб кетишмасмиди? Ер ўртаси деб молини ёйиб, икки-уч кун туриб ҳам қолишарди.

Қирқ олтинчи йилнинг кузида қуйи овуллик бир чўпон қўйини боқиб юрди. Аскардан келган йигитга ўхшайди, бўз шинелли, тўнини бўктириб, милтиғини елкасига осиб, бу ерларда айланиб юрганида унча эътибор бермасдим унга. Овулда кимдир биров тўй қилиб қолди-да, улоқ берди. Ҳалиги чўпон улоқчи йигит экан, улоқни бизнинг дарвозанинг олдига олиб келиб ташлади. Ҳовлидан югуриб чиқдим, ўшанда кўрдим уни, ўйноқлаган отини гижинглатиб турибди. Ажабтовургина йигит экан. Нима учун-

дир бошқа сўз оғзимга келмай: «Ҳой, бу ниманг, болам?»—дебман. Шундай десам:

—«Уйда ким бор?»—деди. «Ким керак эди?»—дедим. «Қўлимдан тушиб кетди»—дедида, бир энгашиб улоқни олиб, тақимлаб жўнаб кетди. Унгача улоқчилар етиб келиб орқасидан ёпирилиб қувиб кетишди. Шундан кейин мен у чўпонни иккинчи марта кўрганим йўқ. Лекин унинг қилган ишларига аччиғим келди. Бу нима қилгани: олиб келгандан кейин ташлаб кетмайдими, улоқ — тушган уйники эмасми, ёки рости билан кўлидан тушиб кетдимикин?

«Ундай бўлса, нега кўчага тушмай, дарвозанинг олдига тушади?»—деган ҳар хил ўй босди. Мен шу зайлда турганимда Алиман чиқиб келди. Гулли рўмолини ўраб, шойи кўйлагини кийиб ясаниб олган, тўйга бормоқчи бўлиб турган эдик. Мени кўрганда Алиман ерга қараб қизариб кетди. «Юрмайсизми, эна»—деб секин гапирди. Бояги чўпоннинг нима учун келганини эндигина тушундим. Икки уч кундан бери Алиман сув олиб келаман деб ариқдаги сувни кўйиб, ката сойга бориб, кеч қайтиб юрганди. Кўнглим ниманидир сезгандек бўлувди-я... Охири бир кун шундай бўлишини, сўзсиз шундай бўлишини илгаридан билардим. Қизганганимдан эмас, ё балки қизганганимники ҳамдир, лекин гап бошқа ёқда. Алиманни кўп кечикмай, ўз ўрнини топиб олса экан, деб тилаб юриб, иш ўнгидан келганда, тисарилдим, кўрқдим. Боши очик келинимни эмас, гўё ўз қизимни эрга бераётгандек, Алиманни янглишмаса экан, тушган жойи яхши бўлса экан, деб юрдим. Тўйда ўтирганимда ҳам, уйда ўтирганимда ҳам шу ўй хаёлимдан кетмади.

«Бояги йигит қанақа одам экан? Яхшилаб, билиб кўриб олгин. Шошилма, Алиман болам, алдашиб қолма!»—деб ичимда айтавердим. Нима бўлса ҳам ёшларга тўсиқ бўлиб қолмайин. Алиманни иймантирмай, ўз ихтиёри ўзида эканлигини, менинг унга ҳеч қандай қаршилигим йўқ эканлигини, қандай қилиб билдирсам экан, деб қийналдим. Ҳеч нимани сезмаган кишидек бўлиб, кундагидек

сўзлаб, кундагидек кулиб юрсам ҳам, Алиман мендаги ўзгаришни сезган экан. Кечга томон сувга бораман деб челакларни олиб чиқиб кетганда елкамдан огир юк тушгандек енгил тортдим. Борса бориб, учрашиб келсин, дедим ўзимча. Лекин кўп ўтмай Алиман сув кўтариб кириб келди. Сойга бормай, ариқнинг ўзидан олиб келган экан. «Эна, сув иситиб берайин, бошингизни ювиб олинг»–деди Алиман, челакларни жойига қўя туриб. «Эртага кундузи ювиб оларман, ишинг бўлса...» – деб бошлаган эдим, Алиман сўзимни бўлиб: «Эртага колхознинг ишидан қўл бўшамайди, эна, ювиб олинг, сочингизни тараб қўяйин»– деди. Кўнглига келмасин деган ўй билан кўниб қўя қолдим. Катта қозонни тўлдириб сув иситиб, мени бош ювиб кўрмаган боладек ўтиргизиб, дарров қатиқ билан ювиб, ундан кейин совунаб, сувни илиқ қилиб чапиштириб, бошимга қўйиб турди. Бошқа вақтда бўлса, болам, қўя қол, ўзим ювиб оламан, дердим, бироқ бу сафар индай олмадим. «Оббо, бу қандай бўлди, мени деб икки ўртада ваъда қилган ерига боролмай қолдику»– деган ўйга бордим. Ундай десам, Алиман уни-бунни гапириб, кўнгли кўтаринки бўлиб юрди. Бор-йўғи сочимни тараётиб сал безовта бўлди. «Эна, ёшлигингизда сочингиз зап соч бўлган бўлса керак!»– деб манглаймни, сочимни эркалатиб силаб, юзларимга, бўйнимга қўлларини узоқ қўйиб турди. «Мен билан хайрлашяпти-ку»– деб ўйланиб, кўзимга келган ёшларни яшириб, ўзимни аранг тутиб турдим. У бўлса сочларимни ўриб, сандиқдан атир олди. «Вой болам, менга унинг нима кераги бор, вой айланай, қариганда уят эмасми?»–деганимга қўймай кулиб, зўрлаб бошимга атир сепдида, бўйнимдан қучоқлаб ҳидлади. «Мана қандай сулув, ёп-ёш бўлиб қолдингиз»– деб роса суюнди. Мен ҳам кулдим.

«Энди чой ичинг, эна»–деди. Чойдан кейин эса: «Тўшагингизни солиб берай, ётайлик»– деди.

Ўша кеча икковимиз ҳам ухлаганимиз йўқ. Алиман ўзи-ча хаёл суриб ётдимиз, гоҳ-гоҳда қаттиқ хўрсиниб қўярди.

Мен бўлсам кўзимни юсам ҳамки, Алиманнинг бугунги қилган яхшиликларига меҳрим товланиб, ўтган-кетганлар кўз ўнгимдан ўтиб турди. Алламаҳалгача Алиманнинг ҳов ўшанда гулхайриларни комбайннинг пиллапоясига олиб бориб қўйганини эслаб ётдим. Бир маҳал Қосим аскарга жўнашда уни отга мингизмай, бўйнига маҳкам осилиб, ёш боладек қўлларидан тортқилаганини эсладим. Яна бир маҳал шошиб станцияга бораётганимизда ёққан оппоқ қор Алиманнинг рўмолига, пешона, сочига, ёқасига қўниб, унинг ҳуснига ҳусн қўшиб, чинакам гўзал қилиб кўрсатгани эсимга тушди. Сўнгра, менга кучоқ очиб югуриб: «Энажоним-эй! Есирмиз, бирдек, есирмиз!»—деб бақиргани қулоғимга эшитилгандек бўлди. Яна бир маҳал кизгалдоққа тўлган минг далада қора рўмолли Алиманнинг катта йўл томонга чошиб кетгани эсимга тушди. Қўйчи, шуларни ўйлаб ётиб, энг охирида бояги улоқчи чўпон билан қўй ҳайдашиб, эргашиб кетаётгани кўз олдимга келди. «Хайр, энажон! Ёмон кўрма, кетганим шу. Хайр энди энажоним-эй!»—деса орқасидан қўл силтаб жар ёқалаб югуриб:

«Хайр, чироғим! Хайр, гул суйган келиним, хайр пешонамга сизмаган юлдузим! Омон бўл, бахтинг очилсин, умринг кўкарсин. Омон бўл, хайр-хўш! Ҳой, йигит боламини хор қилма! Қарғайман, қарғишим уради-я»—деб ётдим. Кўзимга ёш тўлиб, иссиққина бўлиб, юзларимдан юмалаб ёстиққа томиб ётди. Йиғлаганимни Алиман билиб қолмасин деб иложи борича ўзимни босиб ётдим.

Эртаси куни ҳам Алиман ҳеч қаёққа чиқмади. Шундан кейин ҳалиги чўпон кўринмай қолди. Қўйини ҳайдаб кетиб қолган бўлса керак. Алиманнинг бўзарган юзини кўриб қаттиқ койиндим. Кўнгли бўлса кетавермайдими, менга қайишганидан нима фойда! Анчагача ўйланиб юриб, кейин бу иш ёддан чиқиб кетгандек бўлди.

Шундан сўнг эрта кўкламда бояги чўпон яна пайдо бўлди. Қўйини боқиб катта сойда юрганини сиртдан пай-

қаб қолдим. Ўша кунлари Алиман кеч кирари билан кетиб, эл-юрт ётгунча ташқарида юрарди. Мен нима ҳам дердим. Ўзи билади-да. Тўгриси, нима қилишим, нима ҳам дейишим керак эди, айтчи, жоним туташган далам? Эсингдами ўша шовқинли тун, эртаси куни олдингга келиб йиглаганим...

– Тўхта, Тўлғаной. Сен у тунни шовқинли деб айтма. У туннинг яхши томони ҳам, ёмон томони ҳам бор. Жон яралган тунга тил тегизма, Тўлғаной.

– Сўзимни қайтариб олдим, она-Ерим, куйгандан айтган гапим-да бу. Куймай иложим қанча – ўша кеча Алиманни узоқ кутиб ўтирдим. Овулда ҳамма ётса ҳам, мен иима учундир чироқ ўчирмай, ниманидир гумон қилиб, нимадандир қўрқиб, деразага тикилиб, шитир этган товушга қулоқ осиб, кўз юммай ўтирдим. Ойдин тун бўлиб, у ер-бу ерда булут сузиб юрса ҳам, баҳор ҳавоси тинч эди. Бир уйда ёлғиз ўзим ўтирганимдан, баданим учганидан кўрпага ўрандим. Ярим кечага бориб кўзим илинган экан, тақиллаган товушдан чўчиб уйғониб, бошимни кўтариб қарасам, Алиман кириб келаётган экан. Маст, гирт маст. Кўйлагининг ёқаси йиртилиб, осилиб тушган, баданлари кўриниб, сочлари бетларига тўзғиб тушган. Кўзлари бир жойда турмайди. Алиманнинг маст бўлишини умримда биринчи кўришим. Нима дейишимни билмай, ўрнимдан туришга ҳам ҳолим қолмади. Алиман бўсагадан аранг ҳатлаб кирди-да, йиқилиб кетай деб бориб печга суяниб қолди. Кейин печни ушлаган бўйича жавдираб туриб: «Ҳа!» – деб хунук кулимсиради. «Нимага қарайсиз?» – деди у бошини чайқаб. «Нега қарайсиз менга? Ҳа, мен мастман. Ҳа, мен мастман. Ҳа, мен ароқ ичдим. Ичмай нима қиламан? Мен ичмасам ким ичади-а? Нега индамайсиз? Менинг туркумдан қўрқаяпсизми?..»

Мен индаёлмадим. Келинимнинг шундай аҳволга тушиб қолганидан юрагим сиқилиб ўлаёздим. Алиман яна бир оз довдираб, бошини саланглатиб турдида, бир пайт шивирлади: «Эна, сиз ҳеч нимани билмайсиз. А, мен бўл-

сам... Мен... Мен бугун... Қосим аскарга жўнар куни кечкурун катта сойга бирга бормадикми... Ҳаммаси худди ўша ерда...»—деб гапириб туриб сочини икки қўллаб чангаллади: «Мен ит бўлдим, эна, энажоним!»—деган қичқирик юрагидан отилиб, ўзи кигизга юз тубан қулади, қуладида, бошини ерга уриб хўнграб йиғлай бошлади.

Ўрнимдан иргиб туриб, қушдек учиб бордим ёнига. Бошини кўтариб кўкрагимга босдим: «Йиғламагин, Алиман, йиғламагин. Нима бўлди сенга, қани айтчи? Хафа бўлдингми? Ё биров бир нарса дедими сенга? Айтчи. Ё мендан хафа бўлдингми, хафа бўлган бўлсанг айт, сақлаган сирларингни барини айт, эшитай...» «Йўқ, йўқ, эна, энажоним, бечорагинам, ёлғизим, ҳеч нимани билмайсиз-да, билганда ҳам қўлингиздан нима келар эди. Лаънатлар бўлсин ўшанга!»—деб қандайдир бир ўзига хос дард-аламини тортиб, ўзини тўхтатолмай, мени қучоқлаб олиб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлайверди, узоқ бўзлади. Ундан кейин бир оз тинчиди-да, уйқуга кетди. Мен ухлаёлмадим. «Нима бўлди келинимга? Нима қилдим энди?»—деб аранг тонг оттирдим.

Эртаси куни Алиман ўрнимдан турганда, уялиб менга қарай олмади, гапиргани ҳам йўқ. Ишга чиқиб кетаётганимиздагина: «Мени кечиринг, эна»—деди оҳиста.

Шу билан орадан икки-уч ой ўтиб, ёзда ҳалиги қочқинчи Жекшенқулнинг тергови бўлди – урушдан кейин элга қовушолмай уйига яширинча келиб-кетиб юрган экан. Бироқ четда юрганида ҳам тинч юрмай, олиб-сотарлик қилиб, қўй ўғирлаб, қўлга тушиб қолибди. Терговда унинг илгариги қилмишлари очилиб қолиб, бизнинг овулга сўроқ қилишга олиб келишган экан. Қишлоқ Маслаҳатининг одами мени ҳам гувоҳ бўласан, деб келибди. Кўчада кетаётсам, Алиман кетмон кўтариб ишдан келаётган экан. Секин юриб, элдан ажралган кишидек мунгайиб, ёлғиз ўзи келаётди. Кўринишдан хафа, озиб, кўзи киртайиб қолибди. Ўша ёзда юзини ҳам доғ босиб кетган эди. Юрагим ачишиб

кетди. Энди уйга бориб, тагин ёлғиз ўзи ўтирмасин, деган хаёл билан: «Юр, болам, идорага бирга бориб келамиз» – дедим. Шундай десам: «Йўқ, эна, у ерда нима бор менга. Бошим оғриб турибди, уйга борайин» – деди. «Майли, – дедим, – дам олиб ётиб тур, сигирни ўзим кутиб оламан».

Идоранинг ёнида ҳамма ёғи ёпилган машина турибди. Гувоҳликка чақирилган ва ишдан қайтаётиб бу ерга келган бир тўда кишилар очик деразанинг ёнидан гапга қулоқ солиб туришибди, мен ҳам ўшаларга қўшилиб турдим. Жекшенқулни кўрмаганимга анча йил бўлган, тўлишиб, семириб кетибди. Елкалари этга тўлиб, кўзлари қисилиб, олайиб ўтирган экан. Соғиб ўтирган ёлғиз сигирларимизни кўшга кўшиб, очдан ўлиб бораётганимизда, топган-тутганимизни қўлимиздан тортиб олган шу ит эмасмиди? Менинг Худо кўшган ёрим, болаларим фронтда қон кечиби жангда юрганда, бу лаънати ўзини элдан ортиқ тутиб қочиби юрмаганимиди? Энди бўлса овулдаги оқсоқоллар билан айтишмагани қолибди. «Шу ҳам гап бўлдими, фронтда ўлганларнинг ўз ажали ўзи билан, менга уларнинг нима алоқаси бор?» – дейди. – Ўғри дейсизлар, кўзларингиз билан кўриб, қўлларингиз билан тутиб олганларингиз йўқ. Минг гапиринглар – ҳаммаси қуруқ сўз. Далил керак».

Буни эшитганда қоним қайнаб кетди: «Жонингни сотма, имонсиз! Далил керакми сенга, мен далил!» – деб деразадан туриб қичқирдим. «Опа, ичкарига киринг. Бу ёққа кириб гапиринг» – деди ўрнидан туриб терговчи. Кириб бордим-да, ҳаммасини айтиб бердим. «Ҳа, биз сени қўлимиз билан тутиб олганимиз йўқ, сенинг орқангдан тушиб ушлашга вақтимиз ҳам бўлганмас. Биз у вақтда ер тирма-лаб фронтга нон берганмиз, биз унда машоқ териби болаларни боққанмиз. Сен эса унда кўшга боғланган отларни ҳайдаб кетиби, элнинг битта доналаб йигган уругини олиб қочиби, бола-чақаларнинг насибасини қуритиб, қўл солгансан. Демак, сен шу билан фронтдаги солдатларнинг қўлидаги нонини тортиб олгансан, орқангдан етиби бориб: «Тўхта!

Мен биламан сени, Жекшенқул. Тўхта!» деганимда, қайрила солиб, мени отгансан!» – деб юракда қайнаган сўзларимни барини айтавердим. Шунда, айт, тортинмай айтавер, дегандек, Ойша қўшнимнинг бўзарган юзидан оққан қатор-қатор ёш, ўша мунчоқ кўз ёшларидек бўлиб милтиллаган осмондаги сомон йўли кўз олдимга келиб турди. «Далил деб ҳийла қилиб қутулсанг, қутулиб кетарсан, лекин билиб қўйгин, эл-юртнинг мушкулидан ўзингни четга олиб, унинг ўлим-етимида баравар қайгу чекмаганинг учун одам сонидан чиқиб, умринг якка моховликда ўтади. Сенга далил ҳам, жазо ҳам шу» – дедим.

Мен гапириб бўлганимдан кейин терговчи: «Раҳмат сизга, она. Энди бўшсиз, уйингизга бораверинг» – деди.

Идорадан келаётсам Жекшенқулнинг хотини эшикни тўсиб олди. Жин теккандек ўзини уриб қичқирди: «Ўлигингни кўрай, қоқбош. Виждоним соф деб нима яхшилик кўрдинг. Сен тоза, виждонинг соф экан, келинингнинг қорнидагига нима дейсан? У қаёқдан бўлган? Уйингда бўлаётган шармандаликни кўрмай, нима қилиб юрибсан? Шармандалар!?»

Юрагим «шув» этиб, жунжикиб кетди. Ҳа, ҳа, бу хотиннинг айтганлари тўғри эмасми? Кўпдан бери ўйлаб, гумон қилиб юрган нарсаларим шу заҳоти очиқ-ойдин бўлиб қолди. Шунда эшикда турган кишилар: «Овозингни ўчир, ўласан» дейишиб, Жекшенқулнинг хотинига ҳамла қилиб қолишди. «Тегманглар, унга қўл тегизманглар» – деб индамай жўнаб кетдим.

Кўчада келаётиб, турли ўй-хаёлларга берилдим. Бундай бўлишини ўйламаган эдим.

Кейинги кезларда Алиман қандайдир ўзини халқдан четга тортгандек, феъл-атвори ҳам ўзгариб, бегона одамдек, гапирмай, кулмай қолганига мен шунчаки хафа бўлиб юрган бўлса керак, деб ўйлардим. Ҳалиги чўпон йигит кўнглига ўтирмай, келишолмай қолишган бўлишса керак, деб гумон қилардим. У, ўшанда

кўринмай тоққа кетиб қолган эди. Уни иккинчи ҳеч ким кўрмади.

Кейин билсам, иш бошқача экан. Афсус, афсус... Бундай бўлишини ким билган эди. Энди қандай бўларкин деб ўйлайвериб, қаддим дол бўлди.

– Ҳа, Тўлғаной, сен ўшанда менга келиб, энди нима қиламан, деб сирингни айтган эдинг.

– Сенга айтмай, кимга ҳам айтардим. Жоним туташган, деҳқон далам, муштдайлигимдан бошлаб, шу қариган чоғимгача сенинг ҳароратинг билан, сенинг куч-қувватинг билан ҳаётда қанчадан-қанча до-вон ошиб яшаб келяпман. Нима қилайин, десам, сен ўшанда: «Ўйлаб кўр, Тўлғаной, чуқурроқ ўйлаб кўр. Кўнглингни кенг қил, узоқни кўзлаб иш тутгин. Но-мус қилиб юриш билан иш битмайди, ақлсизлик қил-ма»–деган эдинг.

Бу менигина эмас, балки бошқаларни ҳам ўйлан-тирганидан мамнунман. Ичган сувимиз бир, кўрган кунимиз бир, тақдиримиз ҳам бир бўлган замондош овулдошларимнинг кенг феълига раҳмат айтиб, таъ-зим қиламан. Ўша воқеанинг эртасига Ойша қўшним уйига чойга чақириб, сўз орасида уни-буни гапириб: «Ҳалиги Жекшенқулнинг хотини кечаси кўчиб ке-тибди»–деди. Индамадим. Кўчса ҳар кимнинг ўз их-тиёри. Кейин орадан анча вақт ўтгандан кейин бил-сам, у ўзи эмас, ўша кечаси, бутун эл тўпланиб келиб: «Бизнинг овулдан чиқиб кет!»– деб аравага солиб, кў-чириб юборишибди. Ўшандан кейин катта-кичикнинг биронтаси бу ҳақда гап-сўз қилмади. Балки, тенг-қурлари Алиманнинг ўзига айтса айтгандир. Лекин менга ҳеч ким бу ҳақда гапиргани йўқ. Ўшандан бери қанча вақт ўтди, ҳали ҳам ҳамма ҳурмат қилади. Раҳ-мат, кўзим юмулгунча розиман. Агар илгариги замон-лар бўлса, не-не аччиқ сўзларни юзимга солмасмиди, деб ўзимча ўйладим. Энди бўлса, бу урушнинг қанча

азоб-уқубатини тортиб, тирик қолган ҳар бир одамнинг баҳоси, қадр-қиммати қанчалик мўътабар эканлигини, унинг кўнгли қанчалик ярим эканлигини, замонанинг катта сабоғини олган элнинг ўзи ҳам тушунди, Алиманинг гуноҳини кечирди. Агарда улар Алимани иккаламиздан кулишса, ўзларидан кулган билан баробар эмасмиди. Дарвоқе, шундай бўларди. Майли, одамлар ҳар нима дейиши мумкин. Мол оласи сиртида, одам оласи ичида, дейишганку. Бировнинг оёғи сал тойиб кетса, бас, етади одамларга. Шундай одамлар ҳозир ҳам орамизда бор. Лекин аслини олганда, умуман олиб баҳо берганда, одамдай беғубор нарса йўқ, бунга аминман, бундан фахрланаман. Ўзимнинг бошимдан ўтдику булар, биласанку, она-Ер, ўша йили мен учун қандай машаққатли йил бўлди.

– Ҳа, Тўлғаной, сен ўша йили анчагина чўкиб қолдинг.

– Чўкканим ҳам майли-я, Алиманимни ҳозир ўйласам, ич-ичим ачишади. О, Худо-ей, Худо-ей, қаерда топиб, қаерда йўқотдим уни... Алиманинг бўйида бўлиб қолганини билиб қолганимдан кейин, доим уни авайлашга тиришдим. Кўзга ташланиб қолган бўлса ҳам нима учундир, билмасликка солиб, гап-сўз қилиб юрмадик. Тирикчиликка доир ҳамма нарсани аввалгидек кенгашиб, бор-йўғимизни бирга баҳам кўриб юрдик. Бироқ, ҳалиги хусусда гап очишга ботинолмади. Мен унинг кўнглини оғритмайин дедим, у эса тўғридан-тўғри айтишга уялдими, хаёлида кетмоқчи бўлиб юриб, унгача мени қизартириб-бўзартриб юрмай, ҳаммасини кетиш олдида айтаман дедими, ҳар қалай, билолмасдим. Мен учун ўша кезларда буни билиш ҳам қийин эди. Ўзи лом-мим демагандан кейин нима ҳам дея олардим, қандай сўрай олардим. Қўққисдан сўраб қолсам, уйдан кетгин дегандек тушуниб, кетиб қолмасмикин, деб хавотирланардим. Соғ

юрганда хўп-хўп эди, иккиқат бўлганда йўлингни топ деб бўлармиди. Йўқ, йўқ, Алиманимга бундай ёмонликни ҳеч қачон раво кўрмайман. Кўнглимда, мен уни айблаганим ҳам йўқ. Бутун нарсани ўз кўзим билан кўриб-билиб юрмабмидим. Алиманинг бошига тушган кун – менинг ҳам бошимга тушган кун, у туққан бола – менинг ҳам болам, номус-орини, яхши-ёмонини, бори-йўғини бирдек баҳам кўраман, ўзимча шундай қарорга келганман. Алимани кетиб қолса, менсиз куни ўтмай қолармиди, ташлаб кетишга кўзи қиймай юриб, шундай маломатга дучор бўлишини билмабманми. Ихтиёрини ўзига қўйиб бердим. Эртами-кечми, ахири бир кун вақт-соати етганда келажак ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олармиз. Кўнглимизда шуни сақлаб юрдик. Шундай бўлса ҳам, бугун-эрта деб четга суриб келмадикми. У тугул Алимани кетиб ҳам қолди-ку. Бу ҳам мендан ўтди, менинг бепарволигимдан бўлди...

Ёз охирида, Алиманинг бўйидаги ўшанда беш-олти ойлик кези эди, эрта билан молни подага қўшайин, деб кўчага ҳайдаб чиқдим. Подачи овози кўнғироқдек ўн икки-ўн уч ёшлардаги етим бола эди. Ўша куни у кўчанинг нариги бошидан алланималарни шанғиллаб қичқириб, олди туриб келётган овулни бирдан уйғотиб юборди. У уйимизнинг яқинига келганда, сигирларни «хўш-хўшлаб» келатиб: «Тўлган опа! – деб менга ҳам ялт этиб қаради. – Тўлган опа, суюнчи беринг! Жўрабек акамнинг келининг кўзи ёриди, суюнчи беринг!» – деди.

«Э, айланайин, кўпайсин, кўпайсин. Қачон туғди?»

«Тонг маҳали».

«Ўғилми, қизми?»

«Қиз. Отини Тўрғай кўямиз, дейишди. Тўлган опа, тонг маҳали туғилган, тўрғай, дейишди».

«Жуда яхши бўлибди, болам. Умрини берсин» – дедим.

Бировнинг ёруғ дунёга келганига ўзича қувониб, шу катта қувончни ҳаммага бўлишиб, хабар қилиб юрган подачи боланинг сўзи меҳримни қўзғаб юборди. Қандайдир бир мусаффо илиқлик юрагимга тўпланиб келиб, дарвозадан кириб келаётганимда, юрсам ҳам, турсам ҳам доим дилимда турган нарсани қандай қилиб эсимдан чиқариб юборганимни билмайман: «Алиман, суюнчи! Жўрабекнинг келини туғибди. Эшитдингми? Ой-куни етиб юрганди, бечора, омон-эсон...»—деб гапириб келаётиб, Алиманни кўрганда мум тишлагандек бўлдим. Уйнинг деворига суяниб шалпайиб турган экан. Бошини аранг чайқаб, лабларини тишлаб бўзариб турган экан. «Мен туққанда ҳеч ким бунчалик суюнчи тортиб хабар қилмайди», деган ўйга борди шекилли, ким билсин, ўзимнинг гапимдан ўзим хижолат бўлиб, юзим қизариб, нима қиларимни билмай, гапиролмай қолиб, тандирнинг ёнига ўтирдим-да, индамай, тезак қалай бошладим. Юзимнинг қизаргани тарқаганда қайрилиб қарасам, Алиман ҳали ҳам ўша бўйинча бўзариб турибди. Ҳушим учиб, нима қиларимни билмай: «Бирон еринг оғрияптими?»—дедим ёнига бориб. «Йўқ, эна, ўзим шундай»—деб қўйди - «Бирон еринг оғриса, уйга кириб ётсанг-чи, қийналмай». «Қийналаётганим йўқ. Тамаки баргини ипга тизишнинг нима қийинчилиги бор, бораин»—деб жуволдизларини қўлига олиб чиқиб кетди. Шундай бўлгандан кейин энди очиғини айтайин. «Тортинма, болам, уялма. Бунинг ҳеч қандай уяти йўқ, бу ҳам ҳаётнинг ажойиб бир томони. Кимнинг қандай туғилгани ҳам гап эканми, туғилганларнинг ҳаммаси бирдек, айирмаси йўқ. Дунёга келган ҳар бир нораства ҳамма одамзоднинг боласи, демак, бу менинг ҳам болам, сен туғсанг у менга бегона бўлмайди, ўз боламдек ардоқлаб боқарман. Шуни тушунгин. Кўнглингни ёзиб хурсанд бўлиб юргин»—деб илгаридан

тайёрлаб қўйган сўзларимни айтайин деган ўй билан орқасидан югуриб кўчага чиқдим. «Ҳой, Алиман, тўхтаб тур. Бу ёққа қара»– десам, эшитмаганга солиб юриб кетаверди.

«Хафа бўлди шекилли», деган ўй кун бўйи ичимни тирнади. Аёллар билан тамаки юлиб юриб ҳаммасини бир-бир ўйлаб: «Майли энди, кечқурун айтайин, бундай юришимиз яхши эмас»–деб ўзимни пишиқлаб олдим. Лекин бу ўй хаёлларимни айтиш nasib бўлмади. Кечқурун ишдан қайтиб уйга келсам, Алиман йўқ. Ана келади, мана келади, деб ўтириб юрагимни ваҳима босди. Нима фалокат бўлди экан. Кўчага чиқиб излайинчи, деган хаёл билан уйдан чиқиб бораётсам, экин тарафдан ўтин кўтариб Бектош келаётган экан. Бектош унда колхознинг аравасини шалдиратиб ҳайдайдиган йигит бўлиб қолган эди... У индамай келиб, ўтинни уйнинг орқасига ташладида, менга жавдираб қараб қўйди. «Тўлган опа, Алиман, мени энам изламасин, деб айтиб кетди. Қайиндидаги қариндошларимникига кетдим, деди».

Бўгин-бўгиним бўшашиб, бўсағага ўтирдим. «Қачон кетди?» «Боя. Тушдан кейин кўчадан машина ўтиб бораётган экан, ўшанга тушиб кетди». Ўз ёгимга ўзим қоврилиб ўтирсам, садағанг кетай Бектош: «Кабинкасига миниб кетди, опа. Сира қўрқманг, шофёри дуруст одам экан»–деб қўйди. Бектошни ўзим ҳам яхши кўрар эдим. Унга яна меҳрим ортди. «Ҳа, бечорагинам, одам бўлар экансан»–дедим ичимда.

Бола билинмай ўсаверар эканда, мана ҳозир эр етиб, эс-ҳушликкина, пешонаси ёруғ йигит бўлди. Кўзимга шундай кўринди. Бектош ариқдан сув олиб келиб, эшикнинг олдига сепди. «Даҳлизни супуриб-сидириб салқин қилиб қўяйин. Онам, сизнинг чойингизни соғиниб қолдим, дейди. Ҳозир келади»–деб ўзича куйманиб самовар қўйди.

Ойшалар узоқ ўтириб чой ичиб кетишди. Уйда ётолмадим. Осмондаги чамандек юлдузлар тонг отгунча чарақлаб, сўнг бирин-кетин сўнишиб, энг охири порлаб турган ёлғиз Чўлпон юлдузи қолиб, у ҳам аста-секин узоқлашиб, аллақаёққа ғойиб бўлди.

Алиман кетгандан кейинги кунларим курсин. Бутунлай ёлғиз қолдим. Уч-тўрт кун эплаб, ўзимни юпатиб юрдим. Кейин чидай олмадим, шартта туриб қаёққадир бош олиб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Алиманни кўришни эсласам, юрак-бағрим баттарроқ эзилади. Агар уни туғишганлари хушфёълик билан кутиб олса – кўп яхши, бошида, менинг турмушимга аралашманглар, деб катта кетган эдинг, энди бизни йўқлаб келдингми, дейишса, шўрлик болам, бу хўрликка қандай чидай олар экан. Хаёлига алланималар келиб, шундай қилиб яшагандан кўра ўлсам бўлмай-дими, деб ҳаётдан безиб юрмаса эди. Ёнимда бўлганда ҳеч кимга хўрлатмас эдим-а. Қандай қилиб кетиб қолди экан, бу ҳам шўрим-да. Нима бўлса ҳам борайин, ўз кўзим билан кўрайин. Борсам балки мен билан қайтиб келар. Шундай қилса экан, Худоё, шундай қилса экан. Бормайман, қоламан, деса – буни ҳам билайин, нима қилардим, розилигимни айтиб, оқ фотиҳа бериб қайтиб келардим. Кийим-кечагини ҳам олиб кетмади, уларни ҳам элтиб берайин. Келса-келмаса ҳам айтар сўзимни айтишим керак. Бурчим эмасми. Вой, кўп кечикмай жўнайин, деб эртаси уйни-жойни Ойшага тайинлаб, йўлга чиқдим.

Қайинди томонга бораётган машинани Бектош тўхтатиб берди. Шу машинага тушиб овулдан сал узайган эдим, сўқмоқ йўл билан нариги даладан пиёда юриб келаётган бир аёлни кўриб қолдим. Дарров танидим – Алиман экан! Худди ўша, бўйгинангдан ўргилай, қайтиб келаётган экан. Шу заҳотиёқ ўрнимдан ирғиб туриб, машинани дукиллайтиб ура бошладим.

«Тўхтат! Тўхтат, мен ҳозироқ тушаман!»—дедим. Машина бир оз юриб бориб тўхтагандан сўнг, хуржунимни олиб, шошиб ундан тушдим. Шу орада уюлган қуюқ чанг етиб келиб, кўзимга ҳеч нима кўринмай қолди. Бояги кўрганим ўнгимми, тушимми деб тааж-жубланиб туриб қолдим. Каттакон машинанинг орқасидан тушиб, юрагим қинидан чиқиб кетгудек бўлдида: «Алиман!»—деб қаттиқ қичқирдим. Оҳ, айланайин деҳқон далам, ўзинг кўрмаганмидинг, бу воқеа ҳам ўшанда бўлмаганмиди?

— Ҳа, Тўлғаной, ўшанда, ҳу, ана шу йўлда бўлган эди. Сен: «Алиман!» деб қичқирганингда, Алиман ялт этиб қараб, сени кўриб қолдида, сўнг: «Эна! Энажоним!»—деб сен томонга югурди. Сен ўшанда эсинг чиқиб: «Югурма, болам, югурма, айланай, йиқиласан!»—деб ёлвориб келаётиб, ўзинг йиқилиб тушиб, яна ирғиб туриб чопиб кетдинг.

— Ҳа, ҳа, худди ўшандай бўлган эди. Қандай етиб борганимни билмайман. Алиман икковимиз қучоқлашиб кўришдик. Роса соғиниб қолган эканмиз: «Келдингми, келдингми, болам, энангга қайтиб келдингми?»—десам: «Келдим, энажон, келдим. Ўзингизга қайтиб келдим»—деди. Худди шу маҳалда Алиманнинг қорнидаги боласи кўзғалиб «билқ-билқ» этиб икки-уч марта тепиб қўйди. Уни икковимиз ҳам бирдек сезиб қолдик. Алиман қорнини ушлаб оҳиста силаб менга қаради. Унинг шу кўз қараши бутун вужудимни вайрон қилиб юборди. Мен ҳам баъзан бир нимани гумон қилиб, ичимдан куйиниб юрган эканман-да! Қандайдир бир дақиқалик вақт ичида ҳаётнинг энг бир бахтли, энг бир тотли дамларини бошидан ўтказиб тургандек Алиманнинг қувноқ юзлари меҳримни ўзига тортиб, киприкларига илинган мунчоқ-мунчоқ ёш доналари юзларига юмалаб тушди. Оҳ, муқаддас эналиг-эй! Гўё кўз ёшлари ҳаётдаги ҳамма азоб-уқубат-

ларни ювиб юбораётгандек! «Кўзингдан айланайин, боқишингдан айланайин!»—деб бет бошимни силаб, ялиниб-ёлвориб, ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Шундай қилсам: «йиғламанг, эна,— деб мени юпатди.— Кечиринг мени, кечиринг. Сизни ташлаб кетолмас эканман. Чидолмадим, кўнглим бўлмади».

Кўпдан бери айтаман деб юрган гапимни энди айтийин, пайти келиб қолди: «Нима учун кетдинг, хафа бўлдингми?»—дедим. Алиман индамай туриб қолди: «Сўраманг, эна. Сўраб нима қиласиз, менга ҳеч нима деманг, мен ҳам сизга ҳеч нима демайин. Қийнаманг мени, энажоним, қийнаманг?»—деди.

Шундай қилиб, бу сафар ҳам айтолмадим. Яна нима учундир ҳар қачон айтар гапимни сезиб тургандек сўзлашишдан қочиб, ўзини шундай тортиб туриб олмадими бояқиш болам. Бор гапни ўртага ташласа ўзига ҳам, менга ҳам енгилроқ бўлмасмиди. Эсингдадир, она-Ерим, ўша йили куз узоқ чўзилиб, сўнгги кунлари серёгин бўлмадими. Ҳаво бир очилиб, бир тутилиб, изиллаган совуқ кўп вақт уйдан чиқармай қўйди. Куз ҳавоси каби кун сайин Алиманнинг қовоғи ҳам уюлиб, гаплашмайдиган, кулмайдиган бўлиб қолди. Ўзича ташвиш тортиб ўтиргани ўтирган. Чамамда, ой-кунни ҳам яқинлашиб қолган эди. Ғамга чўкиб қолмасин, деб қўлимдан келганича эркалатиб, ҳазил-ҳузул гапириб, у қилган, бу қилган бўламан. Бироқ ёш бола бўлгандан кейин қийин экан. Менгина эмас, бошқалар ҳам бунга уриниб кўришибди.

Бектош, онам тумовланиб ётиб қолди, деган эди. Ойшани кўрайинчи деб борсам, иситмаси чиқиб, йўталиб ётган экан. «Ўзингку яримжон одам эдинг, жимгина ўтирмай, овул айланиб юрдинг»—десам, астагина жилмайиб кулиб қўйди. Бундан икки-уч кун бурун уч-тўртта аёл бўлиб Бектошнинг аравасига тушиб нариги овулга тўйга бориб келишган эди. Билсам,

иш бошқача экан. «Иссиқроқ ўраниб, яхши бўлиб кетгин»–деб ўрнимдан тураётсам, Ойша: «Тўхтаб турчи, Тўлғаной, хафа бўлмасанг айтадиган бир оғиз гапим бор эди»–деди. «Айтавер»–дедим.

«Қуйи овулга биз тўйга борганимиз йўқ, унда менинг қариндош-уруғим ҳам йўқ. Буни ўзинг ҳам биласан. Сендан яшириб бир иш қилган эдим. Тўлғаной, кечиргин,– деди.– Ҳалиги чўпон йигитни топиб, ўртага олдик. Алиманинг ой куни етиб турибди, унинг увол-савобини ким кўтаради, десак, бари бир ҳеч нима чиқмади. У ўзи аёлманд экан, иккинчидан, виждонини ютиб, мен унингни кўрган эмасман, билган эмасман, деб тониб турибди. Хотини ҳам бир шаллақи экан, сезиб қолиб, бетга чопиб, итдек шармандамизни чиқарди. Қайтиб келаётганимизда йўл бўйи ёмғир ёғиб, кечки совуқ туриб қолди. Буниси ҳам майли-я, Алиман энди нима қилади?»–деб, Ойша юзини тўсиб йиғлаб юборди. «Йиғлама, мен турганда Алиман хор бўлмайди»–деб чиқиб кетдим. Бошқа нима ҳам дер эдим.

Алиманни эти-боши оғриб қолдими, деб ҳадиксираб, кейинги кунларда кўзимни узмай, унинг ёнидан сира жилмай юрдим. Бирдан эшикка чиқиб кетса ҳам, орқасидан эргашиб: «Э-э, Алиман, қаёқда юрибсан?»–деб шошиб қоламан. Тўлғоқ тутиб қолмасин, дейман-да, бўлмасам, мен шўрликнинг бошқа нима ишим ҳам бор эди.

Бир куни у иссиқ кийиниб олиб, эшикка чиқиб кетаётган эди: «Қаёққа кетяпсан, болам?»– дедим. «Катта сувга бораман»–деди. «Э бўтам, кун бундай бўлиб турса, энтикиб қандай борасан. Уйгинада ўтирсангчи. Сувда нима бор дейсан. Ё ёз куни бўлмаса»– дедим. «Йўқ, бораман»–деди. «Унда мен ҳам бирга бораман, ёлғиз юбормайман»–десам, жаҳли чиқиб кетди. Кўпдан бери аччиқланиб юрганининг қусури-ни чиқарди: «Нима учун менга эргашиб, қадам-бақа-

дам пойлаб қолдингиз. Нимангиз бор менда. Мени ўз ҳолимга қўйсангизчи. Ўлади дейсизми, ўлмайман, ўлмайман!»—деб эшикни тарс ёпиб чиқиб кетди. Тумшайиб ўтириб қолдим. Сўзи оғир ботди. Қаттиқ хафа бўлдим. Шундай бўлса ҳам кўнглим тинчимади. Икки-уч марта эшикка чиқиб қарадим, сувга кетган бўйича кўринмасди.

Кўзга илинмаган майда ёмғир савалаб, шамол оқ парқу булутларни ағдар тўнтар қилиб ҳайдарди. Дов-дарахтнинг танаси, бутуқлари совуқдан қорайиб кетибди. Элнинг бари уй-уйида, ҳеч кимса йўқ, қишлоқ ичи эгасиздек жимжит. Юзларига чиммат тутгандек тоғ чўққилари гира-шира кўриниб турарди.

Ёмон кўрса кўрсин, орқасидан борайин, тўлғоғи тутиб зах ерга ётиб қолмасин, деб томорқанинг этагига етиб борганимда Алиман кўринди. Бошини қуйи солиб оғир юриб келаётган экан. Орқамга дарров қайтиб келдимда, чой қайнатиб, тухум солиб, қуймоқ қилдим. Сақлаб қўйилган олмалардан танлаб, қизилларини дастурхонга қўйдим. Алиман кириб келдида, дастурхонни кўриб, индамай кулимсиради. «Кечикиб кетдингку, болам. Энди ўтириб чой ичгин»—дедим. «Кўнглим ҳеч нимани тортмай турибди, эна. Олмадан биттасини берингчи, ўшани еяйин»—деди. «Нима бўлди сенга, Алиман? Ёки бирон еринг оғриятими?»—десам, лабини тишлаб: «Сўраманг, эна, кўнглим ҳеч нимани тусамай турибди. Боя сизга қаттиқ гапириб қўйдим. Мени ўз ҳолимга қўйинг»—деб қўл силтаб қўйди.

Яна кеч бўлиб, тун кириб келди. Тўшакка ётганимда, менинг сўзим ҳам унга ёқмай қолибди-ку, деб ичимдан ўксиниб, ётиб ухлаб қолибман. Бошқа вақтда узоқ тун бўйи тез-тез уйғониб, Алиман томонга қараб қўярдим. Бу кеча нима бало бўлиб ухлаб қолганимни билмай қолибман. Ухламай кўзим ўйилса-чи...

Туннинг қайси вақти эканини билмайман, бирдан уй-гониб кетдимда, Алиманга қарадим. Ўрнида йўқ. Эшикка чиқиб кетгандир, деб бир оз кутдим, яна кутдим. Йўқ. Тура солиб, Алиманнинг тўшагини ушлаб кўрдим: муздек, қачонлардир туриб кетган. Дарров уни-бунни кийина солиб, эшикка отилиб чиқдим. Ҳовлининг ичиғи айланиб қараб, кўчага чопиб чиқиб, ундан томорқа томонга ўтдим. «Алиман! Алиман!»—деб қичқирсам ҳам, ҳеч ким йўқ. Итларгина ҳуриб қўйишди. Бўгинларим бўшашиб кетди. Кетган эканку, энди нима қилсам экан-а? Уйга қайтиб чопиб келиб, даҳлиздаги фонусни ёқиб, бурчак-бурчакларни қараб, энди эшикни излайин деб фонусни кўтариб ҳовлига чиққанимда, нариги саройдаги сомонхонанинг ичидан одамнинг инграган, қичқирган товуши эшитилди. Сомонхонанинг эшигини тез очиб кириб бориб, серрайиб туриб қолдим. Сомоннинг устига чалқанча тушган Алиман туга олмай қийналиб ётган экан, кўрибоқ, эсим чиқиб кетди. «Бу ниманг, вой тушмагур! Нима учун айтмадинг?»—деб қўлтиқлаб кўтарай деб оёғига қўлимни теккизганимда, билчиллаб қонга ботган чопон, кўйлақлар иссиқ бўлиб билагимга урилди. Юзлари кўкариб, кўзлари олайиб нафас ололмай ҳиқиллаб: «Ўлдим! Ўлдим!»—деб инқиллаб ётибди. Қорнини ушлаб кўриб иш чатоқ эканини дарҳол тушундим. Худонинг ўзи сақласин, қон кўп кетиб қолибди. Ўзи ҳам анчадан бери тўлғоқ тутиб ётган экан. Бундай вақтда дўхтирдан бошқа даво йўқ, жонини олиб қолса ўша олиб қолади.

Тентираклаб кўчага чопиб чиқиб, Ойшаларнинг деразасини муштлаб юбордим:

«Турунглаар, вой, турунглаар! Бектош, айланайин, аравангни тезда тайёрла, Алиманни дўхтирга олиб бормасак бўлмай қолди»—деб уларни уйғотиб қайтиб чопиб келиб, Алиманга сув ичирдим. Қалт-қалт этиб, тиши тишига тегмай, аранг ичди. Унгача тўшакда касал ётган Ойша чопиб келди. Алиманнинг афтини кўриб, бўздек оқариб,

титраб: «Айланайин, Алиман, чидаб тур. Чидаб тур, эй Худо, Худо!»—деб куюнди. Ўша кечаси Бектош ишдан кеч қайтиб, Худо ярлақаб, отларини бостирмага боғлаб, аравасини уйга киритиб қўйган экан. Кўп ўтмай аравани ҳовлига ҳайдаб кирди. Аравага кўрпа-тўшак солиб, ёстик қўйиб, қоронгида тимирскиланиб уч киши бўлиб Алиманни зўрга кўтариб ётқиздик. Шу билан у-буга қарамай тез жўнайвердик.

Оҳ, ўшандаги йўл азоби-ей, оҳ, ўшандаги қоронги тун-эй... Дўхтирхона у вақтда сувнинг нариги бўйида, катта қишлоқда эмасмиди. Кўприк бўлса ҳов пастда, анча йироқда эди.

Уйдан чиққанимиздан Алиманнинг тўлғоғи қайта кучайиб, беш букилиб, беш ёзилиб, устидаги ёпинчиқларини иргитиб, одам чидай олмайдиган товуш билан чинқирарди.

– Ҳа, Тўлғаной, ўша қоронги, изгирин тунда қиш келишини кутиб жунжикиб, совуқдан қалтираб ётган эдим, одамнинг қаттиқ чинқирган ягона товушидан сесканиб кўзгалдим. Ўша сизлар экансизлар-ку.

– Ҳа, она-Ерим, мен шунда нима қилишимни билмай шошиб қолдим. Бектош аравани тезроқ ҳайдаса, Алиман чидамай қичқиради, секинроқ ҳайдаса, сабр чидамасди: қон тўхтамай кетаверди, майиб бўлиб қоладику, деб менда жон қолмади. Шу зайлда гилдираб боравердик. Бундай йўл бир текисроқ бўлсачи, айланай. Алиманнинг бошини тиззамга қўйиб, бўйнидан кучоқлаб ўтирдим. Гоҳ ёпинчиқларини ўнглайман, гоҳ фонусни юзига тутиб қарайман. Бектош айланайин, қайта-қайта қайрилиб: «Чидаб тур, янга, мана етамиз»—деб овутмоқчи бўлади.

Муздек ёмғир савалай бошлади. Бир вақт инқиллаб қичқириб ётган Алиман чираниб, қайта буқланиб, бақириб, қичқира бошлади. «Алиман! Алиман!»—деб чўгдек юзларини сийпалаб, ёриққа тутсам, жон талашган, қийналган кўзлари билан менга аянчли бир ҳолда, тикилиб:

«Тўхтанглар. Ўляпман. Тўхтанглар»–деди. Аравани тўх-
татдик.

«Бошимни қаттиқроқ босинг, эна»–деб энтикиб
йиглаб гапирди. «Эна, энажоним! Ичим куйиб, ўлиб бор-
япман, тирик қолмайман. Хосиятингиздан айланайин
энажоним, у дунё, бу дунё розиман сиздан. Ўглингиз қар-
шисида мен оқман, гуноҳим йўқ. Қосимнинг кўзи тирик
турганда мен шундай бўлармидим... А-а-а, Қосим-эй... Мен
ҳам жони бор одам эмасманми, аёлманда... Бу дунёнинг
роҳатини кўрмай кетдим, қандай қилайин, қандай қилай-
ин. Кечиринг, кечиринг, энажон, ёмон кўрманг». Бағрим
эзилиб ялиндим: «Чидаб тур, болам, чидагин, сен поксан,
сенда гуноҳ йўқ. Сен ҳалол аёлсан. Сен ўлмайсан. Чид-
гин, мана кўприкка етиб олдик. Энди тез етамиз, сен ўл-
майсан!»

Ўша маҳалда Алиман яна чалқанча ётиб, кучаниб, қор-
ни яна сиқила бошлади. Боланинг қўли чиқиб келаётган
экан. Қон ҳали ҳам кетиб турибди. Бир оз вақт ўтса ўлиб
қолишига кўзим етиб: «Бектош, қўлтигидан юқори кўта-
риб, қорнини сиқ,– дедим.– Уялма, кўтар тезроқ!»

Боядан бери йиглаб ўтирган Бектош ирғиб туриб, Али-
манни кўтариб, қорнини босганда, боланинг қўлидан уш-
лаб тортдим. Бола чиқмаётганди. Алиман бир ёқда қичқи-
риб жон талашиб ётса, тавба, қулогимни тиндириб, тагин
ўша эшелон: бир-бирига улашган икки паровоз олиб учган
вагонлар миямни қоқ ёриб ўтиб бораётгандек туюлди...
«Она-а, Алима-ан!»–деб шамол олиб қочган ҳайқириқ то-
вушга чақалоқнинг «Ингга-а!» деган товуши кўшилди...
Эҳ, ҳаёт-эй, нега бунча бераҳм бўлдинг, нега бунча кўр
бўлдинг?

Бола ҳам тушди. Алиманнинг жони ҳам чиқа бошлади.
Қип-қизил этни этагимга нари бери ўрай солиб қарасам,
Бектош қўлтигидан олиб кўтарган бўйича, Алиманнинг
бир оёғи қийшайиб, қўллари саланглаб қолибди. «Вой,
Алиман!»– деб томирини ушлаб кўрсам, жон йўқ, чиқиб

бўпти... Ҳайқирган шамолни ёриб эшелоннинг шақ - шақ урган овози қулоғимдан ҳеч вақт кетмайди... Дунёга келган заҳоти «Инг-га-а!» деб қичқирган бола биринчи тўнғич товушила ўлиб бораётган онаси билан хўшлашаётгандек йиғлар эди... Алиманинг кўзи музлаб олайиб қолди. Нима қилишимни билмай қолдим. Бир вақтнинг ўзида бирини узатиб, бирини кутиб олдим. Бир вақтнинг ўзида бири ўлиб, бири туғилиб, кўз олдимда ажал билан ҳаётнинг тўқнашгани эсимни оғдирди. Ундан кейин ўзим ҳам нима бўлганини билмайман...

– Сизларнинг товушингизни мен эшитдим, Тўлғаной. «Алиман! Айланайин қароғим! Кўзингни оч! Кўзингни оч!»—деб сен зор қақшаб ётдинг. Янги туғилган чақалоқ кўлнинг қирғоғида ёлғиз қолган ўрдак боласидек бўзлаб, кўкрак сўраётганга ўхшарди. Бу тонгга яқин ёмғир қорга айланиб ёға бошлагандек бўлди.

– Ҳа, кўприкка етмасданоқ орқага қайтиб келаётганимизда тонг ёришди. Бўзарган осмоннинг бети зангори тусга кириб, ғира-шира ёруғда юмшоққина оппоқ қор сепкилаб ёғиб турарди. Теварак-атрофда на биронта жон кўринар ва на биронта товуш эшитиларди. Дунё бир текисда сукунатга чўмган эди. Табиатнинг ўша ҳорғин ҳолатини бузиб, ёлғиз бизнинг арава келарди. Бектош аравада ўтирган жойида бошини қуйи солиб, йўл бўйи ҳиқиллаб йиғлаб келди. Отлар аранг босиб, ёлига, қуйруғига қор ёпишиб, аравани тортолмай чарчаб, аранг келишарди.

Болани чопонимга ўраб, мен араванинг ёнида пиёда келардим.

Шундай қилиб, уруш энг охириги ўчини олиб тинчиди. Ўша кунги босилган йўл – ҳаётимдаги энг оғир йўл бўлди. «Тфу, сенинг бетингга, дунё!»— дедим. —Кечдим сендан, кечдим. Яшашни истамайман! Бундай қилиб яшагандан кўра, бугуноқ ўлганим бўлсин!»—деб ниятим бузилиб, ҳаётдан безиб келавердим. Мен шундай келаётганимда, чопонимдаги бола, тирик жонда, бир қимирлаб, бир овоз

чиқариб, бир ингалаб йиглаб келарди. Унинг танаси борган сари қалбимни иситиб, юрагимга яқинлаша борди. Ўғилми, қизми, ҳали билганим йўқ. Оббо бечора- ей, ҳадеганда онангни йўқлаб қолдинг-ку, деб ундан баттар уввос тортиб йигладим. Ўша қайғули, изтиробли йигининг орасида қандайдир ғалати бир фикр туғилди: «Умр тап-тақир тугаб қолмабдику. Орқасидан кичкинагина тирик жон қолибдику. Ҳаёт билан яна бир марта беллашиб кўрсак қандай бўларкин?» Бироздан кейин яна ўйладим: «Она сутини тотмаган гўдак одам бўлади дейсанми. Қанча ҳам яшай оларди»–деб гумон қилдим. Унга ҳам кўнмай: «Худо-ей, энди шу норастанинг умрини бер!»–деб тилайман. Қўйчи, шундай ҳар хил ўй-фикрлар билан олишиб оппоқ тонг отганда овулга етиб келдик. Уккининг патидек юмшоқ қор учқунлари бирини бири қувишиб ҳавода айланмачоқ ўйнаб ёғиб турарди.

Овулга кираверишдаги ҳали янги кўча деганимиз кўзимга аллақандай совуқ, аянчли бўлиб кўринди ўшанда. Уй-жой солиб, боғ-роғ қилиб, оз-моз чорва кўпайтирамиз, кун кўрамиз деганларнинг бундан етти йил бурун бошлаган ишлари олға босмай, орқага кетиб, меҳнатларнинг изигина қолган эди. Кўнқайган харобаларни оққурай, тиканаклар говлаб босиб кетганди. Қор ёғиб, уларнинг кемтик-семтигини яшириб ётарди. Қосимларнинг чарбоғига қарасам, Алиман икковининг орзу-тилакларига ўрнатилган ҳайкалдек уюлган тош тепа, аллақачон тупроққа айланиб кетган гишталарнинг унутилиб ётгани юрак-бағримни эзиб юборди. А-а, қароғларим, орзуларингга етмай қолдиларингку, деб аравада ётган Алиманнинг афтига қарасам, юзи оппоқ бўлиб, дунёнинг ҳамма яхши-ёмонига рози бўлгандек тинчиб, кўзи юмилган. Юзига тушган қор эрима, арава қимирлаганда сидирилиб тушиб турди.

Кўчага кириб келган эканмиз... Айланайин Бектош йигитлардек аравадан сакраб тушдида, умрида биринчи марта йиги бошлаб: «Жигарим-эй! Жигарим эй!»–деб бутун

овулни бошига кўтариб юборди. Ҳар тарафдан эл югуриб кела бошлади. Йиглаб, бўзлаб етиб келган Ойша: «Болани менга бер энди»–деб олдида, чопонига ўраб, уйига кўтариб кетди.

Орадан бир кун ўтиб Алиманни ўрнига қўйдик. Аёл киши бўлсам ҳам қабрининг бошигача ўзим бордим, келинимни ўз қўлим билан қўйдим, мангуга видолашдим. У куни ҳам қор учкунлаб турди. Уюлган қора тупроқ тезда оппоқ тепага айланди. Ўша йили, кўкламда келинимнинг қабрига гул ўтқаздим. Ўшандан бери ҳар йили гул экиб ўстираман. Ёдгорлигим, эрмагим шу. Алиманим гул суйган келин эмасмиди...

Шу билан у қилиб, бу қилиб Жонбўлотни эчкининг сути билан боқиб катта қилиб олмадимми. У икковимиз кўрмаган азоб қолмади. Ҳайтовур, туз-насибаси бор экан, омон қолди. Мана ҳозир ўн икки ёшга кириб қолди. Айланиб келиб қариганда топганим, кўрар куним шу бўлиб қолди. Шунисига ҳам қаноат қиламан, ёқамни ушлайман. Айтганча, ўша пайтдаги дўхтир йигит энди катта киши бўлиб қолмадими, ҳар сафар йўлиққанда сўраб қолади: «Қандай опа, ўглинг катта бўлиб қолдими?»–дейди. «Худога шукур, йигит бўлиб қолди»–дейман. Шунда у жиламайиб қараб қолади. «Шундай қил, опа, яхши одам қилиб ўстиргин»–дейди.

Жонбўлот гўдаклигида қаттиқ шамоллаб, бир кун қарасам, лаблари кўкариб, кўзлари олайиб мазаси қочиб боряпти. Эсим чиқиб, ўша ердан ола югурдим. Тун эди. Дўхтирга тезроқ етайин, деб қиш бўлса ҳам катта сувдан кечиб ўтмадимми. Кийим-кечагим жикқа ҳўл кириб борсам, дўхтир янгидан келган ёш бола экан, қўрқиб кетди. «Нима учун сув кечиб юрибсиз, тинчликми? Бунинг ота-онаси қаерда?»

«Бунинг отаси ҳам, онаси ҳам мен. Болам, шунимни омон сақлаб қол. Бу ўлса мени тириклай кўмавер. Яшамайман»–дедим.

Кечаси билан ёнидан кетмай дори-дармон қилиб турди. Менга ҳам янги уст-бош, дори бериб, олдини олди, лекин эрта билан иситма босиб, қон йўталиб йиқилдим. Қалин туман ичида куйиб бораётгандек эс-хушимни билмай ётсам, дўхтир дам-бадам келиб, муздаккина қўли билан чаккамни ушлаб: «Опа, ўғлинг яхши бўлиб қолди. Бўшашма, касалга бой берма!»—деб ғайратлантирди. «Ундай бўлса, ўлмайман, ўлмайман»—деб шивирлаб қўйдим. Ўлмай тирик қолганимга ҳам шу сабаб бўлдимикан дейман...

– Ўғлинг йигит бўлиб қолибди, Тўлганой. Бу йил ўроқ маҳалида шу ўртада чопиб юрган экан, Алиманга ўхшашлигидан таниб олдим.

– Ҳа, қутлуғ далам, онасига ўхшашлиги рост. Бироқ ҳеч нимани билмайди-да. Отам фронтда ўлган, дейди, онамнинг қабри бўлса овулнинг четида, деб қўяди. Бу йил ёзда бир қизиқ воқеа бўлди. Ёзги таътил кунлари эди. Қосимнинг ҳалиги бир велосипеди бор эди-ку. У йигирма йилдан бери саройда қозикда осиклик турарди. Жонбўлот ўшани эшикка олиб чиқиб тузатди. Бола-да, қачонлардан буён занг босиб, яроқсиз бўлиб ётган эди. Бир вақт Бектош ҳам унга ёпишиб олибди. Иккаласи тузатмоқчи бўлишди. Роса овора бўлишди. Жонбўлотни Бектош бошидан ўз боласидек кўрарди. Ҳозир учтанинг отаси, оғир, салмоқли, кучли киши бўлмади. Кўпдан бери комбайн ҳайдайди. Ойша бўлса – ўлган. Тенгдошимдан ажралиб, шундай қаттиқ ўксидим.

Хуллас, бир кун қарасам Жонбўлотим югуриб-елиб велосипедини етаклаб қолди. «Эна, қаранг, отамнинг велосипеди қандай яхши бўлиб қолди»—деди. Юрагим аллақандай бўлиб кетди. Шунда мақтаниб: «О-о, мен ўрганиб қолдим, эна. Қараб тур ҳозир!»—деб велосипеднинг эгарига бўйи етмай бир ёқ томонига қийшайиб ёпишиб, лапанглаб, гоҳ бу ёгига оғиб, гоҳ у ёгига оғиб ҳайдаганда йиқилиб кетадими деб қўрқиб: «Туш, вой шўрим, йиқиласан!»—десам, яна қаттиқроқ ҳайдаб бориб, велосипеди билан бирга йиқилди, қаттиққина йиқилди. «Ўргилай,

қаёқдаги ишни бошладинг, ұласанку бундайда!»—деб халлослаб етиб бордим. Ердан даст кўтариб, юз-бошини артдим. Шунда қарасам, нариги ёқда Бектош тек, анчайингина тикилиб қараб турибди. Индамади, мен ҳам индамадим. Бир-биримизни тушундик.

Орадан кўп ўтмай экинлар пиша бошлади, бир кун Бектош келиб: «Жонбўлотни комбайнига ёрдамчи қилиб олайин», деган эди. «Яраса ола қол»— дедим.

Айтишга айтиб қўйиб, икки кундан кейин кўнглим чидамай боламни кўргани бордим. Подада келаётган молдек димиқиб гармсел юриб турса ҳам, пишиқчилик маҳалига нима етсин! Деҳқоннинг йил бўйи тўккан терининг, қилган меҳнатининг натижаси, самараси шунда кўринмай-дими. Бойлиги қўлига сиғмай, мардлиги терисига сиғмай ердан топган озиқ-овқати қанча одамзодга насиба бўлади. Деҳқон — оламни боқади.

Доннинг анқиган хушбўй ҳидидан, айланай деҳқон дадам, мавжланган экинларни кўриб хумордан чиқмадимми! Ҳов олис-олисларда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай чопиб келаётган отлиққа қараганингагина дунёнинг нақадар кенглигини билар экансан.

Жонбўлот комбайнида сомон ташиб юрган экан, мени кўра солиб: «Эна, эна! Мен бу ёқдаман» дегандек мақтаниб қичқирди. Штурвалнинг ёнида мағрурона турган Бектош бошини ирғаб қўйди.

Ариқнинг бўйида, толнинг соясига ўтириб кечгача томоша қилдим. Йўл чангитган машиналар бир-бирига улашиб буғдойни хирмонга ташиб турди.

Қош қорайганда комбайнчилар дам олгани келишди. Бектошнинг ёнида мағрурланиб келаётган Жонбўлот анчагача гапиролмай, ярмигача яланғоч бўлиб ариқдаги сувга ювиндида, олиб келган тугунчагимни кўриб: «Эна, олма олиб келдингизми?»— деб севиниб кетди. «Олиб келдим»—десам, югуриб келиб бўйнимдан қучоқлаб ўпа бошлади. Бектош пиқиллаб кулиб юборди: «Боядан бери

шундай қилсанг бўлмасмиди. Майли, бугунча эркаланиб ол энангга»–деди.

Кўчма уйнинг ёнида ўтириб чой ичдик – янгигина ёпилган иссиқ нон экан. Жонбўлот катта кишилардек нон тўғраб: «Олинг, эна»–деди. Бир бурда нон олиб, тишлаганимда, Қосимнинг қўлининг ҳидидек комбайнчининг мойли қўлининг ҳиди анқиб турди. Ҳа, ҳа, худди ўшандай – керосин, қуёш, сомон ҳиди келаётгандек ширин нон экан. Кўз ёшларим билан қўшиб ютиб юбордим. «Нон ўлмас эканда!–дедим ичимда.– Ҳаёт ўлмас эканда, меҳнат ўлмас эканда!»

«Кўноқлаб келиб қолибсиз, она. Ётиб кетинг бугун бизникида»– деб Бектош уйга кеткизмай қўйди. Сомон устига тўшак солиб беришди. Ўша кечаси осмонга қараб ётсам, сомонийўли янгигина тушгандек, аллаким ҳозиргина катта бир қучоқ сомон кўтариб ўтгандек, йилтиллаган майда тўпонлар шамол теккандек сочилиб, товланиб ётарди. Гўё осмону-фалакда ўша сомон йўли бўйлаб тобора олислаб бораётган эшелоннинг «шақ-шуқ» овози юрагимни зирқиратиб, узоқ вақт эшитилиб тургандек бўлди. Темир изларга урилган гилдираклари мени тебратгандек, кўзим илиниб, бугунги тунда дунёга яна бир деҳқон келдику, умрини берсин, сепган уруги юлдузлардек ҳисобсиз бўлсин, деб сомон йўлига тикилиб ухлаб қолибман.

Гира-шира тонгда ўрнимдан туриб ишлаётганларга халақит бермайин деб овулга жўнадим.

Кўпдан бери бундай мусаффо тонгни кўрмаган эдим. Кўпдан бери тўрғайнинг бундай сайраганини эшитмаган эдим. Чеки йўқ, чегараси йўқ кўм-кўк мусаффо осмонга кўрк бўлиб, бўз тўрғай, одамнинг осмонга учиб чиққан юраги каби тиним билмай, қанот қоқиб пирпираб, бир нуқтадеккина бўлса ҳам нақадар нозик, нақадар тўлқинлантирувчи куйларни таратиб хониш қиларди. Тилгинангдан айланайин, тўрғайим. «Ана, бизнинг тўрғай сайради», деб қўярди Сувонқул. Сен ҳам ўлмас экансан, тўрғайим!

ОЛТИНЧИ БОБ

– Ў, қутлуг далам, сенинг ҳозир дам олиб ётган пайтинг. Кеча ўроққа тушган одамларнинг овози ҳам эшитилмайди. Буғдой ташиб йўл чангитган машиналар ҳам йўқ, яқин орада комбайнлар ҳам кўринмайди, моллар ҳам тоғдан тушгани йўқ. Одамга буюрган нону насибасини ўзига буюриб, бир қарзингдан қутулгандек ер ҳайдаш учун қўш чиққунга қадар осуда ётадиган маҳалинг. Ҳеч ким йўқ, икковимиз – сен ва мен. Кўзи ёриган аёлдек чўзилиб ётганингдан айналайин, она-Ерим. Мен сенга бугун бутун ҳаётимни айтиб бердим.

Бугун менинг сиғинадиган куним, бугун менинг Сувонқулни, Қосимни, Майсалбекни, Жайноқни ва Алиманни эслайдиган куним. Мен уларни ўла-ўлгунимча унутмайман. Ўрни келганда ҳаммасини Жонбўлотга тушунтириб айтиб бераман. Эси бўлса тушунар, ақли бўлса кечирар бизни... Лекин бошқалар-чи, қуёш остида яшаган барча одамзодга айтар сўзим, айтар гапим бор. Уни қандай айтаман, уни қандай қилиб ҳаммага айтиб чиқаман?

Эй осмонда ярқираган Куёш, ер юзида юриб сен айтгин!

Эй кўчиб юрувчи булутлар, ёмгир бўлиб ёғилиб, ҳар бир томчинг билан сен айтгин!

Ер, барча одам боласини тўйгазган Ер, сен, сен айтгин, жоним туташган Ер.

– Йўқ, Тўлғаной, сен айтгин. Сен – Инсонсан. Сен ҳаммамиздан буюк, сен ҳаммадан улуғ бўлиб яратилган жонсан, сен айтгин, сен – Инсонсан!..

– Кетдингми, Тўлғаной?

– Кетдим. Хайр, омон бўл, ўлмасам яна келарман.

1963 йил.

МУНДАРИЖА

ОҚ КЕМА

Биринчи боб.....	3
Иккинчи боб.....	24
Учинчи боб.....	43
Тўртинчи боб.....	48
Бешинчи боб.....	62
Олтинчи боб.....	93
Етинчи боб.....	120

БЎТАКЎЗ

Биринчи боб.....	152
Иккинчи боб.....	163
Учинчи боб.....	173
Тўртинчи боб.....	178
Бешинчи боб.....	189

СОМОН ЙЎЛИ

Биринчи боб.....	196
Иккинчи боб.....	214
Учинчи боб.....	225
Тўртинчи боб.....	237
Бешинчи боб.....	267
Олтинчи боб.....	307

Адабий-бадний нашр

Чингиз АЙТМАТОВ

СОМОН ЙЎЛИ

Қиссалар

Муҳаррир	И. Зойиров
Бадий муҳаррир	Ш. Одилов
Техник муҳаррир	Х. Ҳасанова
Мусаҳҳиҳ	Д. Боймирзаева
Саҳифаловчи	И. Икромов

Лицензия рақами: АІ № 290. 04.11.2016.
Босишга 2019-йил 10-январда рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма.
16,38 шартли босма табоқ. 14,9 нашр табоғи.
Адади 5000 нусха. 610-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уйида чоп этилди.

100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

СИЗ АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР БИЗНИНГ НАШРИЁТИМИЗ ТОМОНИДАН ҚЎЛИНГИЗДАГИ АСАРДАН ТАШҚАРИ ҚУЙИДАГИ АСАРЛАРНИ ОЛИБ ЎҚИШИНГИЗ МУМКИН:

Тоғай Мурод Юлдузлар мангу ёнади – 252 б

Ўзбек адабиётига ўзига хос услуби билан шиддат-ла кириб келган Тоғай Мурод асарларини ўқисангиз, унинг содда, бағрикенг, мард ва чапани қаҳрамонлари билан бирга яшагандек бўласиз.

Азиз болажонлар! Қўлингиздаги ушбу китобдан Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” ва “От кишнаган оқшом” қиссалари ўрин олган. Сиз бу қиссаларни ўқиб, Ватанни севиш, ориятли бўлиш каби туйғуларни туйиб, сабоқ оласиз. Улардаги Бўри полвон, Зиёдулла чавандоз, Тарлонлар билан дўст тутининг.

Ойбек Болалик хотираларим – 272 б

Ойбек сингари улуг алломаларнинг болалик ва ёшлик кезлари, уларнинг кўча чангитиб юрган оддий боладан халқнинг мутафаккир сиймоларидан бирига айланиши айниқса сиз ёш авлодлар учун ҳамisha ибратлидир.

Жонатан Свифт Гулливернинг саёҳатлари – 296 б

Жонатан Свифт жаҳон адабиётининг таниқли намояндаларидандир. Ушбу тўпلامга сўз санъаткорининг энг қизиқарли асари киритилган. Ёш китобхонларимиз «Гулливернинг саёҳатлари»да миттивойлар ўлкасига сайр этиб, Гулливернинг қизиқарли саргузаштларида хаёлан ҳамроҳ бўладилар.

Пиримқул Қодиров **Авлодлар довони – 724 б**

Сизга тақдим қилаётган ушбу китобимизда ёзувчи П. Қодировнинг тарихий асари икки бобурийзода ҳақида. Ҳумоюн ва унинг ўгли Акбар ҳукмронлиги даврида ички ва ташқи сиёсий вазиятлар, фарзанднинг ота-онага бўлган муносабатлари, меҳр-муҳаббат туйғулари ифодаланган ушбу асарни катта қизиқиш билан ўқийсиз деган умиддамиз.

Рабиндранат Тагор **Нур ва соялар – 152 б**

Кўлингиздаги ушбу мажмуага Ҳиндистоннинг буюк адиби Рабиндранат Тагорнинг бир жуфт ҳикояси, рус шоири Сергей Есениннинг туркум шеърлари, шунингдек, атоқли ўзбек ижодкорлари – Тўра Сулаймон, Муҳаммад Юсуф шеърларидан намуналар жамланди. Инсон, уни англаш, унинг қалбини қоғозда акс эттириш мазкур сўз санъаткорларнинг бош мавзуси, асосий ғоясидир.

Абдулла Қодирий **Меҳробдан чаён – 320 б**

Адабиёт – характерлар, образлар хазинасидир. Абдулла Қодирий ўзбек адабиёти образлар дунёсини характерлар галерияси билан бойитди. Адибнинг “Меҳробдан чаён” романидаги характерларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз тақдири, ўз тирикчилиги, ўз маишати билан билишга арзигулик сиймоладир.

Абдулла Қодирий китобхон учун сеҳргар санъаткор, адиблар учун ижодий мезон муаллифидир.

Ўткир Ҳошимов **Дафтар ҳошиясидаги битиклар – 296 б**

Ушбу китоб муаллифнинг синчков кузатувлари, уй-кечинмалари, армонлари, истеҳзоли ва табассумли хулосалари асосида дунё юзини кўрган бўлиб, унда фалсафий фикрлар билан бирга Ватанимиз бошига тушган огир кулфат – «ўзбек иши», «пахта иши» деган қатагон йиллари тўғрисидаги маълумотлар гўзал лавҳаларда тасвирланган. Сиз азиз ўқувчилар китобдан ўрин олган лавҳалар билан танишар экансиз, шўро замонининг баъзи ҳунарларидан нафратланиб, бутунги мустақиллик қунаримиз қадрини ҳис этасиз деб умид қиламиз.

Одил Ёқубов
Улуғбек хазинаси – 432 б

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” номи асари сиз ўқувчиларга яхши таниш. Асарда бобокалонимиз Муҳаммад Тарагай Улуғбекнинг шахсий ҳаёти, фожиавий қисмати ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилинади.

Чингиз Айтматов
Асрни қаритган кун – 428 б

Ёзувчи Чингиз Айтматов барча асарларида бўлгани каби, мазкур асарида ҳам ўз усул-анъанасига содиқ ҳолда муайян ҳаётий воқеалар тасвирини ривоятлар фониди тасвирлаганки, асрни ўқиганимизда, ҳаёт турмуш тасвири қаердан бошланади-ю, ҳайратомуз тахайюл рамзлари, фантастика қаерда тугагини билмай қоламиз.

Адибнинг “Асрни қаритган кун” романи маънавий-руҳий покланиш палласида инсонга ўз-ўзини англаш дарсидан сабоқ бериши, шубҳасиз.

Роман қахрамонлари сизу биз, воқеалар эса ўтмишимиз ва бугунимиздир.

19.800 c.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

СОМОН ЙҮЛИ



ISBN 978-9943-5423-9-4



9 789943 542396